

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРОҲИМ УСМОНОВ

ТАСАВВУФ

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент ислом университети
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент-2012

86.38

У-73

Усмонов, Иброҳим

Тасаввуф: ўқув-услубий қўлланма /И.Усмонов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Ислом университети, 2012. – 248 б.

КБК 86.38

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада тасаввуфнинг пайдо бўлиш тарихи, тасаввуф алломаларининг фаолияти, назарияси ва амалиётига доир мавзуларда сўз юритилади. Шунингдек, қўлланмада тасаввуфда мавжуд бўлган таълимотлар тарихи, уларнинг бадиий ижод билан боғлиқ жиҳатлари, тасаввуф ва глобаллашув мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф томонидан фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳам тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга қўлланмада 130 дан ортиқ тасаввуф истилоҳига изоҳ берилган.

Ушбу қўлланма Тошкент ислом университети “Диншунослик” йўналиши талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, ундан “Психология” (Дин социопсихологияси), “Тарих” (Ислом тарихи ва манбашунослиги) йўналишларида “Тасаввуф”, “Ўрта Осиёда тасаввуф тарихи” фанларида истифода этиш мумкин.

“Тасаввуф” ўқув-услубий қўлланмаси “Тошкент ислом университетида Исломшунослик соҳасини такомиллаштириш бўйича 2011 – 2013 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури” ва А-1-049 А1-ФҚ-0-12747 “Глобаллашув шароитида замонавий тасаввуфий тариқатлар: таълимотлар, услублар, таҳлил ва хулосалар” мавзусидаги амалий тадқиқотлар давлат дастури лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тузувчи:

И.Усмонов – Тошкент ислом университети “Исломунослик” кафедраси доценти, т.ф.н.

Такризчилар:

Ҳ.Юлдашходжаев – Тошкент ислом институти ректори, т.ф.н.

Б.Абдушукуров – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Тил назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, фил.ф.н.

М.Алимова – Тошкент ислом университети “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

Ўқув-услубий қўлланма Тошкент ислом университети ўқув-методик кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (21.03.2012).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2012 йил 20 ноябрь 2603-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012
© Иброҳим Усмонов, 2012

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда маънавий қадриятлар юксалишида ўзига хос ўрин тутган тасаввуф таълимотининг шаклланиш жараёни, тарихий ўрнини кўрсатиб бериш, тасаввуфий манбаларни холисона тадқиқ этиш ҳамда унинг инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашиб, жаҳоншумул бадиий ижод намуналарининг пайдо бўлишига замин яратганини кенг кўламда ўрганишни тақозо этмоқда. Тасаввуф – узоқ асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келган диний ва дунёвий қарашлар уйғунлигидан иборат таълимотдир. Тарихимизда халқимизни таркидунёчиликка эмас, балки ижтимоий фаол ҳаёт тарзига даъват этган ғоялар ва қарашлар тараннум этилган нодир асарларни илмий тадқиқ этиш ва юзага чиқариш шарқшунос-исломшунослар олдида турган муҳим вазифалардандир. Зеро, Президент Ислоҳ Каримов ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси ва унинг ҳаётдан узилмаган таълимоти ҳақида алоҳида тўхталиб: «Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни «Баҳоуддини Балогардон» деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин», деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди»¹, – дейди.

Тасаввуф ислом илмлари орасида катта аҳамиятга эга хисобланади. Агар тасаввуфнинг моҳиятига теран назар ташлайдиган бўлсак, унда фалсафа, дин, шариат ҳамда одоб-ахлоқ каби тушунчалар жамулжам бўлганини кўраимиз. Инсоннинг руҳий-ахлоқий покланиши ва илоҳий муҳаббатдан қувват олиб юксалиб бориши бу таълимотнинг асосий ғояларидир. Тасаввуф дунёни билишни ва инсоннинг дунё ва коинот, замон ва макон, лаҳза ва абадият, ҳодиса ва моҳият ҳақидаги тушунчалари

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.39.

билан боғлиқ қарашларни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам тасаввуфни илм-маърифат тараққиётидан ташқарида тасаввуф қилиб бўлмайди. Тасаввуф тарихига назар ташласак, бошланғич босқичида содда қараш ва тушунчалардан иборат бўлиб, кўпроқ амалий тус олганини кўрамиз. Суфийлар кўпинча тоат-ибодат билан машғул бўлиб, таркидунёчилик ва риёзатга катта эътибор берар эдилар. Ўша вақтларда тасаввуфий матлаблар таълимот сифатида қайд этилмаган бўлсада, оғиздан-оғизга ўтиб келган. Кейинги даврларда эса тасаввуфга доир рисола ва китоблар яратилди, хонақоҳлар қурилди, суфийларга хос одоб-русум, уларнинг юриш-туришларини белгиловчи дастурлар тузилди.

IX аср бошларига келиб, тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, суфийларнинг амалий руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланди, шунингдек, тариқат, маърифат ва ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч асосий босқичига оид қарашлар мажмуи тузилди, тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди.

Тасаввуфнинг тарихий тараққиёти ва назарий жиҳатларини ўрганиш баробарида, йирик шайхлар ва авлиёлар фаолиятини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Воқеан, назарий қарашларнинг ўзини олиб қараганда ҳам шайхларнинг сўзи ва ҳолатлари, асарлари, насихатлари, улар ҳақидаги хотиралар, ривоят ва ҳикоятларни ўрганиш замирида умумлаштирилган. Тасаввуфий қарашларнинг яхлит таълимот сифатида ислом ўлкаларига кенг ёйилиши ва ижтимоий ҳаётда муҳим воқеъликка айланишида Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан олимларнинг ўзига хос ўрни бор.

Тасаввуфнинг муҳим хусусиятларидан бири, фақат назарий жиҳат билан чекланиб қолмасдан тасаввуф тамойилларини тариқатлар йўли орқали амалий ҳаётда татбиқ этишидир. Назарийда “тасаввуф” деб аталган бу оқимга амалиётда “тариқат” дейилади. Чунончи, тасаввуф дастлаб амалиётга катта аҳамият берган зоҳидлик ҳаракатидан келиб чиққан. Тасаввуфнинг кўпгина масалаларини етарлича англаб олиш учун фақатгина назарий билим кифоя қилмайди, деб ҳисоблайди суфийлар. Уларга кўра, зикр, мужоҳада ва риёзат орқали қалб

ушбу масалаларни идрок этадиган софликка эришади. Тасаввуф амалий турмуш тарзига асослангани учун, бир томондан унинг назарий асослари ишлаб чиқилган бўлса, иккинчи томондан тариқатлар пайдо бўлиб, тасаввуфий турмуш тарзи шаклланишда давом этган. Дастлаб, шахсий-маънавий ҳаёт тарзида муҳим ўрин тутган тасаввуфий турмуш тарзи аста-секин ижтимоий маънога эга бўла бошлади. Зоҳидлиги ва илми билан танилган улуғ шахслар атрофида суҳбат ҳалқалари ташкил этилиб, уларнинг суҳбатларида иштирок этганлар берилган тавсияларни шахсий ҳаётларида татбиқ эта бошлаганлар. Шундай қилиб, X ва XI асрларда ана шундай машҳур зотлар етакчилигида тариқатлар пайдо бўла бошлади. Фикҳий ва эътиқодий мазҳабларда бўлганидек, бу зотларнинг тариқат ташкил қилиш мақсадлари бўлмаса ҳам, уларнинг атрофида ўз-ўзидан табиий равишда тариқатлар юзага келди.

Фаннинг мақсади. «Тасаввуф» фанини ўқитишдан мақсад – талабаларда тасаввуфий қарашлар, тариқатларнинг пайдо бўлиши, суфийларнинг йўналишлари ва уларнинг ислом тарихи ва таълимотида тутган ўрни, уларнинг фаолияти ҳақидаги билим ва малакани шакллантиришдир.

«Тасаввуф» фанининг вазифалари – талабаларга тасаввуф назариясини акс эттирувчи мумтоз манбалар билан ишлаш услубларини ўргатиш, тасаввуфга пойдевор бўлган илк зоҳидлик ҳаракатларини ҳамда тасаввуфнинг ислом илмлари орасидан ажралиб чиқиш жараёнларини тадқиқ этиш, кейинчалик пайдо бўлган тасаввуф тариқатларининг муштарак ва фарқли жиҳатларини кенгроқ очиб бериш, тасаввуфдаги “ваҳдат ал-вужуд”, “ваҳдат аш-шуҳуд” таълимотларининг моҳиятини изоҳлаш, Мовароуннаҳр тариқатларининг тасаввуф тараққиётидаги ўрнини белгилаш ҳамда глобаллашув шароитида тариқатларнинг фаолиятларини ҳар томонлама таҳлил этишдан иборат.

«Тасаввуф» ўқув фани исломшуносликнинг мазкур соҳаси бўйича яратилган манбалардан мустақил фойдаланиш, айти фан бўйича мавжуд қарашлар ва ёндашувлардан тўғри илмий хулосалар чиқара билиш, муслмон ва Ғарб олимларининг тасаввуф соҳасида ёзилган асарларидан фойдаланган ҳолда

тасаввуфий қадриятлар ҳақидаги бир ёқлама хулосаларга раддия билдириш, турли мавзуларга оид асарлардан тасаввуфга нисбатан турли ёндашув ва қарашларни фарқлай олиш, диний бағрикенглик, давлат, жамият ва дин ўртасида ўзаро муносабатлардаги мувофиқлик зарурлигини сингдириш, кенг дунёқарашни шакллантириш, диний мутаассибликка қарши курашда ўз билим ва кўникмаларини қўллай билиш тажрибасини ҳосил қилиш учун бакалавр босқичи талабаларига мўлжалланган. “Тасаввуф” фани дастурини ўзлаштириш орқали талаба тасаввуфнинг пайдо бўлиши, илк зоҳидлик ҳаракатлари, тасаввуф тариқатларида шайх ва мурид муносабати, тариқатларнинг тасаввуфда тутган ўрни, тасаввуф намояндаларининг асарлари ва уларнинг халқ оғзаки ижодига таъсири, мурид, муршид, шайх, мутасаввиф, суфий, қутб, абдол, авлиё ва бошқаларнинг руҳий-маънавий дунёси, фано, бақо, суқр, саҳв, мақом, ҳол каби тасаввуфий тушунчалар билан танишади. Шунингдек, талаба мазкур ўқув курси орқали ислом оламидаги тасаввуфий йўналишларни қиёсий ўрганиш, тасаввуф бағрида вужудга келган таълимотлар тарихини таҳлил қилиш, Мовароуннаҳр алломаларининг тасаввуф таълимоти ривожига тутган ўрнини кўрсатиш, тасаввуф ва бадий ижод уйғунлиги тарихига эътибор қаратиш, тариқатларнинг глобаллашув шароитида олиб бораётган фаолиятлари ҳақида муайян аналитик тадқиқот олиб бориш кўникмаларини шакллантиради. Шулар баробарида тасаввуф намояндаларининг асарларини таржима қилиш, тариқатларда татбиқ этиладиган маросимларни муқояса қилиш ва фарқлай олишда муайян тасаввуфларга эга бўлади.

Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. “Тасаввуф” фани «Қуръон ва тафсир», “Ҳадис ва ҳадисшунослик”, “Ислом манбашунослиги”, “Исломшунослик”, “Калом илми”, “Балоғат”, “Маънавият асослари”, “Ислом тарихи”, “Ислом фалсафаси”, “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”, “Шарқ мамлакатлари маданияти тарихи” каби турдош фанлар билан ўзаро алоқадор ва узвий боғлиқдир.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ТАСАВВУФ ФАНИГА КИРИШ

Режа:

1. Тасаввуф фанига кириш, унинг предмети ва вазифалари.
2. “Тасаввуф”нинг пайдо бўлиши.
4. Тасаввуфнинг таърифи ва манбалари. Тасаввуфнинг асосий ғояси.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Тасаввуф фанига кириш, унинг предмети ва вазифалари.

Тасаввуф исломшуносликда катта аҳамиятга эга бўлган илмлардан бири. У асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келган таълимот. Тасаввуфда фалсафа, дин, шариат, имон-эътиқод, ахлоққа оид масалаларнинг акс этиши. Инсоннинг руҳий-ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат билан юксалиб бориши тасаввуф таълимотининг асосий ғояларидан бири сифатида. Тасаввуфда дунёни билиш, аниқ кундалик ҳаёт, инсоннинг дунё ва коинот, замон ва макон, лаҳза ва абадият, ҳодиса ва моҳият ҳақидаги тушунчалари билан боғлиқ қарашларнинг акс этиши. Тасаввуфнинг илм-маърифат тараққиёти билан узвий боғлиқлиги.

Илк ислом даврида тасаввуф тушунчасининг илм сифатида гавдаланиши. Саҳобий ва тобеийларнинг зухдга оид қарашлари, Аллоҳдан қўрқув ва муҳаббат ҳисси.

Ҳижрий II–III асрларда “обид”, “зоҳид”, “фақир” тушунчалари талқини. Ислом динининг турли минтақаларга ёйилиши, кўп ўлжалар қўлга киритилиши, мол-дунёга ружў қўйиш. Ислом дунёсида рўй берган сиёсий ихтилофлар. Фирқаларнинг вужудга келиши. Айрим мусулмонларда тушкунлик кайфияти ва зухдга мойиллик туғилиши. Фиқҳ, ҳадис, тафсир ва калом каби диний илмларнинг ривожланиши. Тасаввуф илми асосларини

яратишда зоҳид ва обидларнинг тутган ўрни. Ихлос, қалб, ният, нафсга қарши кураш мавзуларининг устувор бўлиши. Инсоннинг ички дунёсига муносабат. “Тасаввуф – ботиний фикҳ” деган тушунчанинг пайдо бўлиши. Фикҳ илми ҳамда тасаввуфда ихлос мавзуси, руҳий ҳолат ва маънавий фойда ҳақидаги қарашлар шаклланиши.

IX аср бошларига келиб, тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилиши. Суфийларнинг амалий руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланиши. Тариқат, маърифат ва ҳақиқат тушунчаларининг юзага келиши. Тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топиши.

Тасаввуфий қарашларнинг яхлит таълимотга айланиб, ислом ўлкаларига кенг ёйилиб, кишиларнинг ҳаётида муҳим воқеъликка айланишида Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан олимларнинг тутган ўрни.

Тасаввуфнинг фақат назарий жиҳат билан чекланмасдан, тариқатлар йўли орқали амалий ҳаётда татбиқ этиши. Тасаввуфнинг амалиётга катта аҳамият берган зуҳд ҳаракатидан келиб чиқиши. Тасаввуфнинг кўпгина масалаларини англаш учун назарий билим билан бирга, шуурий идрок этиладиган билим зарурлиги. Дастлаб, шахсий-маънавий ҳаёт тарзи сифатида пайдо бўлган тасаввуфий турмуш тарзи аста-секин ижтимоий-жамоат ҳолига айланиб бориши. Зоҳидлиги ва илми билан танилган улуғ шахсиятлар атрофида суҳбат ҳалқалари ташкил бўлиши ва шу ҳалқалар асосида тариқатлар юзага келиши.

2. “Тасаввуф”нинг пайдо бўлиши. Тасаввуф пайдо бўлишининг тарихий шарт-шароитлари. Тасаввуф сўзининг этимологияси. Тасаввуфнинг турли қирралари: амалий, назарий, монотеистик, пантеистик, элитар, оммавий, сунний. Куръон ва ҳадисларда тасаввуф шаклланишига асос бўлган матнлар: Бақара-182: *“Сиздан (эй Муҳаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман”*. Бақара-115: *“Машириқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг “юзи” мавжуддир”*. Қоф-15: *“Биз унга (инсонга) бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз”*. Моид-54:

“Аллоҳ шундай бир қавмни келтирурки, уларни Аллоҳ севадиган ва улар ҳам Уни севадиган”. “Банда нафл ибодатлар билан Аллоҳга яқинлашиб бориши” ҳақида, “Аллоҳни худди кўриб тургандек бандалик қилиш” ва бошқа шундай мазмундаги оят ва ҳадисларнинг тасаввуфий кайфият шаклланишидаги ўрни.

3.Тасаввуфнинг таърифи ва манбалари. Тасаввуфнинг асосий ғояси. Тасаввуфга берилган таърифлар: Тасаввуф – зуҳд. Тасаввуф – гўзал маънавият. Тасаввуф – қалб поклиги, ислом динининг маънавий жиҳати, махсус билимлар мажмуи, ихлос.

Комил инсон ғояси. Тасаввуфдаги Комил инсон – идеал шахс, барча дунёвий ва диний билимларни эгаллаган, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга тўла покиза инсон. Алишер Навоий таърифидаги: *Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи, Хуш давлат ул кишигаки, тушгай анинг кўзи.*

Тахаллуқ – яхши хулқ ва маънавиятни ўрганиш, таҳаққуқ – гўзал хулқ ва маънавиятни ҳаётга татбиқ қилиш. Мистицизм тушунчаси. Тасаввуф – кўпқиррали феномен. Румий талқинида тасаввуфга таъриф берувчиларни филни пайпаслаб унга ҳар бири ўз ҳолича таъриф берган кўрларга қиёсланиши. Европада тасаввуфни ислом мистицизми деб аталиши ва мистицизм тушунчасининг моҳияти, унинг барча динларга хос тушунча экани. Мистицизмнинг моҳиятига фалсафа ва онг орқали етиб бўлмаслиги, бу фақат қалб кечинмалари билан боғлиқ руҳий тушунча экани, унга узоқ муддатли покланиш давридан ўтиб, маърифат ҳосил қилиш орқали эришилиши. Тасаввуф – Мутлақни севиш деб талқин этиш мумкинлиги, унинг аскезадан (зуҳд) фарқи мистицизмда муҳаббат тушунчасинининг борлиги. Барча динлардаги мистицизм вакиллари ўз кечинмаларини учта кўринишда ифода этиш: Худога бўлган чексиз интилиш – солиқ босиб ўтиши лозим бўлган (сулук, тариқат) “йўл”; руҳиятнинг ўзгариши – кимёгарларнинг оддий моддаларни олтинга айлантира олиши; севувчининг васлга етишиш илинжида талпиниши – дунёвий муҳаббат рамзлари. Суфийлик шеъриятида дунёвий ва илоҳий муҳаббат уйғунлиги акс этиши. Зуннун ал-Мисрий ғоялари ва “маърифа” тушунчасининг юзага келиши. Тасаввуфда рамз ва тамсилларга асосланган тилнинг вужудга келиши. Тасаввуфни ўрганишда маънавий

тарбия услуби, турли машғулотлар, тариқат амалиётларининг ижтимоий-маданий ўрни. Европалик олимларининг турлича муносабатлари: Робия ал-Адавия европа адабиётига кирган илк суфий. Ибн ал-Фориз, Ҳофиз асарларининг европа тилларига таржима қилиниши. Тасаввуфнинг эроний илдизлари. Суфийликнинг келиб чиқиши ҳақидаги турли фикрларнинг юзага келиши. Неоплатониклар таълимотининг Яқин Шарқ маданиятига таъсири. Исломнинг тасаввуф таълимотига уйғун жиҳатлари. Христиан динининг мистик оқимлари билан мусулмонларнинг алоқалари. Исломнинг илк даврларида ҳинд ва буддавийлик манбаларининг араб тилидаги таржималари ҳамда туркий халқларнинг суфийлик анъаналари. Тасаввуфни ўрганишда қўлёзма асарларнинг ўрни. “Суфий” атамасига суфийлар томонидан берилган турлича таърифлар. Жунайд ал-Бағдодийнинг тасаввуф ривожига таъсири. Зухд ва суфийлик ўртасидаги муносабатлар Рувайм, Саҳл ат-Тустарий қарашларида акс этиши. Жунайд ал-Бағдодий, Абул Ҳасан ан-Нурий, ал-Ҳужвирийларнинг суфийлик ва ахлоқ уйғунлиги ҳақидаги мулоҳазалари. Шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичлари талқини. Суфийлик ва дунёвий ҳамда диний фанлар – фалсафа, фикҳ, ҳадис, ақоид муносабатлари. “Девоналик” ва дарवेशлик билан боғлиқ суфий анъанаси – Баҳлул, Мажнун образлари ва “мажзублик” ғояларининг ёйилиши. “Фақр” ғояси. Суфийликка тақлид – “муставифа”, ўзини суфий қилиб кўрсатувчиларнинг танқид қилиниши: Яхё ибн Муоз (IX аср): “уч тоифа одамлар жамоасидан четланганлар, улар: лоқайд олимлар, мунофиқ қорилар ва ўзини суфий деб иддао қилувчилардир”; Рўзбихон Боқилийнинг “Шарҳи шатҳиёт” асарида келтирилган – “бир авлиё: “дўзахга боқсам кўрдимки, унинг аҳлининг аксарияти “ямоқ кийим кийганлар, қўлларида эса, садақа учун кашкул кўтарганлар” экан”, деган фикрларнинг ривожланиб бориши. Суфий атамасининг XVIII асрга келиб таҳқирловчи сўзга айланиб бориши, Дали Мир Дард ва Бадр Ҳижозий асарларида суфий шайхларининг ҳажв қилиниши. Суфийларнинг авлиёларни улуғлаш, уларни илоҳийлаштириш ва қабрларига сиғиниш каби ҳолатларни танқид қила бошлаши. Авлиёлар культининг пайдо бўлиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 175 б.
2. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
3. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
4. Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 175 б.
5. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
6. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
7. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
8. Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем / Предисловие к Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 3-17.
9. Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекций для студентов. – СПб., 2009, – 96 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Тасаввуфнинг тарихий шаклланиш жараёни.

2-МАВЗУ: ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ТАРИҚАТЛАР

Режа:

1. XXI асрда инсон онги учун курашда тариқатлар фаолияти.
2. Юқори технологиялар ва тасаввуф.
3. XXI асрда Марказий Осиё тасаввуфи.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. XXI асрда инсон онги учун курашда тариқатлар фаолияти. Бугунги глобаллашув даврида инсон маънавий оламини турли салбий таъсир ва таҳдидлардан асраш ҳамда ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар долзарблик касб этиб бориши. Дунёнинг бирор бир ҳудудида пайдо бўлаётган мафкуравий, иқтисодий, илмий, маърифий ёки диний характерга эга ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилиши натижасида одамзот муайян бир давлатлар ёки сиёсий кучлар манфаатларининг таъсирига тушиб қолиши. “Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий миллий қадриятларга, соғлом негизда шакланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол”².

Сиёсий глобаллашув, фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув ҳамда ғоявий таъсир, тарғибот ва ташвиқот билан боғлиқ мафкуравий глобаллашув содир бўлаётгани. Замонавий халқаро муносабатларда дин омили тобора муҳим аҳамият касб этиб бориши. Кўпгина диний ташкилотлар ва бирлашмалар халқаро сиёсатда фаол иштирок эта бошлаётгани.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.113.

Жаҳон маънавий муҳитини ғарб андозалари асосида шакллантиришга зўр бериш тескари куч, яъни ғарб цивилизациясига барҳам бериб, дунёни аксилғарбий тарзда ўзгартиришга бўлган интилишнинг кучайиши.

Замонавий тараққиётда цивилизациялар, маданият ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар тизимига тасаввуфий тариқатларнинг таъсири. Тасаввуфнинг ҳар қандай муҳитда яшовчанлиги унинг турли халқларнинг маданий ютуқлари ва миллий урф-одатларини ўзлаштириб, исломий кўринишда қайта тақдим эта олиш хусусияти билан белгиланиши.

Ислом динидаги мазҳаблар ҳамда қарашлар хилма-хиллиги суфийлар ҳаёти ва дунёқарошига таъсир этиши. Тасаввуфнинг ўзига хос санъати, мусиқаси, меъморчилиги ва адабиёти мавжудлиги. Бугунги кунда жаҳонда тўрт юзга яқин тариқат фаолият кўрсатиб, улар глобаллашув шароитида Ғарб ва Шарқдаги мусулмон жамоаларининг диний, маданий ва сиёсий ҳаётида тобора катта ўрин эгаллаб бориши.

2. Юқори технологиялар ва тасаввуф. Шарқдаги мусулмон давлатлари ҳамда айрим Европа давлатларида XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, тариқатларнинг сиёсий ҳаётда фаоллашуви, тасаввуфнинг тобора куч олиб бориши, Ўзбекистонда ҳам бу ҳодисанинг ўзига хос кўринишлари намоён бўлиши. Айрим Шарқ давлатларида ўз манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий партиялар орқали тариқатларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши. Салафийлик, ваҳҳобийлик ғоялари тарқалган Шарқ давлатларида тасаввуфга нисбатан салбий муносабат шаклланиши. Европа давлатларида тасаввуфий анъаналарнинг ўзига хос шаклда тарқалиши. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарб давлатларида мусулмон муҳожирлари ҳисобига тасаввуфнинг тарқалиши. Тариқатлар замонавий ахборот коммуникация воситалари – интернет, фазовий каналлар, оммавий ахборот воситаларини қўллаган ҳолда европалик туб аҳоли ва муҳожирлар орасида тарғибот олиб бориши. Ғарб давлатларида янги тариқатлар шаклланиши ва Европанинг туб аҳолиси орасида кенг ёйилиши.

Дунёда сиёсий тус олган ақидапарастликнинг авж олиб бориши. Талайгина мусулмонлар ислом дини ва маданияти, тарихий анъаналарнинг сақланишини жамият ривожига муҳим шарт деб ҳисоблаши. С.Хантингтон томонидан машҳур америкалик диншунос Г.Вейгелнинг: “XX аср якунига кўра десекуляризация – энг доминант ижтимоий омилга айланади”, деган фикрини қўллаб-қувватланиши. Халқлар миллий давлатга мансубликдан кўра, диний идентификацияни кўпроқ ҳис эта бошлаши.

Ғарбда шаклланган тариқатлар тарғибот ишларида дунёвий университетларда маърузалар ўқиш, семинар ва конференциялар ташкил этиш, хайрия концертлари уюштириш каби ноанъанавий услублардан фойдаланиши. Суфий жамоалар ўз ўқув марказлари, нашрлари ва телерадио тармоқлари, интернет сайтлари, даврий матбуоти, тариқат ташкил этган ёзги лагерлар, боғча, мактаб ва ҳатто меҳрибонлик уйлари орқали ташвиқот олиб бориши.

XX аср охирларига келиб, тариқатларнинг транснационал уюшмалар шаклига келиши. Замонавий тариқатлар ўз интернет сайтларига эга бўлиб, ўз фаолиятини онлайн (online) тизимида жорий этиши.

Коммунистик тузумнинг емирилиши оқибатида Албанияда XX асрнинг 90-йилларидаёқ тарихда машҳур бўлган бектошийлик тариқати қайта “тирилиши”.

XXI асрда мусулмон дунёсининг деярли барча мамлакатларида турли тасаввуфий тариқатларнинг фаолият юритиши. Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларида тарқалган тариқатларда буддавийлик, ҳиндуийлик ва қадимги ҳинд фалсафасининг таъсири намоён бўлиши. Тариқатлар замона зайлида ҳаракат қилиб, жамиятдаги янги функцияларни ўз зиммаларига олишга ҳаракат қилиши.

Африка ва Шарқдаги мусулмон давлатларида XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, тариқатларнинг сиёсий ҳаётда фаоллашуви.

3. XXI асрда Марказий Осиё тасаввуфи. Ўрта Осиё республикаларида диний қадриятларнинг қайта тикланиши,

“қайта қуриш” даврида анъанавий ва ноанъанавий тариқатларнинг фаолияти авж ола бошлади.

Тасаввуф таълимотида таркидунёчилик эмас, кўпроқ ижтимоий фаол ҳаёт тарзига чорловчи нақшбандиянинг “Дилинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг меҳнатда”, деган шиори хунарманд ва деҳқонларда динга, суфийларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабат пайдо қилиши.

Глобаллашув жараёни мафкуравий таъсир ўтказишнинг самарали қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилиши. XXI асрда фаолият юритаётган тасаввуф тариқатлари замонавий шарт-шароитларга мослашиб, илғор услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда жаҳонда ўз сафларини илдамлик билан кенгайтириб, сезилмаган ҳолда пассив, лекин улкан кучга айланиб бориши. Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви минтақаси бўлган Марказий Осиёда ноанъанавий тариқатларнинг вазиятни беқарорлаштириши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 175 б.
2. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: Мухаррир, 2009.
3. Лукашук И., Саидов А. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. – Т.: Адолат, 2006.
4. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
5. Жўраев Т., Пахрутдинов Ш. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик. – Т.: Академия, 2008.
6. Акимускин О. Суфийские братства: сложный узел проблем / Предисловие к Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С.3-17.
7. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннахр, 2009. – 448 б.
8. Плещунов О. Политика мультикультурализма в Великобритании и радикализация исламской молодежи страны // Восток (Oriens) № 1, – М.: Наука, 2009. – С. 100-103.
9. Жўраев Т., Пахрутдинов Ш. Дунёвий давлатчилик ва сиёсий-

лашган динийлик. – Т.: Академия, 2008.

10. Долгов Б. Арабский мир в начале XXI в.: между демократией и исламом // Восток (Oriens) № 5, – М.: Наука, 2009. – С. 89-92.

11. Тихонравов Ю. Геополитика. – М.: ЗАО. “Бизнес школа “Интел-Синтез”, 1999.

12. Тримингэм Ж. Суфийские ордена в исламе / Пер. с англ. А.Ставиской. – М.: Наука, 1989.

13. Йўлдошхўжаев Х. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010.

14. Кныш А. Суфизм. – М.: Диля, 2004. – 464 с.

15. Бабаджанов. Б.М. Возрождение деятельности суфийских групп. / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сб. ст. памяти Ф.Майера (1912-1998) // Сост. и отв. Редактор А.А.Хисматулин. СПб ГУ: 2001.

Мустақил иш топшириқлари:

Глобаллашув шароитида Шимолий Африка, Эрон ва Марказий Осиё тариқатлари.

3-МАВЗУ: ЗОҲИДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

Режа:

1. Илк зоҳидлик ҳаракатларининг пайдо бўлиши.
2. Ҳасан ал-Басрийнинг зоҳидона қарашлари.
3. Зухд ва орифликка оид билимларнинг ортиб бориши.
4. Зухднинг турли кўринишларда намоён бўлиши.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Илк зоҳидлик ҳаракатларининг пайдо бўлиши. Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга таълимот сифатида. Тасаввуфнинг илк кўринишлари – зоҳидлик ҳаракати кўринишида пайдо бўлиши. Умавий халифалиги даврида сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплашга ружу қўйиш. Тоат-ибодат ўрнини дунё орзу-ҳаваси эгаллаши айрим эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўла бошлаши. Муҳаддислар ҳамда илгаридан фақирона ҳаёт кечириб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобийларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ курашга отланиши. Саҳобийларнинг иккинчи қисми қаноат ва зухдни («зуҳд» сўзидан «зоҳид» сўзи келиб чиққан) асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва бойлар ҳамда уларнинг ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиши, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашиб, сурункали тоат-ибодат билан шуғулланиши. Зухд ва таркидунёчилик кайфияти ислом оламининг кўплаб минтақаларида оммавий тус ола бошлаши.

Ҳижрий I ва II асрлардаги зоҳидларни ҳаракатлантирган куч – жаҳаннам қўрқуви, жаннат орзуси ва Аллоҳнинг жамолини мушоҳада этиш. Зоҳидларда “қўрқув”га асосланган зухднинг ҳукмрон бўлиши. “Қўрқув” зухдининг энг ёрқин намояндаси – Ҳасан ал-Басрий. Робия ал-Адавия номи билан боғлиқ илоҳий ишқ билан йўғирилган зоҳидона қарашларнинг кенг ёйилиши. Илоҳий ишқ билан йўғирилган зухднинг ҳаракат нуқтаси сифатида Аллоҳга муҳаббат тушунчасининг вужудга келиши.

Робиянинг қарашлари Маъруф ал-Кархий, Зуннун ал-Мисрий, Сари ас-Сақатий, Жунайд ал-Бағдодий, Мансур ал-Ҳаллож ва Ҳорис ал-Муҳосибий каби машҳур суфийларга таъсир этиши.

2. Ҳасан ал-Басрийнинг зоҳидона қарашлари. Ҳасан ал-Басрийнинг тасаввуф тарихида тутган ўрни. Ҳасан ал-Басрий орқали халифа Алига бориб боғланган тариқат силсилалари. Ҳасан ал-Басрийнинг қарашларида Аллоҳдан ҳар лаҳзада қўрқув ғоясининг устуворлиги. Ҳасан ал-Басрий томонидан умавий халифаларни танқид қилиниши. Халифаларга қурол билан қарши чиқиш эмас, улар фуқароларнинг гуноҳлари учун берилган жазо деб, уларга сабр қилиш керак, деган ғоянинг тарғиботи. Ҳасан ал-Басрий издошларини ўз амаллари ва ўйларини диққат билан назорат қилишга чорлаши. Бу қарашлар таъсирида тасаввуфда ал-Муҳосибий номи билан боғлиқ *муҳосабат ан-нафс* таълимоти вужудга келиши.

3. Зухд ва орифликка оид билимларнинг ортиб бориши. Илоҳий жазолар, бандаларнинг гуноҳлари ва ўз тақдиридан хавотирга тушиш оқибатида жамиятда доимий йиғлаб тавба қилиб юрадиган *баккаун* тоифасининг вужудга келиши. Ҳадис: “Эй Муҳаммаднинг уммати, агар сиз мен билган нарсани билганингизда эди, камроқ кулиб, кўпроқ йиғлаган бўлар эдингиз” (Имом Муслим, Имом Доримий ривояти). Валийлик ҳақидаги қарашларнинг пайдо бўлиши. Қуръон оятлари – Юнус-62: “*Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валийларига хавф йўқдир ва улар ташвиш чекмаслар*”. Пўстин кийиб юриш амалиётининг мусулмон ўлкаларида тарқалиши. Мазкур амалиётни айрим уламолар томонидан христианлик билан боғлаб, бидъат деб эълон қилиниши. Авлиёларга бериладиган *илм ал-ботин* ва унинг зидди *илм аз-зоҳир* ҳақидаги қарашлар. Аббадонда илк суфий ибодатхонаси – *дувайра* пайдо бўлиши.

4. Зухднинг турли кўринишларда намоён бўлиши. Ғайридинлар билан уруш олиб борилаётган чегара ҳудудларида зоҳидлик жамоалари шаклланиши. Бу ҳудудларда зоҳидлик ҳаракатининг кескин кўринишлари намоён бўлиши: жисман ва маънан поклик, парҳезкорлик, ихтиёрий очлик, тўхтовсиз нафл ибодатлар, ватан ҳимояси учун жон фидо қилиш. Зухднинг турли қирралари: Иброҳим ибн Адҳам – дунё матоҳларидан тўлиқ воз кечиш, Ибн ал-Муборак – фаол зоҳидлик тарғиботи, ҳалол

касб-хунар, тижорат. Фузайл ибн Иёз – ғам-ғуссалик, Аллоҳдан кўрқув, жамиятдан узилмаган ҳолда ҳалол меҳнат билан оила боқиш.

Зухд даври суфийлари (Иброҳим Адҳам, Ҳасан ал-Басрий, Абу Ҳошим Куфий ва бошқалар) тақво ва парҳезкорликни бош мақсад деб билиши. Кейинги давр суфийларида тафаккурий-шуурий юксалиш, яъни дунёни ва Илоҳни билиш, танишни асосий мақсад, деб ҳисоблаши. Тасаввуфнинг дастлабки даврларида мавжуд бўлган шартли равишдаги зоҳидлик мактаблари ва уларнинг ёрқин намояндалари:

Мадина	Басра	Куфа	Хуросон ва Мовароуннаҳр
Асҳоб ас-суффа, Саид ибн Мусайяб,	Ҳасан ал-Басрий, Молик ибн Динор, Робия ал-Адавия	Абу Ҳошим ал-Куфий, Суфён ас-Саврий, Довуд Тоий	Иброҳим Адҳам, Фузайл ибн Иёз, Шақиқ ал-Балхий

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
2. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М. – СПб.,: Диля, 2004. – 464 с.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 175 б.
6. Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем / Предисл. к Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 3-17.
7. Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекций для студентов. – СПб., 2009, – 96 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Илк суфийлар, зоҳидларнинг ўзига хос жиҳатлари.

4-МАВЗУ: ИРОҚ ТАСАВВУФИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎЗ ТАЪСИР ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШИ

Режа:

1. Ироқ тасаввуфининг маҳаллий зоҳидлик ҳаракатларидан устун келиши.
2. Ироқ тасаввуф вакиллари оммавий равишда Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларига келиб ўрнашиши.
3. Ироқ ва маҳаллий тасаввуфий ҳаракатларнинг фарқли жиҳатлари.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Ироқ тасаввуфининг маҳаллий зоҳидлик ҳаракатларидан устун келиши. “Ироқ тасаввуф мактаби” ҳамда “Бағдод тасаввуф мактаби” тушунчаларининг умумий жиҳатлари. Бағдод мактаби Ироқдаги барча тасаввуфий таълимотлардан устун келиб, уларни ҳам ўз ичига сингдириб юбориши. Ироқ минтақасида Бағдод тасаввуф мактаби етакчи мавқени эгаллаши. Қўплаб мутасаввифлар бу мактаб таълимотини қабул қилиб, ўз силсилаларини Жунайд ал-Бағдодийга боғлай бошлаши. Жунайд ал-Бағдодийнинг Ироқ ҳудудидан ташқарида, жумладан, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги тариқатлар силсилаларига киритилиши. Ироқ тасаввуфининг карромийларга хос хонақоҳ институти ва кучли назарий асосларга эга бўлган таълимотининг самарали тарғиботи натижасида маломатия ва карромия ҳаракатларини ўзига сингдириб юбориши.

Арабистонда илк ислом даврларида пайдо бўлган «тасаввуф» атамаси, Мовароуннаҳр ва Хуросонга кириб келиш жараёнлари. Суфийлар ҳақида ёзилган илк табақот китоблари: бухоролик ал-Калободийнинг (ваф. 990 ёки 994 й.) «Китоб ат-та’арруф ала мазҳаб аҳл ат-тасаввуф», ас-Саррожнинг (ваф. 988 й.) «Китоб ал-

лума 'фи-т-тасаввуф», ас-Сулабийнинг (ваф. 1021 й.) «Табақот ас-суфийя», ал-Қушайрийнинг (ваф. 1074 й.) «ар-Рисола фи илм ат-тасаввуф», ал-Хужвийнинг (ваф. 1073-77 й.) «Кашф ал-махжуб» асарларида кўплаб Мовароуннаҳр ва Хуросон солиқларининг «суфий» номи билан келиши.

Ал-Ҳоким ан-Найсобурийнинг (ваф. 1014 й.) «Тарих Найсобур» асарида IX–X асрда Нишопурнинг машҳур эллик солиқи «суфий» номи билан эмас, балки «зоҳид», «'обид», «во'из», «музаккир» номлари билан келиши. Асарда биринчи бўлиб Абу Бакр ал-Воситий (ваф. 932 й.) «суфий» деб номланиши. Асли фарғоналик бўлган Абу Бакр ал-Воситий Ироқнинг Восит шаҳрида кўп бўлгани учун «ал-Воситий» таҳаллусини олиши ҳамда Жунайд ал-Бағдодийнинг ҳалқасига қатнаб юриши. Абу Бакр ал-Воситий Ироқ тасаввуф мактабининг кўзга кўринган вакили сифатида. Жунайд ал-Бағдодийнинг «сахв» концепциясини Хуросон ва Ўрта Осиёда тарқалишининг ўзига хос жиҳатлари. Ал-Воситийнинг Ироқ тасаввуф мактаби вакили эканлиги «суфий» номини олишига сабаб бўлиши.

Қуддуслик машҳур географ-саёҳатчи Абу Абдуллоҳ ал-Муқаддасий (ваф. 990 й.) ҳам ўзининг «Аҳсан ат-тақосим фи ма'рифати ал-ақолим» асарида хуросонлик солиқларни «суфий» атамаси билан эмас, балки «'обид», «зоҳид», «во'из» номлари билан келтириши. Хуросоннинг йирик шаҳарларида зоҳидлик ҳаракатлари. Нишопур аҳолиси таркибидаги мавжуд бўлган зоҳид, обид (ёки суфий)лар фоиз кўрсаткичи ифодаланган хронологик жадвал³:

Йиллар	816-884	884-925	926-947	947-950
Зоҳид, обид, суфий	3%	6.5%	6.4%	10.1%

³ Ушбу жадвални тадқиқотчи R.Bulliet Нишопур аҳолиси ҳақида табақот китобларидан олинган маълумотлар асосида тайёрлаган.

Қуйида эса ушбу кўрсаткичларнинг уч тоифа ўртасида тақсимланиши:

Йиллар	816-884	884-925	926-947	947-950
Зоҳид	100%	55%	35%	37%
Обид	0	42%	45%	20%
Суфий	0	3%	20%	43%

IX аср охири – X аср бошларида Нишопурда обидларнинг фаолиятининг ортиши. X асрда суфийлар тоифасининг жамиятдаги ўзига хос мавқеи. XI асрда суфийлар сонининг сезиларли ортиб бориши.

Илк ҳижрий асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон мусулмон солиқларига манбаларда муносабат. Кейинги давр манбаларида ёппасига «суфийлаштирилиши». Илк ҳижрий асрларда «суфий» истилоҳи асосан Бағдод ва умуман Ироқ тасаввуф мактаби аҳлига нисбатан истеъмолда бўлиши. Ўрта аср олимлари асарларида солиқлар «суфийлар» ва «суфий бўлмаганларга» ажратилиши. Икки йўналиш ўртасидаги мавжуд ихтилофлар.

Хуросонлик солиқларнинг аксарияти Ироқда ҳукмрон бўлган тасаввуф қарашларини «шаклий» деб топиб, мистик ҳолатни зоҳирда ошкор этмай, унинг фақатгина қалбда яшамоғи лозимлигини, инсоннинг асл вазифаси – нафсини ислоҳ этмоқ, риё амаллардан сақланмоқ, қалбини фақат Аллоҳга боғламоқ эканлиги. Солиқлар томонидан ташқи қиёфа билан ажралиб, ўзгача бир гуруҳ бўлиб яшашни риёкорлик деб танқид қилиниши.

2. Ироқ тасаввуф вакиллариининг оммавий равишда Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларига келиб ўрнашиши. Шариат пешволарининг суфийларга тазйиқ ўтказиш ҳолатлари кўплаб тасаввуф намояндаларини халифаликнинг шарқий ҳудудларига кўчишга мажбур этиши. Суфий ва тасаввуф сўзларининг Хуросон ва Мовароуннаҳрда истеъмолга

киритилиши. Ироқда суфийларга нисбатан муносабатнинг кескинлашуви. Халифанинг диний ишлар бўйича маслаҳатчиси ханбалий мазҳабига мансуб зоҳид Ғулом Халил ва Бағдоднинг бош қозиси Абу Исҳоқ ал-Ҳамمودийларнинг халифа қўли билан суфийларни тазйиққа олиб, етмиш бешдан зиёд суфийни зиндиқликда айблаб, жазолаш учун сўроқ қилиши. Мансур ал-Ҳалложнинг қатл этилиши (922 й.) ва унга хайрихоҳ кишиларнинг тазйиққа учраши. Ироқ мактаби суфийларининг Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларига кўчиб келиб, у жойларда ўз мактаблари таълимотларини тарқатиши, кейинчалик уларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуфи билан қоришиб кетиши. Ироқ тасаввуф мактаби таълимотларининг минтақада устунликка эришиши. Ироқ тасаввуфи минтақада фаолият юритган карромийларнинг *хонақоҳлари* ва маломатийлардаги *футуввани* ўзлаштириш орқали Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларида маҳаллий тасаввуфий оқим ва ҳаракатларининг баъзиларини сиқиб чиқариши ёки ўзига сингдириб юбориши. Минтақа сулукига нисбатан «тасаввуф» атамаси қўлланила бошлаши.

X–XI асрларда ёзилган суфий табақотларида хуросонлик сулук аҳли «суфий» деб аталиши. Абу Бакр ал-Калободий, ас-Саррож, ас-Суламий, ал-Қушайрий, ал-Ҳужвирий асарларида Мовароуннаҳр ва Хуросон соликлари «суфий» номи билан келтирилиши, мазкур муаллифларнинг Ироқ тасаввуф мактабига мансублиги ёхуд унинг таъсири остида бўлиши билан боғлиқлик ҳолатлари.

3. Ироқ ва маҳаллий тасаввуфий ҳаракатларнинг фарқли жиҳатлари. IX–X асрларда тасаввуф назарияси ва амалиётида юз берган катта ўзгаришлар. Ирфон мактабларининг пайдо бўлиши ва улар орасида Ироқ ва Хуросон мактаблари таъсир доирасининг тутган ўрни. Хуросон тасаввуфи кўпроқ ботиний ҳаётга урғу бериш орқали Ироқ тасаввуфидан фарқланиши. Ироқлик суфийларнинг махсус қиёфаларда ошкора зикр

мажлисларини ўтказиши, жамиятдан ажралиб, алоҳида бир гуруҳга айланишини мовароуннаҳрлик ва хуросонликлар томонидан риёкорлик деб маълум қилиниши. Суф (жун либос) кийиш амалиётининг Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларида танқид остига олиниши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
2. Болтабоев Ҳ. Ислоҳ тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм : Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 175 б.
6. Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекций для студентов. – СПб., 2009, – 96 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Ироқ тасаввуфининг шаклланишида тарихий шароитларнинг ўрни.

5-МАВЗУ: ҲОРИС АЛ-МУҲОСИБИЙ ВА МУҲОСАБАТ АН-НАФС ТАЪЛИМОТИ

Режа:

1. Ҳорис ал-Муҳосибийнинг муҳосабат ан-нафс таълимоти.
2. Ал-Муҳосибийнинг қарашларига танқидий муносабат.
3. Ал-Муҳосибий асарларида тасаввуф психологиясининг намоён бўлиши.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Ҳорис ал-Муҳосибийнинг муҳосабат ан-нафс таълимоти.

Ал-Муҳосибий Абу Али ал-Ҳорис ибн Асад ал-Аназий (тахм. 781-857) – бағдодлик илоҳиётчи, суфийликнинг илк назариётчи олимларидан бири сифатида. У ҳадис ва фикҳни Язид ибн Ҳорун (ваф. 821 й.) ва Абу Исҳоқ ал-Кураший каби машҳур алломалардан ўрганиши. Бағдоддаги таҳсил жараёнлари ва мустақил таълим. Унинг зоҳидона турмуш тарзини танлаб, отаси қолдирган катта меросдан воз кечиши, муътазиллийларнинг “инсон иродаси эркинлиги” ҳақидаги таълимоти тарафдорига айланиши. Ал-Муҳосибийнинг тақводор ва билимдонлиги унга катта шухрат келтириши ва унинг атрофида кўплаб шогирдлар тўпланишига олиб келиши. Ал-Муҳосибий “Қалблар ва хотиралар” асарида суфийлик “психологияси”нинг асосий қоидаларига берилган таърифлар. Олим шахснинг камолотга етказишининг асосий воситаси – ўз-ўзини доимий кузатув ва назорат қилиши (муроқаба ва муҳосаба) деб билиши. “Ал-Муҳосибий” лақаби – «ўзини-ўзи назорат қилувчи, тергаб турувчи, ўзига-ўзи ҳисоб берувчи» маъносини англатиши ҳақида. Ал-Муҳосибийнинг ҳадис, фалсафа ҳамда муътазиллийлар таълимотига муносабати. Унинг таълимотида *ихлос ва риё* мавзуларининг устуворлиги. Риё – авлиёларга хос бўлган руҳий поклик ва камолотга эришишда асосий тўсиқ. Риёдан халос бўлишга ҳар бир амалдаги ният, фикр ва ўйларни қаттиқ тергаш ва назорат – *муҳосаба* қилибгина

эришиш мумкин эканлиги. Доимий муҳосаба билан Аллоҳга ҳақиқий маънода бандалик қилиш. Бу билан банда икки мақсадга – тавба ва мунофиқликдан қутулишга эришиши. Бу хислатлар Аллоҳдан *хавф* ва Унинг марҳаматига умид – *ражодан* келиб чиқиши. Ал-Муҳосибийнинг: агар инсон ўз ички дунёсини муҳосаба ва ихлос билан ислоҳ этса, Аллоҳ унинг ташқи оламини нафс мужоҳада ва суннага эргашиш билан тўғрилаб қўяди, деган қарашлари ҳақида.

2. Ал-Муҳосибийнинг қарашларига танқидий муносабат. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ал-Муҳосибийни бидъатчи деб эълон қилиши. Ал-Муҳосибийнинг Бағдоддан Куфага чиқиб кетишга мажбур бўлиши. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг вафотидан (855 й.) кейингина Бағдодга қайтиши. Ал-Муҳосибийнинг (857 й.) вафоти ва Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Муҳосибийга жаноза ўқимаслик” ҳақидаги фатвоси. Олим жанозасида тўрттагина кишининг иштирок этиши. Фикҳий мазҳаблар орасида суфийларга ҳанбалийлар кўпроқ муҳолиф бўлсада, энг машҳур суфийлар – Абдулқодир ал-Гилоний ва Абдуллоҳ ал-Ансорий ҳанбалий мазҳабига мансуб экани. Зиддиятларнинг асосий сабаблари: фикҳ ўз мавқеини қатъий мустаҳкамлагач, мусулмонлар орасида “фикҳ – исломнинг ғояси” деган тушунча тарқалиши; суфийлар фақиҳларни динга фақатгина муайян маросимлар, руҳий асосдан айри қоидалар мажмуаси сифатида қарашларини танқид қилсалар, фақиҳлар суфийларни диний матнлардан йироқлашиш ва турли бидъатларни динга киритишда айблаши; фақиҳлар – зоҳирий, суфийлар – ботиний жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиши ҳақидаги даъволар. Фикрлардаги тафовутлар туфайли зиддиятларнинг кескинлашуви. Ал-Муҳосибий жожеаси, Ғулом Халил иши, ал-Ҳаллож ва Насимийнинг қатл этилиши ва бошқа кўплаб суфийларнинг сургун қилиниши, маҳкамага тортилиши каби тарихий воқеалар ҳақида.

3. Ал-Муҳосибий асарларида тасаввуф психологиясининг намоён бўлиши. Ал-Муҳосибий асарларида нафс, инсон табиати, унинг заиф жиҳатлари, уларни енгиб ўтиш йўллари, руҳий машқларни тасвирлаб бериш орқали тасаввуфнинг руҳий жиҳатларига катта эътибор қаратилиши. Олимнинг

оддий зоҳидликдан шуурий камолотни илгари суриши. Нафс ва қалбнинг нозик ва яширин қирраларини тадқиқ этиш орқали тасаввуф психологиясининг асосий қоидалари шарҳлаб берилиши. “Китаб рияа ли ҳуқуқиллаҳ”, “Китаб ат-таваҳҳум ва-л-аҳвал”, “Китаб ал-васайа”, “Рисолат ал-макасиб ва-л-вараъ ва-ш-шубухат” асарларида тасаввуфнинг руҳий-психологик жиҳатларини моҳирона очиб берилиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
2. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
3. Кныш А. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Сулабий Абу Абдурахмон. Табақот ас-суфийя / Н.Шариба нашр-га тайёрлаган. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонажий, 1986. – 570 б.
6. Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекций для студентов. – СПб., 2009, – 96 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Ҳорис ал-Муҳосибий фаолияти, асарлари, “муҳосабат ан-нафс”нинг оят ва ҳадислар билан асосланиши. Тасаввуф психологияси.

6-МАВЗУ: ТАСАВВУФНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМОТГА АЙЛАНИБ БОРИШИ ВА БАҒДОД ТАСАВВУФИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Режа:

1. Тасаввуф таълимоти шаклланишининг тарихий босқичлари.
2. Бағдоднинг тасаввуф марказига айланиши.
3. Маъруф ал-Кархийнинг Бағдод тасаввуфи шаклланишидаги ўрни.
4. Бағдод тасаввуфи анъаналари вужудга келишида Бишр ал-Ҳофий ва Сари ас-Сақатий қарашларининг аҳамияти.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Тасаввуф таълимоти шаклланишининг тарихий босқичлари. IX–X асрлар тасаввуф тарихида муҳим давр ҳисобланиб, ислом оламида катта сиёсий аҳамиятга молик тарихий ўзгаришлар содир бўлиши. Аббосийлар ҳукмронлиги мавқеини мустақкамланиши. Бағдод шаҳри улкан халифаликнинг илм ва маданият марказига айлана бориши. Ислом оламида турли миллат ва элатлар, турфа маданият ва таълимотларнинг бир-бирига яқинлашуви, тўқнашуви ва қоришуви содир бўлиши. Мазҳаблар ва суннийлик ақидавий йўналишлари (мотуридия ва ашъария). Ботил оқимларнинг шаклланиши. Шиалик ўз асосларини мустақкамлаб олиши. Тасаввуф бошқа фанлардан мустақил илм сифатида ажралиб чиқиши. Тасаввуфий қарашлар, тушунчалар ва истилоҳлар ҳақида илк асарларнинг яратилиши. Суфийлар жамиятда алоҳида табақа сифатида эътиборга олинishi. Муайян жойларда тасаввуф мактаблари ташкил топиши. Бу давр тасаввуфи асосан машҳур суфийлар теварагида, уларнинг муайян қарашлари доирасида шакллана бориши. Маъруф ал-Кархий, Зуннун ал-Мисрий, Боязид ал-Бистомий, Саҳл ат-Тустарий, Жунайд ал-

Бағдодий ва Мансур ал-Ҳаллож қарашлари асосида тасаввуф тобора ўз қамровини кенгайтириши.

2. Бағдоднинг тасаввуф марказига айланиши. VIII асрнинг иккинчи ярмида Бағдод ислом оламининг сиёсий ва маданий марказига айланиши. Бағдод тасаввуфнинг маркази сифатида танилиши. Тасаввуф Бағдодда таълимот сифатида шаклланиб, бутун ислом дунёсига тарқалиши.

3. Маъруф ал-Кархийнинг Бағдод тасаввуфи шаклланишидаги ўрни. Маъруф ал-Кархий (ваф. 810 й.) – Бағдод тасаввуф мактабининг асосчиси. Суфийнинг Карх маҳалласида ўзи қурдирган масжиддаги маърузалари орқали кўпсонли мухлислар тўплаши. Тасаввуф тарихида зоҳидлик ҳаракатидан суфийлик амалиётига ўтиш босқичлари бевосита шу шахс номи билан боғланиши. Унинг тарғиб қилган асосий мавзуси “ризо” – ўз тақдирдан Аллоҳдан рози бўлиш. Маъруф ал-Кархийнинг манбаларда келтирилган кўплаб кароматлари. Вафотидан кейин Дижла (Ироқ) бўйидаги қабри зиёратгоҳга айланиши. Бағдод аҳолиси қурғоқчилик даврида унинг қабри олдида дуо қилиб ёмғир ёғдириш мумкин эканлигига ишонишлари.

4. Бағдод тасаввуфи анъаналари вужудга келишида Бишр ал-Ҳофий ва Сари ас-Сақатий қарашларининг аҳамияти. Бишр ал-Ҳофий (ваф. 842 й.)нинг муҳаддисларга қарата ўз шогирдларига ўргатаётган ҳикматларининг икки ярим фоизига амал қилишларини ҳақидаги ўғитлари. У қиёмат кунига тайёргарлик кўришда фикҳ ва ҳадислар билан машғул бўлишнинг одамларга нафи камлиги борасидаги қарашлари. Шухрат қозониш ёки тирикчилик ўтказиш мақсадида бу илмлар билан шуғулланувчиларни танқид қилиши. Сари ас-Сақатий (ваф. 867 й.) қарашларида оддий зоҳидликдаги гуноҳ амаллардан тийилиш ва шариатга тўлиқ итоатдан кўра юқорироқ бўлган Аллоҳнинг маърифатига чўмиш ҳолати акс этиши. Билим ва тажрибалар ортиши билан суфийлик йўли анча мураккаблашиши. Сари ас-Сақатий ўзигача зоҳидликда мавжуд бўлган Худодан кўрқиш ва Унинг марҳаматидан умидвор бўлиш ҳақидаги қарашларни кенгайтириб, бу икки тушунча ўртасига “ҳаё”, “ҳайбат” ва “унс” тушунчаларини киритиши. Сари ас-

Сақатий қарашларида Аллоҳга муҳаббат мавзуси ҳам муҳим ўрин тутиши. Уни кўп ҳолларда йиғлаётган ҳолда тасвирланиши – “баккаун” ҳаракатининг таъсири сифатида қайд этилиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
2. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
3. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
4. Усмонов И. Тасаввуф фанидан глоссарий – Т.: ТИУ, 2011. – 125 б.
5. Усманов И. Суфизм. Т.: ТИУ, 2011. – 168 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Бағдод тасаввуф анъаналарининг шаклланиш жараёнлари.

7-МАВЗУ: САҲВ ВА СУКР ТАСАВВУФИ ҲАМДА ФАНО ВА БАҚО ТУШУНЧАЛАРИ

Режа:

1. “Саҳв” тасаввуфининг ўзига хос жиҳатлари. Жунайд ал-Бағдодий саҳв тасаввуфининг йирик сиймоси.
2. *Тафриқ, жамъ, фано* ва *бақо* тушунчалари.
3. “Сукр” тасаввуфининг ўзига хос жиҳатлари. Боязид ал-Бистомий сукр тасаввуфининг ёрқин намояндаси.
4. Мансур ал-Ҳаллож ва *Ана-л-Ҳақ* тушунчаси.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. **“Саҳв” тасаввуфининг ўзига хос жиҳатлари. Жунайд ал-Бағдодий саҳв тасаввуфининг йирик сиймоси.** Тасаввуфнинг асосий икки йўли – саҳв ва сукр. Саҳв – жўшқин тасаввуфнинг зидди, шатҳиётларга берилмаслик, сархушлиқдан огоҳ бўлиш. Саҳв тасаввуфига шариат пешволарининг ижобий муносабати. Жунайд ал-Бағдодий (ваф. 910 й.) қарашларида саҳвнинг устуворлиги. Саййид ат-тоифа, товус ал-фуқаро лақаблари. Унинг рисола тарзида битилган асарлари – *раса’ил*нинг тили мақсадли равишда қийин битилгани.

2. ***Тафриқ, жамъ, фано* ва *бақо* тушунчалари.** Жунайд ал-Бағдодийга кўра ҳамма нарса Аллоҳда бошланади ва вақтинчалик *тафриқ*дан кейин Унда мавжуд бўлиши учун яна Унда *жамъ* бўлиши. Бу ҳолат тасаввуфда фано ва бақо тушунчалари билан боғлиқлиги. *Фано* – Аллоҳга ғарқ бўлиш, банданинг ўзлиги “эриб”, худди томчи уммонда йўқолиб кетганидек, кичик нарсанинг катта нарсада йўқ бўлиб кетиш ҳисси. Қудсий ҳадис мазмуни – “Агар Мен бандамни яхши кўрсам, унинг кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли, юрадиган оёғи бўламан”. Фанонинг энг юқори босқичи – *жамъ*. *Бақо* – фанодан кейин келиб, атрофдагиларга фанода олган илоҳий билимларни етказиш ҳолати. Жунайд ал-Бағдодийга кўра, инсониятнинг бутун тарихи Қуръонда тасвирланган ал-Мийсоқ – Худо ва бандалар ўртасидаги битимни бажаришга ва яралишидан

олдинги ҳолатига қайтишга интилиши билан боғлиқ экани. Худо бандаларини имтиҳонларга бой дунёда шахватга мойил моддий қолипга солиши. Шахват ва майллар ал-Мийсоқни унуттиришга қаратилгани. Риёзат ва мужоҳада билан инсон ўз илк софлик давридаги ҳолатига қайта олиши. Сўнг у бақо ҳолатида яна ўз дунёсига қайтиши. Харрозга кўра, фано – қалбдан барча шахват ва дунё ҳою ҳавасларининг йўқ бўлиши. Фанонинг турлари. Бақо – қалбда фақатгина Аллоҳнинг қолиши. Жамъ – ҳар ишда Худони кўрмоқ. Жамъ ва фарқ доимий кетма-кетликда келиши, бир вақтда бўлмаслиги. Жамъ маърифатуллоҳ учун, тафриқ бандалик учун. Фарқ – Худони ва Унинг махлуқотларини моҳияти яратилган мавжудотлар шаклида кўриш. Қуръондаги Анфол-17: “Отганингизда Сиз отмадингиз, (эй, Муҳаммад!) балки Аллоҳ отди”. Бақара-115: “Машириқ ҳам мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг “юзи” мавжуддир” каби оятларнинг суфийёна талқини.

3. “Сукр” тасаввуфининг ўзига хос жиҳатлари. Боязид ал-Бистомий сукр тасаввуфининг ёрқин намояндаси. Сукр тасаввуфи Илоҳий ишқ мавзусига яқинлиги. Шатаҳотлар – ҳиссий сархушлик вақтида жазавага тушган солиқнинг беҳосдан айтган сўзлари. Фано ҳолати сукрнинг асосий жиҳати. Ваҳдат ал-вужуд таълимотининг асоси. Сукрнинг бадий адабиётда акс этиши, рамз ва тимсоллар. Парвона ва шамчирок. Тайфурия суфийлик йўналишининг эпониими. “Султон ал-орифин” лақабли ал-Бистомий (ваф. 875 й.) таълимоти: инсон зикр ҳолатида ўзлигини унутади (ғалаба) ва Худо ишқидан маст бўлиб (сукр) бутун вужудини ҳис-туйғу қамраб олади, пировардида у Худода фано (йўқ) бўлиб (эриб) кетади. Бундай ҳолатни у фано (мавжудликни йўқотиш) деб аташи. “Сен мендирсан, мен эса Сендирман” иборасига ал-Бистомийнинг таърифи: гўё шахс ўзлигини тарк этиб, илоҳийликда эриб кетади ва Унинг сифатларини қабул қилади. Ал-Бистомий “хулл” (илоҳийлик инсонга кўчиб ўтиши ҳақидаги таълимот)да айбланиб, анъанавий ислом тарафдорларининг кескин қаршилигига учраши. Ал-Бистомий назарияда илоҳий (лохут) ва инсоний (носут) руҳни бир-бирига бириктиришга ҳаракат қилиши. Ал-Бистомийнинг айтган гаплари, ҳикматлари Жунайд ал-Бағдодий томонидан тўпланиб, анъанавий ислом нормаларига мослаштирилиб араб тилига таржима қилиниши.

4. Мансур ал-Ҳаллож ва Ана-л-Ҳақ тушунчаси. Мансур ал-Ҳалложнинг (ваф. 922 й.) қатл этилиши – тасаввуф тарихидаги бурилиш палласи. Ал-Ҳалложнинг қарматийлик ва ҳулулда айбланиши. “Китаб ат-тавасин”да Иблис мавзуси. Кейинги давр тасаввуф адабиётида Мансур ал-Ҳалложни оқлашга уринишлар. “Ана-л-Ҳақ” – менинг ўзлигим – Худонинг ўзлигидир”, деган фикри учун худоликни даъво қилишда айбланиши. Унинг бу қарашлари ваҳдат ал-вужуд таълимотига йўл очиши. Ал-Ҳаллож ғояларининг тасаввуф адабиётига таъсири. Шариат пешволари ал-Ҳалложни бидъат ва шаккокликда айблаши ҳамда қатл этишга ҳукм қилиши. Ал-Ҳаллож тимсолининг тасаввуф адабиётида етакчи мавзулардан бирига айланиши ва унга нисбатан турли муносабатлар шаклланиши. Юсуф ал-Ҳамадоний: “Агар Ҳусайн бин Мансур маърифатни етарли даражада билса эди, Ана-л-Ҳақ ўрнига ана-т-туроб дер эди”, деган фикрлари. Жалолиддин Румий: “Ана-л-Ҳақ – дейиш улуғ бир камтаринликдир. Бунинг ўрнига “Мен Ҳақнинг қулиман”, деган киши икки борликни ўзи ва Тангрининг борлигини тасдиқлаган бўлади. Мен Ҳақман деганда ўз борлигини йўқ қилган, мен йўқман, барчаси Удир. Аллоҳдан бошқа борлик йўқдир” дейди. Ал-Бистомий ва ал-Ҳаллож суқр тасаввуфининг энг ёрқин намояндалари.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – 180 б.
2. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Зарринқўб А. Жўстужў дар тасаввуфи Ирон. // Сино. – 2002. – № 8. – Б.10-13.
6. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
7. Усмонов И. Тасаввуф фанидан глоссарий – Т.: ТИУ, 2011. – 125 б.
8. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.

Мустақил иш топшириқлари:

Саҳв концепциясининг моҳияти. Суқр тасаввуфининг шаклланиши.

8-МАВЗУ: ФУТУВВАТ

Режа:

1. “Футувват” сўзининг келиб чиқиши ва таърифлари, унга бағишланган асарлар.
2. Футувват ташкилотларининг сиёсатга жалб қилиниши.
3. Футувват – яхши хулқлар мажмуи.
4. Навоий ва футувват.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. **“Футувват” сўзининг келиб чиқиши ва таърифлари, унга бағишланган асарлар.** Футувват – (араб. *йигитлик, мардлик*) – тасаввуфдаги мардонаворлик яъни, бошқаларни ҳимматда ўзидан юқори тутиш, фақат яхшилик қилиш, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, пиру устозлар, дўст-биродарлар шарафини ҳимоя қилишга ўзини бағишлаш, энг олижаноб одоб ва хислатларни ўзида камол топтириши. Футувват арабча “фата” – “йигит” сўзидан олингани. Жунайд ал-Бағдодийнинг таърифи: “Футувват – саховатпешалик, бировга зарар етказмаслик ва шикоят қилмаслик (ношукр бўлмаслик)”. Шиа суфийларида Али ибн Абу Толиб футувват маёғи ҳисобланиб, “Зулфиқордан бошқаси қилич эмас, Алидан бошқаси “фатий” эмас” иборасининг кенг тарқалиши. Футувват аҳлини жавонмардлар (форс. *мард йигит*), ахийлар (араб. *биродар*) деб аталиши. Қуръонда “фатий” тушунчаси: Иброҳим ва Юсуф пайғамбарлар, Ғор эгалари, Мусо пайғамбарнинг шериги Юшаъ. Манбаларда “жавонмард” сўзи маломатийларга нисбатан кенг қўлланилиши. “Маломатия ҳақида рисола” муаллифи ас-Сулабий (ваф. 1021 й.) футувватга бағишлаб алоҳида битган рисоласида ҳақиқий жавонмарднинг 212 таъриф ва сифатини келтириши. Ас-Сулабийнинг издоши бўлган тасаввуф тарихнависи ал-Қушайрий (ваф. 1072 й.). Унинг “Қушайрий рисоласи” асарида футувват мавзусининг акс этиши. Кайковуснинг (XI аср) “Қобуснома”сида 44-боб “Жавонмардлик зикрида” деб аталиши. Унда футувват одоби,

бу тур инсонларга хос гўзал ахлоқ намуналари ҳақида сўз бориши. Ҳиротлик Ҳусайн Воиз ал-Кошифий (1440-1505) “Футувватномаи султоний” асарида келтирилган футувватнинг етмиш бир шарти ва “Кимдаки, мазкур шартлардан бирортаси топилмаса, у футувватдан бебаҳрадир”, деб таъкидланиши. Ал-Кошифий футувватни тариқатнинг таркибий қисми, деб қараши. Айрим манбаларда тариқат ва футувват ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлсада, аммо улар алоҳида тушунчалар экани қайд этилгани. Футувват – тасаввуфий қарашларнинг амалий татбиғи сифатида эътироф этилиши.

Жавонмардлар худди суфийлар муридга мураққаъ ёки хирқа кийдиргани сингари ўз сафларига янги кўшилганларга ажратиб турувчи махсус шалвор кийдириши. Манбаларда сарбадорлар ҳам футувват аҳли сифатида эътироф этилиши.

2. Футувват ташкилотларининг сиёсатга жалб қилиниши. Аббосий халифа Носир (1180-1225) ўз мавқеъини мустаҳкамлаш учун биринчи бўлиб футувватга расмий ташкилот тусини бериши. Халифанинг ўзи ҳам футувват шалворини кийиб, “саййиду-л-фитён” лақабини олиши. Шу йўл билан у Бағдод аҳолисининг қўллаб-қувватлашига эришиб, салжуқийларнинг таъсиридан қутулишга ҳамда рофизийларни йўқ қилишни мақсад қилиши. Халифага суҳравардия тариқати асосчиси Абу-н-Нажиб ас-Суҳравардийнинг (ваф. 1168 й.) жияни Абу Ҳафс ас-Суҳравардий (1145-1234) футувват ғояларини аҳолининг кенг қатламлари орасида ўзининг оташин ваъзлари билан тарқатиш орқали ёрдам кўрсатиши. Абу Ҳафс ас-Суҳравардий “Суфийлик йўли оддий мусулмон учун машаққатли ва оғир бўлгани сабабли омма учун футувват тариқатнинг бир бўлагидир” дея эътироф этиши. Абу Ҳафс ас-Суҳравардий мақсадли равишда футувватга хос шараф кодексини тасаввуфнинг маънавий кўрсатмалари билан боғлашга уриниши.

3. Футувват – яхши хулқлар мажмуи. Футувват концепцияси тасаввуфдаги ийсор – ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш ғоясини энг юқори даражага олиб чиқиши. Футувват гуруҳлари – жамиятда юксак ахлоқ, саховат, мардлик ва адолатпарварликнинг юксак намунаси сифатида

эътироф этилиши. Умрни дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриб, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, зохиран ва ботинан покланиб, ҳалол-покиза инсонлар суҳбатини қозониш каби футувват ғоялари. Мовароуннаҳрда кенг тарқалган футувват ғоялари ибн Баттутанинг (ваф. 1368 й.) “Сафарнома” асарида тўлқинланиб ифода этилиши.

Кошифий қайд этган футувватдаги уч мартаба: саҳо – бор нарсани ҳеч кимдан қизғанмаслик; сафо – қалбни кибру ҳаво, гина-қудрат, қасд-ғазабдан холи ва пок тутиш; вафо – ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш.

Тариқатлардаги пири муршид сингари футувват ташкилотларида пайғамбарлардан пирлар бўлиши: ҳазрати Одам – дехқонлар пири, ҳазрати Шис – пахтачилар пири, ҳазрати Идрис – тикувчи ва хаттотлар пири, ҳазрати Нуҳ – савдогарлар, ҳазрати Солиҳ – туякашлар, ҳазрати Иброҳим – сутчи ва дурадгорлар, ҳазрати Исмоил – овчилар, ҳазрати Исҳоқ – чўпонлар, ҳазрати Зулкифл – новвойлар, ҳазрати Лут – тарихчилар, ҳазрати Узайр – боғбонлар, ҳазрат Илёс – тўқимачилар, ҳазрати Довуд – темирчилар, ҳазрати Луқмон – ҳакимлар, ҳазрати Юнус – балиқчилар, ҳазрати Исо – сайёҳлар, Муҳаммад (с.а.в.) – боғбон ва савдогарлар пири экани.

4. Навоий ва футувват. Навоийнинг комил инсон концепцияси шаклланишига катта таъсир кўрсатган футувват (жавонмардлик)га муносабати. Футувватнинг Кичик Осиё ҳудудидаги ўзига хос тармоғи – ахийлик ҳаракати. Навоий «Сабъаи сайёр»идаги Ахий образининг мазмун-моҳияти.

*Муруват – барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват – барча қилмакдур, демак йўқ.*

Алишер Навоийнинг ахийлик ҳақида махсус ҳикояси. Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг шуҳрат қозонган ва шаҳар ҳунармандларининг катта қатламини қамраб олган – жавонмардликни четлаб ўтилгандай туюлсада, шоир асарларида

«футувват» ва «жавонмард» атамалари комил инсонларга хос ижобий хусусият сифатида кўп тилга олиними.

Фаридуддин Аттор футувватга қўйган 72 талаб ва Хусайн Воиз Кошифий кўрсатган 71 та шартнинг барчаси мужассам бўлган икки сифат: саховат ва шижоат. Навоий асарларидаги ижобий қаҳрамонлар фаолияти ва барча муҳим сифатлари жавонмардлик талаблари билан мувофиқлиги.

Алишер Навоий гарчи жавонмард номи билан махсус ҳикоя ва образ яратмаган бўлса ҳам, Фарҳод, Масъуд, Саъд, Фаррух, Искандар, Шопур, Муқбил сингари ҳақиқий жавонмардлар тимсолида ўзининг бу масалага доир қарашларини ифодалаши.

Алишер Навоий “жавонмардлар” сифатида тилга олинмаган “сарбадорлар” ҳаракати билан темурийлар ўртасидаги муносабатларни инобатга олиб, фатийлар мавзусида эҳтиёткорлик қилиши. Навоий асарларини футувват нуқтаи назаридан кузатиш асосида жавонмардларга нисбатан чуқур муҳаббатини англаш мумкинлиги.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
2. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука, 1989.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Зарринқўб А. Жўстужў дар тасаввуфи Ирон // Сино. – 2002. – № 8. – Б.10-13.
5. Усманов И. Суфизм. – Т.: ТИУ, 2011. – 168 с.
6. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний; Ахлоқи Муҳсиний. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 376 б.
7. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: ИздаНИЕ тельство Ленинградского университета, 1966. – 400 с.
8. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.

Мустақил иш топшириқлари:

Футувват ахлоқи ва XXI аср.

9-МАВЗУ: МОВАРОУННАҲР ВА ХУРОСОНДАГИ ИЛК МАҲАЛЛИЙ СУФИЙЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

Режа:

1. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маҳаллий суфийлик ҳаракатларининг ўзига хос жиҳатлари.
2. Маломатийлик ҳаракати.
3. Ибн Карром ва карромия ҳаракати.
3. Карромия ва Бағдод тасаввуфи.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маҳаллий суфийлик ҳаракатларининг ўзига хос жиҳатлари. Карромийлар ва маломатийларнинг минтақа диний муҳитида тутган ўрни. Минтақада асосан зоҳидликка асосланган ҳаракатлар фаолият юритиши. Ал-Ҳужвирий қайд этган 12 тасаввуф мактаби.

Басра, Куфа, Бағдод ва унинг атрофида кенг тарқалган тасаввуф ҳаракатлари. Арабистон ярим оролидан ўзга ўлкалар, Миср, Хуросон, Нишопур ва ислом оламининг бошқа диёрларига ҳам бу ҳаракатларнинг ёйилиши (IX аср охири). Бағдод, Басра, Миср, Мадина ва Хуросонда тасаввуф мактаблари пайдо бўлиши. Ироқ ҳудудида Жунайд Бағдодий ва бошқа машҳур суфийларнинг қарашлари асосида шаклланган тасаввуф ҳамда Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларидаги тасаввуфнинг ўзига хос фарқли хусусиятлари.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда IX-X асрларда тасаввуф ривожини учун вужудга келган қулай шарт-шароит. Минтақада турли тасаввуфий мактаблар шаклланиши. Бу мактабларнинг ислом дунёсида тасаввуф ривожидида тутган ўрни. IX-X асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда фаолият юритган 12 асосий тасаввуф мактаби. XI аср охирида мазкур мактаблардан бугунги кунга қадар етиб келган тариқатлар. Абулҳасан Жуллабий Али ал-

Ҳужвирийнинг (ваф. 1074 й.) «Кашф ал-махжуб» асарида мавжуд тасаввуф мактабларини расмий исломга мослиги тартибида тасниф этиши. Ал-Ҳужвирий таърифлаган ўнта мақбул ва иккита ботил мактаб. Илк суфий мактаблар – машхур суфийлар атрофида шаклланган ҳалқалар. Ал-Ҳужвирий ҳақ деб билган мактаблар – муҳосибия, қассория, тайфурия, жунайдия, нурия, саҳлия, ҳакимия, харрозия, ҳафифия, сайёрия. Ботил мактаблар – ҳалложия, ҳулмония.

2. Маломатийлик ҳаракати. IX-X асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудида *маломатия* ва *карромия* кўпсонли тарафдорларига эга бўлиши. Икки ҳаракат таълимотларида ўзаро ихтилоfli жиҳатлар. Маломатийлар карромийларнинг «ўзини ошқора намойиш этиш орқали таълимотини тарқатиш» ғоясига қарши бўлиши. Маломатия ҳаракати ҳижрий учинчи (мил. IX) асрнинг иккинчи ярмида Нишопурда пайдо бўлиши. Ҳаракатнинг асосий ғояси – нафс тарбияси ва риёзат. Маломатийларни бошқа замондош тасаввуфий тоифалардан фарқлаб турувчи томони, улар Аллоҳ ҳузурини ихлосга эришиш учун нафсни айб ва иллатлардан муолажа қилишга асосий эътиборни қаратишлари. Маломатийларнинг асосий жиҳатлари: махсус кийимга бурканиб олмаслик; жаҳрий зикрдан ҳафий зикрни афзал кўриш; мақсадсиз дарбадар юришдан қайтариш. Мазкур қоидаларнинг айримлари *нақшбандия тариқати* томонидан ўзлаштирилиши.

Абдурахмон ас-Суламийнинг маломатийлик ҳаракати ҳақидаги «Рисола ал-маломатийя» асари. Ал-Ҳужвирий «Кашф ал-махжуб» асарида маломатийларни танқид қилиши. Шихобуддин Абу Ҳафс Умар ас-Сухравардий «Авориф ал-ма'ориф» китобида маломатия ва тасаввуф аҳлини бошқа-бошқа тоифалар деб ҳисоблаши. Маломатийларга замондош минтақадан чиққан машхур суфий ал-Ҳаким ат-Термизий (ваф. 932 й.) маломатийларни ва уларнинг таълимотидаги айрим жиҳатларни танқид қилиши. Дастлабки қарашларида нафл ибодатларни яшириб бажариш, риёкорликдан сақланиш, шу

билан бирга, Аллоҳни ёдда сақлаган ҳолда, ўз нафсини доимо ерга уриш ҳақидаги тушунчаларга асосланган маломатийлик аста-секин ўз асл ғоясидан узоқлашиб, бошқаларнинг таҳқирлашига сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар қилмоқ, яхши амалларни яшириб, ёмон амалларни ошқор қилмоқ сингари тушунчаларни ўзлаштириши.

3. Ибн Карром ва карромия ҳаракати. Минтақада *карромийлар* номи билан танилган диний-зоҳидлик оқимининг юзага келиши. Карромиянинг Хуросон, Мовароуннаҳр ва Қуддус тасаввуфий муҳитидаги тутган муҳим ўрни. Ҳаракат асосчиси Ибн Карром (ваф. 869 й.) ва унинг издошлари манбаларда «суфий» номи билан қайд этилмагани. Манбаларда уларнинг номи ташлаб кетилиши ёки кескин танқид билан эсланиши. Карромийлар ўз даъват ва ташвиқотларини тарғиб қилиш мақсадида махсус иморатлар – *хонақоҳлар* барпо этишлари. Хонақоҳларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда тасаввуф ташвиқот марказлари сифатидаги хизмати. Ҳанафий мазҳабида бўлган карромийларнинг имон масаласига муржи'ийлар нуқтаи назаридан ёндашуви. Карромийлар Аллоҳга жисм (тана) нисбати бериш (*тажсим*)да айбланиши.

Ибн Карром таълимотида кескин зоҳидлик ҳаёти устувор бўлиб, у қуйидаги беш асосга таяниши:

1. Ихтиёрий оч юриш.
2. Қуръонни кўп тиловат қилиш.
3. Тунги бедорликлар.
4. Кундузлари ўзини дунёдан тийиб юриш.
5. Абзорлар билан ҳамсуҳбат бўлиш.

Карромийлар тарғиботда биринчилардан бўлиб хонақоҳлардан фойдаланиши. Карромийларнинг асосан жамиятнинг қуйи табақасига мурожаат қилиши.

3. Карромия ва Бағдод тасаввуфи. Карромийларнинг тарих саҳнасидан туша бошлаши (XI аср). XIII асрга келиб уларнинг Ироқ тасаввуфи томонидан ўзлаштирилиши ва йўқ бўлиб кетиши. Ироқ тасаввуфининг маҳаллий суфий ҳаракатларга

нисбатан кучли назарий асосга таянганлиги. Маҳаллий ҳаракатлар Бағдод тасаввуфига хос бўлган ботиний жиҳатдан кўра зоҳирий жиҳатларга кўпроқ эътиборга олиши, жумладан, дағал жун кийиш амалиётини танқид қилиниши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
2. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука, 1989.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Зарринкўб А. Жўстужў дар тасаввуфи Ирон // Сино. – 2002. – № 8. – Б.10-13.
5. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
6. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского университета, 1966. – 400 с.
7. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – 180 б.

Мустақил иш топшириқлари:

Ироқ тасаввуфи ва Мовароуннаҳрдаги тасаввуфий анъаналар ўртасидаги тафовутлар.

10-МАВЗУ: АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ ТАЪЛИМОТИ

Режа:

1. Ал-Ҳақим ат-Термизийнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуфида тутган ўрни.
2. Ал-Ҳақим ат-Термизий асарларида валоят мавзуси.
3. Валийлик ҳақидаги қарашларнинг рисожи. “Хатм ал-авлиё” мавзуси.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Ал-Ҳақим ат-Термизийнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуфида тутган ўрни. Минтақада ҳақимлар йўналишининг вужудга келиши. Ҳақимлар ўз қарашларида масалаларнинг ботиний жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиши. Минтақада ҳикмат илмининг ўзига хос жиҳатлари. Ал-Ҳақим ат-Термизий – буюк ҳақим. Ат-Термизий асарларида ҳақимлар тасвири. Илк ҳижрий асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон соликлари «суфий» деб эмас, балки ҳақим, воиз, музаккир, обид ва зоҳид каби номлар билан аталиши. «Тасаввуф» истилоҳи Мовароуннаҳр ва Хуросон сулук йўлига нисбатан X асргача қўлланилмагани. Ал-Ҳақим ат-Термизийнинг ўзини «суфий» ёки «мутасаввиф» деб ҳам ҳисобламагани. Алломанинг VIII-X асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақасига кириб келаётган Ироқ тасаввуф мактаби таълимотлари таъсирига тушмагани. Ал-Ҳақим ат-Термизий суф кийиш амалиётини татбиқ этган замондош суфийларни танқид қилиши. Ат-Термизийнинг зуҳд ҳақидаги қарашлари. Ҳақимнинг билими – ҳикма, яъни ички моҳият ҳақидаги билимдир. ‘Илм ал-ботин – бу ҳикма. Ат-Термизийнинг Қуръони каримдаги: “*Уларга Китоб (Қуръон) ва Ҳикматни (ҳадисни) ўргатадиган*” оятидаги *ал-Китоб* – Қуръоннинг зоҳири, *ал-ҳикма* эса унинг ботини, яъни яширин маънолари, деб тафсир қилиши.

2. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида валоят мавзуси.

Валийлик мавзусига қизиқишнинг ортиши. Валийлик мавзуси бўйича ижод қилган муаллифлар ва ёзилган асарлар. Ислонда “валийлик” тушунчаси. Ат-Термизий илмий меросида валийлик талқини. Валийлик иерархиясига оид тизимли қарашлар. Ат-Термизий асарларида нафс, қалб ва руҳ мавзуси. Ал-Ҳаким ат-Термизий «валоят» ва «авлиёлик» мавзусига деярли барча асарларида мурожаат қилиши. Ал-Ҳаким ат-Термизий тасаввуф таълимотидаги «валоят назарияси»нинг асосчиси ҳисобланиши.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги валийлик даражалари: ақтоб, автод, абдол, нуҷабо, нуқабо, мунфарид, сиддик, содик ва бошқа.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Илм ал-авлиё» асарида келтирилган валийлар илми ҳақидаги мўътадил қарашлари. «Хатм ал-авлиё» – тасаввуфда «валоят мавзуси»га бағишланган биринчи мукамал манба. Ал-Ҳаким ат-Термизий валоятни икки тур (валояти омма ва валояти хосса)га, валийларни ҳам иккига – валий сидқуллоҳ ва валий миннатуллоҳга ажратиши. Ибн ал-Арабийнинг валийлик ҳақидаги қарашлари шаклланишида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг таъсири.

3. Валийлик ҳақидаги қарашларнинг ривожини. “Хатм ал-авлиё” мавзуси. Валийликнинг белги ва даражалари. Тасаввуф тарихида «хотам ал-авлиё» иборасини биринчи марта ал-Ҳаким ат-Термизий томонидан қўлланилиши. Қуръони каримдаги «...**Ва хотам ан-набиййин**» («...пайғамбарларнинг муҳридир») оятига мувофиқ, «Набийларнинг хатми (муҳри) бўлгани каби валийларнинг ҳам хатми бор ва валоят оламидаги «Хотам ал-авлиё» нубувват оламидаги «Хотам ал-анбиё» кабидир», деган фикрни илгари суриши. Ат-Термизийнинг хотам ал-авлиёга «хатм ал-валоя» (валоят муҳри) берилгани борасидаги қарашлари. Хотам ал-авлиё – авлиёларнинг саййиди ва ҳар хусусда уларнинг пешқадамидир. Ал-Ҳаким ат-Термизий таснифидаги валийликнинг энг юқори даражаси – **хотам ал-авлиё**. Хотам ал-авлиё ва комил инсон тушунчалари муқоясаси.

Ат-Термизийнинг «Хотам ал-авлиё» ҳақидаги фикрлари: «Муҳаммад (а.с.) пайғамбарларнинг хотамидир. Унинг вафотидан

сўнг, умматидан қирқ киши унинг ўрнига ўтади, шунда ер улар билан қоим бўлади. Улар расулнинг аҳли байтларидир. Насаб жиҳатдан эмас, зикр жиҳатдан унинг хонадонидир. Бу қирқ кишидан бири вафот этса, ўрнига умматдан бири ўрнини босади. Буларнинг саноғи тугаб, дунёнинг завол вақти келгач, Аллоҳ бир валий юборади. Уни саралаб, ўзига яқин қилган бўлади. Унга «хатм ал-валоя» (валоят муҳри) ҳам бергандир. Бу валий қиёматгача бошқа валийларга Аллоҳнинг хужжати бўлади. Муҳаммад (с.а.в)нинг нубувват сидқи бўлганидек, унинг ҳам валоят сидқи бордир. Унга шайтон илаша олмас, нафс уни валоятдан чалғитиб, завқ-сафога етаклай олмас. Муҳаммад (с.а.в) барча пайғамбарларнинг саййиди бўлганидек, хотам ал-авлиё ҳам авлиёларнинг саййиди ва ҳар хусусда уларнинг пешқадами, яъни хотамидир». “Хатм ал-авлиё” асарида ўзини “авлиё” деб ҳисоблаганларни синаш учун берилган саволлар. Ибн ал-Арабийнинг “Хатм ал-авлиё” асарида берилган саволларга икки асрдан кейин жавоб ёзиши. Ат-Термизийнинг валийлар ҳақидаги таълимотининг кейинги даврлардаги ривож.

ВАЛОЯТ

1. Валояти омма – барча мўминлар учун хос

2. Валояти хосса – Ҳақ васлида фано ва бақо мақомига етганларга хос.

ВАЛИЙ

1. Валий сидқуллоҳ – суфийлар бу даражага шариат ва тариқатнинг барча талабларига риоя қилган ҳолатда эришадилар

2. Валий миннатуллоҳ – суфийлар бу мартабага Аллоҳнинг инояти, илоҳий ишқ билан эришадилар.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 175 б.
2. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм : Краткая история. – М.-С-П.: Диля, 2004. – 464 с.
3. Radtke В. Al-Nakim at-Tirmidi. – Freiburg: Klaus Schwarz Verlag, 1980. – 192 p.
4. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004. – 208 б.
5. Усманов И. Суфизм. – Т.: ТИУ, 2011. – 168 с.
6. Сулабий Абдурахмон. Табақот ас-суфийя / Н.Шариба нашрга тайёрлаган. Қоҳира: Мактабат ал-Хонажи, 1986. – 570 б.
7. Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекций для студентов. – СПб., 2009, – 96 с.
8. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – 180 б.

Мустақил иш топшириқлари.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг валийлик ҳақидаги қарашлари.

11-МАВЗУ: ТАСАВВУФ АНЪАНАСИНИНГ ТИЗИМГА СОЛИНИШИ

Режа:

1. X-XI асрларда яратилган асарларда тасаввуф илмининг тизимга солиниши.

2. Тасаввуф маркази халифаликнинг шарқий ўлкалари – Хуросон ва Мовароуннаҳрга кўчиши.

3. Тасаввуфга оид мумтоз манбалар таснифи.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. X-XI асрларда яратилган асарларда тасаввуфнинг тизимга солиниши. X аср охирига келиб тасаввуф анъаналари тизимга кела бошлаши. 967–1074 йилларда яратилган адабиётлар. “Илм ат-тасаввуф”нинг тизимга солиниши. Адабиётларда тасаввуфий истилоҳлар, кароматлар, сулук одобларининг батафсил таҳлили. Абу Саид ал-Арабийнинг табақот жанридаги илк “Табақот ан-нуссак” асари таъсирида ёзилган китоблар. Машҳур суфийлар биографияларини табақот-тўпламлар шаклига келтирилиши. Асарларда тасаввуфнинг шариатга мувофиқлигини исботлашга урғу берилиши. Тасаввуфни легитимлаштиришга уриниш мақсадида Абу Ҳанифа, Шофеъий, Ашъарий, Суфён Саврий каби машҳур сиймолар суфийлар сифатида қайд этилиши.

2. Тасаввуф маркази халифаликнинг шарқий ўлкалари – Хуросон ва Мовароуннаҳрга кўчиши. Ал-Калабодийнинг (ваф. 990 й.) “Таъарруф”, Абу Наср ас-Саррожнинг (ваф. 988 й.) “Китаб ал-лума”, Абдурахмон ас-Суламийнинг (ваф. 1021 й.) “Табақот ас-суфийя”, ал-Ҳужвирийнинг (ваф. 1073 й.) “Кашф ал-махжуб”, Абулқосим ал-Қушайрийнинг (ваф. 1072 й.) “ар-Рисола ал-Қушайрийя” каби тасаввуф тарихидаги энг мўътабар асарлар. Уларнинг тасаввуф тараққиётида тутган ўрни. Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган муаллифлар томонидан яратилган

мазкур асарлар тасаввуф маркази халифаликнинг шарқий ўлкаларга кўчганини англатиши.

3. Тасаввуфга оид мумтоз манбалар таснифи. Тасаввуф тарихига доир манбалар. *Тасаввуфий-фалсафий асарлар* – Ибн ал-Арабийнинг “ал-Футухот ал-Маккийя”, “Фусус ал-Ҳикам”, Жомийнинг “Лавоих”, Жилийнинг “ал-Инсан ал-камил”. Бу китобларда Аллоҳ таолонинг сифати, зоти, Аллоҳ-инсон муносабати, маҳлуқотларнинг яратилиш ҳикмати ёритилиши ҳамда уларда нақл, ақл билан бир қаторда, кашф ва илҳомга ҳам эътибор берилиши. *Тасаввуф илмини изоҳлаган асарлар* – ал-Калабодийнинг “Таъарруф”, ал-Мухосибийнинг “ар-Ри’ая ли ҳуқуқиллах”, ал-Маккийнинг “Қут ал-қулуб”, ал-Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб”, ал-Ғаззолийнинг “Ихё улум ад-дин”, ас-Сухравардийнинг “Авориф ал-маориф”, Сирҳиндийнинг “Мактубот”, ал-Ансорийнинг “Манозил ас-соирийн” каби асарларда тасаввуфнинг асосий мавзуларини изоҳлаш, исломдаги асосларини кўрсатиб бериш ва шариатга мувофиқлигини асослашга эътибор қаратилиши. *Табақот жанридаги асарлар* – ас-Суламийнинг “Табақот ас-суфийя”, ал-Калабодийнинг “Таъарруф”, ал-Қушайрийнинг “ар-Рисола”, Атторнинг “Тазкират ал-авлиё”, Жомийнинг “Нафаҳот”, Навоийнинг “Насойим” китобларида машҳур суфийларнинг ҳаёт йўли, қарашлари, ҳикматлари, кароматлари ва даражалари ҳақида сўз бориши. Мазкур манбалардаги маълумотлар худди ҳадислардаги каби ровийлар силсиласи орқали берилиши. *Маноқиб асарлари* – Ибн Жавзийнинг “Маноқиб Маъруф ал-Кархий”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот”, Абдурахим ибн Чиштий ал-Усмонийнинг “Сияр ал-ақтоб” каби асарларда бир ёки ҳаммаслак бир неча суфийларга бағишланиб, уларнинг ҳаёти, кароматлари, ҳикматлари, турмуш тарзи ва ҳаётига доир ривоят ва ҳикоятларга катта ўрин берилиши. “Табақот” жанрига яқин бўлган бу каби асарларда фойдаланишда диққат-эътиборни талаб этувчи муболағали маълумотлар кўп учраши. *Сулук одоби асарлари* – Кумушхонавийнинг “Жомий ал-усул”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот”, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Одоб ал-муридин” каби асарларда сулук аҳлининг ахлоқи,

таълим-тарбияси, солиқнинг ташқи кўриниши, пир-мурид муносабатлари, зикр амалиёти, кундалик вазифалар ҳақида сўз бориши. *Назмий тасаввуфий асарлар* – Ҳофизнинг “Девон”, Румийнинг “Маснавий”, Яссавийнинг “Девони ҳикмат”, Ибн ал-Форизнинг “Ҳамрийя” ва бошқа кўплаб назмий рисолаларда тасаввуфдаги тарбиявий жиҳатлар, илоҳий ишқ, ваҳдат ал-вужуд, сулук машаққатлари каби мавзулар тимсоллар, бадиий услублар ёрдамида очиб берилиши. *Тасаввуфий тафсирилар* – ас-Суламийнинг “Ҳақоик”, ат-Тустарийнинг “Тафсир”, ал-Қушайрийнинг “Латоиф ал-ишорот”, Қошонийнинг “Таъвилот ал-Қуръон”, Бурсавийнинг “Руҳ ал-баён” каби асарлардаги тасаввуфий талқинлар.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 б.
2. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
3. Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожида тасаввуфнинг ўрни. – Т.: Академия, 2005. – 84 б.
4. Гольдцигер И. Лекции об исламе / Перевод с нем. А.Н. Черновой. Брокгауз- Ефрон, 1912. – 272 с.
5. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони, Туронлик валийлар / Остонақулов И. нашрга тайёрлаган. – Т.: Камалак, 1995. – 171 б.
6. Калободий. Китоб ат-та‘арруф би мазҳаб аҳл ат-тасаввуф / Мавлоқулова М. тарж. – Т.: Ғафур Ғулом, 2002. – 142 б.
7. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.

Мустақил иш топшириқлари:

Тасаввуф таълимотининг ўзига хос хусусиятлари тизимли равишда қайд этилиши.

12-МАВЗУ: АС-СУЛАМИЙНИНГ «СУФИЙЛАР ТАБАҚАСИ», АЛ-ҚУШАЙРИЙНИНГ «РИСОЛА» КИТОБИ

Режа:

1. Ас-Сулабийнинг “Табақот” асарининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ал-Қушайрийнинг “Рисола” асари тасаввуф дарслиги сифатида.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Ас-Сулабийнинг “Табақот” асарининг ўзига хос хусусиятлари. Ас-Сулабий (тахм. 937-942 – 1021 йй.) Нишопурда таваллуд топиши. Маломатий шайхлардан таҳсил олган бобоси Исмоил ибн Нухайд (ваф. 976 й.) қўлида тарбия олиши. Хирқани (тахм. 951 й.) бағдодлик суфий Абулқосим Насробозийдан кийиши. Ас-Сулабий Хуросонда шофеъий мазҳаби билимдони ва кўплаб тасаввуфий адабиётлар муаллифи сифатида ном қозониши. Ас-Сулабий асарларини уч асосий гуруҳи: 1) табақот, 2) тафсир, 3) тасаввуфий одоб ва маросимлар. “Табақот ас-суфийя” асарини умрининг охирларида таълиф этиши. Ас-Сулабий ушбу асарида аввал ўтган мутафаккирларнинг асарларидан фойдаланиши. Табарийнинг “Жомий ал-баён” асари маъсур тафсирлар “отаси” бўлса, ас-Сулабийнинг “Ҳақоик ат-тафсир”и – тасаввуфий тафсирлар “отаси”. Ас-Сулабий “ар-Рисола ал-маломатия” асарида маломатийларни ёқлаб чиқиши. “Одоб ас-сухба”, “Уюб ан-нуфус ва мудоватуҳа” каби асарларида суфийлар этикаси, ўзини тутиш қоидалари, одат ва қадриятлари муҳокамаи.

“Табақот ас-суфийя” асарида суфийлар беш табақага бўлиниши. Асарда ҳар бир табақада йигирмата суфий шайх ва ҳар бир шайх ривоят қилган ҳадис ва айтган ҳикматли сўзларидан келтирилган намуналар. Муаллиф асарда юзта эмас, балки бир юз беш суфий шайхнинг таржимаи ҳолини келтириши. Ас-Сулабийнинг вафоти.

2. Ал-Кушайрийнинг “Рисола” асари тасаввуф дарслиги сифатида. Хуросонлик Абдулкарим ал-Кушайрий (986–1072 йй.) Устува вилоятида араб оиласида таваллуд топиши. Ўн беш ёшида Нишопурга ўз қишлоғидан ундириладиган солиқларини тушириш умидида йўл олиб, у ерда диний билимларга қизиқиши ва машҳур суфий Абу Али Даққоқ (ваф. 1015 й.)нинг ҳалқасига қўшилиб қолиши. Даққоқнинг энг яхши талабасига айланиши. Ал-Кушайрий Даққоқнинг қизига уйланиши ва устози вафотидан сўнг мадрасага бошчилик қилиши. Ал-Кушайрий шофеъий мазҳаби фикҳи ва ашъарийлик таълимотини ўз даврининг таниқли олимларидан таълим олиши. Ал-Кушайрий Нишопурда шофеъий-ашъарий жамоасининг етакчисига айланиши. Нишопур Салжуқийлар қўлига ўтиши (1038 й.) ва шаҳарда ҳанафийларнинг мавқеи кескин ошиши. Ал-Кушайрий ҳанафий ва шофеъийлар ўртасидаги тортишувларга аралшиб қолиши. Ашъарийлик таълимотини ёқлаб махсус асар ҳам ёзиши оқибатда ҳанафийларни қўллаб-қувватлаган салжуқий вазир Кундурийнинг талаби билан Кушайрий зиндонга тушиши (1054 й.). Оз муддат ичида озод бўлиши ва халифа ал-Қоимнинг таклифига биноан (1056 й.) саройда ҳадис илми мударриси сифатида Бағдодга кетиши. Машҳур Низомулмулк вазирлик мансабига тайинланиб, ҳанафийлар ва шофеъийлар ўртасидаги мувозанатни тиклаши. Ал-Кушайрийнинг Нишопурга қайтиши ва унинг вафоти.

Ал-Кушайрий шофеъий мазҳаби нуқтаи назаридан ижод қилиши. Унинг серқирра ижодида тасаввуф ва тафсирга оид асарларининг устуворлиги. “Латоиф ал-ишорот” тафсири ва “ар-Рисола ал-Кушайрийя” номли тасаввуф илмига бағишланган асари мумтоз манбалар қаторидан ўрин олиши. “Рисола” изчиллик билан ёзилган ва апологетик мақсадларни кўзлаган асар. Муаллиф асл суфийлар ва мутасаввифлар ўртасини фарқлаши. Ал-Кушайрийнинг “Рисола”да сунний эътиқодга зид жиҳатларни тасаввуфдан эмаслигини кўрсатишга уриниши. Асарнинг бўлимлари: 1) Уч ҳижрий асрда яшаб ўтган машҳур суфийлар қисқача биографияси: Иброҳим ибн Адҳамдан Абу Абдуллоҳ ар-Рузбарийгача. 2) Суфий терминология. Ал-

Қушайрий мақом ва ҳол тушунчалари ўртасидаги фарқни кўрсатиб бериши. Мақомлар жидду-жаҳд сарфлаб қўлга киритилиши. Ҳоллар чақмоқ кабидир, деган фикр ҳақида. Ҳол узоқ давом этмаса, у фақатгина лавоих (кўринишлар)дир. Етти манзил ва ўн ҳол ҳақидаги баҳслар. 3) Тасаввуф илмининг қирқ беш асосий тушунчасининг шарҳи. 4) Муридларга тавсиялар. Китобда пир-мурид муносабатлари, само, валийлик, суфий жамоа бўлиб яшашнинг тартиб-қоидалари акс эттирилиши. Суфий истилоҳларнинг изоҳланиши ва уларни асослаш учун асосан Ироқ тасаввуф йўналишининг уламоларидан иқтибос келтирилиши: Жунайд ал-Бағдодий, Шиблий, ат-Тустарий, ас-Сақатий ва бошқалар. Ал-Қушайрий тасаввуфнинг саҳв йўналишига урғу бериши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ас-Суламий Абу Абдурахмон. Табақот ас-суфийя / Н.Шариба нашрга тайёрлаган. Қоҳира: Мактабат ал-Хонажи, 1986. – 570 б.
2. Қушайрий Абдулкарим. Ар-Рисала ал-Қушайрийя. Қоҳира: Дор аш-шаъб, 1989. – 633 б.
3. Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожда тасаввуфнинг ўрни. – Т.: Академия, 2005. – 84 б.
4. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони, Туронлик валийлар / Остонақулов И. нашрга тайёрлаган. – Т.: Камалак, 1995. – 171 б.
5. Калободий. Китоб ат-та'арруф би мазҳаб аҳл ат-тасаввуф / Мавлоқулова М. тарж. – Т.: Ғафур Ғулом, 2002. – 142 б.

Мустақил иш топшириқлари:

Асл матнлар билан ишлашнинг аҳамияти. “Табақот ас-суфийя” ва “ар-Рисола ал-Қушайрийя” асарларидан танланган матнлар таржималари.

13-МАВЗУ: АЛ-ҲУЖВИРИЙНИНГ “КАШФ АЛ-МАҲЖУБ» ВА АЛ-АНСОРИЙНИНГ “ТАБАҚОТ” АСАРЛАРИ

Режа:

1. Форс тилидаги тасаввуфга оид асарлар.
2. Ал-Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб» асарида суфий мактаблар таснифи.
3. Ал-Ансорийнинг “Табақот” асарининг ўзига хос жиҳатлари.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Форс тилидаги тасаввуфга оид асарлар. Тасаввуфга оид араб тилидаги асарлар билан бир қаторда форсий адабиётларнинг пайдо бўлиши. Форс тилининг Хуросон ва Мовароуннаҳрда тасаввуф тилига айланиб бориши. Сомонийлар даврида форс тилининг расмий даражага кўтарилиши. Форс тили ва туркий тил муносабатлари.

2. Ал-Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб» асарида суфий мактаблар таснифи. Ал-Ҳужвирийнинг (ваф. 1073 й.) ҳаёт йўли “Кашф ал-маҳжуб”да акс этиши. “Кашф ал-маҳжуб»да шарият ва тасаввуфнинг бир-бирига мутаносиблигини исботлашга ҳаракат қилиниши. Асар суфийларнинг асосий ғоя ва йўналишларига қаратилгани. Муаллиф аввал таниқли суфийларнинг қарашлари, сўнгра ўз хулосаларини, баъзан асардаги фикрларни тасдиқлашда ўз ҳаётидан мисоллар ҳам бериб ўтиши. Фано, само, жазба, шатаҳот мавзуларида жуда эҳтиёткорлик билан фикр билдириши. Биринчи бор тасаввуфий адабиётда X–XI аср суфийлари турли мактаблар вакиллари сифатида кўриб чиқилиши. Асарда ўша даврнинг ўнта “тўғри йўлдаги” ва иккита “адашган” тасаввуфий мактаблар ҳақидаги келтирилган маълумотлар. Ҳанафий мазҳаби вакили ал-Ҳужвирий Абу Ҳанифани ўз асарида суфийлар сифатида зикр этиши.

“Кашф ал-махжуб” асарининг таркибий тузилиши. Биринчи – кириш қисми 14 бобдан ташкил топиб, унда суфийликдаги ихтиёрий қашшоқлик ва руҳий поклик масалалари таҳлил этилиши, 74 суфий-шайхлар таржимаи ҳоли келтирилиши, 12 та суфий мактабнинг таълимотларини таҳлил қилиб, қисқача баён қилиши. 10 та суфийлик мактабини ёқлаб, қолган иккитасини эса қатъий қоралаши.

Иккинчи қисм, асосан, жавоблардан иборат бўлиб, “Кашф ал-ҳижоб” деб номланган 11 қисмдан иборат. Унда фалсафий қоидалар, суфийликдаги таълимотлар ва амалиёт, уларни шариат нормаларига мос келиши, суфийлар орасида қабул қилинган истилоҳлар акс этиши. Асардаги шахсий муносабат ал-Хужвирийнинг асарини “ар-Рисола ал-Қушайрийя” ва бошқа шу йўналишдаги адабиётлардан ажратиб туриши. “Кашф ал-махжуб” асарини ёзишда муаллиф ас-Суламий ва ал-Қушайрийларнинг асарларига мурожаат этиши.

3. Ал-Ансорийнинг “Табақот” асарининг ўзига хос жиҳатлари. Устозлари шофеъийлардан бўлишига қарамай, ханбалий мазҳаби суфийларидан Абдуллоҳ ал-Ансорийнинг, ал-Бистомийнинг энг мухлис издоши Харақоний (ваф. 1033-34 й.) билан алоқалари. Харақоний каби ал-Ансорий ҳам ўз қарашларини назмда ифода этиши. “Манозил ас-соирин” асарида Аллоҳга элтувчи юз манзилни (бошқа асарлардаги мақом ва ҳол) ёритиб бериши. “Илал ал-мақомот” асарида суфий мақомлар ва улардаги иллатли жиҳатлари очиб берилиши. Ал-Ансорийнинг форс тилидаги “Табақот” асарига ас-Суламийнинг шу номдаги асари ва хонақосидаги маърузалари асос қилиб олиниши. Асарда назмга катта ўрин ажратилгани: шеърий дуолар, мисралар. Асар Жомийнинг “Нафаҳот” ва у орқали Навоийнинг “Насойим” асарига асос бўлиши. “Табақот”да ал-Ҳаллож ҳақида ижобий фикрлар билдирилган бўлсада, у илоҳий сирни ошкор этишда айбланиши. Ал-Ансорий “Замм ал-калом ва аҳлиҳи” асарида мутакаллимларни кескин танқид қилиши. Ал-Ансорий каломни бидъат, деб ҳисоблаб, бутун умри давомида унга қарши туриши. Ал-Ансорий рационал тафаккурга таянадиган илоҳиёт фанларига қарши ўзида шариат ва ҳақиқат

уйғунлигини мужассам этган тасаввуфни қўйиши. Ал-Ансорийга кўра тасаввуф Қуръон ва суннани чуқур идрок этишни англадиб, уларнинг давоми ҳисобланиши. Абдуллоҳ ал-Ансорийнинг энг кўзга кўринган издоши Юсуф ал-Ҳамадоний (ваф. 1140 й.) ҳисобланиши. Шайхулислом унвонини олган ал-Ансорий она шахри – Ҳиротда (1089 й.) оламдан ўтиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
2. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 б.
3. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература: Избранные труды / Бертельс Е.Э., Отв. ред. А.Н.Болдырев, Сост. М.Н.О.Османов. – Москва: Наука, 1965. – 524 с.
4. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарк, 2004. – 208 б.
5. Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекций для студентов. – СПб., 2009, – 96 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Ал-Ҳужвирий асарларида тасаввуфий ғоялар талқини.

14-МАВЗУ: АБУ ҲОМИД АЛ-ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ТАСАВВУФ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

Режа:

1. Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг ҳаёт йўли.
2. Олимнинг илмий мероси.
3. Ал-Ғаззолийнинг тасаввуфий қарашлари.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг ҳаёт йўли. Ал-Ғаззолий ашъарий мутакаллим Жувайнийнинг шогирди. Ал-Ғаззолийнинг салжуқий вазир Низомулмулк билан яқин муносабат ўрнатиши (1085 й.). Олимни Бағдоддаги Низомия мадрасасида шофеъий фикҳи бўйича мударрис этиб (1091 й.) тайинланиши. Тушкунлик кайфиятига тушган олим ҳаж қилиш баҳонасида (1095 й.) Низомиядан кетиши. Яратганни рационал ва ҳарфий билишдан қониқмай, унданда кўра яқинроқ йўл излаши. Дарбадарлик, мушоҳада ва мужоҳада билан машғул бўлиши. Орадан ўн бир йил ўтиб Нишопурдаги Низомия мадрасасида (1106 й.) дарс бера бошлаши. Ҳаётининг сўнги йилларида ёзган “Мунқиз мин аз-золал” номли автобиографик асари. Ҳаётининг охирида Тусда ташкил этган хонақосида тасаввуф назарияси ва амалиёти бўйича дарс бериши. Олимнинг (1111 й.) вафоти.

2. Олимнинг илмий мероси. Ал-Ғаззолий асарлари кўпқиррали ва зиддиятли жиҳатлари – унинг турли савиядаги ўқувчиларни ҳисобга олган ҳолда аудиторияга мослаштириб ижод қилгани ёки бошқа муаллифларнинг асарлари унга нисбат берилиши билан боғлиқлиги. Ал-Ғаззолий устози Жувайний ёрдамида фалсафа билан жиддий шуғулланиши. “Мақосид ал-фалосифа” асарида кайд этилган файласуфларнинг асосий қарашлари. “Таҳофут ал-фалосифа” асарида мусулмон файласуфларни танқид қилиш орқали фалсафадаги асосий масалаларнинг йигирматаси бўйича фалсафа сунний исломга

зид эканини кўрсатиб бериши. Шулардан уч масала бўйича мусулмон файласуфларини исломдан чиққан, деб баҳолаши. “Ихё улум ад-дин” асари Абу Толиб ал-Маккийнинг “Қут ал-қулуб” асарининг маънавий жиҳатдан давоми. Китобнинг “суфийлик йўлидан юриш билан мусулмон ҳаёти ва бандалиги комил бўлади”, деган асосий ғояси. Ҳар бири 10 бўлимдан иборат асарнинг 4 боби: ибодат, одат, муҳликат, мунжият. Аслида мустақил асар ҳисобланган “Кимёи саодат”ни “Ихё улум ад-дин”нинг форсий қисқартмаси, деган мазмундаги фикрлар.

“Ал-Иқтисод фи-л-эйтиқод”, “Илжом ал-авомм ан илм ал-калом”, “Китоб ал-арбаин”, “Мишкот ал-анвор”, “Бидоят ал-ҳидоя” каби асарларда ислом илоҳиёти, тасаввуф одоби, ирфон, шариат ва тариқат муносабатлари мавзулари муҳокамаси.

3. Ал-Ғаззолийнинг тасаввуфий қарашлари. Тасаввуфга муносабатнинг илиқлашувида ал-Ғаззолийнинг ўрни. Ал-Ғаззолийнинг файласуфларни танқид қилиши фалсафа фанлари ривожига салбий таъсир кўрсатиши. “Таҳофут”га қарши Ибн Рушд (ваф. 1198 й.) “Таҳофут ат-Таҳофут”ни ёзиши. Ал-Ғаззолий тасаввуф ва шариат ўртасини яқинлаштиришга эришган олим сифатида эътироф этилиши. Тариқатлар шаклланишида ал-Ғаззолийнинг асарлари аҳамияти.

Ал-Ғаззолий “Ихё улум ад-дин” асарининг “Мунжиёт” бобида тасаввуф босқичларининг ёритилиши. Сулукнинг 9 мақоми. Ҳар бир мақом инсонни нажотга етакловчи босқич ҳисобланиши: 1-тавба, 2-сабр, 3-шукр, 4-хавф, 5-ражо, 6-фақр, 7-зухд, 8-таваккул, 9-муҳаббат. Аввалги беш босқич умумий характерга эга бўлиб, барчага тўғри келса, қолган тўрттаси сулукка доир. Ҳар бир мақом яна уч босқичга бўлиниши. Шукр босқичида аввалига банда ўзини Аллоҳ инсон қилиб яратгани ва ато этган неъматлари учун шукрона келтириши. Кейинги босқичда банда Аллоҳнинг марҳаматига фано ҳолатига эриштирадиган восита сифатида қараб шукр келтириши. Солик бахтсизлик ва мусибатларни миннатдор қабул қилган ҳолда унинг шукронасини келтириши. Мусибатларга сабр қилиш гуноҳларга каффорат бўлиши ва алал оқибат солиқни фано ҳолатига яқинлаштириши. Фано мавзусига ал-Ғаззолийнинг жиддий

эътибор қаратиши. Ал-Ғаззолий фанони Аллоҳ билан қўшилиш ёки Унда эриб кетиш деган фикрни рад этиши. Носут ҳеч қачон лохут бўла олмайди, деб бу мавзуга эҳтиёткорона ёндашиши. Фано ҳолатида руҳ атрофдаги борлиқни сезиш қобилиятини йўқотиб, илоҳий нурни тўғридан-тўғри қабул қилиши ва уни кўзгу каби қайта акс эттира оладиган ҳолатга келиши. Кўзгу ўзи акс эттираётган нарсага айланиб қолди, дейиш мантиқсиз экани. 6-фақр мақомининг 3 босқичи: аввалига солиқ ўзидаги бор мулкига қаноат қилади; кейин эса бойликка нисбатан ўзида нафрат уйғотади; сўнгги босқичда ўзида йўқликка ва бойликка бефарқлик ҳиссини тарбиялайди. 7-зуҳд мақомида солиқ ўзида дунё матоҳларига нафрат ҳиссини уйғотиши ҳамда юқори маънавий босқичларга интилиши. Бунда у тавба мақомидаги ҳаром – таъқиқланган ишлардан ўзини сақлаши эмас, балки ундан юқори босқич – айрим мубоҳ ишлардан ҳам ўзини тийиши лозим бўлиши. 8-таваккул мақомида солиқ ўзини тўлиқ Аллоҳ ихтиёрига топшириши. Хавф-хатар, беморлик ҳолатларида инсон ўзи учун ҳаракат қилиши кераклиги. 9-муҳаббат мақоми – ал-Ғаззолийга кўра сулуқдаги энг олий босқич. Муҳаббат – шукроналик муҳаббати ва илоҳий жамол ишқида пайдо бўлган муҳаббатларга ажратилиши.

Ал-Ғаззолий асарларидаги танқиди натижаси ўлароқ, мусулмон Шарқида таниқли файласуфлар учрамаслиги. Аммо бу ҳолатни фақатгина ал-Ғаззолийнинг танқиди билан боғлиқ эмаслиги. Ибн Рушддан (ваф. 1198 й.) кейин мусулмон диёрларида фалсафа илмининг таназзулига сабаб бўлган бошқа омиллар.

Ал-Ғаззолий ва ас-Суҳравардийга кўра, Афлотун, Арасту, Сукрот, Форобий ва Ибн Сино каби файласуфларнинг илоҳиёт ҳақидаги фикрлари хато ва асоссиз экани. Файласуфлар уч нуқтаи назардан куфрга йўл қўйишлари: 1. Тангрини фақат “қуллиёт”ни билувчи деб билиб, “жузъиёт”, яъни ишларнинг барча тафсилоти ва деталлари билан билишига ишонмаслиги. 2. Жисмоний қайтадан тирилишга ишонмаслиги. 3. Оламнинг қадим ва азалийлигига ишонишлари, ҳолбуки олам “ҳодис” яъни яралган бўлиб, яратувчи уни муайян вақтда яратган.

Ал-Ғаззолий ижодининг шариат ва тасаввуфни “муросага келтириш”даги хизматига баҳо бериш мураккаблиги. Ал-Ғаззолийнинг умумэътироф этилган мавқеи туфайли тасаввуфга эътибор ортиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. – Т.: Мовароуннахр, 1998.
2. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М: Наука, 1965. – 524 с.
3. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
4. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм : Краткая история. – М.-С-П.: Диля, 2004. – 464 с.
5. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
6. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
7. Петрушевский И. Ислам в Иране в VII–XV веках. Ленинград: Изд-во ЛУ, 1966. – 400 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг илмий мероси.

15-МАВЗУ: ИБН АЛ-АРАБИЙ ВА “ВАҲДАТ АЛ-ВУЖУД” ФАЛСАФАСИ

Режа:

1. Ибн ал-Арабийнинг ҳаёт йўли.
2. Ибн ал-Арабийнинг таълимоти.
3. Ваҳдат ал-вужуд таълимотининг танқиди.
4. Ваҳдат ал-вужуд тарафдорлари ўз қарашларини ҳимоя қилишлари.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Ибн ал-Арабийнинг ҳаёт йўли. Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн ал-Арабий (1165–1240 йй.) Андалусиянинг Мурсия шаҳрида таваллуд топиши. Ёшлигида у диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаши. Ўз асарларида қайд этганидек, осмондан унга келган нидо туфайли дунёвий машғулотлардан воз кечиб, ўзини бутунлай сулукка бағишлаши. Ўзига маънавий йўлбошчи излаб Мағрибга бориши. Унинг ҳаж сафарига бориши (1201 й.)га қадар ёзган 60га яқин асари унга деярли шуҳрат келтирмагани. Унинг Машрикқа бориши ва у ерда узоқ қолиб кетиши сабаблари. У ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиб, машхур ва ҳозирга қадар мунозарали ҳисобланадиган асарларини таълиф этиши. Бу ерда у машхур мутакаллим ва суфийлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз билимини ошириб бориши. Ҳижоз, Фаластин, Сурия, Ироқ ва Анатолияда узоқ вақт истиқомат қилиши. Ал-Арабийнинг Кўнядаги Садриддин Кўнявий исмли машхур файласуф-суфий шогирди. Устози таълимотини ёйишда С.Кўнявийнинг қўшган ҳиссаси. Ибн ал-Арабийга айюбийлар, салжуқийлар ҳомийлик қилиши. Ибн ал-Арабийнинг айюбийлар ҳимоясидаги фаолияти (1226–1240 йй.). Шариат пешволари эътирозига сабаб бўлган баъзи қарашлари кичик жамоаларда танқид қилинсада, аммо унинг ҳаётлик пайтида очикдан-очик қарши чиқишга журъат қилинмагани. Дамашқда Ибн ал-Арабий ўзининг машхур “Фусус ал-ҳикам” асарини яратиши. Худди шу даврда у иккинчи машхур китоби – 1201 йил Макка зиёрати

вақтида бошлаган “ал-Футуҳот ал-Маккийя” асарини ёзиб тугатиши. Бу асарни муаллифнинг маънавий биографияси ва тасаввуф, калом ва фикҳнинг қомуси, деб баҳоланиши. “Ал-Футуҳот ал-Маккийя”да анъанавий исломий фанлар эзотерик жиҳатдан қайта кўриб чиқилиши. Ибн ал-Арабий ўз яқинлари ва шогирдлари қуршовида вафот этиши. Унинг Дамашқдаги XVI асрда султон Салим I буйруғига биноан бунёд этилган ҳашаматли мақбараси ҳозирда ҳам зиёратчиларни ўзига жалб этиши.

2. Ибн ал-Арабийнинг таълимоти. Ибн ал-Арабийнинг таълимоти ислом оламида, айниқса, туркий ва форсий тилларда сўзлашувчи минтақаларда тезлик билан тарқала бориши. XIII асрда юз берган сиёсий жараёнлар – мўғулларнинг Осиё ва Европадаги асрлар давомида шаклланган маданиятни вайрон қилиши оқибатида, оммавий тушқунлик кайфияти юзага келиши. Бу ҳолат тасаввуфга ҳам таъсир кўрсатиб, ваҳдат ал-вужуд таълимотининг тарқалиши учун қулай замин яратиши. Ибн ал-Арабий томонидан тизимга келтирилган ваҳдат ал-вужуд таълимоти бадиий ижодга ҳам катта таъсир кўрсатиши. Ижодкорлар уммон, тўлқин, томчи сув устидаги кўпик тимсоллари орқали ваҳдат ал-вужудга оид қарашларини намоён этиши: буларнинг бари ҳар-хил вақт ва шароитда турлича кўринсада, аммо моҳияти бир – сув. Румий ва Ниффорий ўз асарларида уммон, денгиз тимсолларидан ваҳдат ал-вужуд таълимотини тасвирлаш учун кенг истифода этиши. Бу таълимот йўлини тутмаган шоирлар ҳам мазкур тимсоллардан самарали фойдаланиши. Денгизда йўқ бўлиб кетмай, қимматбаҳо марваридга айланган сув томчиси тимсоли яралиши. Шарқ фольклорига кўра, марваридлар – чиғаноқ ичига йиғилган баҳор ёмғири томчилари экани. Томчи марваридга айланиши учун денгиздан булут орқали яна ўз уйига сафар қилиб, қимматбаҳо зийнатга айланиб қайтиб келиши. Аммо у энди денгиздан фарқли бўлсада, ундан айри яшай олмаслиги ҳақида.

«Ваҳдат ал-вужуд» – ягона вужуд бирлиги. Яъни ҳақиқий Борлиқ – бу Мутлақ зот – Парвардигорнинг яккаю ягона вужудидан иборат, бошқа мавжудликлар шу Вужуднинг ижоди, инъикосидир. Тажаллий – барча ҳаракат ва фаолият, тириклик ва ҳаёт ижодкори Парвардигорнинг ўзи яратган оламда доимо ҳозир бўлишидир.

Ваҳдат ал-вужуд таълимотига кўра, ҳақиқий мавжудлик – бу Аллоҳнинг мавжудлиги ва Ундан бошқа нарсларнинг мавжудлиги Аллоҳнинг мавжудлигига нисбатан худди йўқдек экани. Чунки, уларнинг мавжудлиги Аллоҳнинг мавжудлигига боғлиқ. Бу дунёдаги барча махлуқотларни йўқдан бор қилган Аллоҳдир. Шунинг учун ҳам мавжудотларнинг моҳияти соянинг моҳиятига ўхшайди: жисм бўлмаса, соя ҳам бўлмайди. Аввалида фақат Аллоҳ бўлган, бошқа ҳеч нарса бўлмаган, уларни кейин Аллоҳ яратган. Бу нарсалар мустақил ҳолатда мавжуд эмас, улар фақатгина Илоҳий борлиқ уммонининг тўлқинларидир.

Ваҳдат ал-вужуд таълимоти тарафдорлари Қуръонда ўз ғояларини тасдиқловчи 28 оятни кўрсатишлари (Анфол-17; Фатҳ-10; Қасас-88; Бақара-115; Ҳадид-3 ва бошқа). Ибн ал-Арабий бу таълимотини асослаши: «Бошида фақат Аллоҳ бор эди. У бу дунёни ўз исм ва сифатларини намоён қилиш учун яратди».

Ибн Арабийнинг таълимоти Садриддин Кўнявий (ваф. 1274 й.), Ибн ал-Фориз (ваф. 1234 й.), Жалолоддин Румий (ваф. 1273 й.) каби машҳур суфий-ижодкорлар туфайли кенг тарқалиши.

3. Ваҳдат ал-вужуд таълимотининг танқиди. Ваҳдат ал-вужуд ҳозирга қадар жуда кўп мунозараларни келтириб чиқарган таълимот ҳисобланиши. “Бу таълимот ислом оламида материалистик дунёқараш тараққий этишига олиб келди, бузуқ эътиқод шаклланишига сабаб бўлди, Холиқ ва махлуқ ўртасини бирлаштириб юборди” ва бошқа таъналарга учраши. Ваҳдат ал-вужуд фалсафасига Ибн Таймия (ваф. 1328 й.), Али ал-Қорий (ваф. 1605 й.), Ибн Халдун (ваф. 1405 й.), Алоуддавла ас-Симноний (ваф. 1336 й.), Аҳмад ас-Сирҳиндий (ваф. 1624 й.) ва бошқа кўзга кўринган олимлар қарши чиқиши ҳамда Ибн ал-Арабий ғарб файласуфи – Спинозанинг издоши, деб танқид остига олиниши.

4. Ваҳдат ал-вужуд тарафдорлари ўз қарашларини ҳимоя қилишлари. Баъзи тадқиқотчилар ваҳдат ал-вужуд таълимотини пантеизм назарияси билан тенглаштириши. Бирламчи қарашда ваҳдат ал-вужуд ва пантеизм ўртасида ўхшашлик бордек туюлсада, аммо моҳиятан олганда орада фарқ бор: пантеизм ҳамма нарса Худо, яъни табиат ва Худо бир вужуд деб таълим берса, ваҳдат ал-вужудда Худо табиатга қоришиб кетмайди,

балки у Ҳақиқий борлиқ сифатида табиатдан ташқарида мавжуд ва табиат унинг ижоди, аксланиши (шабах), сояси деб уқтирилиши. Уламолар танқидига учраган таълимот – пантеизм, яъни “ваҳдат ал-мавжуд” тушунчаси экани. Ваҳдат ал-вужуд – “Ла илаҳа иллаллоҳ” ғояси остида, ваҳдат ал-мавжуд эса – “Ла мавжуда иллаллоҳ” ғояси остида шаклланиб, иккови ўртасида катта тафовут мавжудлиги. Ваҳдат ал-вужудга кўра, борлиқ нисбий тушунча, ҳақиқий бор бўлиш фақат Аллоҳга хос экани таъкидланиши. Ваҳдат ал-мавжуд эса ҳамма нарсани Аллоҳ деб билиш ва унга шерик нисбат қилиш. Ваҳдат ал-вужудни танқид қиладиганлар, аксар ҳолда ваҳдат ал-мавжудни танқид қилаётган бўлиб чиқиши. Ваҳдат ал-вужуд фалсафасида «Ҳамма нарса Ундан» тушунчаси билан бирга «Ҳамма нарса Удир» тушунчаси ҳам баъзан қўлланилсада, «Табиат – Худодир» деган ғояга тенглаштирилмаслиги. «Ҳамма нарса Удир» деган қарашда Худонинг зоти сифатларида мужассам, деган фикр ифодаланиши.

Ваҳдат ал-вужуд таълимоти юзасидан баҳс-мунозаралар кўпайиб бориши баробарида кўплаб суфийлар ваҳдат аш-шухуд таълимотини ёқлаб чиқиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ибн ал-Арабий. Мекканские откровения / А. Кныш араб тилидан тарж. – Санкт-Петербург: Петербургское востоковедение, 1995. – 240 с.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – 180 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм : Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
5. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.
6. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Ибн ал-Арабийнинг «комил инсон» назарияси.

16-МАВЗУ: ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ТАСАВВУФ ҒОЯЛАРИ.

Режа:

1. Шарқ мумтоз адабиётига тасаввуф ғояларининг кириб келиши.
2. Шеърят ва тасаввуф.
3. Бадиий адабиётда рамзий тимсоллар ва тасаввуф ғояларининг талқини.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Шарқ мумтоз адабиётига тасаввуф ғояларининг кириб келиши. Тасаввуф араб, форс ва туркий тиллардаги адабиёт орқали Шарқда кенг тарқалиши. VIII–XI асрларда Робия ал-Адавия, Мансур ал-Ҳаллож сингари суфийлар ижоди билан бошланган суфиёна шеърлар X–XII асрга келиб улкан бир адабиётга айланиши. Ўзига хос образлар, тимсоллар олами, алоҳида рамзлар, услуб ва усуллар шаклланиши. Тасаввуф билан адабиётнинг яқинлашиши сабаби – суфийлар ҳам ўз ички ҳолатлари ва ҳиссиётларини намоён этишда шеърий услубларидан ҳамда шоирлар қўллайдиган рамз ва тимсоллардан унумли фойдаланиши. Рамз ва тимсоллар билан назм орқали наср ифодаланиши қийин бўлган тасаввуфдаги нозик ҳисларни, яширин ҳолатларни ифода этиш қулайлиги. Наср мантиқий яқунланганликни талаб этса, назмда ҳис-туйғулар бирламчи бўлиши. Назм матни турли талқинлар қилиш имкониятини ўзида мужассам этиши туфайли, тингловчилар бир иборани турлича қабул қилиши. Тасаввуф шайхлари ҳам муридларга таъсир этиш учун маснавий, рубоий ва ғазаллардан унумли фойдаланиши. Тасаввуф адабиётдан ўзини ифода этиш воситасини топган бўлса, адабиёт тасаввуф билан яқинлашишдан ўзи учун битмас-туганмас мавзулар, рамз ва тимсоллар маҳзанини кашф этиши.

2. Шеърят ва тасаввуф. Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги яқинлик суфийлар ва ижодкорларнинг руҳан

яқинлигида экани. Суфийлик истеъдоди – «жазба» – бу ишқ, илоҳий жунун. Киши қалбида Илоҳни билиш муҳаббати, Унга етишиш завқи шу қадар кучли бўлиши, у ўзини тўхтатиб туrolмаслиги. Ҳамма нарсани унутиб, Маҳбуба жамолига талпиниши. Бу – улуғ ва мукаррам бир дард – жазба тушунчаси дарвешлик билан шоирликни, кенг маънода эса, тасаввуф билан ижод хусусиятларини бир-бирига яқинлаштириши. Дарвешлик истеъдоди, ғайритабиий хислатга молик бўлиш шоирларга ҳам хос экани.

Суфиёна завқу сурур, ваяду самоъ ижод аҳлининг илҳомли дамлари, яратиш завқи қайнаб тошган даврига ўхшаб кетиши. Тариқатда ижодга мойил, қалбида илоҳий ишқ жўш урганлар кўпроқ муваффақият қозониши. Шоирлик истеъдодига эга солиқларда тасаввуф ғоялари шеър кўринишида намоён бўлиши. Жалолиддин Румий тариқат сулукини бекамукўст бажарса-да, лекин ёши қирққа яқинлашганда Шамс Табризий билан учрашиб, суҳбат қурмагунга қадар шеър ёзмагани. Шамс Табризий таъсирида Румийнинг қалб кўзи очилиб, буюк шоир ва буюк суфийга айланиши. Яссавий, Агтор, Машраб ҳам жазба теккан, яъни илоҳий «девоналик»дан насибадор одамлар бўлгани. Уларнинг ғайриодатий хулқ-атвори атрофдагиларни ҳайратга солиши (Машрабнинг «девона» лақабини олгани шундан). Тасаввуфни соф назариётчи олим ва шайхлардан кўра, шоирлар чуқурроқ идрок этиши. Ибн ал-Арабий яхши шоир бўлгани, у «Фусус ал-ҳикам» («Ҳикмат гавҳарлари») ва «ал-Футуҳот ал-Маккийя» («Макка очилишлари») номли машҳур асарларининг кўп қисмини шеър билан битгани, ўз назарий фикрларини фалсафий истилоҳлар орқали тушунтиришга қийналиб қолганда асосий муддаони шеърий сатрлар ёрдамида изҳор этгани. Робия ал-Адавия, Мансур ал-Ҳаллож, Абдуллоҳ ал-Ансорий, Абу Саид Абул Хайр, Паҳлавон Маҳмуд ҳам назмдан кенг фойдаланганликлари. Хайём, Румий, Жомий, Бедил, Иқбол тасаввуфнинг жуда кўп нозик назарий масалаларини жаҳоншумул шеърий асарлар воситасида баён этгани. Тасаввуф ғояларини ақлий-назарий мушоҳададан кўра, ҳиссий-образли тафаккур билан тушунтириш осон экани.

Тасаввуф таъсирида санъатнинг ривожланиши. Суфиёна мажлислар бағрида кўплаб истеъдодли мутриб ва муғаннийлар тарбияланиши, янги-янги куй-оҳанглар яратилиши. Тасаввуф мақомотининг ҳолатларини ифодалайдиган ўзбек ва тожик халқларининг мумтоз шашмақоми ҳам шу заминда шаклланиши.

3. Бадиий адабиётда рамзий тимсоллар ва тасаввуф ғояларининг талқини. Суфий шоирлар асарларида учрайдиган ишқ, май, майхона, харобот, соқий, соғар, қадах, хум, маҳбуб сингари тимсоллар, рамзий маъноли сўзлар ўзига хос мазмун касб этиши. Масалан, май – илоҳий ишқнинг рамзий ифодаси, хум, хумхона, жом ва майда – орифнинг қалби, харобот – қаноат, фақр йўлига кириб, ҳайвоний ҳирслардан, ёмон хулқ-одатлардан озод бўлиш, хокисорлик, соқий – пир, Жонона – Парвардигор ва бошқалар. Рамз ва тимсоллар тасаввуфдаги оммага ошкор қилинмайдиган жиҳатларни ифода этишда қўлланилиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
2. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
3. Аттор. Тазкиратул авлиё. - Т.: Мовароуннаҳр, 1997.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М: Наука, 1965. – 524 с.
6. Гольдцигер И. Лекции об исламе / Перевод с нем. А.Н. Черновой. Брокгауз- Ефрон, 1912. – 272 с.
7. Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекций для студентов. – СПб., 2009, – 96 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Тасаввуфий бадиий ижод намуналари илмий манба сифатида. Бобораҳим Машраб ижодида тимсоллар.

17-МАВЗУ. РУМИЙ ИЖОДИДА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Режа:

1. Жалолиддин Румийнинг ҳаёт йўли.
2. Румий ижодининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Румий ижодида бағрикенглик ғоялари.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Жалолиддин Румийнинг ҳаёт йўли. Жалолиддин Румий Муҳаммад ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Балхий (1207–1273) шоир, мутафаккир, мавлавийлар (Мавлавия) тариқатининг шайхи. Жалолиддин Румий ҳозирги Афғонистоннинг Балх шаҳрида, Султон ал-уламо лақабини олган шайх Муҳаммад Баҳоуддин Валад хонадонида дунёга келиши. Отаси Баҳоуддин Валад суфий ва таниқли фикҳ олими бўлгани учун султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1199–1220) уни саройга таклиф этиши. Баҳоуддин Валад султоннинг таклифини рад этиб, мактабдорлик ва илмий-ижодий иш билан машғул бўлиши. Хуросонга мўғуллар босқини арафасида Румийнинг оиласи Балхдан Онадўлига кўчиб ўтиши. Баҳоуддин Валад Кўняга (1228 й.) келиб жойлашиб, шу ердаги мадрасага раҳбарлик қилиши. Кейинчалик Жалолиддин Румий отасининг ўрнига ўтириб, мадрасани бошқариши. Румий тариқатга кириб, шоир Саид Бурҳониддинга шогирд тушиши. Қаландар суфий Шамсиддин Муҳаммад Табризий билан дўстлашиб (1244 й.), уни ўз пири деб эълон қилиши. Табризий уч йил Румийга суфийлик таълимотини ўргатиши. Табризий таъсирида Румий ҳиссий билим олишга аҳамият қаратиши. Румийнинг муридлари томонидан Табризийнинг ўлдирилиши. Румий жожеадан қаттиқ таъсирланиб, пирининг исми шарифини таҳаллус қилиб, ғазаллар ёза бошлаши. Румий Салоҳиддин Заркўбни ўз халифаси этиб тайинлаши. Заркўбнинг вафотидан кейин (1258 й.) унинг ўрнини Хусомиддин Ҳасан эгаллаши. Румий

унга машхур “Маснавийи маънавий” асарини бағишлаши. Румий учун Салоҳиддин ва Ҳусомиддин Чалабийлар Шамс Табризий сиймосининг акси. Румий асос солган мактабнинг мавлавия тариқатига айланишида Румийнинг ўғли Султон Валаднинг ўрни. Мавлавия тариқатининг ўзига хос жиҳатлари, само зикри.

2. Румий ижодининг ўзига хос жиҳатлари. Асарлар ҳажми: “Маснавийи маънавий” (йигирма олти минг мисра), “Девони кабир” (қирқ тўрт минг етти юз мисра), тўрт минг мисрага яқин фалсафий тўртлик ва рубоийлар. Румий ўз асарларида кўплаб панд-насиҳат, зарбулмасал, машхур афсоналардан фойдаланиши. Румий шоҳ асари “Маснавийи маънавий” – дидактик мазмундаги шеърлар тўплами. “Маснавий” – Қуръоннинг шарҳи. “Маснавий” олдиндан тайёрланган қолиплар асосида яратилмаган бўлсада, қуйидаги қурилиш схемаси кўзга ташланиши: тезис (суфий постулат) – уни тасдиқловчи оят ёки ҳадис – оят ёки ҳадиснинг шарҳли таржимаси – масал, пандомуз ҳикоят – насиҳат мазмунидаги хулоса.

“Маснавий” асари қамиш найнинг шикоятидан бошланиши. Асарнинг бошида найнинг ботиний олами, ноласи, сир-асроридан кўплар беҳабар экани таъкидланиши, беҳабарликнинг кўринишлари, оқибатлари тамсил, ҳикоялар шарҳи билан очиб берилиши. Най – руҳи илоҳийдан ажралган ва ўша аслага қараб шиддат билан интилаётган ошиқ ориф сифатида тасвирланиши.

“Маснавий”дан парча:

*Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз жудойиҳо шикоят мекунад.*

Маъноси:

*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.*

Шарҳи:

“Най”дан муддао Румий кўзлаган мақсад ориф мартабасига сазовор бўлган комил инсон экани. Байтнинг иккинчи: “Айрилиқлардан шикоят айлагай” мисрасининг мазмуни: ориф инсон руҳоний дунёдан (яъни асл ватанидан, унинг мангу ва барқарор руҳи ҳали бу фоний оламга келмаган чоғдаги

мақонидан) жудо бўлгандан сўнг, қийинчиликлар заминига тушгандан аччиқ шикоят қилади. Бу шикоят – норозилик, маҳзунликнинг бирдан-бир сабаби асл оламидан айрилишдир. “Най” – комил инсон бу мақомда ўз дарди ёхуд ўтқинчи дунё дарди учун фиғон чекаётгани йўқ. “Маснавий”нинг илк байти бўлган ушбу сатрларда арабча “самъ”га доир “тингла” амри воситасида най садосига диққатни қаратиши. Бу билан инсоннинг эшитиш аъзоси унинг бошқа аъзоларига нисбатан баланд мақомда эканига ишора қилиниши. Румий ҳар бир суфий диний кўрсатмаларга риоя қилиши шарт, зеро у Маҳбубга тортиқ деб, ҳисоблаши. Румий шарият уламолари эътирозига сабаб бўлган само, ҳадрага катта эътибор қаратиши. Насрда битилган “Фийҳи ма фийҳи” асарида унинг шогирдлари билан мажлисларидаги суҳбатлари издошлари томонидан жамланиши. “Фийҳи ма фийҳи” номи Ибн ал-Арабий қасидасидан ўзлаштирилиши. Асар “Маснавий”га шарҳ ҳам ҳисобланиши.

3. Румий ижодида бағрикенглик ғоялари. Румий динларни бирлаштириш ғоясига қарши туриши. “Ичиндаги ичиндадир” китобида у ёзади: “Сиз қандай қилиб динни бир қиласиз? Бу фақат қиёматда мумкин. Бу ер дунёдир ва шунинг учун ҳам диннинг бир бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ерда уларнинг турли-туман истаги ва тилаги бордир. Дин дунёда бирлашолмайди, фақат қиёматда бир бўлади. Қиёматда уларнинг ҳаммаси бирлашади, бир қулоқ, бир тил ҳолига келади».

Румий ижодида динларнинг мазҳаблар, таълимотлар, қарашларнинг турли-туман бўлиши қонуният, табиий ҳол сифатида қаралиши. Румий ва унинг издошлари, Ибн ал-Арабий, Жомий, Машраб каби бошқа суфийлар динлар ва мазҳаблардан юқори туриб, мазҳаблар ўртасидаги баҳс-тортишувларни маъносиз ва беҳуда деб қарашлари. Румийнинг “Мен 73 мазҳаб билан биргаман”, дегани. Румий мақбарасидаги ёзувлар:

Яна кел, яна...

Ким бўлсанг – ўша бўл,

Хоҳ кофир, хоҳ мажусий, хоҳи бутпараст.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларига шарҳлар. Найнома / Маснавий ҳикматлари. Нашрга тайёрловчи А.Тилавов. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 404 б.
2. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
3. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Кныш А. Мусульманский мистицизм : Краткая история. – М.-С-П.: Диля, 2004. – 464 с.
6. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
7. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия: Сочинение. М.: Издательство восточной литературы, 1963. Т. I. – 759 с.
8. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Жалолиддин Румийнинг тасаввуфий қарашларида бошқа дин вакилларига муносабат.

18-МАВЗУ. ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ ИЖОДИДА ТАСАВВУФ

Режа:

1. Жомий ижодида тасаввуфнинг ўрни.
2. Навоий ва тасаввуф.
3. Навоий ва нақшбандия тариқати.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Жомий ижодида тасаввуфнинг ўрни. Абдурахмон Жомий (1414–1492) ёшлигида нақшбандий шайх Саъдуддин Муҳаммад Қошғарий қўлида сабоқ олиши. Жомий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор билан дўстона муносабатлар ўрнатиши. Хусайн Бойқаронинг саройида фаолият юритиши. Форс ва араб тилидаги ижод намуналарида маснавий, панд-насихат ва ривоятлар ўрин олиши. Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс» китобида XV асргача яшаб ўтган 608 та суфийнинг номи тилга олинади. Навоий бу рўйхатни туркий суфийлар билан тўлдириб «Насойим ал-муҳаббат»да авлиёлар сонини 770 тага етказиши. «Насойим» асари «Нафаҳот»дан кўп жиҳатдан фарқлангани учун, мустақил асар сифатида намоён бўлиши: 36 ҳинд машойихи, Ф.Атторнинг “Тазкира”сидан 19 авлиё, 100 дан ортиқ туркий машойихлар, Жомийнинг ўзи ҳам авлиёлар сирасида васф этилиши. «Нафаҳот» Абу Ҳошим ас-Суфий баёни билан, «Насойим» Увайс Қараний васфи билан бошланиши.

Жомий ижодига Ибн ал-Арабий ва унинг издошларининг таъсири “Рисола фи-л-вужуд” асарида акс этиши. Жомий ваҳдат ал-вужуд таълимотининг нақшбандиядаги таъсири ошишига хизмат қилиши.

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий умрининг охиригача устоз-шоғирд бўлиши. Жомийни ўрганмасдан Навоийни, Навоийни ўрганмасдан Жомийни англаш мумкин эмаслиги.

Биринчи жомийшунос Алишер Навоий Жомийга бағишлаб «Хамсат ал-мутаҳаййирин» асарини ёзиши, «Маҳбуб ал-қулуб»нинг «Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида» деб номланган 16-фаслида Ажам шоирларини тўрт гуруҳга бўлиб, Жомийни уч гуруҳга мансублигини таъкидлаб ўтиши.

Жомийни ҳам биринчи навоийшунос олим сифатида «Баҳористон» ва бошқа асарларида Навоий ижодига юқори баҳо бериб, унинг «туркий тил, туркий адабиёт учун барча интилишларини қувватлаши. Жомийдан 100 га яқин фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига ҳамда назм ва насрнинг турли жанрларига оид улкан ва ранг-баранг адабий ҳамда илмий мерос қолгани. Навоий «Хамсат ал-мутаҳаййирин»да унинг 38 асарини санаб кўрсатиши. «Лужжат ал-асрор», «Ашиъат ал-ламаот» диний-фалсафий қасидаси Ибн Синога бағишлаши. 7 дostonдан иборат «Ҳафт авранг»даги «Силсилат аз-заҳаб», «Тухфат ал-аҳрор», «Субҳат ал-аброр» дostonларида юксак хулқ-атвор мезонларини тарғиб қилиши, «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Соломон ва Абсол» дostonлари ишқий мавзуда, «Хирадномаи Искандарий» дostonи Низомийнинг «Искандарнома»сига тақлидан ёзилиши. XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларида Муҳаммад Ризо Огаҳий Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо»сини ўзбек тилига таржима қилиши. Жомий «Нафаҳот ал-унс» асари билан тасаввуф тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшиши. Унда 608 та мутасаввиф ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 нафари аёллардир. «Кофия шарҳи рисоласи», «Шарҳи Мулло» (ёки «Мулло Жомий») Марказий Осиё ва Идил (Волга) бўйи татарлари мадрасаларида араб тили ва грамматикасидан дарслик сифатида ўқитилиши. Жомийнинг нақшбандия тариқатига кириши. Нақшбандия тариқатининг Хуросондаги улуғ шайхи, Жомийнинг пири Саъиддин Кошғарий бун «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло биз ошуфтаҳол фақирларга бу соҳибкамол йигитнинг суҳбатига етиш шарафини иноят айлади», деб эътироф этиши. Жомий шоҳ асарларини тариқатга киргандан кейин (1453 й.) ёзиши. Жомий Шайх Саъиддин Кошғарий вафотидан

сўнг нақшбандиянинг ўша даврдаги энг буюк пири муршиди Хожа Аҳрор Валийга иродат қўлини бериши. Мовароуннахрлик нақшбандийлар хуросонлик нақшбандийларга устозлик ва раҳнамолик вазифасини ўташи. Хожа Аҳрор раҳнамолигидаги тариқат аҳли Самарқандда нақшбандиянинг қудратли марказини вужудга келтириши. Алишер Навоийнинг Жомийга иродат қўлини бериши (1476 й.) ва нақшбандийликни қабул қилиши. Жомий ижодида нақшбандия ва ваҳдат ал-вужуд таълимотлари уйғунлиги. Жомий тасаввуфий-ирфоний асарлари билан сиёсий-ижтимоий, амалий-мазҳабий тус олган тариқатга фалсафий-ирфоний руҳ ва илмий-назарий қувват бағишлаши – нақшбандий пирнинг тасаввуф ва ирфон фалсафаси тарихидаги энг буюк хизмати экани.

2. Навоий ва тасаввуф. Навоийда инсоннинг Илоҳ томон кўтарилиши (уруж) асосий ғоя экани. «Хамса» дostonлари, «Лисон ат-тайр» ҳам уружни тасвирловчи асарлар.

Жомий ва Навоий ижодида дунё гўзаллиги илоҳий ҳусну жамолнинг давоми ва моддий ифодаси сифатида қаралиши. Уларнинг асарларида соф диний ғояларни ёхуд соф дунёвий ғояларни қидириш, асарларини бир-бирига зид қўйиш нотўғри экани. Навоий асарлари кўп маъноли, ҳар бир ифода етти қават парда ичига яширингани. Маҳбуб деганда Худони, Пайғамбарни, Пирни ва севган кишисини англаш, соқий деганда ҳам айни шу тўрт тушунчани эътиборга олиш, лаб деганда пирнинг сўзини, илоҳий файзни, қош деганда илоҳий олам билан моддий олам чегарасини, бел деганда комил инсон хаёлини, ингичка бел деганда комил инсон хаёлининг нозиклигини, кўз деганда комил инсоннинг ўзини назарда тутиш каби тимсолларни англамай, суфиёна шеърни англаш мумкин эмаслиги. Навоийнинг асарларини суфийлар ўз мақомида, оддий китобхонлар ўзича англаши.

Навоийнинг тасаввуф фалсафаси ва ахлоқи. Нақшбандия сулукининг асосий принциплари ва йўллари ҳақидаги мулоҳаза ва хулосалари қитъа, ғазал сингари кичик жанрларда очиқ қайд

этилиши. Достонлар таркибида муайян ғоявий ният билан боғлиқ ҳолда, бадий контекст доирасида зуҳур этиши.

Достонларда тасаввуф, хусусан, нақшбандия тариқатига муносабати очиқ эътироф сифатида кўзга ташланиши. Шоир дунёқарашига катта таъсир кўрсатган айрим ижтимоий оқим ва уюшмаларга муносабати маҳорат билан тўқилган парда ортига олиниши. Навоийнинг комил инсон концепцияси шаклланишига катта таъсир кўрсатган футувват (жавонмардлик)га муносабати. Алишер Навоий футувватнинг Кичик Осиё худудидаги ўзига хос тармоғи бўлмиш ҳамда Хуросон ва Мовароуннаҳрда “жавонмард” деб аталган, “ахийлик” ҳаракати намояндаси («Сабъаи сайёр»даги Ахий)нинг ёрқин образини яратиши. Шоирнинг ўз тили билан айтганда:

*Муруват – барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват – барча қилмакдур, демак йўқ.*

Шоир асарларида «футувват», «жавонмард» атамалари комил инсонларга хос ижобий хусусият сифатида кўп зикр этилиши.

3. Навоий ва нақшбандия тариқати. Алишер Навоий нақшбандия сулукига содиқ қолгани ҳолда, бошқа тариқатларга ҳам бағрикенглик кўрсатиши, турли тариқатларга мансуб маърифатли шахсларга эҳтиром билан қараши.

Нақшбандия талабларида зикри жаҳр, самоъ ва хилват бўлмаслигини Навоийнинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтсада, Бобурнинг маълумотига қараганда, «Алишербек қошида (Камолиддин Хусайн Гозургоҳий каби) мутасаввифлар йиғилиб, важд (жаҳр) ва самоъ қилурлар экандур».

Алишер Навоийнинг «Лисон ат-тайр» достонида Ҳиндистондан қайтган кўрларнинг фил ҳақидаги тасаввурларига хулосаси (мазмун): «Улар бир-бирига зид фикрларни айтган бўлсаларда, кечирарлидир. Чунки уларнинг ҳар бири ўз билганича сўз айтади». Ҳар қандай масалада фикр хилма-хиллигини эътироф қилиш, турли мазҳаб ва тариқатларга ҳурмат билан холисона муносабатда бўлиш, ўта нозик ўринларда ўз

фикрини билвосита – пардали ифодалаш ва энг муҳими, барча масалаларда адолат ҳиссининг барқарорлиги Навоий даҳоси учун характерли экани.

Алишер Навоий нақшбандия тариқатига алоҳида эътибор билан қараши, тариқатнинг кўрсатмаларига риоя қилиши ва нақшбандий пирлар билан яқин муносабатда бўлиши.

XV асрда Мовароуннаҳрда энг катта мулк эгаси, нақшбандий сулукининг саромади Хожа Аҳрори Валий бўлса, Хуросонда худди шундай одам Алишер Навоий экани. Мулк ва мансабга меҳр қўймаслик, дилни улар хаёлидан мутлақо холи қилиб, Аллоҳ муҳаббати маконига, Маҳбуб жилвагоҳи бўлган мусаффо кўзгуга айлантириш иккала арбобга хос бўлгани. Навоий ижодида зоҳидлик:

*Олтун, кумушга ҳирс манъиким, тутмоғи
Иликни қора қилур ва муҳаббати кўнгулни.*

*Куп олтун, кумуш сари қўл сўнмағил,
Ки тутсанг, кафингни қаро занг этар.*

*Кўнгулда доғи майлини асрама,
Ки кўнгулгни доғи ҳамул ранг этар.*

Алишер Навоий ижодининг бошланиш даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда нақшбандия таълимоти кенг ёйилиб, унинг таъсири ёзма адабиётда ҳам кўрина бошлаши. Амир Сайид Қосимий маснавийлари, «Мажолис»нинг иккинчи мажлисида келтирилган маълумотлар Навоийнинг ёшлик даврида нафақат Мовароуннаҳр, балки Ҳирот муҳитига мансуб ижод аҳли орасида ҳам мазкур тариқатга мансуб шоирлар борлигидан далолат бериши. Алишер Навоийнинг нақшбандийлик сулукига расман кириши вақти Жомийга қўл бериши (1476-77 й.) билан белгилансада, аслида Навоий эътиқодидаги узоқ эволюциянинг расмий натижаси бўлгани.

Навоий «ота масобасида» бўлган, «тасаввуфда таъби хўб» Сайид Ҳасан Ардашерни пир ва устоз сифатида эътироф этиши, унинг хонадонида бўлиб турадиган орифлар мажлисининг мунтазам иштирок этиши. Навоийнинг нақшбандия тариқатига амалий таважжуҳи жуда эрта бошлангани. Алишер Навоийнинг

ёшлик ва йигитлик даврига мансуб шеърлари таркибида учрайдиган айрим байт ва ғазаллар нафақат ёш ижодкор шеърятининг тасаввуфий моҳияти, балки уларнинг кўп масалалар (хилватни инкор қилиш, мажоз ва ҳақиқат, ҳиммат, фақру фано)да нақшбандия таълимотига мувофиқ эканига далолат қилиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилд. – Т.: Фан, 1987–2003.
2. Акрам Б. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. – Т.: Ўзбекистон, 1991. – 244 б.
3. Болтабоев Ҳ. Исломи тасаввуфи манбалари – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
4. Усманов И. Суфизм. Т.: ТИУ, 2011. – 168 с.
5. Навоий А. Насойим ул-муҳаббат / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва кўрсаткичлар муаллифи Ҳ.Исломи. – Т.: Мовароуннахр, 2011. – 472 б.
6. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
7. Ҳусайн Воиз Кошифий. Фугувватномаи султоний; Ахлоқи Муҳсиний. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 376 б.
8. Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ал-вужуд таълимоти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 232 б.
9. Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари / Н.Комилов, А.Қуронбеков ва бошқалар. – Т.: ТошДШИ, 2010. – 200 б.

Мустақил иш топшириқлари:

«Насойим ал-муҳаббат»да зикр этилган тариқатлар ва уларнинг пешволари.

19-МАВЗУ: ИМОМ РАББОНИЙ ВА УНИНГ “ВАҲДАТ АШ-ШУҲУД” ТАЪЛИМОТИ

Режа:

1. Аҳмад ас-Сирҳиндийнинг ҳаёт йўли.
2. Ваҳдат аш-шуҳуд таълимоти юзага келишининг тарихий шарт-шароитлари.
3. Ваҳдат ал-вужуд ва ваҳдат аш-шуҳуд таълимотларининг муқоясаси.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Аҳмад ас-Сирҳиндийнинг ҳаёт йўли. XVI аср охири ва XVII аср бошларида нақшбандия тариқати тараққиётининг янги юксалиш даври бошланиши. Нақшбандиянинг Ҳиндистонда тарқалиши. “Нақшбандия-муҷаддидия” тариқати юзага келишида Аҳмад ас-Сирҳиндий ал-Форуқий ар-Раббоний (1564–1624)нинг ўрни. Ас-Сирҳиндий “Мактубот” номли асарида нақшбандия назарияси ва амалиётига, хусусан, “зикр”, “ваҳдат”, “пир ва мурид одоби” масалаларига кўпгина ислохотлар киритиши. Аҳмад ас-Сирҳиндий фаолияти Ҳиндистонда бобурий Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (1551–1605) ҳукмронлиги даврига тўғри келиши. Ас-Сирҳиндий – муҷаддиди алфи соний. Ас-Сирҳиндийнинг “ваҳдат ал-вужуд” таълимотига қарши чиқиши ва “ваҳдат аш-шуҳуд” таълимотини тизимга келтириши. Ҳинд тариқатлари ўз ғояларини *малфузот* орқали ташвиқ қилганда, ас-Сирҳиндий ўз таълимотини ёзишмалар – *мактубот* орқали тарқатиши.

2. Ваҳдат аш-шуҳуд таълимоти юзага келишининг тарихий шарт-шароитлари. Имоми Раббонийнинг “ваҳдат аш-шуҳуд” ва Ибн ал-Арабийнинг “ваҳдат ал-вужуд” назариялари ўзаро ўхшаш жиҳати ва ўзак мақсадида айрича экани. Кубравия тариқати намояндаси Алоуддавла ас-Симноний (ваф. 1336 й.) томонидан ишлаб чиқилган “ваҳдат аш-шуҳуд” таълимоти. Ас-

Симноний тавҳидни – Аллоҳни мушоҳада этиш, У билан мулоқот қилиш, деб тушунтириши. Тавҳидни иттиҳод, У билан қўшилиб кетиш, Унда эриб кетиш, деб тушунишни рад этиши. Шариатга сўзсиз амал қилибгина маърифатга эришиш мумкинлигини таъкидлаб, ҳақиқат-тариқат-шариат босқичларини таклиф этиши. Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган аъзолари ваҳдат ал-вужуд таълимотини қабул қилиб, Ибн ал-Арабий асарларига ҳурмат назари билан қарашлари. Имоми Раббоний ҳам отасининг изидан бориб, аввалида ваҳдат ал-вужуд назариясини қабул қилиши. Кейинчалик бу таълимотни нуқсонли деб ҳисоблаб, ваҳдат аш-шуҳуд таълимотини ёқлаб чиқиши ва тизимга келтириши. Ҳинд ҳукмдори бобурий Акбаршоҳ динларни қориштириш сиёсатини олиб боришда ваҳдат ал-вужуд таълимотига асосланиши. Ас-Сирҳиндийнинг диний синкретизм ва унга асос бўлган ваҳдат ал-вужуд таълимотига кескин қарши чиқиши. Нақшбандийлар ўртасида ваҳдат ал-вужуд таълимоти ёйилишига ас-Сирҳиндийнинг салбий муносабати. Нақшбандия-мужаддия ваҳдат аш-шуҳуд таълимотини тарқатиши. Мовароуннаҳрда Мусохон Даҳбедийнинг нақшбандия-мужаддия ғояларини тарғиб қилиши.

3. Ваҳдат ал-вужуд ва ваҳдат аш-шуҳуд таълимотларининг муқоясаси. Имом Раббоний олам – Аллоҳ иккилиги мавзуида сўз борганда, Ибн ал-Арабий қарашидаги “вужуд” жиҳатидан олам билан Аллоҳни бир хиллаштиришни рад этиши. Раббонийнинг айтишича, Аллоҳнинг исм ва сифатлари зотининг сояси, олам эса Унинг исм ва сифатларининг сояси ва зухур этадиган жойидир. Фақатгина исм ва сифатларнинг Илоҳ зотидан бўлак “вужуд”лари бўлганидек, оламнинг ҳам исм ва сифатлардан айри “вужуд”лари бор. “Фано” мақомига эришган солиқнинг оламда Аллоҳнинг сифатларидан бошқа бир нарсани мушоҳада қилмаслиги оламнинг борлигини инкор қилиши деган маънони билдирмайди. Бироқ худди қуёш нурининг таъсири билан юлдузларни кўрмаган ва уларга қизиқмаган киши каби Аллоҳнинг тажаллиларига гувоҳ бўлган кишининг кўз олдида олам йўқолади. Акс ҳолда, қуёш ёруғлигида юлдузлар

батамом йўқ бўлмаганидек, солиқнинг кўз олдидан йўқолган олам мавжуддир. Шундай экан, Аллоҳ билан олам орасида “иттиҳод” (бирлашув), “айният” (бир хиллик), “ихота” (қамраш), “маият” (бирга бўлиш) туридаги муносабат йўқдир. “Ваҳдат ал-вужуд” таълимотида оламдаги борлиқларга “вужуд” дея нисбат берилмайди. Улар мисли соя борлиқлардир.

Имом Раббонийга кўра, ваҳдат ал-вужуд илм ал-яқин босқичида, ваҳдат аш-шухуд эса айн ал-яқин босқичида идрок этилиши. Ваҳдат аш-шухуд таълимот сифатида тушунилиши осон бўлгани, анъанавий қабул қилинган меъёрларга зид келмагани учун унинг танқидчилари деярли бўлмагани. Бу таълимот кейинчалик нақшбандийлар томонидан кенг ўзлаштирилиши. Нақшбандия-мужаддиция тариқати фаолиятида ваҳдат аш-шухуд таълимотининг ўрни.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Имоми Сирҳиндий. Мактубот. 2 жилдли. – Байрут: Дор ан-нашр, 2003.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм : Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Жужжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
6. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Ваҳдат ал-вужуд ва ваҳдат аш-шухуд таълимотлари ўртасидаги фарқли ва ўхшаш жихатлар. Имоми Раббоний фаолияти ва нақшбандия-мужаддиция тариқати шаклланиши.

20-МАВЗУ. ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Режа:

1. Тариқатлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Тариқатларнинг ўзига хос жиҳатлари.
3. Тариқатларда пир-мурид муносабатлари эволюцияси.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Тариқатлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.

XII асрдан эътиборан ислом оламида тариқатлар шакллана бошлаши. Тариқатларга ас-Сулабий, ал-Харақоний, Абу Саид Абулхайр, Абдуллоҳ ал-Ансорийлар атрофида ташкил бўлган суфий ҳалқалар асос бўлгани. Тариқатлар одатда махсус манзилларда ўрнашиши. Суфийлар у ерда кундалик ҳаёт ташвишларидан четлашиб, жамоавий ва индивидуал маросим, зикр, риёзат билан машғул бўлиши. Вақт ўтиши билан тариқатларда аниқ интизом, ички тартиб, зикр қоидалари, кундалик машқлар ишлаб чиқилиши. X асргача бўлган тасаввуфда устоз ва шогирд ўртасидаги муносабат анча эркин бўлиб, муайян қоидаларга бўйсунмагани кузатилиши: бир шогирд – мурид бир вақтнинг ўзида бир неча устоз – шайхдан (пир) сабоқ олиши. X аср охиридан эса Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларида норасмий пир-мурид муносабатлари ўрнига муайян тартиб-интизомга бўйсундирилган муҳит шаклланиши. Шайхлар аҳолининг кенг қатламига ўз ҳомийлари ёрдами билан аксар ҳолларда бепул таълим олиш имкониятларини таклиф қилиши ва шогирдлардан бошқа пирга бормасликни талаб этиши. Ҳар бир шайхнинг алоҳида руҳий таълим йўли – тариқат номини олиши. Тариқат – шайхнинг ўз шогирдларини гуноҳлардан поклаиб, дунё ташвишларини енгиб, маънавий камолотга етишиши учун таълим берган қоидалар, риёзат ва мужоҳада йўллари, зикр, маросимлар ва дуолар мажмуи. Вақт

ўтиши билан тариқат сўзи муайян бир шайх тартиб берган суфийлик назарияси ва амалиётга эргашувчи суфий жамоасига нисбатан ишлатиладиган бўлиши. Пир ва мурид муносабатлари суфий жамоаси ичида расмийлашган ҳолат юзага келиши. Шайх қўлида таълимни яқунлаган мурид, ўзи ҳам энди шогирдлар чиқариши учун ёзма ёки оғзаки рухсат – ижозат олиши кераклиги. Таълим жараёнини яқунлаган муридга тантанали равишда суфий хирқаси кийдирилиши. Мовароуннаҳр ва Хуросонда суфий йиғилишлар асосида пир-мурид тартиби (институти) шаклланиши (XI–XII аср ўрталари). Бу даврда тасаввуф хос кишилар тасаввуфидан омма тасаввуфига айланиши. Тариқатларнинг силсила институти – узлуксиз маънавий ворислик занжири шаклланиб (XII аср охири), сулуқдаги хусусий услубларнинг жамиятда “қонунийлаштириш” жараёнида асосий ўрин тутиши. XII–XIV асрларда тасаввуфда асосий 12 тариқат: рифоия, яссавия, шозилия, суҳравардия, чиштия, кубравия, бадавия, қодирия, мавлавия, бектошия, халватия, нақшбандиялар вужудга келиши. Бу усул тариқатлар кейинчалик вужудга келган барча тариқат тармоқлари ёки алоҳида тариқатларнинг ўзаги ҳисобланиши. Абдулқодир ал-Гилоний (ал-Жилоний) (ваф. 1166 й.) таъсис этган қодирия тариқати дастлабки тариқатлардан бири ҳисобланиши.

2. Тариқатларнинг ўзига хос жиҳатлари. Тариқатларнинг институтлашиш жараёнлари Салжуқийлар давридан бошланиб, айниқса мўғуллар босқини ва ундан кейинги даврларда оммалашуви. Мўғул хонлари, жойлардаги волийлар суфий жамоаларига ҳомийлик кўрсата бошлаши. Мусулмон оламида шозилия, рифоия, халватия, бурҳония, нақшбандия, кубровия, яссавия ва қодирия каби тариқатлар катта таъсир доирасига эга бўлиши. Вақт ўтиши билан ҳар бир тариқат ўз усул ва методлари акс этган махсус адабиётини шакллантириши. Тариқатлар доирасида яратилган адабиётларнинг асосий мавзулари:

1. Силсила – шайхнинг Муҳаммад (а.с.)гача борадиган маънавий шажараси. Бу тариқатнинг легитимлигини намойиш учун керак бўлган.

2. Пир-мурид – устоз-шогирд муносабатлари.

3. Зикр: зикр тушиш қоидалари, вақтлари, миқдори.

4. Чилла: чиллада ўтириш бўйича кўрсатмалар, зикр ва дуолар, ўй-хаёлларни бошқариш бўйича насиҳатлар.

5. Манзил ва мақомлар: суфийлар риёзат ва мужоҳада орқали эришадиган манзил ва мақомлар. Турли тариқатларда уларнинг сони турлича бўлган.

6. Суфий жамоасида яшаш қоидалари: бундай адабиётларда суфийлар жамоа ичи ва ташқарисида ўзини қандай тутиши кераклиги, само, таҳорат, рўза каби масалалар бўйича ҳам муайян йўл-йўриқлар берилган.

Бу каби адабиётлар ҳар бир суфий жамоасига ўзига хосликни таъминлаб бериши. Тариқат шайхига бағишлаб ёзилган маноқиб асарлар тариқат аъзолари учун маънавий намуна хизматини бажариши. Асосан шайхнинг маънавий қиёфасини бўрттириб акс эттиришга бағишланган маноқибларда, уларнинг кароматларига катта ўрин ажратилиши. Ислонда авлиёлар култининг шаклланиши.

Суфийлар ҳомийлар томонидан барпо этилган махсус хонаҳо, работ ва зовияларда яшаб ўзига хос турмуш тарзини кечириши. Ҳар бир тариқат учун хос бўлган зикр дуолари, вирдлар, уларнинг давомийлиги ва вақтлари, зикр турлари – жаҳрий ва хафий, само, ҳадраларни ўз шайхлари кўрсатиб берган тартибда амалга оширилиши.

Тариқатларнинг ташқи қиёфаларига кўра фарқланиши. Ташқи кўринишда ажралиб турадиган махсус либослар: таннура, кулоҳ, аҳо, хирқа, мураққаъ, камар; махсус турар жойлар: такъя, работ, зовия, хонаҳо; махсус ашёлар: туғ, байроқ, пўстин, муттако, гул ва бошқа унсурлар жорий қилиниши. Баъзи тариқатларнинг турли хил маросим ва моддий унсурларга кўпроқ аҳамият бериб, тариқат ва тасаввуфнинг асл ғоясидан узоқлашиши.

3. Тариқатларда пир-мурид муносабатлари эволюцияси.

Тасаввуфда пир-мурид муносабатларида икки алоҳида эътиборга молик ҳолатнинг кузатилиши: бири – мурид ўз маънавий камолоти учун масъул бўлган пир ҳузурида сабоқ олиши ва таълимини яқунлагач, унга хирқаи ирода берилиши;

иккинчиси – мурид пир хузурида қисқароқ вақт таълим олиши ва унга хирқаи табаррук берилиши. Хирқаи табаррук билан мурид бошқа пирга бориб таълимини давом эттириш имконига эга бўлиши. Ўрта аср ва ундан кейинги давр тасаввуфида бир шайхда кўплаб шогирдлар таълим олиши ҳамда бир шогирд бир неча шайхлардан сабоқ олиш ҳолатлари кузатилиши. Тижония каби тариқатларда фақат бир шайхнинг этагини тутиш таъкидланиши. Тариқатлар ташкилий тузилмасидаги катта ўзгаришлар (XIV–XV асрлар). Тариқатлар кенгайиши ва бир шайхнинг муридлар таълим жараёнини амалга ошириш имкониятига эга бўлмай қолиши. Шайхлар ўз вазифаларининг маълум қисмини ўз ёрдамчилари – *муқаддам* ва *халифаларига* топшириши. *Муқаддам* ва *халифалар* ўз шайхлари номидан маъруза қилиб, омма ўртасида тарғибот ишларини олиб бориши. Тариқатнинг узоқ жойлардаги шўъбалари шайхлари ҳам деярли мустақил фаолият олиб бориши. Вақт ўтиши билан ҳар бир тариқат ўзига хос ташқи кўриниши билан ажратиб турадиган атрибутларга эга бўлиб бориши. Тасаввуфдаги ташқи қиёфага доир ҳар қандай предмет мазмун ва ҳикматга эга экани ҳақида изоҳли адабиётлар пайдо бўлиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм : Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Жужжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
6. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Мовароуннаҳр тариқатларининг ўзига хос ташқи кўринишлари.

21-МАВЗУ. МОВАРОУННАХР ТАРИҚАТЛАРИ

Режа:

1. Яссавия тариқати.
2. Кубравия тариқати.
3. Нақшбандия тариқати.

Маърузанинг асосий мазмуни:

1. Яссавия тариқати. Яссавия тариқати асосчиси Хожа Ахмад Яссавий (ваф. 1160 й.) Сайрам қишлоғида дунёга келиши. Гўдаклигида Яссига кўчиб ўтиши ва у ерда Арслонбоб исмли машҳур шайхнинг хайр дуосига эришиши. Дастлабки таҳсилдан кейин ўша даврнинг энг йирик илм маркази Бухорои шарифга бориб, машҳур шайх Юсуф ал-Ҳамадоний (ваф. 1140 й.) қўлида таълим олиши. Ал-Ҳамадоний вафотидан сўнг, бир муддат унинг мақомида ўтиргач, шайхнинг маънавий буйруғига кўра мақомини Абдулҳолиқ Ғиждувонийга қолдириб, Яссига қайтиши ва иршод фаолиятини асосан у ерда олиб бориши. Оддий халқ оммаси англайдиган услубда суфиёна ҳикматлари – шеърлари билан атрофдагиларни ўз йўлига солиши. Шеър-ҳикматлари кейинчалик “Девони ҳикмат” номи остида китоб ҳолига келтирилиши. Аҳмад Яссавий ҳаётлигидаёқ узоқ ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг тарқатишга ҳаракат қилиши. Яссавий риёзат, чилла, зикр ва мужоҳадага кучли аҳамият бериб, ҳаётининг аксар қисмини чиллахонада ўтказиши ва Яссида вафот этиши.

Яссавия тариқатида жаҳрий зикрга амал қилиниши. Зикр чоғида дарвешнинг томоғидан арранинг саси каби овоз чиққани учун яссавия зикрига “Зикри арра”, “Зикри миншор” дейилиши. Ушбу зикр ижроси: Дарвиш икки қўлини тиззаси устига қўйиб нафасини қорнига чиқариб “ҳа” деб, яна қорни томонидан нафас

олиб бош, бел, елка қимирламаган ҳолда “хайй” дейди ва зикр шу тарзда давом этади. Яссавийликда хилватга ҳам катта аҳамият берилиши. Яссавийликда маърифатуллох, мутлоқ жўмардлик, ростгўйлик, ҳаққ ал-яқинда истиғроқ бўлиш, таваккул ва теран тафаккурга аҳамият берилиши. Яссавия тариқати сунний эътиқодга амал қилиш билан бирга Хуросон маломатийлигидан бироз таъсирлангани сабабли терма маданият базасига эга эканлиги. Айрим манбаларда нақшбандияни яссавийликнинг бир шаҳобчаси, деб қайд этилиши. Яссавийлик Онадўлида шаклланган ахийлий харакатига кучли таъсир кўрсатиши. Аҳмад Яссавийнинг машҳур халифалари Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний, ваф. 1186 й.), Занги ота, Узунҳасан ота, Саййид Аҳмад ота (Саййид ота), Садруддин Муҳаммад ота (Садр ота) ва Бадруддин Муҳаммад (Бадр ота) тариқатнинг институтлашувида муҳим ўрин тутиши. Яссавия тариқатида мурид риоя қиладиган одоблар:

1. Ўз шайхини афзал кўради.
2. Мурид заковатли ва идрокли бўлиб, шайхнинг ишоротларини тез англаб олади.
3. Шайхнинг ҳар бир сўзига сидқидилдан ишонади.
4. Шайхнинг барча хизматларини дангасалик билан эмас, эҳтиром билан бажаради.
5. Сўзда содиқ, аҳдга вафоли, динда соғлом ва ҳеч шак-шубҳага бормаиди.
6. Мол-мулкани шайх учун аямайди.
7. Шайхнинг сирларини сақлаб, уларни ҳеч қачон фош этмайди. Унинг ўғитларини доимо назарда сақлайди.

Яссавийликда шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат кенг тарғиб этилиши. Шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат йўқ экани. Буларнинг ҳар бири алоҳида босқич бўлиб, бир-бирини тўлдириши ва такомиллаштириши. Мурид ўз пири раҳнамолигида мазкур босқичлардан ўтиши ва илоҳий ишқ сари интилиши, камолотга эришиши зарурлиги.

Туркий қавмлар ислом динига киришда яссавия тариқатининг ўрни катта бўлиши. Амир Темур Яссавий қабри устида маҳобатли мақбара курдириши (1395-97 йй.). XVI асрга келиб яссавия ўзининг аввалги мавқеини йўқотиб бориши.

2. Кубравия тариқати. Кубравия – тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги мактаби. Маънавий ворислик занжири Маъруф ал-Кархий (ваф. 816 й.) орқали Абу Бакр ёки Али ибн Абу Толибга тақалиши. Тариқат асосчиси Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келиши. Унга «Нажмиддин», «Кубро», «Абулжанноб», «Валийтарош» унвон ва куниялари берилиши. Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс» асарида Нажмиддин Кубро Хоразмнинг кўзга кўринган уламоларидан ўзиб кетиб, илмий баҳсларда ғолиб чиқиши ва унга «Таммат ал-кубаро», яъни уламоларнинг етуги, улуғвори ёки “улкан бало” деган лақаб берилиши ҳақидаги маълумотлар.

Нажмиддин Кубро тахминан ўн олти-ўн етти ёшлигида Ватани Хоразмни тарк этиб, таҳсилни чуқурлаштириш мақсадида Эрон, Миср, Шом ва Ироқ мамлакатларини кезиши.

Нажмиддин Кубро илк дафъа Мисрга бориб, Шайх Рўзбехон ал-Ваззон Мисрий (ваф. 1189 й.)га мурид тушиши.

Шайх Аммор Ёсир ва Шайх Исмоил Қасрий (ваф. 1183 й.) каби пирлари Нажмиддиндаги такаббурлик, зохирий илмларга бино қўйиш майлини синдириб, маънавий-маърифий камолот босқичларига кўтарилишга ёрдам беришлари. Нажмиддинда ботиний ажойибот пайдо бўлиб, валийлик аломати кўрингач, Шайх Исмоил унга иродат хирқасини кийдириб, Хоразмга қайтиб, у ерда тариқатни жорий этишни тавсия қилиши.

Нажмиддин Шайх Исмоил қўлидан «иродат хирқаси»ни олгач, Шайх Рўзбехон таълимотни ёйиши мумкин деб ёзма ҳужжат – «ижозат» хати бериши.

Нажмиддин Кубро Хоразмга қайтиши (1185 й.). У Хоразмда катта хонақоҳ курдириб, янги тариқатга асос солиши. Муридлари орасидан шайх Мажиддин Бағдодий, шайх Саъиддин Ҳаммуя, шайх Сайфиддин Бохарзий, шайх Айнуззамон Жамолиддин

Гейли, шайх Бобо Камол Жандий, шайх Нажмиддин Розий Доя, Шайх Рукниддин Алоуддавла ас-Симноний сингари мусулмон оламига номи кетган валий зотлар етишиб чиқиши. Нажмиддин Кубронинг Чингизхон тўдаларига қарши жангда (1221 й.) шаҳид бўлиши.

Кубравия тариқати силсиласи. Нажмиддин Кубронинг тариқат йўлидаги пирлари – Шайх Рўзбеҳон Мисрий, Шайх Аммор Ёсир ва Шайх Исмоил Қасрий Шайх Абулнажиб Сухравардийнинг муридлари экани. Кубравия тариқати Мовароуннаҳр, Эрон, Миср, Ироқ ва Афғонистонга кириб бориши. Кубравиядан фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, заҳабия, нурбахшия каби йўналишлар ажралиб чиқиши. Кубравия аъзолари ичида Алипарастликнинг авж олиши, XV асрда тариқат ичида икки мустақил шиалик тариқати шаклланишига олиб келиши: заҳабия ва нурбахшия.

Кубравияда аввалида зикри жаҳр амал қилиши, кейинчалик зикри хафийга ўтилиши. Нажмиддин Кубродан кичик ҳажмли рисоалар етиб келгани. Нажмиддин Кубронинг асосий қарашлари акс этган уч асари: “Фавойиҳ ал-жамал ва фавотиҳ ал-жалал”, “ал-Усул ал-ашара”, “Рисолат ал-хаиф ал-ҳаим мин лавмат ал-лаим”. Бу асарларда солиқнинг маънавий даражасини намоён этувчи руҳий кечинмалари, кўрадиган тушлари, ранглар муҳокамасига катта ўрин берилиши. Нажмиддин Кубро солиққа таъсир кўрсатадиган ўйлар ва тимсоллар – *хавотир* мавзуси ҳамда руҳий сезги аъзолари ҳисобланувчи *латоиф* мавзусига алоҳида аҳамият бериши. Кубравийликда ранглар рамзи тизими ишлаб чиқилиб, ҳар бир ранг солиқнинг ирфон йўлида эгаллаган босқичини билдириши: оқ ранг – ислом, сариқ – имон, тўқ кўк ранг – илоҳий марҳамат (иҳсан), яшил – хотиржамлик (итми’нан), ҳаво ранг – ҳақиқий ишонч (ийқон), қизил – ирфон, қора – илоҳий ишқ. 10 усул ва ранглар рамзи бошқа тариқатлар (қодирия, нақшбандия, халватия) томонидан ўзлаштирилиши.

Нажмиддин Кубронинг «ал-Усул ал-ашара» асарида мурид тарбиялашнинг 10 та босқичи қайд этилиши: Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Зикр, Таважжух, Сабр, Мувоқабат, Ризо.

Тавба – барча амалларнинг боши. Ўз гуноҳларини англаб Аллоҳ таоло олдида тавба қилган ва бундан кейинги ҳаётини фақат илоҳий эзгулик ва хайрга бағишлашга аҳд қилган одамгина тариқатга кира олади. Тавба қилган одам бир ҳаёт тарзини тарк этиб, иккинчисига ўтади, ахлоқини ўзгартира бошлайди, ўзини англаш сари сафарга чиқади.

Зухд фи-д-дуня – тақво, парҳез. Тавба қилган киши энди ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиши, Аллоҳдан қўрқиб, Аллоҳ ман этган ишларни қилмаслиги лозим.

Таваккул алаллоҳ – ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суюниш. Ризқни Аллоҳ беради, инсон тақдирини Аллоҳ белгилайди ва инсон амаллари ҳам Аллоҳ иродаси доирасида бўлиши керак.

Қаноат – камолотнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Модомики, инсон фаришта билан ҳайвон орасида турувчи махлуқ экан, унда руҳ ва жисм кураши муқаррар бўлиб, камолот ана шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини кўпайтириш билан қўлга киради. Қаноат инсонни инсон қилади, маънавият безаги билан безатади.

Узлат – инсоннинг руҳи, агар у покланишига мойил бўлса, табиий равишда яккаланиш ва гўшанишин бўлишни талаб қилади. Инсон руҳи тажрид (ажралиш) ва тафрид (ёлғизланиш) босқичларини босиб ўтмаса, мутлақ покланмайди. Узлат – суфийларнинг чилла ўтиришлари, хилватлари билан амалга ошади.

Таважжуҳ илаллоҳ – кураш, нафси билан кураш. Солик ҳамма вақт яратганига юзланиб, ундан мадад сўраб, унинг сари қалбан интилмоғи даркор.

Сабр – солиқнинг эътиқоди, ниятини синаш. Ҳақ йўли оғир ва мушкул йўл, унинг азобу изтиробига чидаган кишиларгина мақсадга эришади. Тариқат йўловчиси сабр манзилидан ўтса, ажиб бир руҳий довондан ўтган, янги куч-қудрат топган бўлади.

Муроқаба – кузатиш, тафаккур-шуурга берилиш. Тавба-тазарру қилиб, зикру тоат, сабру садоқат билан ўзининг

маърифатини ошириб борган солик, бора-бора осойишта бир ҳолга келади, Аллоҳ дийдори ёдида тафаккурга ғарқ бўлади, оламларни руҳан сайр қилиб чиқади, кўз олдига Ҳақ таоло жамоли ва Пайғамбар сиймосини келтира олади. Руҳи тўлишиб тасаввур ва тахайюли кенгаяди, ғайб асрори эшиклари юзига очилади.

Мулозамат аз-зикр – суфий одам ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳнинг исмларини тилидан қўймаслиги билан қалбига Аллоҳ таоло сифатлари ва зоти жойланади. Аллоҳ нури порлай бошлайди.

Ризо – солик Аллоҳ қудратини, илмини чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзини буткул Унинг иродасига топширади ва Аллоҳ олами билан ҳузурлана бошлайди. Ҳақ унга ва у Ҳаққа яқинлашади.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тарихидаги жавонмардлик ғояларини тариқатга жорий этиши ва суфийлар ҳаётига янада изчилроқ сингдириб юбориши. XV асрда кубравиянинг Мовароуннаҳр саҳнасидан кетиши ва нақшбандия тариқатининг ейилиши.

3. Нақшбандия тариқати. Дунёда қодириядан кейин энг кенг тарқалган нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (ваф. 1389 й.) Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келиши. Баҳоуддин Нақшбандни ёшлигида Хожাগон тариқати шайхларидан Муҳаммад Бобо Самосий уни маънавий фарзандликка қабул қилиши. Бир муддат кейин Самосий унинг тарбиясини Амир Кулолга топшириши. Баҳоуддин Нақшбанд “увайсийлик” йўли орқали тарбияланиши. Абу Юсуф ал-Ҳамадоний (ваф. 1140 й.) ва Абдулхолиқ ал-Ғиждувоний (ваф. 1220 й.) хожাগон-нақшбандиянинг асосчилари ҳисобланиши. Баҳоуддин Нақшбанднинг Қосим Шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби яссавий шайхларидан кўп йиллар таълим олиши. Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” рисоласи нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида кенг маълумот берувчи манба экани. Нақшбандиянинг силсиласи икки мустақил йўл орқали ҳазрати Али ва ҳазрати Абу Бакрга бориб етиши. Машойих силсиласига қараганда тариқат Абу Бакрдан Боязид

ал-Бистомийга қадар сиддиқия, ал-Бистомийдан Абдулҳолиқ ал-Ғиждувонийга қадар тайфурия, ал-Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандга қадар хожагония, Нақшбанддан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга қадар нақшбандия, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордан Имом Раббонийга қадар нақшбандия-аҳрория, Имом Раббонийдан Шамсиддин Мазҳарга қадар нақшбандия-муҷаддидия, Шамсиддин Мазҳардан Мавлоно Холид Бағдодийга қадар нақшбандия-мазҳария, Холид Бағдодийдан кейин эса нақшбандия-холидия дея тилга олинди. Бу тариқатнинг силсиласидан бўлган Абдулҳолиқ ал-Ғиждувоний билан Аҳмад Яссавийнинг шайхлари Юсуф ал-Ҳамадоний. Нақшбандия янада тараққий этишида Баҳоуддин Нақшбанднинг вафотидан кейин халифалари Алоуддин Аттор (ваф. 1400 й.) ва айниқса, Хожа Муҳаммад Порсонинг (ваф. 1420 й.) ўрни. Нақшбандия ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий мавқеига Хожа Аҳрор Валий (ваф. 1490 й.) даврида эришиши. XIX асрда нақшбандиянинг дунё бўйлаб кенг тарқалишига машҳур олим ва мутасаввиף Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонавий (ваф. 1893 й.) қўшган улкан ҳиссаси.

Нақшбандия аҳли суннат эътиқодига амал қилувчи тариқат бўлиб, хафий зикрга асосланиши. Зоҳиран кўзга ташланадиган хатти-ҳаракатлардан йироқ, суҳбат ва робитага кучли эътибор бериши. Кўпчилик билан қилинадиган нақшбандия зикрига “Хатми хожагон” дейилиши. Нақшбандия тариқатига кирган солиқнинг амал қиладиган шартлари: тавба қилиш, суннатларга амал қилмоқ, шариатга зид бидъатлардан қочиш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, қарзини тўлаш, розилик сўраш, Аллоҳни ҳар лаҳзада зикр қилиш.

Нақшбандия тариқати қуйидаги 4 асос устига қурилган:

1. Шариат билан зоҳирни поклаш.
2. Тариқат билан ботинни поклаш.
3. Ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ.
4. Маърифат билан Аллоҳга эришмоқ.

Нақшбандия тариқати аъзоси риоя қилиши керак бўлган 11 рашҳанинг 8 таси Абдулҳолиқ ал-Ғиждувоний ва 3 таси Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ишлаб чиқилиши:

1. Хуш дар дам: “хуш” – ақл, “дам” эса нафас дегани. Хуш дар дам – нафас олиб чиқаришда хушёр бўлиш, ғафлатга тушмаслик, ҳар лаҳза Аллоҳни эслаш демақдир. Нафас олиб чиқаришдаги “хэ” овози, “хувият (моҳият, инсоннинг ўзлиги)нинг “хэ”сига далолат этишини доимо хотирда тутиш керак. Яъни, ҳар нафас олиш-чиқариш чоғида Аллоҳни зикр қилиш, агар ғафлатга тушса, истиғфор айтиш лозим.

2. Назар бар қадам: солиқ қаерда бўлишидан қатъий назар, юраётганида оёқ учига қараб юриши керак. Токи қалб кўзи ва назари бўлмағур манзараларга қарашдан халос бўлгай. Маънавий сафарда рўпара келадиган таҳликалар тезда ошиб ўтилади. Бу тамойил – камтар бўлиш ва ҳолига шукр қилишни ўзида мужассам этади.

3. Сафар дар ватан: солиқнинг ёмон ахлоқдан яхши хулққа, башарий сифатлардан илоҳий сифатларга йўналиши демақдир. Солиқ бир муршиди комил топгунга қадар баданан (жисмонан) саёҳат қилишини билдиради. Нақшбандийлар фикрича, сайру сулук чоғида солиқни умидсизликка тушириб, қийинчилик келтириб чиқаргани учун мурид муршиди комил топгач, саёҳат қилмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бу тамойил сайру сулук мартабаларини босиб ўтишни ўзида мужассам этади.

4. Хилват дар анжуман: зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш демақдир. Солиқ моддий борлиғи билан халққа аралашиб, турли башарий ва ижтимоий фаолиятларда қатнашиб, ҳаёт талаб қилаётган амалларни ижро этаётиб, қалбан доимо Аллоҳнинг ҳузурда эканини, Уни бир лаҳза бўлса-да, эсдан чиқармаслигидир. Бу ҳол доимий зикр маъносини ҳам билдириб, зикрда эришиладиган энг охири босқич-мақомдир. Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандиянинг тамалини “хилват дар анжуман” ташкил этишини таъкидлаган. “Хилватда шухрат бор, шухратда эса офат бор” дея нақшбандияда хилватга кўп рағбат кўрсатилмайди. Шу боис бу тариқатда суҳбат ва халқ билан аралашиб, уларнинг дардларига шерик бўлиб, Ҳақ розилиғи йўлида халққа хизмат қилиш муҳим ўрин тутди.

5. Ёд кард: эслаш, зикр этиш, яъни Аллоҳни ёд этиб, мосиводан кўнглини узиш; нақшбандияда бу зикрнинг усули куйидагичадир: мурид ўзини ҳузур ичра шайхининг кўнгли рўпарасида тасаввур қилиб, кўзи-оғзини ёпади, тилини танглайига ёпиштириб, тишларини бир-бирига жипслаб, нафас олмай, хоксорлик билан қалбан калимаи тавҳидни зикр қилади. Бир нафас олиб чиқаришда уч дафъа зикр этишга уринади. Бу зикрни нафий ва исбот шуури билан қилиши керак.

6. Бозгашт: зикр қилиб бўлгач, “Илоҳи анта мақсуди ва ризока матлуби” (Аллоҳим, мақсадим Сенсан, талабим – истагим Сенинг ризолигингдир) деб, маъносини тадаббур қилади. Шу зайлда нафий ва исбот зикрининг маъноси ва файзи қалбга нақш этилиб, кўнгил мосиводан алоқасини узади.

7. Нигоҳдошт: қалбдаги фикр ва хотираларни муроқаба қилиш демақдир. Нафий ва исбот зикрининг маъносини ўйлаб, кўнглига мосивони киритмасликка ҳаракат қилади. Шу ҳолни икки соат ёки ундан кўп сақлай олган кишининг қалбига бошқа хотиралар ортиқ кирмайдиган ҳолга келади.

8. Ёддошт: ҳар лаҳза Ҳақдан хабардор бўлиш демақдир. Нигоҳдошнинг бир поғона юқорисидир.

9. Вуқуфи замон: солиқ ҳар лаҳза ўз ҳолидан хабардор бўлиши, вақтидан унумли фойдаланиши, шукр, тавба истиғфор этишни, шунга кўра хатти-ҳаракат қилиши демақдир.

10. Вуқуфи ададий: мурид, шайх берган зикр вазифасининг саноғига риоя қилиш демақдир. Зикрдан назарда тутилган маъно ҳосил бўлгач, саноғи муҳим бўлмаса ҳам, фарз ибодатларида бўлганидек, зикрда ҳам шахс ўзини муайян саноқ ва вақт билан қайд остига олиши, ҳаётининг тартиб-интизомли бўлишида муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

11. Вуқуфи қалбий: қалбнинг Ҳақдан хабардор бўлиши демақдир. Бу мартабада кўнгил Аллоҳдан бошқа ҳеч нарсани ўйламайди.

Нақшбандия тариқатининг энг машҳур шаҳобчалари: ахрория, мазҳария, мужаддидия ва холидия. Нақшбандия

билан таълимотининг асосида «кўнгил Худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлсин» – «дил ба ёру, даст ба кор») шиори ётиши. Нақшбандия Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши. Жомий, Навоий, Бобур, Машраб каби шоирлар нақшбандия тариқатида бўлиб, ўз асарларида тариқат таълимотини тарғиб этишлари. Нақшбандия Ўрта Осиёдан ташқари, Кичик Осиё, Кавказ, Курдистон, Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия ва АҚШда кенг тарқалиши.

Мавзу бўйича тавсия этиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – 180 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм : Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Жужжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
6. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.

Мустақил иш топшириқлари:

Мовароуннахр тариқатларининг минтақа илм-фан, маданият ва ижтимоий муносабатлар тараққиётидаги ўрни. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарида Мовароуннахр тариқатлари зикри.

ФАННИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Маъруза машғулотларини ўқитиш технологияси (Намуна)

МАВЗУ: ФУТУВВАТ

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза.
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1 “Футувват” сўзининг келиб чиқиши ва маънолари, унга бағишланган асарлар. 2. Футувват ташкилотларининг сиёсатга жалб қилиниши. 3. Футувват – яхши хулқлар мажмуаси. 4. Навоий ва футувват.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Футувват тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш, уларга тааллуқли маълумотларни таҳлил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - “футувват” сўзининг мазмун-моҳиятини очиб бериш; - футувватга бағишланган асарлар билан таништириш; - футувват ташкилотларининг сиёсатга жалб қилиниши билан боғлиқ жараёнларни кўрсатиб бериш; - футувватнинг инсон ахлоқини юксалтиришдаги аҳамиятини тушунтириш; - Навоий асарларида фатий мавзуси.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талабалар: - “Футувват” сўзини тавсифлайдилар; - футувватга бағишланган асарлар ҳақида муайян билимга эга бўладилар; - футувват ташкилотларининг сиёсатга жалб қилинишига оид тарихий маълумотлар билан танишадилар; - футувватнинг инсон ахлоқини юксалтиришдаги аҳамияти англайдилар; - Навоийнинг турли тимсол ва образлар орқали футувватни улугʻлаганини ўрганадилар.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, синквейн, Б Б Б - ж а д в а л и , блиц-сўров, кластер.
Ўқитиш воситалари	Проектор, тарқатма материал, доска, бўр
Ўқитиш шакли	Индивидуал, умумжамоа ва жуфтликда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	Проектор ва компьютер билан таъминланган аудитория

Маъруза машгулотининг технологик картаси

Босқичлар, Вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчининг	Талабанинг
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзу, мақсад ва режалаш-тирилган ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Режа ва муаммоли ҳолатларни ифодаловчи саволларни экранга чиқаради.	1.1. Эшита-дилар, ёзиб оладилар. 1.2. Эътибор берадилар
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1. Асосий тушунчаларни ва маъруза охирида ечиладиган масалаларни намойиш қилади. 2.2. Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари маълум қилинади	2.1. Аниқлик киритадилар. Саволлар беради.
3-босқич. Асосий (55 мин.)	3.1. Қуйидаги саволни ўртага ташлайди: “Футувват” сўзига қандай таърифлар берилган? Ана шу савол бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун “Синквейн” усулидан фойдаланган ҳолда (1-илова) ҳар бир таърифни алоҳида шарҳлайди. “Футувват”нинг маъноларини очиб берувчи чизмани намойиш қилади. Берилган таърифларни туркумларга ажратади (1-илова). 3.2. Футувватга бағишланган асарларнинг мазмун-моҳияти билан таништиради, асосий асарларга алоҳида тўхталади (2-илова). - ас-Сулабий (ваф. 1021 й.) “Маломатия ҳақида рисола”; - ал-Кушайрий (ваф. 1072 й.) “Кушайрий рисоласи”; - Кайковус (XI аср) “Қобуснома”; - Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) “Футувватномаи султоний” ва бошқа асарлар таркибий таҳлилини тушунтиради. 3.3. Футувват ташкилотларининг сиёсатга жалб қилиниши билан боғлиқ маълумотларни келтиради. Али ибн Абу Толиб, “саййиду-л-фитён”, Аббосий халифа Носир (1180-1225), Абу-н-Нажиб ас-Сухравардий (ваф. 1168 й.) ва Абу Ҳафс ас-Сухравардий (1145-1234) каби шахслар фаолияти билан боғлиқ маълумотлар орқали мавзуни ёритади (3-илова). 3.4. Нима учун Навоий асарларида жавонмардлар фақат рамзлар ва образлар орқали парда ортида акс эттирилиши ҳақида савол ташланади.	3.1. Таърифларни санайди. Таърифларни ёзиб оладилар. Берилган таърифларни туркумлайди. 3.2. Ёзиб оладилар, муҳокама қиладилар. 3.3. Гуруҳлаш мезонини тушунтирадилар. Ёзадилар. 3.4. Навоийнинг футувватга муносабати ҳақида маълумотлар берилади. Сарбадорлар ҳам футувват вакиллари ҳисоблангани боис, улар ҳақида Навоий эҳтиёткорлик қилиб, турли рамз ва тимсоллар орқали хикоя қилади.
4-босқич. Яқуний (10 мин.)	4.1. Мавзуга хулоса ясади. Ўқув жараёнида фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. БББ-жадвали асосида олинган билимларни текширади (5-илова) 4.2. Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун саволларни беради: жавонмардлик, футувват, пир, мартаба тушунчаларига “Синквейн” мисоли ёрдамида таъриф беришни (6-илова) ҳамда “Футувват мактаблари” мавзусида мустақил иш тайёрлашни топширади.	4.1. Эшитади. Аниқлаштиради. 4.2. Топшириқни ёзиб оладилар.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1-илова

Футувват – (араб, йигитлик, мардлик) – тасаввуфдаги мардонаворлик яъни, бошқаларни ўзидан юқори тутиш, фақат яхшилик қилиш, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, пиру устозлар, дўст-биродарлар шарафини ҳимоя қилишга ўзини бағишлаш, энг олижаноб одоб ва хислатларни ўзида камол топтириш. Футувват арабча “фатий” – “йигит” сўзидан олинган.

«ФУТУВВАТ» ТУШУНЧАСИГА БЕРИЛГАН ТАЪРИФЛАР

Машхур суфий ал-Жунайд ал-Бағдодийнинг таъри-фиға кўра футувват – “Саховатпешалик, бировга зарар етказмаслик ва ши-қоят қилмаслик (ношукр булмаслик)”.

Шиа суфийларида ‘Али ибн Абу Толиб футувват маёғи ҳисобланади, шунинг учун ҳам уларда “Зулфиқордан бошқаси қилич эмас, ‘Алидан бошқаси “фатий” эмас” ибораси кенг тарқалган эди.

Футувват ахлини жавон-мардлар (форс. мард йигит), ахийлар (араб. биродар) деб ҳам аталиши.

“Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – «Футувват» тушунчасига характеристика бериш

- 1-қатор – футувват;
- 2-қатор – жавонмардлик, ахийлик;
- 3-қатор – ўзгани ўздан афзал билмоқ, меҳмондўстлик кўрсатмоқ, саховатли бўлмоқ;
- 4-қатор – аҳдга вафо, қалб поклиги, ватан ҳимояси, заифлар ёнини олмақ;
- 5-қатор – мардлик ва муруват.



2-илова

Манбаларда “жавонмард” сўзи кўплаб суфийларга, айниқса маломатийларга нисбатан кенг қўлланилган. “Маломатия ҳақида рисола” муаллифи ас-Суламий (ваф. 1021 й.) футувватга бағишлаб алоҳида битган рисоласида ҳақиқий жавонмарднинг 212 таъриф ва сифатини келтиради.

Тасаввуф тарихнависи ал-Қушайрий (ваф. 1072й.) ўзининг “Қушайрий рисоласи” асарининг бир бобини футувват мавзусига бағишлайди

Кайковуснинг (XI аср) “Қобуснома”сида 44-боб “Жавонмардлик зикрида” деб аталиб, унда футувват одоби, бу тур инсонларга хос гўзал ахлоқ намуналари ҳақида сўз боради.

Ҳиротлик Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) “Футувватномаи султоний” асарида футувватнинг етмиш бир шартини санаб ўтади ҳамда “Кимдаки, мазкур шартлардан бирортаси топилмаса, у футувватдан бебаҳрадир”, деб таъкидлайди. Кошифий футувватни тариқатнинг таркибий қисми, деб қарайди.

Ваҳоланки, баъзи манбаларда гарчи тариқат ва футувват ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлсада, аммо улар алоҳида тушунчалар экани айтилган. Чунончи, футувват тасаввуфий қарашларнинг амалий татбиғи сифатида эътироф этилади. Жавонмардлар худди суфийлар муридга мураккаб ёки хирқа кийдиргани сингари ўз сафларига янги қўшилганларга ажратиб турувчи махсус шалвор кийдирганлар. Манбаларда сарбадорлар ҳам футувват аҳли сифатида эътироф этилади.


**Футувват ташкилотларининг сиёсатга
жалб қилиниши**

Аббосий халифа Носир (1180-1225) ўз мавқеъини мустаҳкамлаш учун биринчи бўлиб футувватга расмий ташкилот тусини бериб, Али ибн Абу Толибни эса футувватнинг энг ёрқин мисоли сифатида тарғиб қилди. Унинг ўзи ҳам футувват шалворини кийиб, “сайиду-л-фитён” лақабини олади. Шу йўл билан у Бағдод аҳолисининг қўллаб-қувватлашига эришиб, салжуқийларнинг таъсиридан қутулишга ҳамда рофизийларни йўқ қилишни мақсад қилган эди.

Халифага сухравардия тариқати асосчиси Абу-н-Нажиб ас-Сухранавдийнинг (ваф. 1168 й.) жияни Абу Ҳафс ас-Сухранавдий (1145-1234) футувват ғояларини аҳолининг кенг қатламлари орасида ўзининг оташин ваъзалари билан тарқатиш орқали ёрдам кўрсатади. Абу Ҳафс ас-Сухранавдий “Суфийлик йўли оддий мусулмон учун машаққатли ва оғир бўлгани сабабли омма учун футувват тариқатнинг бир бўлагидир” дея эътироф этди. Абу Ҳафс ас-Сухранавдий мақсадли равишда футувватга хос бўлган шараф кодексини тасаввуфнинг маънавий кўрсатмалари билан боғлашга уринди

Футувват концепцияси тасаввуфдаги ийсор – ўзгаларнинг манфаатини ўз манфаатларидан устун қўйиш ғоясини энг юқори чўққиларга олиб чиқди. Футувват гуруҳлари кўп даврлар мобайнида жамиятда юксак ахлоқ, саховат, мардлик, адолатпарварликнинг олий намунаси сифатида эътироф этиб келинди.

Футувват ғоялари Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалгани ҳақида ўрта аср араб сайёҳи ибн Баттута (ваф. 1368 й.) “Сафарнома” асарида жуда тўлқинланиб ифода этади. Араб сайёҳининг ёзишича хонақоҳ ва зовияларнинг аксари жавонмардлар ихтиёрида бўлган.



5-илова

Б.Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун тарқатма материаллар

№	Тушунчалар	Биламан "+", Билмай ман "-".	Билдим "+", Била олма дим "-".
1.	“Футувватномаи султоний”		
2.	Абу Ҳафс Сухравардий		
3.	Футувват ғоялари		
4.	Жавонмардлик		
5.	Саййиду-л-фитён		
6.	Футувват концепцияси		
7.	Сарбадорлар футувват аҳли		
8.	“Сафарнома”да жавонмардлик ғоялари		
9.	Кошифий белгилаган 3 мартаба		
10.	“Қушайрий рисоласи”		
11.	“Қобуснома”даги футувват боби		
12.	Халифа Носир ва футувват ривож		
13.	Исор		
14.	Навоий ва футувват ташкилотлари		

“Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – тушунчаларга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

- 1–қатор – тушунча;
- 2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;
- 3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл;
- 4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз бирикмаси;
- 5-қатор – ушбу тушунча синоними

СИНКВЕЙН (АХБОРОТНИ ЙИГИШ) МЕТОДИ

Методни қўллаш жараёнида талабаларда мавжуд бўлган тарқок ахборотли жараёнлар аста-секинлик билан босқичма-босқич йўналтирилган ахборотли жараёнга айланиб боради. Яъни, ноаниқ билимлар мавзуни ўрганиш давомида аниқлаштирилади, у ёки бу объектив воқелик тўғрисида яқдил фикрга келинади. Бунинг учун талабаларда беш имконият мавжуд бўлади ёки синквейн беш қатордан иборат ўзига хос “оқ шеър” (қофиясиз) бўлиб, ўрганилаётган мавзуга оид тушунчалар (ходиса, жараён, воқеа) қатъиян кетма-кетликда қаторларга ёзиб чиқилади. Синквейн тузиш орқали талабалар ўз фикрларини бир жойга тўплаш кўникмасини эгаллашади, уларни ихчам ифодалашга, турлича мулоҳазаларни синтезлаш ва ўтиллаётган мавзу бўйича тўғри хулосаларни шакллантиришга ўрганишади.

Синквейн тузиш тартиби:

- 1.Биринчи қаторга мавзудаги бош ғоя (таянч тушунча) бир сўз (от) билан кайд этилади.
2. Иккинчи қаторда бош ғоя икки сифат билан ифодаланади.
3. Учинчи қаторда мавзуга оид тушунчалар (жараёнлар) учта сўз билан баён қилинади.
4. Тўртинчи қаторга мавзуга оид фикр (назария, факт) лар тўртта сўздан иборат бўлиши лозим.
5. Сўнги қаторга мавзу моҳиятини ойдинлаштириладиган (ёки маъно жиҳатидан яқин бўлган) битта сўз ёзилади.

Бу кетма-кетликни қуйидагича лойиҳалаш мумкин.

- 1.----- топшириқ
- 2.-----
- 3.-----
- 4.-----
- 5.----- натижа

Одатда синквейн мавзу бўйича бирорта муаммоли вазиятни ечиш ёки алоҳида ўқув элементларига ишлов беришда талабалар тафаккурини чархлаш учун тузилади. Агар биринчи қатордаги мавзу муаммоси сўз туркуми - от орқали ўқитувчи ёки талаба томонидан ифодаланса, иккинчи қаторда топшириқнинг муҳим хоссаларини белгилувчи бир жуфт сифатни талабалар ўйлаб туриши, кўп вариантли жавоблардан энг маъбулини ажратиб олиши лозим бўлади. Шу каби кейинги қаторларда ёзиладиган жавоб сўзлар ҳам талабаларнинг тезкор фикрлаши натижасида излаб топилади ва синквейндан қўзланган мақсад яқуний натижага эришилади

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

1-Мавзу: Тасаввуфдаги илк йўналишлар (2 соат)

Режа:

1. Тасаввуфдаги илк йўналишларнинг пайдо бўлиши ва фаолияти. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Илк йўналишлар асосчилари.
2. Тасаввуф сўзининг этимологияси. Диний манбалардаги асослари.
3. Тасаввуфшунослик илмий-тадқиқот марказлари.
4. Тасаввуфдаги таркидунёчиликка эмас, жўшқин ҳаёт кечиришга тарғиб этувчи ғоялар.
5. Тасаввуф ва миллий ғоя.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
2. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
4. Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 175 б.
5. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
6. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
7. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
8. Акимусшкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем / Предисловие к Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 3-17.
9. Из истории суфизма: источники и социальная практика / сборник статей. Под ред. М.Х.Хайруллаева. –Т.: Фан, 1991. – 146 с.
10. Эрнст К. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

2-Мавзу: Тасаввуф ва глобаллашув (2 соат)

Режа:

1. Глобаллашув шароитида тариқатлар ёйилиш харитаси.
2. Тариқатлар ва модернизация: янги услуб ва замонавий технологиялар.
3. Замонавий шароитларда инсон онги учун курашда ноанъанавий тасаввуф тариқатлари фаолияти.
4. Глобаллашув ва пир-мурид муносабатлари.
5. Ғарб ва Шарқ мамлакатларида тариқатлар фаолияти таҳлили.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 175 б.
2. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: Муҳаррир, 2009.
3. Лукашук И., Саидов А. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. – Т.: Адолат, 2006.
4. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
5. Жўраев Т., Пахрутдинов Ш. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик. – Т.: Академия, 2008.
6. Акимешкин О. Суфийские братства: сложный узел проблем / Предисловие к Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. – М.: Наука, 1989. – С.3-17.
7. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннахр, 2009. – 448 б.
8. Плещунов О. Политика мультикультурализма в Великобритании и радикализация исламской молодежи страны // Восток (Oriens) № 1, – М.: Наука, 2009. – С. 100-103.
9. Жўраев Т., Пахрутдинов Ш. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик. – Т.: Академия, 2008.
10. Долгов Б. Арабский мир в начале XXIв.: между демократией и исламизмом // Восток (Oriens) № 5, – М.: Наука, 2009. – С. 89-92.
11. Тихонравов Ю. Геополитика. – М.: ЗАО. “Бизнес школа “Интел-Синтез”, 1999.
12. Тримингэм Ж. Суфийские ордены в исламе / Пер. с англ. А.Ставиской. – М.: Наука, 1989.
13. Йўлдошхўжаев Х. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010.

14. Кныш А. Суфизм. – М.: Диля, 2004. – 464 с.

15. Бабаджанов. Б.М. Возрождение деятельности суфийских групп. / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сб. ст. памяти Ф.Майера (1912-1998) // Сост. и отв. Редактор А.А.Хисматулин. СПб ГУ: 2001. – 394 с.

16. Эрнст К. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

3-Мавзу: Илк зоҳидлик мактаблари. Робия ал-Адавия ва илоҳий ишқ мавзусининг тасаввуфга кириб келиши (2 соат)

Режа:

1. Мадина, Куфа, Басра, Мовароуннахр ва Хуросон зоҳидлик мактаблари.

2. Робия ал-Адавия ва илоҳий ишқ мавзуси.

3. Робия ҳақидаги ривоятларнинг тасаввуфий адабиётда акс этиши.

4. Тасаввуфдаги “муҳаббат” ва “унс” тушунчалари.

5. Робия ал-Адавия ва ғарб адабиёти.

6. Ибн ал-Жавзий ва тасаввуф.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – 524 с.

2. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.

3. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.

4. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – 180 б.

5. Ҳомидий Х. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004. – 208 б.

6. Усманов И. Суфизм. Т.: ТИУ, 2011. – 168 с.

7. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. 315 с.

8. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони, Туронлик валийлар / Остонақулов И. нашрга тайёрлаган. – Т.: Камалак, 1995. – 171 б.

9. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.

10. Ибн Жавзий. Талбис ал-Иблис. / Муҳаммад ал-Фозилий нашр-га таёрлаган. – Байрут: Мактаба ал-асрийя, 2000. – 592 с.

11. Гольдцигер И. Лекции об исламе / Перевод с нем. А.Н. Черновой. Брокгауз- Ефрон, 1912. – 272 с.

4-Мавзу: Ироқ тасаввуфи ва маҳаллий зоҳидлик ҳаракатлари

Режа:

1. Ироқ тасаввуфининг шаклланиш жараёнлари.
2. Суф кийиш амалиёти ҳақида дастлабки қарашлар.
3. Ироқ тасаввуфининг халифаликнинг катта қисмига ёйилиб кетишига хизмат қилган тарихий жараёнлар.
4. Ироқ тасаввуфи ва бошқа маҳаллий зоҳидлик ҳаракатлари ўртасидаги муносабатлар.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.

2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.

3. Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 175 б.

4. Зарринқўб А. Жўстужў дар тасаввуфи Ирон. // Сино. – 2002. – № 8. – Б.10-13.

5. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука, 1989.

6. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.

7. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 б.

5-Мавзу: Тасаввуф психологияси ва борлиқни англаш тушунчалари

Режа:

1. Ҳорис ал-Муҳосибий – илк суфий психологи.
2. Тасаввуфда ранглар психологияси.

3. Маърифат ва ирфон.
4. Кашф, мукошафа.
5. Илҳом, фатх, файз, яқин, тажаллий.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Вилкокс Л. Суфизм и психология. - СПб.: Диля, 2005. – 254 с.
2. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
3. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
4. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
5. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
6. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С-П.: Диля, 2004. – 464 с.
7. Нажмиддин Кубро. Ал-усул ал-ашара. – Т.: Мавароуннаҳр, 1999.
8. Эрнст К. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

6-Мавзу: Тасаввуфдаги қалб ҳолатига оид тушунчалар

Режа:

1. Саҳв ва суқр.
2. Фано ва бақо.
3. Хавф ва ражо.
4. Қабз ва баст.
5. Ғайбат ва ҳузур.
6. Маҳв ва исбот.
7. Мансур ал-Ҳаллож ва суқр.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Зарринқўб А. Жўстужў дар тасаввуфи Ирон. // Сино. – 2002. – № 8. –Б.10-13.
2. Усмонов И. Тасаввуф фанидан глоссарий – Т.: ТИУ, 2011. – 125 б.
3. Исломо энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
4. Ёйлмаз. Х.К.Тасаввуф и тарикаты. – М.: Сад, 2007. – 300 с.
5. Ҳифний А. Ал-мавсуа ас-суфийя. Қоҳира: Мактабат мадбули, 2006. – 1375 б.

7-Мавзу: Мовароуннаҳрда IX–X асрларда тасаввуфий муҳит

Режа:

1. IX-X асрларда Мовароуннаҳрдаги сиёсий-ижтимоий ҳаёт ва тасаввуфий муҳит.
2. Мовароуннаҳрда маломатия ҳаракати.
3. Карромия ҳаракати.
4. Маломатия ва нақшбандия.
5. Мовароуннаҳр ва Хуросонда футувват ташкилотлари.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Усмонов И. Тасаввуф фанидан глоссарий – Т.: ТИУ, 2011. – 125 б.
2. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
3. Из истории суфизма: источники и социальная практика – сборник статей. Под ред. М.Х.Хайруллаева. – Т.: Фан, 1991. – 146 с.
4. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.
5. Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожда тасаввуфнинг ўрни. – Т.: Академия, 2005. – 84 б.
6. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.
7. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний / форсчадан Н.Комилов тарж.; Ахлоқи Муҳсиний. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 376 б.

8-Мавзу. Тасаввуфда валийлик ҳақидаги қарашлар

Режа:

1. Валийлик ҳақидаги қарашларнинг вужудга келиши.
2. Валийлар иерархияси ва валийлик ҳақидаги қарашларнинг тизимга солиниши.
3. “Рижол ал-ғойб” тушунчаси.
4. Ал-Ҳаким ат-Термизий илмий меросида валийлар мавзуси.
5. “Хатм ал-авлиё” тушунчаси.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
3. Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожида тасаввуфнинг ўрни. – Т.: Академия, 2005. – 84 б.
4. Гольдцигер И. Лекции об исламе / Перевод с нем. А.Н. Черновой. Брокгауз- Ефрон, 1912. – 272 с.
5. Жужжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
6. Radtke V. Al-Hakim at-Tirmidi. – Freiburg: Klaus Schwarz Verlag, 1980. – 192 p.
7. Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 175 б.
8. Уильям Ч. Суфизм / пер. с англ. М.Г.Романов, Я.Эшотс. – М.: Восточная литература, 2012. – 245 с.
9. Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. Т.: Абу матбуот консалт, 2011. – 296 б.
10. Эрнст К. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

9-Мавзу. Тасаввуф адабиётлари аннотацияси

Режа:

1. Тасаввуф тарихига оид манбалар.
2. Тасаввуфий-фалсафий манбалар.
3. Тасаввуф илмини изоҳлаган асарлар.
4. Замонавий тасаввуфий асарлар.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
3. Гольдцигер И. Лекции об исламе / Перевод с нем. А.Н. Черновой. Брокгауз- Ефрон, 1912. – 272 с.
- Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.

10-Мавзу. Абу Бакр ал-Калабодий ва унинг “Таъарруф” асари

Режа:

1. Абу Бакр ал-Калабодий фаолияти.
2. “Таъарруф” асари ҳақида. Асардаги мавзулар таснифи.
3. “Таъарруф” асарида Ироқ тасаввуфи анъаналари акс этиши.
4. Асарга ёзилган шарҳлар, таржималар.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Калободий. Китоб ат-та‘арруф би мазҳаб аҳл ат-тасаввуф / Мавлоқулова М. тарж. – Т.: Ғафур Ғулом, 2002. – 142 б.
2. Калабодий. Китоб ат-та‘арруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф / Абдулҳалим Маҳмуд., Тоҳо Сурур нашрга тайёрлаган. – Дамашқ: Дор ал-Имон, 1986. – 168 б.
3. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 б.
4. Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожда тасаввуфнинг ўрни. – Т.: Академия, 2005. – 84 б.
5. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.

11-Мавзу. Ас-Суламийнинг «Суфийлар табақаси» китобида тасаввуф тарихи акс этиши

Режа:

1. Суламийнинг тасаввуфий қарашлари.
2. “Табақот ас-суфийя” асари тузилиши.
3. «Табақот ас-суфийя» асаридаги мовароуннаҳрлик олимлар биографияси таржимаси.
4. “Табақот ас-суфийя” асарида маломатия ҳаракати шайхлари тавсифи.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
2. Ас-Суламий Абу Абдурахмон. Табақот ас-суфийя / Нуриддин Шариба нашрга тайёрлаган. Қоҳира: Мактабат ал-Хонажи, 1986. – 570 б.

12-Мавзу. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ва тасаввуф

Режа:

1. Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг тасаввуфий қарашлари ва илмий мероси.
2. Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг “Иҳё улум ад-дин” ва “Кимёи саодат” асарлари таҳлили
3. Ал-Ғаззолий асарларида ислом илоҳиёти акс этиши.
4. Ал-Ғаззолий ва фалсафа танқиди.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
2. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Т.: Мовароуннаҳр, 1998.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий. Иҳё улум ад-дин. Т.: Мовароуннаҳр, 2001.
5. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.

13-Мавзу. “Ваҳдат ал-Вужуд” таълимотининг тасаввуф тарихидаги ўрни.

Режа:

1. “Ваҳдат ал-вужуд” таълимотида борлиқ мавзуси.
2. “Ваҳдат ал-вужуд” таълимоти танқид қилинган асарлар обзори.
3. “Пантеизм” ва “Ваҳдат ал-вужуд”.
4. “Ваҳдат ал-вужуд” таълимотининг шарқ адабиётига кириб бориши.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
2. Болтабоев Ҳ. Ислам тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.

4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
6. Жужжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
7. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.
8. Ибн ал-‘Арабий. Мекканские откровения / А. Кныш араб тилидан тарж. – Санкт-Петербург: Петербургское востоковедение, 1995. – 240 с.

14-Мавзу. Тасаввуф ва бадий ижод

Режа:

1. Тасаввуф ва бадий ижод ўртасидаги муносабатлар.
2. Бадий адабиётда рамзий тимсолар ва тасаввуф ғояларининг талқини.
3. Тасаввуфий бадий ижод намуналари.
4. Санойи ва Аттор ижоди
5. Тасаввуф ва фалсафа.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
2. Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.:Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.
4. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
5. Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларига шарҳлар. Найнома / Маснавий ҳикматлари. Нашрга тайёрловчи А.Тилавов. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 404 б.
6. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004. – 208 б.
7. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони, туронлик валийлар / И.Остонакулов нашрга тайёрлаган. – Т.: Камалак, 1995. – 171 б.
8. Фаридулдин Аттор Нишопурий. Тазкират ал-авлиё. Т.: Мовароуннаҳр, 1999.
9. Уильям Ч. Суфизм / пер. с англ. М.Г.Романов, Я.Эшотс. – М.: Восточная литература, 2012. – 245 с.
10. Эрнст К. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

15-Мавзу. Жомий ва Навоий асарларида тасаввуфий ғоялар тараннуми

Режа:

1. Жомий асарларида авлиёлар зикри.
2. Навоий асарларида тасаввуфий тимсоллар.
3. “Насойим ал-муҳаббат” асарида туркий авлиёлар
4. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг тасаввуфий асарлари.
5. Жомий, Навоий ва Кошифий асарларида ваҳдат ал-вужуд мавзуси.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.;
2. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
3. Из истории суфизма: источники и социальная практика – сборник статей. Под ред. М.Х.Хайруллаева. – Т.:Фан, 1991. – 146 с.
4. Бергельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М: Наука, 1965. – 524 с.
5. Набиев Ф.Ш. Природа и поэтика Алишера Навои. Т.: Фан, 2008. – 148 с.
6. Акрам Б. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. Т.: Ўзбекистон, 1991. – 244 б.
7. Алишер Навоий асарлари тўплами. Т.: Фан, 2012.
8. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний; Ахлоқи Муҳсиний. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 376 б.
9. Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ал-вужуд таълимоти. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 232 б.

16-Мавзу. Жалолiddин Румий ижодида масал ва тимсоллар

Режа:

1. “Маснавийи маънавий” асарида масаллар ва дидактика.
2. “Фийҳи ма фийҳи” асарида ваҳдат ал-вужуд мавзуси.
3. “Девони кабир” асаридаги рамз ва тимсоллар.
4. Румий асарларида диний бағрикенглик ғоялари.
5. Амир Темурнинг Румийга муносабати.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
2. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
3. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
4. Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларига шарҳлар. Найнома / Маснавий ҳикматлари. Нашрга тайёрловчи А.Тилавов. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 404 б.
5. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – 524 с.
6. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Дия, 2004. – 464 с.
7. Брион М. Я – Темура властелин вселенной. Т.: Национальная библиотека Узбекистана им. А.Навои. – 505 с.
8. Эрнст К. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

17-Мавзу. Имоми Раббонийнинг “Мактубот” асарида “ваҳдат аш-шухуд” ғоялари

Режа:

1. “Ваҳдат аш-шухуд” таълимотининг моҳияти (“Мактубот” асари асосида).
2. “Ваҳдат аш-шухуд” таълимоти юзага келишига сабаб бўлган тарихий омиллар.
3. “Мактубот” асарида нақшбандийликнинг мадҳи.
4. Нақшбандия-муҷаддия йўналишининг пайдо бўлиши.
5. Мусахон Даҳбедийнинг нақшбандия-муҷаддия таълимотини Мовароуннаҳрда тарғиб қилишда тутган ўрни.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Дия, 2004. – 464 с.
2. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
3. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – 180 б.
4. Исломи энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.

5. Имоми Сирхиндий. Мактубот. 2 жилдли. Байрут: Дор ан-нашр, 2003.

6. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.

7. Из истории суфизма: источники и социальная практика – сборник статей. Под ред. М.Х.Хайруллаева. –Т.:Фан, 1991. – 146 с.

8. Жужжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.

9. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фритца Майера (1912-1998) / Сост. и отв. редактор А.А. Хисматуллин. — СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. – 394 с.

18-Мавзу. Тасаввуфда тариқатлар пайдо бўлишининг ўзига хос жиҳатлари

Режа:

1. Тариқатларнинг институтлашувига хизмат қилган омиллар.
2. Илк пайдо бўлган тариқатлар.
3. Тариқатларнинг ташқи кўринишдаги ўзига хосликлар.
4. Жаҳрий зикр ва хафий зикр.
5. Тариқатларнинг ислом динини ёйишдаги ўрни.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фритца Майера (1912—1998) / Сост. и отв. редактор А. А. Хисматуллин. — СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. – 394 с.

2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.

3. Из истории суфизма: источники и социальная практика – сборник статей. Под ред. М.Х.Хайруллаева. –Т.:Фан, 1991. – 146 с.

4. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С.-П.: Диля, 2004. – 464 с.

5. Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем / Предисл. к Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 3-17.

6. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимушкина. – М.: Наука, 1989.

7. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.

8. Эрнст К. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

19-Мавзу. Марказий Осиё тариқатлари: мозий ва замонавий ҳолат

Режа:

1. Яссавия тариқати.
2. Нақшбандия тариқати.
3. Қодирия тариқати.
4. Кубравия тариқати.
5. Тариқатларда зикр мавзуси.
6. Тариқатларда пир-мурид муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фритца Майера (1912—1998) / Сост. и отв. редактор А. А. Хисматуллин. — СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. — 394 с.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
3. Из истории суфизма: источники и социальная практика – сборник статей. Под ред. М.Х.Хайруллаева. – Т.:Фан, 1991. – 146 с.
4. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С-П.: Диля, 2004. – 464 с.
5. Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем / Предисл. к Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 3-17.
6. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимушкина. – М.: Наука, 1989.
7. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.
8. Исломиё Ҳ. Султон ал-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. Т.: Фан, 2005. – 40 б.

20-Мавзу. Тасаввуфдаги айрим муҳим тушунчалар таҳлили

Режа:

1. Ҳол.
2. Мақом.
3. Зикр.
4. Само.
5. Чилла.

Семинар учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – М.-С-П.: Диля, 2004. - 464 с.
2. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
3. Йылмаз. Х.К.Тасаввуф и тарикаты. – М.: Сад, 2007. – 300 с.
4. Ҳифний А. Ал-мавсуа ас-суфийя. Қоҳира: Мактабат мадбули, 2006. – 1375 б.
5. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний; Ахлоқи Муҳсиний. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 376 б.
6. Қушайрий Абдулкарим. Ар-Рисала ал-Қушайрийя. Қоҳира: Дор аш-шаъб, 1989. – 633 б.
7. Эрнст К. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

Семинар жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

1.2. Семинар машғулоти ўтказиш технологияси (Намуна)

МАНЗУ: ТАСАВВУФ ВА БАДИИЙ ИЖОД

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 20 нафар
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти
Ўқув машғулоти режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тасаввуф ва бадий ижод ўртасидаги муносабатлар. 2. Шарқ мумтоз адабиётига тасаввуф ғояларининг кириб келиши. 3. Бадий адабиётда рамзий тимсоллар ва тасаввуф ғояларининг талқини. 4. Тасаввуфий бадий ижод намуналари
Ўқув машғулотининг мақсади: Тасаввуф ва бадий ижод тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш, уларга тааллуқли маълумотларни таҳлил қилиш	
Педагогик вазифалар: - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. - ўқув адабиётлари билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - тасаввуфий бадий ижод намуналарини таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: – тасаввуф ва бадий ижод ўртасидаги муносабатларни кўрсатиб беради; – шарқ мумтоз адабиётига тасаввуф ғояларининг кириб келишини ёритади; – шеърият ва тасаввуф орасидаги боғлиқликни очиб беради; – бадий адабиётда рамзий тимсоллар ва тасаввуф ғояларининг талқин этилишини таҳлил қилади; - тасаввуфий бадий ижод намуналарини тавсифлайди
Ўқитиш услуби ва техникаси	Бу семинар машғулоти жараёнида саволлар ва муаммолар борасида суҳбат ўтказилади. Дарсда “ақлий ҳужум”, кластер усулларини қўллаш, тест ва маъна салалар ечиш мумкин.

Ўқитиш воситалари	Маъруза ва семинар матни, ўқув кўланмаси, проектор, флипчарт, маркер, доска.
Ўқитиш шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гуруҳ бўйича ўқитиш.
Ўқитиш шароитлари	Компьютер технологиялари, проектор билан таъминланган, гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория.

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Мавзунинг мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтилишини маълум қилади.</p> <p>1.2. Блиц-сўров ўтказиши ва аудиториянинг айёргарлик даражасини аниқлайди:</p> <p>1) Тасаввуф ва бадиий ижод ўртасида қандай муносабатлар мавжуд?</p> <p>Мавзу мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Мавзунинг ёзиқлари ва саволларга жавоб берадилар.</p>

<p>2-босқич. Асосий (60 мин.)</p>	<p>2.1. Талабаларни 4 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради. Гуруҳ билан ишлаш қоидаларини эслатади (1-илова). 2.2. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза ва семинар матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини айтиб ўтади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 2.3. Тайёрланган тақдимотни намойиш этади. 2.4. Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади. 2.5. Инсерт усулида 3-иловадаги топшириқни тайёрлашни, 4-иловадаги тестларни ечишни таклиф этади.</p>	<p>2.1.Ўқув натижаларини тақдим қиладилар. 2.2 Саволлар берадилар. Тўлдирадилар. 2.3. Топшириқни тайёрлайдилар. Тестларни ечадилар.</p>
<p>3-босқич Якуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Машғулотни якунлайди мавзу бўйича умумий хулосаларни шакллантиради. Гуруҳларга умумий балл беради. Талабаларни баҳолайди ва рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш сифатида тест беради.</p>	<p>Эшитадилар. Топшириқни оладилар.</p>

1-илова

<p>Гуруҳ билан ишлаш қоидалари</p> <p>Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим; - берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим; - ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин; - ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим; - гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим; - "Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз" қоидасини яхши билишлари лозим
--

Гуруҳлар учун топшириқлар.

1-гуруҳ.

Тасаввуф ва бадий ижод ўртасидаги муносабатлар мазмунини ёритинг.

“Тасаввуфий шеърят” сўзига кластер тузинг.

2-гуруҳ.

Шарқ мумтоз адабиётига тасаввуф ғояларининг кириб келишини очиб беринг.

“Тасаввуф мақомоти” тушунчасига кластер тузинг.

3-гуруҳ.

Бадий адабиётда рамзий тимсоллар ва тасаввуф ғояларининг талқин этилишини ёритинг.

“Тасаввуф тимсоллари” тушунчасига кластер тузинг.

4-гуруҳ.

Тасаввуфий бадий ижод намуналарини тавсифланг.

“VIII – XI асрлар тасаввуф адабиёти” тушунчасига кластер тузинг.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
VIII – XI асрлар суфийлар ижоди				
Робия ал-Адавия				
Мансур ал-Ҳаллож				
Жазба				
Дарвешлик истеъдоди				
Шамс Табризий				
Жалолиддин Румий				
Қалб кўзи				
Мутриб ва муғаннийлар				
Май – илоҳий ишқ рамзи				
Майхона				
Харобот				
Соқий				
Ҳум				

ТЕСТ

1. Аллоҳ ишқи бобида “Илоҳо, сенга жаҳаннамдан кўрққаним учун ибодат қилаётган бўлсам, мени дўзах оловида ёқ. Агар жаннатингни орзу қилиб, ибодат қилаётган бўлсам жаннатингни менга ҳаром қил. Агар ёлғиз сени севганим учун сенга ибодат қилаётган бўлсам, мени азалий жамолингдан маҳрум қилма, Ё Парвардигоро!” ибораси кимга тегишли?

- А. Зуннун ал-Мисрий
- Б. Боязид ал-Бистомий
- С. Робия ал-Адавия
- Д. Суфёни ас-Саврий

2. Сўфи Оллоёрнинг асарлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. “Маслак ал-муттақин”, “Мурод ал-орифин”, “Махзан ал-мутеъин”, “Сабот ал-ожизин”
- Б. “Тазкират ал-авлиё”, “Махзан ал-мутеъин”, “Фавз ан-нажот”
- С. “Сабот ал-ожизин”, “Ўубоб ал-албоб”, “Маслак ал-муттақин”
- Д. “Мурод ал-орифин” “Ал-мунқиз мин аз-золал”, “Махзан ал-мутеъин”, “Сабот ал-ожизин”

3. Жалолиддин Румий номи билан боғлиқ тариқатни белгиланг.

- А. Тайфурия
- Б. Мавлавия
- С. Хулулия
- Д. Фирдавсия

4. XV асрда нақшбандия тариқатининг йирик раҳнамоси сифатида майдонга чиққан ким эди?

- А. Бобораҳим Машраб
- Б. Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валий
- С. Алишер Навоий
- Д. Абдураҳмон Жомий

5. “Фийҳи ма фийҳи” ҳамда “Маснавийи маънавий” асарлар муаллифи ким?

- А. Нажмиддин Кубро
- Б. Фаридуддин Аттор

С. Жалолиддин Румий

Д. Муҳаммад Порсо

6. Тасаввуф намояндалари ҳақидаги “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” – “Оби ҳаёт томчилари” асари муаллифини аниқланг.

А. Хусайн Воиз Кошифий

Б. Фахриддин Али Сафий

С. Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валий

Д. Хожа Муҳаммад Порсо

7. “Бу асар бўлмаганда, биз тасаввуф нима эканлигини билмаган бўлардик” Яхё ас-Сухравардий бу гапида қайси асарни назарда тутган?

А. “Тарих ас-суфийя”

Б. “Табақот ас-суфийя”

С. “Ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф”

Д. “Ҳақойиқ ат-тафсир”

ТАСАВВУФГА ОИД ШАХСЛАР, ТУШУНЧА ВА ИСТИЛОҲЛАР ЛУҒАТИ⁴

1. АБДОЛ (араб. – авлиё(лар)) – тасаввуфда валийликнинг муайян бир даражасига эришган гуруҳ. Кенг маънода авлиёлар ва шайхларни ҳам англатади. Ривоятларда абдоллар қирқта бўлиши, бирлари вафот этса ўринларига бошқаси ўтиши, улар туфайли ер қоим туриши ҳақида айтилади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида “чилтан” сўзи билан ифодаланади. Ислом дунёсида абдоллар ҳақидаги илк тизимли қарашлар ал-Ҳаким ат-Термизий томонидан яратилган.

2. АБРОР (араб. – яхшилар, пок кишилар) – тасаввуфга кўра, даражалари ўрта ҳол кишилар. Уларнинг даражаси авлиёлардан қуйи, оддий халқдан эса, юқори ҳисобланган. Улар Аллоҳнинг буйруқларини бажарадилар, ман қилган ишларидан сақланиб юрадилар. Тасаввуфда “Аброрларнинг кундалик қилиб юрган савобли ишлари азиз-авлиёларнинг гуноҳ ишлари билан баробардир” деган араб нақли бор. Демак, авлиёлар учун шариатда буюрилган амалларни бажариш билан чекланиб қолиш ноқислик ҳисобланади. Улар ўз зиммаларига бир қанча кўшимча ибодатларни олган бўладилар.

3. АБУ СА‘ИД МАЙХОНИЙ (Михоний, Михни), Фазлуллоҳ Аҳмад ибн Абу-л-Хайр (967-1049) – тасаввуфнинг шарқий (Хуросон) мактаби асосчиларидан бири. Хуросон вилоятининг Майхона деган шаҳарчасида туғилиб, ўша ерда вафот этган. Унинг отаси суфий доиралар билан алоқадор бўлиб, ўғлини ҳам шу давраларга олиб кирган. Ана шундай суфиёна йиғинлардан бирида Майхоний шоир Абу-л-Қосим Бишр ибн Йасин (ваф. 990 й.) билан таништирилади ва у Майхонийнинг суфийликдаги биринчи устози бўлиб, кейинчалик Майхоний ўз ваъз-насиҳатларида унинг шеърларидан иқтибослар

⁴ Ушбу луғатни тайёрлашда Н.Комилов, А.Жўзжоний, А.Мансур ҳамда бошқа бир қанча таниқли ўзбек, араб ва рус олимларнинг тасаввуфга оид китобларидан фойдаланилди.

келтирган. Ўсмирлик чоғларида Майхоний Марвга бориб, беш йил мобайнида Абу ‘Абдуллох Муҳаммад ал-Хисрий (ваф. 983-1000 й.лар оралиғи), сўнгра яна беш йил Абу Бакр ‘Абдуллох ал-Қафзол (ваф. 1026 й.)дан шофеъийлик фикҳи бўйича таҳсил олган; Сарахсда шофеъий фақиҳи Абу ‘Али Зоҳир ибн Аҳмад (ваф. 999 й.) раҳбарлигида тафсир, ҳадис ва калом илмларини ўрганган. Девонаи Луқмон Сарахсий ўша ерда (тахм. 997 й.) Майхонийни Абу-л-Фазл Муҳаммад ас-Сарахсийнинг хонақоҳига бошлаб келган. У Майхонийни илоҳиёт фанларини ўрганмасликка кўндиради, унга ўзи пир бўлиб, Майхонага қайтишни ва фақат “Аллоҳ” деб, зикр бажо этишни топширган. Майхоний Майхонада 15 йил умр кечириб, шундан деярли етти йилини тўлиқ узлатда ўтказди ва ўзини одамлардан четга олиб, мажбурий очликда яшаган. Бу даврда у “чиллаи маъқус”ни (бошини пастга қилиб осилган ҳолда 40 кунлик рўза даврида зикр адо этиш) машқ қилган ва бу ҳолат унинг 40 ёшга тўлгунича (ёки ҳатто ундан ҳам ортиқ муддат – 1016 й.гача) давом этган. Майхоний биринчи суфийлик хирқасини машҳур суфий Абу ‘Абдурраҳмон ас-Сулабийдан (ваф. 1021 й.) Нишопур шаҳрида олган, иккинчисини эса, Амулда суфий Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн ал-Қассобдан олган. Майхоний ҳаётининг қолган қисмини таниқли муршид сифатида ўтказган. У Майхонадаги ўз уйида, шунингдек, шаҳар четидаги ёлғиз хужрасида, баъзан Нишопурга борганда ўзининг кўплаб муридларига ваъз, панд-насихатлар қилган. Майхоний томонидан мусиқа, рақслар ва шаҳвоний мазмундаги кўшиқларнинг самоъ таркибига киритилиши, унга нисбатан кескин танқид қилувчиларнинг кўпайишига сабаб бўлди, у шариат йўлидан чекинишда ва ҳатто илоҳиётчилар томонидан кофирликда айбланди. Майхоний ўзининг хонақоҳларда яшовчи муридлари учун ўнта банддан иборат одоб-ахлоқ қоидасини ишлаб чиққан биринчи суфий шайх ҳисобланади. Бунга қўшимча тарзда у муршид учун мажбурий бўлган ўнта сифатни ва муридлар учун зарурий бўлган ўнта хусусиятни белгилаб берди. Майхоний тасаввуфнинг маҳаллий мактабига асос солди. Кейинчалик, унинг кўплаб авлодлари бу қарашларни ўзлари яшаган вилоят ҳудудидан ташқарисида

тарқата олмади. Бу маҳаллий мактаб 1154 йилгача мавжуд бўлиб, шу йили кўзғолон кўтарган сахройи уруғлар бутун Хуросонни талон-торож қилиб, Майхонани эгаллагач, Майхоний авлодларидан бўлган 115 кишини қатл қилдилар. Майхонийнинг қарашлари анча зиддиятли бўлиб, “Худо ишқи билан маст” суфийлар ғоясига яқин. “Бечораларга хизмат қилиш” шиори Майхоний қарашларига хос хусусият эди. У маломатия таълимотига мувофиқ, қаландарлик билан хайру эҳсон тўплаб, шогирд ва муридлари ҳамда ён-атрофидаги аҳолининг манфаат ва эҳтиёжларини қондиришни ўйлаган. Кейинроқ у яратган мактаб амалиёти Мовароуннаҳр ҳудудида ҳам тарқалган.

4. АБУ ТУРОБ ан-НАХШАБИЙ (ваф. 875 й.) – Нахшаблик (ҳоз. Қарши) авлиё. Ан-Нахшабий Хуросон машойихлари орасида машҳур бўлган. Қирқ марта ҳаж қилгани ривоятда учрайди. Ўзининг маъруза ва суҳбатларида кишиларни нафсни тийиш, сабр-қаноатли бўлиш, шариат, тариқат ва маърифат йўлини тутишга чақирган. Замондошлари уни “маъно шохининг мардони”, “тақво осмонининг ойи”, “ҳақиқат илмининг орифи”, “қутби замон” дея таърифлашган. Ан-Нахшабий ҳақида эл орасида кўплаб нақллар ёйилган. Шулардан йигирмага яқини Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Авлиёлар султони, туронлик авлиёлар” китобида (Тошкент, 1995) келтирилган. Басра даштида вафот этганлиги ривоят қилинади. Қабри Қарши шаҳрида.

5. АВЛИЁ (араб. – “валий” сўзининг кўплиги, Худонинг дўсти) – тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шаҳвоний ишлардан юз ўгирган кишини англатади. Ислом анъанасида авлиёлар қайсидир бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳнинг марҳаматига эришган, дуолари мустажоб, солиҳ, қобил ва камтар кишилар бўлиб, уларнинг даражаси пайғамбарлар даражасидан кейин туради, деб ҳисобланади. Ҳанафий мазҳабида мазорларни, жумладан, авлиёларнинг мазорларини зиёрат қилиб, ибрат олиш савобли амаллардан бири сифатида қаралади. “Дўст” маъносини билдирувчи валий (кўплиги “авлиё”) Қуръонда икки хил маънода келган: 1) “Аллоҳнинг паноҳида бўлган ва

ишларини Аллоҳ бошқариб турган ҳамда уни нафсига ўлжа қилиб ташлаб қўймайдиган киши” сифатида. 2) “Аллоҳга итоат – ибодатини ўрнига қўйган киши” маъносида. Қуръонда Аллоҳнинг дўстлари кўп мартаба зикр қилинган, шулардан энг машҳури: «*Огоҳ бўлингизким, албатта, Аллоҳнинг дўстларига бирон-бир хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Улар имон келтирганлар ва тақво қилганлардир*» (Юнус 10:62-63) бўлиб, бу ерда имон келтирган ва парҳезкор бўлган ҳар қандай кишини Аллоҳ ўзига дўст тутиши зикр қилинади.

Бир кишининг валий бўлиши учун мазкур икки фазилатга эга бўлмоғи керак. Бу фазилатларга эга бўлган валий – бандалик вазифаларини энг мукамал тарзда бажарадиган, Аллоҳдан кўрқувчи, шу тариқа Унга дўст бўлган, Аллоҳ ҳам уни бу фазилатлари туфайли ҳар қандай ҳолатда омонликда ва Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлайдиган зот демақдир.

Валийлик ўз даражасига кўра икки хил бўлади: умумий ва хос. Умумий валийлик – барча ихлосли мўъминлар эришиши мумкин бўлган даража. Хос валийлик – юқори мақомларга эришган суфийларнинг даражаси. Машҳур суфий ал-Ҳаким ат-Термизий (ваф. 932 й.) хос авлиёларнинг табақавий босқичлари мавзусига биринчилардан бўлиб батафсил тўхталиб ўтган. Мазкур табақавий босқичларнинг юқори нуқтасида *қутб* туради, ундан қуйида уч *нақиб*, кейин эса, тўрт *автод*, етти *аброр*, қирқ *абдол*, уч юз *ахйор* ва яна тўрт минг кўз илғамас авлиёлар ўраб туради. Шундай қилиб, валийлик маънавий-ахлоқий баркамоллик тимсоли бўлиб, шариатнинг барча буйруқларини бажариш баробарида сулукнинг талабларини ҳам адо этган ҳар қандай ихлосли киши эришиши мумкин бўлган мартаба ҳисобланади.

Тасаввуф агиографик манбаларининг асосий мавзуларидан бири ҳам авлиёларнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳамда уларнинг кўрсатган кароматларидир. Авлиёларнинг сув юзасида юриш, ҳавода учиб, узоқ масофаларга бир зумда кучиб ўтиш, ўз муридлари ичидаги фикрларни ўқий олиш, касалларни бир назарнинг ўзи билан даволаш, муридларининг оғирларини масофадан туриб енгиллаштириш, уларнинг машаққатларига

узокдан туриб шерик бўлиш, егуликнинг ғойибдан пайдо бўлиб қолиши каби кўрсатган кароматлари тасаввуфий адабиётнинг доимий диққат назарида турган мавзулардир. Бу эса, авлиёларнинг ҳаётлик вақтларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам одамлар ўртасида уларга нисбатан ўзига хос муносабат ва маросимларнинг шаклланишига олиб келган. Бу муносабатлар баъзан халқона урф-одатларга ҳам сингиб кетган. Масалан, бепарзанд аёлларнинг авлиё манзили ёки унинг мақбарасини зиёрат қилиб, ўйинчоқ бешик ёки латта боғлаши ҳамда агар зиёратдан сўнг фарзанд туғилса, уни шу авлиёга назр қилиши, Назиржон, Ҳазратқул, Пиримқул, Ниёзбек, Хужамберди, Пирниёз каби исмлар қўйиш, қурбонликлар келтириш ва бошқа маросимлар. Туркларда ёвуз кучлардан сақланиш учун янги туғилган фарзандни авлиёга рамзий маънода “сотиш” маросими тарқалган. Бундай ҳолатда болалар Сатилмиш, деб аталган. Ўзбекларда эса Сотиболди, Сотқиной каби исмларнинг қўйилиши болани “сотиш” маросими билан боғлиқ. Авлиёлар мазорларини ибрат олиш учунгина зиёрат қилиш ҳанафий мазҳабида савобли иш ҳисобланади. Ислонда қабрлар устига сағаналар барпо этиш кўп ҳам маъқулланмасада, ўрта асрлардан бошлаб авлиёлар қабрлари устига мақбаралар қуриш кенг тарқалди. Кейинчалик баъзи мақбаралар атрофида хонақоҳ, зовия, такъя, чиллахона ва зикрхоналар пайдо бўлган. XII асрдан кейин агиографик манбаларда авлиёларнинг кароматлари ҳақидаги ривоятлар кўпайгани кузатилади. Бу айрим муридларнинг ўз шайхларини улуғлаш ва ўз ваъзларини таъсирчан қилиш нуқтаи назаридан баъзан муболаға билан келтирган ривоятларидир. Халқ орасида эса авлиёларнинг кароматлари ҳақидаги баъзи ривоятлар авлоддан-авлодга ўтиб келиб, муболағали тафсилотлар билан бойитилиб, фольклор намунасига айланиб қолган. Авлиёнинг кароматлари ҳақидаги ривоятлар ўз навбатида унинг қабрининг бошқаларга нисбатан “файзлироқ” бўлишига, натижада эса кўпроқ зиёрат қилинишига сабаб бўлган.

6. АДАБ (араб.) – тасаввуфда тариқатдан сабоқ берувчи пир ёки шайх ва сабоқ олувчи мурид ёхуд солиқнинг риюя қилиши

зарур бўлган қонун-қоидалар. Шайхлар ва соликлар адаби хусусида кўплаб асарлар ёзилган.

7. АЙНУ-Л-ЯҚИЙН (араб. “кўз билан кўриб ҳосил қилинган ишонч) – ислом дини манбаларида ишонч уч даражага бўлинган: 1. Илму-л-яқийн – бунда бирор бир хабар эшитиб ёки ўқиб билинади, лекин ўша хабарнинг рост ёки ёлғонлиги аниқланмаган бўлади. 2. Айну-л-яқийн – бунда эшитиб ёки ўқиб билинган нарсани кўз билан кўриб ишонч ҳосил қилинади, лекин бу ишонч ҳали мукамал эмас. 3. Ҳаққу-л-яқийн – бунда эшитиб ёки ўқиб, сўнг кўз билан кўргандан кейин ўша нарсани қўл билан ушлаб кўриш, истеъмол қилиш ва бошқа синов йўллари билан унинг ҳақ эканига қаноат ҳосил қилинади. Мисол: бир одам келиб бозорда хурмо сотилаётгани ҳақида хабар берди (илму-л-яқийн). Бориб кўрсангиз, ҳақиқатдан бир одам хурмога ўхшаган нарса сотяпти (айну-л-яқийн). Бир дона олиб еб кўриб, унинг хурмо эканига қаноат ҳосил қилдингиз (ҳаққу-л-яқийн).

8. ‘АЙНУ-Л-ҚУЗОТ, асл исми ‘Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ‘Али Миёнжий ал-Ҳамадоний (1099-1132) – шайх ва мутасаввиф. Ҳамадон шаҳрида туғилган. Унинг илоҳий ҳикмат ва табиатшунослик илмларига оид “Яздон шенохт” (“Худони таниш”), тасаввуфнинг ўн асосини талқин қилувчи “Тамҳидот” (“Текислаш”), Худонинг сифатлари ва зотига бағишланган “Зубдату-л-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”) китоблари бор. У ақлни билим ҳосил қилишнинг муҳим воситаси, деб билди. Мутафаккир фикрича, ақл фақат моддий дунёдаги воқеаларнигина тушуниб етиши мумкин, Ҳақнинг моҳиятини англашда эса, ожиздир. Айну-л-қузот инсоннинг моҳиятини ишқ ташкил этади, ишқ воситасидагина инсон камолотга эришади, ишқ дунёни ҳаракатлантириб туради, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, олий даражадаги илоҳий ишқ қуйи даражадаги инсоннинг дунёвий неъматларга бўлган рағбатини инкор этмайди, балки уни тўлдиради. “Кимки Худони севса, унинг Расули, ўзининг пиру муршиди ва ўз ҳаётини ҳам севиши лозим”, – деб ёзади. Айну-л-қузот бир неча йил қози’у-л-қузот – бош қози бўлиб ишлаган ва адолат йўлини тутган, диний ихтилофларга

қарши турган. Унинг ижтимоий-ахлоқий фикрлари Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон ва мутафаккирларига таъсир ўтказган.

9. АРСЛОНБОБ (тахм. XI а.) – туркистонлик машхур суфий. Арслонбобнинг ҳаёти, суфийлик фаолияти ҳақидаги маълумотлар насабнома (шажара)ларда ва қўлёзма манбаларда қисқа берилган. Аҳмад Яссавийнинг биринчи маънавий устози бўлган. Ёш Аҳмад унинг раҳбарлигида суфийлик тариқатининг мураккаб амалий ва назарий билимларини олган. Ривоят қилинишича, Арслонбоб Қирғизистон ҳудудидаги шу ном билан аталувчи қишлоққа дафн қилинган. Мақбараси ҳозиргача сақланиб қолган ва зиёратгоҳ ҳисобланади.

10. ‘АТТОР ‘Алоуддин, Хожа ‘Алоуддин ‘Аттор, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (ваф. 1399 й.) – машхур мутасаввиф шайх. Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси ва куёви. ‘Аттор мадрасани тугатмасданок Нақшбанд сулукига кирган, бир умр пири ёнида бўлган. Бухорода вафот этган. Нақшбанднинг бошқа бир халифаси – Хожа Муҳаммад Порсо ‘Аттор илтимоси билан “Рисолаи қудсия” (“Хожа Баҳоуддиннинг қудсий калималари”) китобини битган ва унда ‘Аттор тилидан ўз пири ҳақидаги ўнлаб ривоят ва хотираларини келтирган. Уларда Нақшбанднинг таржимаи ҳоли, ҳаёт тарзи, одатларига оид қимматли маълумотлар, ҳикматли сўзлар баён этилган. Улар кейинчалик Нақшбанд ҳаёти ва тариқати ҳақидаги кўпгина рисоалар, жумладан, улар ичида энг эътиборлиси – Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад ‘Алининг “Мақомоти Хожа Нақшбанд” (“Баҳоуддин Нақшбанд”, Тошкент, 1993) асари учун муҳим манба бўлган.

11. ‘АТТОР Фаридуддин, Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Иброҳим (1148/51-1220) – форс мутафаккири, мутасаввиф шоир. Нишопур яқинидаги Хадкана (Кадкон) қишлоғида туғилган. Отасининг изидан бориб, доришунослик ва табиблик қилган. Ҳажга борган, Миср, Ироқ, Шом сафарида бўлган, атоқли суфийлар билан учрашиб, дин ва тасаввуф арбобларининг ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганган. Замонасининг тариқат пешволаридан бири бўлиб, “Фаридуддин” (“динда ягона”) ва шайх унвонларини олган. Мўғулларнинг Эронга биринчи босқини пайтида душман қўлида ҳалок бўлган, деган ривоятлар

бор. Нишопурда дафн этилган. “Илоҳийнома”, “Мусибатнома”, “Мазҳару-л-ажойиб”, “Асрорнома”, “Ҳайдарнома”, “Жавҳару-з-зот”, “Ҳайлож”, “Мухторнома”, “Хусравнома”, “Шарҳу-л-қалб”, “Булбулнома”, “Меърожнома” каби асарларида илоҳий маърифат ғояларини тарғиб этган. Ҳақ ва ҳақиқат сирларини кашф қилишга уринган. Асосий асарларидан бири “Мантиқу-т-тайр” (“Қушлар тили”) достони (1175) суфийликнинг энг йирик адабий ёдгорлиги ҳисобланади. “Тазкират ул-авлиё” асари ҳам тасаввуф доираларида машҳур бўлиб, унда ўнлаб азиз-авлиёларнинг ҳикматли сўзлари, ибратли ҳаёти ва кўрсатган кароматлари баён этилган. ‘Аттор ўз шеърларида дарвишлик ахлоқига оид ғояларни мужассамлантирган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда “Мантиқу-т-тайр” ва “Илоҳийнома”дан айрим парчалар (“Илоҳийнома”, Тошкент, 1994) ҳамда “Тазкирату-л-авлиё” (“Авлиёлар китоби”, Тошкент, 1997) асари ўзбек тилида нашр этилди.

12. АҲРОР (араб. – “хур” сўзининг кўплиги) – исломда “хур”, “озод” маъноларини англатувчи тушунча. Тасаввуфда уч хил асирликдан халос топган кишига “хур” унвони берилади. Биринчиси – ҳайвоний ва шаҳвоний хоҳиш-истакларни енгиб, уларнинг асирлигидан қутулиш. Бу мартабанинг номи – “хуррияти омма”. Бу хусусият ҳаммада ҳам бўлиши мумкин. Иккинчиси – ортиқча орзу-ҳаваслардан воз кечиш. Бу – “хуррияти хосса” аталиб, у тасаввуф аҳлининг кўпчилигида топилиши мумкин. Учунчиси – барча дунёвий амаллар, анъана ва машғулликлардан дилни пок тутиш. Бу – “хуррияти хоссати-л-хосса” аталиб, у тасаввуф аҳлининг айримларигагина насиб этади, деб ҳисобланади.

13. БАДАВИЙ, Абу Фитён (ёхуд Абу-л-‘Аббос) Аҳмад Саййидий аш-Шариф ал-Бадавий (1199-1276) – бадавия (ёки аҳмадия) тариқати асосчиси, Миср халқи ҳозиргача эъзозлайдиган машҳур суфий. VII аср охирида Фес шаҳридан Мағрибга кўчиб келган ва ўз шажарасини ‘Алига (р.а.) боғлаган оилада туғилган. 1210 йил Маккага келган. Бу ерда ал-Бадавий шофеъийлик ҳуқуқи ва Қуръон ёд олиш билан машғул бўлган. 1230 йилда отаси вафотидан кейин ал-Бадавий одамлардан

узоқлашиб, ёлғиз зоҳидона турмуш кечирган, у фақат имо-ишора воситасида одамлар билан мулоқотда бўлган. 1236 йил ал-Бадавий ўз тушининг таъбирига амал қилиб Ироққа борган ва у ерда ‘Абдулқодир ал-Гилоний (ал-Жилоний) ва Аҳмад ар-Рифоъий мақбараларини зиёрат қилгандан сўнг Батоъик шаҳрида рифоъийлар тариқатига қабул қилинган. 1237 йилда ал-Бадавий Мисрнинг Танта шаҳрига кўчиб келиб, шу ердаги рифоъийларга раҳбарлик қилган. Бу ерда у ўзининг дарвишона турмуш тарзи билан халқ орасида шуҳрат қозонган. Тантада вафот этган. Халқ орасида унинг “мўъжизакор” кучи ҳақида кўплаб ривоятлар тарқалган. Ал-Бадавийнинг вафотидан сўнг, унинг халифаси ва вориси Солиҳ ‘Абдулол (ваф. 1333 й.) унинг қабри устига масжид қурдирган, у авлиёни зиёрат қилиш марказига айланган. Ал-Бадавийга сиғиниш Мисрнинг қадимий қибтий-христиан урф-одатларини ўзида уйғунлаштириб юборган. Кўпчилик мисрлик мусулмонлар ал-Бадавийнинг Тантадаги мақбарасини зиёрат қилиб, кейин ҳаж зиёратига боришган. Шундан унинг “Боб ун-набий” (“Пайғамбар дарвозаси”) лақаби келиб чиққан. Оддий халқ орасида у ас-Сайид (“жаноб”), тариқат аъзолари уни – “қутб” деб атаганлар. Мағриб бадавийлари каби бош кийим кийгани учун “ал-Бадавий” лақабини олган, деб ҳисобланади. Ал-Бадавий Мисрда хонанда аёллар ва раққосалар уюшмасининг раҳнамоси ҳам ҳисобланган, шунингдек, у йўқолган нарсаларни, жумладан йўқолиб қолган болаларни топишда кўмак берувчи шахс сифатида машҳур бўлган. Ал-Бадавий қабрига ва шахсига сиғинишни, айниқса Тантага зиёрат қилишни уламою фуқоҳолар доимо қоралаб келишган. 1498 йил уларнинг қатъий талаби билан мамлук султони аз-Зоҳир Чақмоқ ал-Бадавий қабрини зиёрат қилишни тақиқлаш ҳақида фармон чиқарган. Ал-Бадавийга эътиқод қилиш халқ орасида жуда чуқур илдиз отиб кетганлиги боис фармоннинг таъсири бўлмаган. Усмонли турк салтанати даврида мавлавийлик, бектошийлик, нақшбандийлик каби қудратли суфий тариқатлари тарафдорларининг талаби билан Бадавий қабрини дабдабали суратда зиёрат этиш анча камайган.

14. БАДАВИЯ ал-бадавия (ёхуд аҳмадия) – суфийлик тариқати. Мисрда Аҳмад ал-Бадавий асос солган. Бадавия амалиётда қодирийлар ва рифоъийларга яқин туради. Бадавиянинг ташкилий асослари аниқ белгиланмаган. Маҳаллий зовия ва жамоа раҳбарлари номигагина тариқат раҳбарига итоат этиб, камдан-кам ҳолларда ундан фатво олганлар. Тариқат қароргоҳи асосий зиёратгоҳ – Танта шаҳрида жойлашган. 1333 йил тариқат асосчисининг вориси Солиҳ ‘Абдулол вафотидан сўнг бадавияга раҳбарлик қилиш мерос бўлиб ўта бошлаган. XIV-XV асрларда айрим мамлук султонлари бадавия билан алоқа боғлашган. Бадавия узоқ вақт мобайнида (XX асрнинг 50-йилларигача) Миср халқи орасида ўз таъсирини сақлаб келган. Бадавиядан камида 15та тармоқ ажралиб чиққан, уларнинг айримлари (мас., дасуқия-бурҳония) мустақил тариқатга айланган. Бадавияга Миср халқининг қадимий ислом ва христианликдан аввалги диний эътиқодлари, урф-одатлари қоришиб кетган. Шу сабабдан бўлса керак, ‘Абдулваҳҳоб аш-Шаъроний (1493-1565) бадавияни шариат йўлидан оғанликда айблаган. Бадавия тарафдорлари ўзига хос қизил рангда кийим кийиб, уларнинг хирқаси ва 12 шокилалари узун қалпоқлари, шунингдек байроқлари ҳам қизил бўлган. Улар одатда чоршанба кунлари Тантадаги марказий зиёратгоҳда, махсус хоналарда ва Қоҳирадаги ал-Хусайн масжидида жамоа бўлиб зикр тушишган. Унда махсус қўшиқчи хониши ва ноғора садоси остида давра бўлиб зикр тушганлар. Давра бўйлаб айланаётган зикр иштирокчилари вақти-вақти билан чуқур таъзим бажо келтириб, шу ҳолатда қўлларини олдинга чўзганлар. Тариқат аъзолари ўзаро учрашганларида қўл сиқишиб кўришганлар. Тариқат йилда уч байрамни нишонлаган. Байрам саналари қадимий қибтий қуёш тақвимига қараб белгиланган. Биринчи байрам санаси “илоҳий чўқинтириш” кунига тўғри келади, қолган икки сана Нил дарёси сувининг кўтарилиши муддати билан боғлиқ (ҳосилдорликка бағишланган маросим). Байрамлар вақтидаги тартиб устидан бадавия аъзоларидан тузилган махсус қўриқчилар – Нуҳ авлодлари назорат юргизишган. Уларнинг белида ёғоч қилич, қўлларида арқон қамчин, бўйинларида турли

рангдаги мунчоқ шодаси бўлиб, у кўкракка тушиб турган; бош кийимларининг тепасида рангли тизимчалардан қилинган тутама (ўрам) бўлган.

15. БАҚО ВА ФАНО (араб. бақо – боқийлик, барқарорлик; фано – фонийлик, йўқолиш, ўткинчилик) – исломдаги тасаввуф билан боғлиқ тушунча. Ислום динида бақо – Аллоҳ сифатларидан бири. Тасаввуфда бақо Аллоҳнинг боқий дўсти бўлиб қолиш учун ўзидан воз кечиш, барча яхши сифатларни ўзида мужассам қилиш, деб ҳам тушунилади. Фано – ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишдир. Тасаввуфда солиқ фано мақомига етгач, Аллоҳнинг ҳақлиги ва улуглиги тўғрисидаги фикру зикрга ғарқ бўлиб, бу фоний дунёдаги жамики нарсаларни унутиб юборади. Бу мақом “фано филлоҳ” деб аталади.

16. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД, Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (кўпроқ Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин Балогардон, Хожаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур) (1318-1389) – машҳур авлиё, нақшбандийлик тариқатининг эпоними. Бухоро вилоятининг ҳозирги Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот этган. Бу қишлоқ кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд шарафига Қасри Орифон деб аталган. Баҳоуддин Нақшбанднинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган. Баҳоуддин Нақшбанднинг бобоси суфийлар билан яқин муносабатда бўлиб, набирасида ҳам тасаввуфга катта қизиқиш уйғотди. Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, мавлоно Ориф Ревгарий, Халил ота, Қусам Шайх каби устозлардан сабоқ олди. Баҳоуддин Нақшбанднинг деярли бутун умри Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда суфийлик тарғиботи билан ўтган. У икки марта ҳаж қилган. Ғарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати – деҳқончилик ва кейинроқ духобага нақш (гул) солиш билан кун кечирган. Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний ғоялари ва таълимоти асосида вужудга келган “Дил-ба ёр-у даст-ба кор” (“Кўнгил Худода бўлсин-у қўл иш билан банд бўлсин”) деган шиори унинг таълимотини машҳур қилди.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ талабларни бир қадар юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Унингча, Аллоҳга интилиш кўнги билан амалга ошиши керак. Қўл эса, меҳнат билан банд бўлсин. Баҳоуддин Нақшбанднинг таркидунёчилик қилмай, бу дунё ишларидан очиқ-ошкор қўл силкимай туриб ҳам Аллоҳга мукамал итоат этиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси мусулмон оламида тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Бугунги кунда Баҳоуддин Нақшбанднинг Бухородаги қабри зиёратгоҳ ҳисобланади. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳамда нақшбандий шайхлар тўғрисида талай асарлар яратилган. Биргина Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасининг ўзида нақшбандийликка доир 195та китоб мавжуд. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги 1993 йил Ўзбекистонда кенг нишонланди. Унга бағишлаб қатор асарлар нашр этилди, халқаро илмий анжуманлар бўлиб ўтди. Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ ёдгорликлар қайта тикланди.

17. БЕДИЛ (тахаллуси; асл исми Мирзо Абдулқодир) (1644-1721) — шоир ва мутафаккир. Ота-бобоси кеш(шаҳрисабз)лик, туркий барлос уруғидан. Ёшлигидан турли фанларга қизиққан. Шайх Камол, Шоҳ Фозил ва Мирза Абу-л-Қосим каби олимлардан таълим олган. Ҳиндистон бўйлаб кўп саёҳат қилган, 1685 йилдан умрининг охиригача Деҳлида яшаган. Унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари тасаввуф таълимоти таъсирида шаклланган. Бедил дунёқараши тасаввуфнинг “ваҳдат-л-вужуд” таълимотига асосланади, яъни оламини Аллоҳнинг кўзгуси, инсон қалбини шу кўзгунинг маркази, деб билади. Инсон қалби қанчалик сайқал топса, у шунчалик Аллоҳ нурини акс эттиради, деб ҳисоблайди. Бедил 120 минг мисрадан ортиқ шеърӣ, кўпгина насрий асар ёзган. Йирик асари “Чор унсур” (“Тўрт унсур”, 1703 й.) насрда ёзилган бўлиб, унинг дастлабки бобларида Бедил ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Сўнгги икки бобда эса, тўрт унсур – ҳаво, сув, ер, олов тўғрисида; ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамнинг пайдо бўлиши, мутлақ руҳ, руҳ ва нарсалар, дин ҳамда руҳонийларнинг ўрни ҳақида фикр юритади. Китобда

парилар, жинлар, уйқу, туш кўриш ҳақида ҳикоя ва афсоналар ҳам мавжуд. Бедил “Ирфон” (“Билим”, 1711-12; “Комде ва Мудан”, “Нукот” асарлари ҳам шунинг таркибида) достонида фалсафа, тарих, тиббиёт, адабиёт ва илоҳиётнинг хилма-хил масалаларига тўхталган. Борлиқ, йўқлик, фано, бақо сингари фалсафий-тасаввуфий масалалар ҳақида фикр билдирган. У хинд фалсафасидаги таносух назарияси ҳамда ислом фалсафасидаги таваккул таълимотини танқид қилади. Бедилнинг ижтимоий қарашларида маърифатпарварлик, мурувват ва одамийлик мавзулари асосий ўринни эгаллайди. Бедил асарлари XIX асрда Ўрта Осиёда кенг тарқалди. Бедил Туркистонда “Абу-л-маъоний” (“Маънолар отаси-эгаси”) деган ном олган.

18. БЕКТОШИЙЛАР, бектошия – Туркияда тарқалган тасаввуф тариқати. Кичик Осиёда XII а. охири – XIV а. бошида маҳаллий турк кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси орасида пайдо бўлган. Тариқатнинг номи Ҳожи Бектош Румийдан бошланади. Бектошия тариқатининг ҳақиқий асосчиси ваъзхон ва қаландар Ҳожи Бектоши Валий Нишопурий Хуросоний (1208-1270) ҳисобланади. Унинг силсиласи эса, туркистонлик шайх Аҳмад Яссавийга, ундан эса, шиа имоми Мусо ал-Козимга тақалади. Бектошия аъзолари шиалардек ҳазрати ‘Али ва 12 имомга, айниқса, 6-имом Жаъфар ас-Содикқа алоҳида эҳтимом кўрсатадилар. Ҳожи Бектош Кичик Осиёда тез шуҳрат қозонди. Бу тариқат кўпроқ қишлоқ аҳолиси орасида қўллаб-қувватланган. Вақти келиб бектошия кенг тармоқ ёйган ташкилотга айланган, ўзининг белгиси ва махсус кийимига эга бўлган. Бектошия тариқатининг қатъий уюшган жамоага айланишида “Улуғ пир” Балим Султоннинг (ваф. 1516 й.) таъсири катта. Илмий адабиётда уни “Иккинчи пир” (“Пири соний”) деб аташади. Балим Султон ўзини Ҳожи Бектош Румийнинг авлоди, деб эълон қилган ва тариқат тузилишига алоқадор бир қатор ислохотларни амалга оширган. Бектошия айни Балим Султон замонида кенг тарқалиб, яничарлар (Туркиядаги имтиёзли махсус аскарлар) орасида ёйилган, улар орқали давлат ишларига ўз таъсирини кучайтирган. 1826 йилда Султон Маҳмуд II яничарлар корпусини тугатгач, бектошия фаолияти тақиқланди. Унинг йирик раҳнамолари қатл этилди.

Бектошия тарафдорлари эса, Болқонга ва Албанияга тарқалиб кетди. Лекин ҳозир ҳам бектошия тарафдорларини Туркия ва Ироқда учратиш мумкин. Бектошия турк халқи диний-мистик дунёқарашининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатиб, унинг маданияти, мусиқаси ва айниқса адабиётининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган.

19. БИСТОМИЙ, Абу Язид (Боязид) Тайфур ибн Исо ибн Сурушон ал-Бистомий (ваф. 875 й.) – форс тасаввуфида тайфурия суфийлик йўналишининг пири. Унинг бобоси исломни қабул қилган зардуштийлардан бўлган. Абу Язид бутун умрини, асосан, Бистомда ўтказган. Вафотидан кейин уни “Султон ал-орифин” лақаби билан атай бошладилар. Бистомий таълимотига кўра, инсон зикр ҳолатида ўзлигини унутади (ғалаба) ва Худо ишқидан маст бўлиб (сукр) бутун вужудини ҳис-туйғу қамраб олади, пировардида у Худода фано (йўқ) бўлиб (эриб) кетади. Бундай ҳолатни у фано (мавжудликни йўқотиш) деб атади ва мусулмон тарки дунёчилигининг муҳим аҳамиятли ҳолати бўлган “сен мендирсан, мен эса сендирман” иборасининг таърифини берди. Бунинг маъноси шуки, гўё шахс ўзлигини тарк этиб, илоҳийликда эриб кетади ва унинг сифатларини қабул қилади. Бундай хулоса анъанавий ислом тарафдорларининг кескин қаршилигига учради ва Бистомий “ҳулул” (илоҳийлик инсонга кўчиб ўтиши ҳақидаги таълимот)да айбланди. Бистомий тасаввуфнинг айрим тушунчаларини ишлаб чиққан бўлса ҳам, ўзининг бир бутун илоҳий тизимдаги таълимотини ишлаб чиқмади. У назарияда илоҳий (лоҳут) ва инсоний (носут) руҳни бир-бирига бириктиришга ҳаракат қилди, яъни маънавий ва моддий ибтидони бир-бирига қўшишга интилди. Бистомий ўзидан асар қолдирмаган. Унинг айтган гаплари, йўл-йўриқ ва кўрсатмалари издошлари томонидан ёзиб олинган. Айрим тасаввуф кишилари Бистомий обрўсидан фойдаланиб ўзларининг шариятга унчалик тўғри келмайдиган фикрларини ҳам Бистомий фикри деб кўрсатишга урингани қайд этилган. Жунайд Бағдодий унинг ҳикматларини тўплаб, анъанавий ислом нормаларига мослаштириб араб тилига таржима қилган.

20. ВАСЛ (араб. – “етишиш”, “висол”) – тасаввуфда “фано” мақомидан кейинги мартаба, “Фано” мақомига етган солик Аллоҳнинг ҳақлиги ва улуғлиги тўғрисидаги фикру зикрга фарқ бўлиб, фоний дунёдаги борлиқ нарсаларни унутиб юборган бўлса, “васл” мақомига эришган солик Аллоҳдан ўзга барча борлиқдан ажралиб, Унга “етишган” бўлади.

21. ВАҲДАТУ-Л-ВУЖУД (араб. – бирлик ва борлиқнинг бир бутунлиги) – абадий ягона Аллоҳгина бор, деб ҳисобловчи таълимот. Бу таълимотга кўра, моддий олам ва нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамланган, моддий олам Аллоҳнинг тажаллисидир, шуъласидир. Ваҳдату-л-вужуд намояндалари Худо бутун борлиқни яратиб туради, деб ҳисоблашган. Ваҳдату-л-вужуд айниқса XVII-XIX асрларда Ҳиндистон ва Туркистонда тасаввуфнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган.

22. ВАҲДАТУ-Л-МАВЖУД (араб. – мавжудот бирлиги) – Аллоҳ билан бирга ягона моддий олам бор, деб ҳисоблайдиган таълимот. Бу таълимот тарафдорлари табиатни абадий, деб биледи. Аллоҳ оламнинг ўзида, унга сингиб кетган, деб қарайди. Ваҳдату-л-мавжуд вакиллари одам бу дунёдан воз кечмай, тарки дунё қилмай яшашга интилиши керак деган фикрни олға суради. Ҳиндистонда ваҳдату-л-мавжуд қадимдан мавжуд бўлиб, оламини моддийлик асосида тушунишга аҳамият берган. Шунинг учун кўпчилик мусулмон руҳонийлари бу таълимотга шубҳа ва эҳтиёткорлик билан қарашган эди. Ал-Киндий, Ибн Рушд бу таълимотнинг намояндалари ҳисобланади. Ваҳдату-л-мавжуд намояндалари фикрича, табиат абадий, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ, дунё ҳамиша ўзгариш, ривожланиш ҳолатида туради. Ваҳдату-л-мавжуд тарафдорлари мусулмон шарқида табиатшунослик билимларининг ривожланиши учун фалсафий асослар яратиб берди.

23. ВИРД (араб. – вазифа) – тарк қилмай доим бажариб туриладиган вазифа, дуо; тасаввуфда шайх ва муридларнинг кундалик ўқиб юришлари учун зарур бўлган Куръони карим тиловати, зикр, тасбеҳ ўгириш, дуо ва салаотлар. Улар кечки

ва тунги ибодатлар орасида адо этилиб, тариқатнинг асоси ҳисобланади.

24. ГУРГОНИЙ Абу-л-Қосим ‘Али (ваф. 1058 й.) – тасаввуфнинг Хуросон мактаби шайхларидан. Туғилган ва вафот этган йили, қабрининг қаердалиги ҳақида аниқ маълумотлар етиб келмаган. ‘Али ибн ‘Усмон Хужвирий (ваф. 1072 й.) “Кашф ул-махжуб” асарида Гургоний билан бир неча марта (аксарият Тус шаҳрида) учрашиб, баъзи масалаларни ундан сўраганлиги ҳақида ёзади. Гургонийнинг Тусда хонақо ва масжиди бўлиб, у ўз даврининг кутби дея эътироф этилган. “Силсилат уз-заҳаб”даги 9-пири муршид. Тасаввуф таълимини Абу ‘Усмон Мағрибий ва Абу-л-Ҳасан Харрақоний (ваф. 1034 й.)дан олган. Тасаввуфдаги нисбаси, бир томондан, Абу ‘Усмон Мағрибий, Абу ‘Али ал-Котиб, Абу ‘Али ар-Рудборий орқали Жунайд Бағдодий (ваф. 910 й.)га, иккинчи томондан, Абу-л-Ҳасан Харрақоний орқали Боязид Бистомий (ваф. 848 ёки 875 й.)га бориб боғланади. Манбаларда Гургоний икки йўналиш “сахв” ва “сукр”ни ўзида бирлаштирган муршид сифатида зикр этилади. Гургоний Абу ‘Али Фармадий (1011-1085)нинг тасаввуфдаги устозидир. Шайх Абу Саид Абу-л-Хайр (967-1049) билан яқин алоқада бўлган. Ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар “Табақоту-с-суфия”, “Рисолаи Қушайрия”, “Нафаҳоту-л-унс”, “Насойиму-л-муҳаббат» сингари асарлардан жой олган.

25. ДАРВЕШ, қаландар (форс.-туркча – қашшок, камбағал; араб. фақир) – тасаввуфда ўзини Аллоҳ йўлида хизмат қилишга бағишлаб, ўз-ўзини камолотга етказиш йўлига кирган инсон. “Суфий” сўзига синоним сифатида ҳам қўлланилади. Дарвешлик таълимотининг асосини зикр тушиш орқали Худо билан “яқинлашиш” ва ҳатто, у билан “қўшилиб кетиш” мумкин, деган ғоя ташкил қилади. Эрон, Ўрта Осиё ва Туркияда дарвиш сўзи тор маънода шахсий мулки бўлмаган камбағал, дайди зоҳидни (XVI аср бошигача – “қаландар” атамасининг синоними) англатган. Дарвешнинг бошланғич маъносини билдирган “камбағал” сўзи суфийликнинг ихтиёрий камбағаллик, оз нарсага қаноат қилиш ҳақидаги таълимотидан келиб чиққан. Дарвешлар муайян маслак (сулук)ка бирлашган ва унинг ғояларини тарғиб қилган.

Дарвешлик ғоялари аксини топган сулуклар: нақшбандийлик, яссавийлик, кубравийлик ва бошқалар. Таълимоти, амалиёти, одати ва кийимларидан қатъи назар, дарвишлар икки гуруҳ – дайди, доимо дарбадарлик қилиб юрувчилар ҳамда шайх ва пирлар раҳбарлигида муқим яшовчиларга бўлинган. Дарвешларнинг биринчи гуруҳи эрта баҳорда дунё бўйлаб сафарга отланганлар. Шунинг учун уларни “дарбадар”, эшикма-эшик юрувчи, деб ҳам атайдди. Иккинчи гуруҳи хунармандлар, савдогарлар, турли даражадаги амалдорлар ва бошқалардан иборат бўлиб, ўз уйида яшаб, ишлари билан шуғулланган. Улар ҳар кунги ибодатни бажарган, ҳафта ёки ойнинг аниқ белгиланган куни умумий зикр тушишга қатнашганлар. Инқилобдан олдин Ўрта Осиёда ҳам дарвешлик кенг ёйилган, дарвешларнинг фаолияти билан боғлиқ қаландархоналар ва хонақоҳлар мавжуд бўлган. Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг айрим мамлакатларида дарвешлик сулукларининг ҳозирги кунда ҳам таъсири бор.

26. ДАҲА (форс. – ўн кунлик) – эшонларнинг хонақоҳларида бўлиб ўтадиган ўн кунлик тоат-ибодат. Даҳанинг энг каттаси Рамазон ойида бўлган. Мурид ва халифалар (эркак ва аёллар) эшон ҳузурига келиб, даҳада талаб этилган вазифаларни бажаришган, ўз муршидларининг панд-насиҳатларини тинглаб, ундан яна “вирд” (кўрсатмалар) олиб тарқалишган. Тасаввуф таълимотида даҳага ўтириш Худо олдида тавба қилиш, гуноҳларни ювиш, Худонинг раҳматига эришиш ҳисобланган. Даҳа 3 даврга: рамазоннинг биринчи ўн кунлиги – “даҳайи раҳмат”, иккинчи ўн кунлиги – “даҳайи мағфират”, учинчи ўн кунлиги – “даҳайи итқун минаннор”га бўлинган. Даҳа рамазондан бошқа баъзи ойларда ҳам ўтган, аммо унга хоҳлаган кишилар, кўпроқ аёллар борган. Тақводорлар учун хонақоҳ ичида бўздан пашшахонага ўхшаган бўлмалар қурилган. Даҳага ўтирганлар унинг ичига кириб, рўза тутиб, Куръони карим, салавот ва дуолар ўқиган. Даҳанинг ўхшаши эътикоф, деб ҳам аталади.

27. ДОРУ-Л-ФАНО (араб. – фонийлик уйи) – ислом динида инсон яшаётган дунё (бу дунё) “фоний” (ўтқинчи) эканини

билдирувчи тушунча. Унга кўра, бу дунё яхши ва эзгу амаллар, савоб ишлар киладиган жой; Дору-л-фанода дору-л-бақо учун тайёргарлик кўрилади. Тасаввуфда дору-л-фано ғояси янада ривож топди, бу дунёга бефарқ қараш, дунё лаззатларидан воз кечиш айрим тасаввуф арбобларига хос амаллардан ҳисобланади. Бу дунёни дору-л-фано деб аташ IX-X асрларда айниқса, маломатийлар тариқатида кенг расм бўлган.

28. ЖАЗАВА (араб. – “жазба” сўзининг бузилган шакли) – кучли асаб кўзғалиши, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмай қолиш, хаёлот ва воқелик ўртасидаги мувозанатини йўқотиш натижасида юзага келадиган руҳий ҳолат. Жазаванинг энг кўп турлари одатда шиалиқдаги “шахсей-вахсей” маросимида учрайди. Тасаввуф истилоҳида эса, жазава тариқат аҳлининг илоҳий ишқ таъсирида шавқу завққа тўлиши, зикр ва самоъ асносида ўзидан кетиш ҳолатлари сифатида талқин этилади.

29. ЖУНАЙД ал-БАҒДОДИЙ, Абу-л-Қосим ал-Жунайд ибн Муҳаммад ал-Қаворирий ал-Ҳаззо ал-Бағдодий (ваф. 910 й.) – тасаввуфдаги икки асосий оқимдан бири – жунайдия асосчиси. Бағдодда (ёки Нахованд ш.) туғилган ва бутун умри шу ерда ўтган. Гўдаклигида отасидан етим қолиб, тоғаси, суфий Сари ас-Сақатий (ваф. 867 й.) қўлида тарбияланган. Шофеъий ҳуқуқи ва ҳадисларни машхур фақиҳ Абу Савр Иброҳим ал-Бағдодий (ваф. 854 й.)дан ўрганган. Тасаввуфда Жунайднинг устозлари Сари ас-Сақатий ва ал-Ҳорис ал-Муҳосибий (тахм. 781-857) бўлган. Улар Бағдод суфийлик мактаби асосчилари ҳисобланиб, Аллоҳнинг ягоналиги (тавҳид) психологик тажриба ва ҳис этиш асосида билиш ҳақидаги таълимотни ишлаб чиққанлар. Жунайд Бағдодий суфийликни доимий руҳий покланиш ва турли қарашлар кураши воситаси, деб билган. Унинг фикрича, суфийнинг ҳаёти Аллоҳнинг ягоналигини билиш йўлида тинимсиз саъй-ҳаракат қилиш, ўзини Аллоҳга абадий тобе ва унинг олдида ўзини нақадар ожиз эканини ҳис этишдан иборат. Жунайд ал-Бағдодийнинг биргина асари – “Расоил” сақланиб қолган. Унда ал-Бағдодийнинг мактублари, суфийликка доир мақола, рисоалари жамланган бўлиб, уларнинг бир қисми Қуръоннинг айрим оятларига шарҳ шаклида ёзилган.

30. ЖЎЙБОР ХОЖАЛАРИ – Жўйбор шайхлари – нақшбандийлик тариқатининг вакиллари. Уларнинг Жўйбор хожалари номини олиши Хожа Муҳаммад Ислонинг бобоси Хожа Муҳаммад Яҳё Бухородаги Жўйбор деган ерга кўчиб келиши билан боғлиқ. Жўйбор хожалари ўзларини ислом динини тарғиб қилиш учун Маккадан Нишопурга, ундан Бухорога келган Имом ‘Али Муртазо авлоди, деб ҳисоблаганлар. Жўйбор хожаларидан Абу Бакр Саъдга ва унинг авлодларига сомонийлар даврида Бухоронинг шайху-л-исломи мансаби берилади. Абу Бакр Саъднинг невараси Муҳаммад Ислон Жўйбор хожаларининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта нуфузга эга бўлишида муҳим ўрин тутган. У XVI асрнинг 50-йилларида Шайбонийлар давлатидаги тож-тахт учун бўлган курашларга аралшиб, ўз муриди Абдуллахон II нинг тахтга чиқишига ёрдам беради. Бу даврга келиб Жўйбор хожаларига Бухородаги Сумитон қишлоғи инъом этилади. Жўйбор хожаларининг ота-боболари Бухородаги Чор Бакр мазорига қўйилгани учун XVI асрдан бошлаб Жўйбор хожалари бу жойдаги қабрлар устига ҳашаматли мақбара қуриб, зиёратгоҳга айлантиришган. Бу зиёратгоҳлар атрофидаги катта вақф ерларига эга бўлиб, уларга Жўйбор хожалари меросхўрлар тариқасида эгалик қилишган ва бу ерлар Жўйбор хожалари хўжалигининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган. Жўйбор хожалари катта ер-мулкка, юзлаб қулларга, кўплаб чорва молларга, суғориш иншоотларига, савдо корхоналарига эга бўлганлар. Уларнинг савдо карвонлари XVI асрнинг 2-ярмидаёқ хориж билан савдо алоқалари олиб борган. Мустаҳкам иқтисодий пойдеворга эга бўлган Жўйбор хожалари шайбонийлар давлатининг сиёсий ҳаётида жуда катта роль ўйнаган. Инглиз сайёҳи А. Женкинсон 1559 йилда Бухорода бўлиб, бу ердаги руҳонийларнинг раҳбарлари бўлган Жўйбор хожалари ҳақида шундай деган эди: “Бухорода диний раҳбар бор. Унга қиролга нисбатан кўпроқ кулоқ соладилар, у ўз хоҳиши билан қиролни ўрнидан олиб, бошқасини қўя олади”. Жўйбор хожалари XVII асрнинг 1-ярмида мамлакатда пайдо бўлган қийин сиёсий вазиятдан сўнг ўзларининг олдинги мавқеини йўқотганлар.

31. ЗАВҚ – тасаввуфда авлиёлар қалбига Аллоҳ томонидан ато этилувчи маърифат нури. Унинг ёрдамида авлиёлар ҳақ ва ноҳақ нарсаларни бир-биридан осонгина ажратиш қудратига эга бўладилар.

32. ЗАЙНИДДИН БОБО, Шайх Абу Бакр Зайниддин Кўҳи Орифоний Тошкандий (1164-1259) – тасаввуф тариқати шайхи. Отаси – Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс ‘Умар Сухравардий, Бағдоднинг катта мутасаввифларидан бўлган, суҳравардия тариқатига асос солган. Шайх Шаҳобиддин Сухравардий 1215 йил Бағдод халифасининг элчиси сифатида хоразмшоҳ Муҳаммад ҳузурига келган. Шунда Шайх Зайниддин ҳам отаси билан Мовароуннаҳрга келган ва кейинчалик Шош(Тошкент)да, шаҳарнинг кейинчалик Кўкча (асл. Кўҳча – тепалик) даҳаси деб номланган Кўҳи Орифон ҳудудидаги (лақаби шундан) мавжуд мақбара чиллахонасида ҳаёт кечирган ва тасаввуф тарғиботи билан шуғулланган. Шайх Зайниддин тарихий манбаларда “саййидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюғи”, “орифларнинг қутби ва ишончли раҳнамоси” деб таърифланади. Шайх Зайниддин Тошкентда вафот этган ва қабри ҳам ўзи яшаган чиллахонанинг ёнида жойлашган бўлиб, кейинчалик унинг устига мақбара қурилган. Амир Темур 1391-92 ва 1402 йилларда Шайх Зайниддин мақбарасини зиёрат қилган ва таъмир эттирган.

33. ЗИЁРАТ (араб. – бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш) – муқаддас қадамжоларга, мазор ва қабристонларга бориб, муайян расм-русумларни бажариб келиш. Зиёрат маросими одатда қабр тепасида Қуръон ўқиб, марҳум ҳаққига дуо қилиш, шунингдек хайр-эҳсон, садақа бериш кабилардан иборат. Ислом дини ақидасига кўра, мазорларга зиёрат учун борилганда марҳумларнинг руҳларидан мадад тилаш, ҳожатлар раво қилиниши, дардларга шифо берилиши, фарзанд ато этилишини сўраш ножоиздир. Чунки, бу каби амалларни рўёбга чиқариш фақат Аллоҳнинг ихтиёридадир. Зиёрат қилинувчилар пайғамбар бўладими, авлиё ёки тариқат шайхи бўладими, улардан нажот сўраш ўрнига ҳақларига дуои хайр қилиш, садақа-эҳсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринлидир.

Муҳаммад (с.а.в.) ўзларининг бир ҳадиси шарифларида айтадилар: “Қабристонни зиёрат қилиб турунлар, зеро у охиратни эслатади”. Зиёрат ўз навбатида мазорлар, муқаддас жойлар билан боғлиқ бўлади. Муқаддас жойлар, қадамжолар – диндорлар муқаддас деб ҳисоблайдиган ва сиғинадиган жойлардир. Булар – пайғамбар, шайх, эшон, авлиёлар номи билан боғлиқ ҳисобланган ва зиёратгоҳга айланиб кетган шаҳар, мақбара, чашма, дарахт, тепалик, ғор ва бошқалардир. Ҳар бир зиёратгоҳ атрофида ўзига хос қадимги ривоят ва афсоналар тўпланган бўлиб, улар ҳиссиётларга таъсир қилиш орқали зиёратчиларни юқори руҳият билан маросимларни адо этишга ундайди. Зиёрат учун келинадиган муқаддас жойлар турли динларга эътиқод қилувчи ҳамма халқларда кўпгина шаҳар ва мамлакатлар бор. Ўзбекистонда Имом Бухорий (Самарқанд вилояти), Баҳоуддин Нақшбанд (Бухоро вилояти), Занги ота (Тошкент вилояти), Шайх Хованд Тохур (Тошкент шаҳри), Термизий (Термиз шаҳри) дафн этилган жойлар ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Суннийларда Макка, Мадина ва Қуддус шаҳарлари, шиаларда эса буларга қўшимча равишда Карбало ва Нажаф шаҳарлари ҳам муқаддас зиёратгоҳ шаҳарлари ҳисобланади. Ҳиндлар учун Ганга дарёси, яҳудийлар ва христианлар учун Қуддус шаҳри муқаддас саналади. Ибн Таймия зиёрат қилиш учун фақат Маккадаги Муқаддас масжид, Мадинадаги пайғамбар масжиди ва Қуддусдаги Ақсо масжидига сафарга чиқиш мумкинлиги таъкидлаб, Қуддусдаги Иброҳим пайғамбар қabri, Аллоҳ Мусо пайғамбар билан гаплашган Тур тоғи, Муҳаммад пайғамбарга илк оятлар нозил бўлган Маккадаги Ҳиро ғори, Қуръонда зикр этилган Савр тоғидаги ғор ва бошқа шу каби жойларга зиёрат қилиш учун сафарга отланиш маъсият иш эканига алоҳида урғу беради. Имом Ғаззолий эса қабрларни зиёрат қилиш учун сафарга чиқиш мумкин эканини айтган. Қабристонлар ўзбек тилида “мазор”, яъни “зиёрат қилинадиган жой” деб ҳам аталиб, аслида азиз-авлиёларнинг қабрини англатган бўлсада, кейинчалик бу сўз кенг маънони ифодалай бошлади. Бу каби зиёратлар турли бало, офатлардан сақлаб, мушкулларни осон қилишига эътиқод қилинган. Асрлар

давомида муқаддас жойларга қилинадиган зиёратлар турли асоссиз тафсилотлар билан бойитилиб, уни ўзига хос қамровли маросимга айланишига олиб келди. Қадамжоларга зиёрат омма орасида ўзига хос этикетни ҳам шакллантирган. Буларга амал қилмаслик эса “зиёратдан мурод хосил бўлмаслигига сабаб бўлади” деб ишонилган. Омма орасида зиёрат ҳақидаги қарашлар қуйидаги тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ Хизр, шаҳидлар, авлиёлар, мазорлар, зиёрат билан боғлиқ тушлар, тоғ ва ғорлар, зиёратгоҳдаги булоқ ва муқаддас ҳайвонлар, дарахт, муқаддас тош, мўйи муборак, муқаддас қадамжолардаги товушлар, зиёратгоҳдаги муқаддас буюмлар ва бошқа нарсалар. Ислонда аёлларнинг мазорларга зиёрат мақсадида бориши масаласи жуда кўплаб ихтилофларни келтириб чиқарган. Ислоннинг илк даврларида барча мусулмонларга қабрларни зиёрат қилиш Пайғамбар (с.а.в.) томонидан тақиқланган эди. Аёлларга эса жанозаларда тобут кетидан эргашиб бориш, мазорларни зиёрат қилиш, ўлик ортидан ўкириб йиғлаш, сочини юлиш каби одатлар буткул ман қилинган эди. Манбаларда келтирилишича, Расулulloҳ (с.а.в.) бу масалага жуда қаттиқ эътибор билан қараганлари учун ҳатто байъат вақтида ҳам баъзи аёллардан ўлик ортидан уввос тортиб йиғламасликка аҳд олганлар. Аммо кейинчалик ислонда эркакларга ибрат олиш учун мазорларга боришга рухсат берилди. Аёллар хусусида эса, Пайғамбар алайҳиссалом ҳеч нарса демадилар, яъни эркаклардангина мазорларга бормаслик ҳақидаги тўсиқ олиб ташланди. Ҳаттоки, жума куни ота-онасининг мазорларига бориб зиёрат қилган кишининг гуноҳлари мағфират этилиши, унинг мазорини фаришталар зиёрат қилиши ҳақида ҳадислар ворид бўлган. Аёлларнинг мазорларга бормаслиги ҳақидаги ҳукм тўғрисида ҳеч нарса айтилмади. Манбаларда келтирилишича, Расулulloҳ (с.а.в.) аёлларнинг заифликлари, таъсирчанликлари ва фитналарга тез берилиб кетишларини билган ҳолда улар хусусида индамадилар. Мана шу туфайли ҳозиргача бу масалада турли фикрлар ва қарашлар вужудга келди. Шунча тақиқларга қармасдан аёлларнинг мазорларга бораверишини ислондан илгариги диний, эътиқодларга боғлайвериш ҳам унчалик тўғри

эмас. Зеро, ислом динида ҳам бу ҳолатга хос бўлган муносабатлар шаклланган. Жумладан, ал-Ҳаким ат-Термизий (ваф. 932 й.) “Наводиру-л-усул” асарида ёзадики: «Аёлларнинг мазорларга боришида фитналарга берилиб кетиш хавфи бор ва бу хатар қиёматга қадар сақланиб қолади. Аммо ким бундай салбий ҳулқлардан холи бўлса, жоҳилият даври амалларини, мазорларни масжид қилиб олиш ва чироқ ёқиб қўйиш одатларини қилмаса, мазорга қабрни тузатиб (таъмирлаб) қўйиш, мазор аҳлига салом бериш, ўлганларни дуо қилиш ва ибрат олиш учунгина келса, фитналарга берилмаслигига ишончи комил бўлса, ҳистуйғуларини жиловлай олса, бундай аёллар юқорида зикр қилинган таъқиқдан ташқаридалар. Фотимадан (р.а.) ривоят қилишларича, улар ҳар йили Ҳамзанинг (р.а.) қабрига бориб, уни тузатиб қўяр эканлар. Яна бир қанча аёлларнинг шаҳидлар қабристонларига бориб, уларга салом бериб келишлари ҳақида ривоятлар учрайди. Муҳаммад (с.а.в.) қизлари Фотима бир куни таъзияга бориб келганида, ундан “Ишқилиб, мазорга бормадингми, агар борган бўлганинда жаннатни кўрмас эдинг” – деб, марҳамат қилганлари ҳақидаги ривоятлар эса исломнинг илк даврларига оиддир”. Шунингдек, Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одобу-с-солиҳин” асарининг “Зиёрат одоблари” номли бўлимда “Аёллар кам ҳолатлардагина фақат эрларининг рухсати билангина мазорларга бориш мумкин” – деб келтирилади. Аммо Саудия Арабистонида бир қанча йил муфтийлик қилган ва ислом оламида ўзига хос нуфузга эга бўлган марҳум Шайх ‘Абдулазиз ибн Бозз ўз асарларида қабрларни зиёрат қилиш мавзусини кўриб чиқиб, якунида қисқа ва кескин оҳангда: “Аёлларга қабр зиёрати мумкин эмас”, деб қатъий хулоса келтирган. Ҳанбалийларда аёлларнинг мазорларга зиёрат учун бориши “макруҳ” амал деб билинса, баъзи ҳанафий мазҳаби манбаларида бу амал “мандуб” ҳисобланади. Маълумки зиёратгоҳлар атрофида шаклланган ибратли ҳикоя, ҳикмат, ривоят ва афсоналар халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида маданий меросимизнинг бир бўлагини ташкил этади. Зиёратгоҳлар учун хос тарзда бунёд этилган меъморий обидалар эса маданиятимизнинг асрий жиҳатларини намоён этиб келмоқда.

34. ЗИКР (араб. ёдга олиш, эшлаш) – тасаввуфда Худони ёдга олиш билан боғлиқ маросим. Кўпчилик Аллоҳни ёдга олиш зарурлигини Қуръони каримнинг “Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олув” (13:28) деган ояти билан боғлайдилар. Зикр овоз чиқариб (аз-зикр ал-жахрий) ва овоз чиқармасдан (аз-зикр ал-хафий) айтилади. Овоз чиқариб зикр тушиш Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалган. Бунда бир гуруҳ суфийлар аввал давра қуриб ўтиради, бир киши (қаввол) муайян ибораларни маълум оҳангда ўқийди, унга айрим мусиқа асбоблари жўр бўлади; бора-бора кишилар ўрнидан туриб, ўзига хос ҳаракатлар қила бошлайдилар. Зикр вақтида суфий ва дарвишлар “Аллоҳ ҳайй” (Аллоҳ тирик); “ла илаҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ); “Аллоҳу акбар” (Аллоҳ – энг улўғ); “ал-ҳамду лиллоҳ” (Аллоҳга ҳамду санолар) ва бошқа сўзларни такрорлайди. Узоқ вақт такрорланган сўзлар, мусиқа ва рақс натижасида зикр тушаётганар ўзлигини унутади, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсани ёдига келтирмай қўяди. Зикр мавлуд ва бошқа диний маросимларнинг таркибий қисмига айланган.

35. ЗОВИЯ (араб. – бурчак, хужра) – суфийлар, дарвишлар тушадиган ва яшайдиган маскан. Араб мамлакатларининг баъзиларида работ, баъзиларида зовия деб аталган. Эрон ва Афғонистондаги такъя, Ўрта Осиёдаги хонақоҳга тўғри келиб, суфийлар, дарвишлар, мусофирлар, фақирлар тўхтаб, истиқомат қиладиган манзил. Баъзан зовия деб, жомеъ бўлмаган, яъни минбарсиз кичик масжидга ҳам айтилади. Қадимда зовиялар кўп бўлиб, улар ислом оламида тасаввуфнинг кенг тарқалишига хизмат қилган. Зовия маълум бир шайхнинг тасарруфида бўлган ҳамда аксар ҳолларда муайян бир тариқатнинг таълим, тарғибот ва ташвиқот маркази вазифасини ҳам ўтаган. Ўрта асрларда зовиялар Мовароуннаҳрда жуда кенг тарқалган бўлиб, улар мусофирхона вазифасини ҳам бажарган. Жумладан, ўрта асрлар машҳур араб сайёҳи ибн Баттута (1304-1377) ўзининг “Сафарнома” номи билан таниқли “Тухфат ан-нуззор” асарида Мовароуннаҳрга қилган саёҳати давомида эллиқдан ортиқ зовияга тушгани, уларнинг ҳар бирида мусофирлар учун барча қулай шарт-шароитлар муҳайё қилингани, буларнинг эвазига

эса ҳеч нарса талаб қилинмаслиги ҳақида тўлқинланиб ёзади. Ибн Баттута Бухорода авлиё шайх Сайфиддин Бохарзий мақбараси ёнида жойлашган зовияга тушгани ҳақида ҳикоя қилади. Бу зовиянинг вақф мулклари жуда кўплиги, зовия шайхи Сайфиддин Бохарзий зурриётларидан экани ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур шайх уни зовияга катта зиёфатга чақиргани, бу меҳмондорчиликда шаҳарнинг энг таниқли зотлари иштирок этгани, бу ерда чиройли овоз билан Қуръон тиловати, маърузалар қилингани сўнгра буларнинг кетидан туркий ва форсий тиллардаги кўшиқлар ажойиб тарзда ижро этилганини зикр этади.

Зовия – хонақоҳ ва риботлардан ҳажмининг кичикроқ бўлиши ва аксар ҳолларда узлатни ихтиёр қилган шайхлар ҳузурида бўлиши билан фарқланиб турган. Аммо баъзи манбаларда «зовия» ва «хонақоҳ» сўзлари синоним сифатида ҳам қўлланилган.

36. ЗОҲИД (араб. безътибор, моддий манфаатга бефарқ бўлувчи) – тасаввуфда таркидунё қилган кишини англатувчи атама сифатида қўлланилади. Зоҳидлар мусулмонларни бу дунё роҳат-фароғатидан воз кечишга, Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этишга ундайдилар.

37. ЗОҲИДЛИК – таркидунёчилик, Худонинг марҳаматига мушарраф бўлиш, жаннатга тушиш учун таркидунё қилиш зарурлиги ҳақидаги диний-мистик тасаввур. Зоҳидлик исломда дарвишлик, чилла ўтириш, рўза тутиш, зикр тушиш кабиларда намоён бўлади. Тасаввуфда зоҳидлик Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этиш, демакдир. Бунда Аллоҳга ширк келтиришдан сақланиш ва ибодатда риёдан холи бўлиш; барча гуноҳлардан ва ҳаром нарсалардан сақланиш ва ниҳоят, ортиқча дунёвий ашёларга меҳр қўймаслик назарда тутилади. Шариат ва тариқат қоидаларига бу хилда риоя этишни Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Нажмиддин Кубро ва бошқа пирлар ҳам тарғиб этганлар.

38. ЗУННУН ал-МИСРИЙ, Абу-л-Файз Савбон ибн Иброҳим Зу-н-Нун ал-Мисрий (тахм. 796-860/61) – Мисрдаги илк тасаввуф вакили, суфий шайхлардан бири. Мисрдаги Аҳмим деган жойда

туғилган. Тарғибот ишлари билан Макка, Дамашқ, Антиохияда сафарда бўлган. Тарихчи ва Моликийлик мазҳаби фақиҳи ‘Абду-л-Ҳакам Зу-н-Нун ал-Мисрийни тасаввуфни тарғиб қилгани учун танқид қилган ва суфийлик таълимотини “номаъқул бидъат”, деб ҳисоблаган. Зу-н-Нун ал-Мисрий муътазиллийлар таълимотига қарши бўлгани учун ҳокимият томонидан таъқибга учраган. Зу-н-Нун ал-Мисрийнинг ўн бешга яқин асари мавжуд бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бизгача етиб келган шеърий парчаларида азиз-авлиёлар таркидунёчилигининг афзалликлари ва тасаввуф аҳлининг энг олий орзуси – Аллоҳга “яқинлашиш” ҳолатлари баён этилган. Бунга маърифат орқали эришилади, маърифат эса, унинг фикрича, дунёвий ишлардан, ўз табиий эҳтиёжларидан воз кечиш, нафсни тийиш орқали ўзини камолотга олиб чиқиш билан белгиланади. Тасаввуф анъанасига кўра, Зу-н-Нун ал-Мисрий суфийликнинг “мақомот ва аҳвол” тўғрисидаги таълимот асосчиси ҳисобланади. Зу-н-Нун ал-Мисрий Аллоҳни антропоморф қиёфада тасаввур этишни рад этади, унинг бутунлай илоҳий олам эканлигини таъкидлайди. Зу-н-Нун ал-Мисрийнинг ғоялари кейинги суфийлар томонидан ўзлаштирилди, ривожлантирилди. Жомий, ‘Аттор ўз асарларида Зу-н-Нун ал-Мисрий шахсини улуғлаб, афсонавий даражага кўтарганлар.

39. ИБН ал-‘АРАБИЙ, Муҳйиддин Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ‘Али ал-Хотамий ат-Тоий (1165-1240) – диний-мистик файласуф, “вахдату-л-вужуд” таълимоти асосчиси, тасаввуфнинг йирик вакили. “Улуғ шайх” (муаллим), “Афлотуннинг (Платон) ўғли” номлари билан улуғланган. Андалусиянинг (Испания) Мурсия шаҳрида туғилган ва диний билим олган. Дунёқараши суфийлар таъсирида шаклланиб, Андалусия ва Шимолий Африка бўйлаб сафарга чиққан, машхур олим ва мутафаккирлар билан мулоқотда бўлган. шунингдек, Ибн ал-‘Арабий Шарқдаги йирик мусулмон суфий ва илоҳиётчилари Харроз, ал-Ҳаким ат-Термизий, Мансур ал-Ҳаллож, Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг асарларини ҳам ўрганган. 1200 йилда ҳаж зиёратига бориб, сўнгра умрининг охиригача Андалусияга қайтмади. 1201-йилда Маккада яшаган, бу ерда машхур шеърий тўплами – “Таржумону-

л-ашвоқ” (“Ишқий шавқ таржимони”) ҳамда суфийликка оид рисолаларини ёзган. Шу ерда кўп жилдли “ал-Футухоту-л-Маккийя” (“Маккадаги кашфлар”) асари устида иш бошлаган. Баъзилар бу асарни “суфийлик қомуси” деб аташади. Ибн ал-‘Арабийнинг энг машҳур рисоласи “Фусулу-л-ҳикам” бўлиб, унга 150дан ортиқ шарҳлар ёзилган. Умуман, Ибн ал-‘Арабий ижодий мероси 300га яқин асарни ташкил этади. Олим Дамашқ шаҳри яқинидаги тоғ ёнбағрига дафн қилинган. Султон Салим I буйруғи билан XVI аср бошида унинг қабри устига маҳобатли мақбара қурилган, бу мақбара ҳозирда ҳам мавжуд. Ибн ал-‘Арабий замонасининг барча илмий оқимларидан хабардор эди. У Ибн Рушд, Сухравардий, ар-Розийлар билан учрашган ҳамда ёзишиб турган. Унинг фалсафий дунёқарашида, ҳамма нарсанинг ягона асоси ғоявий субстанция (рух, идея) асосий ўрин тутуди. Машҳур шахсларга сажда қилишни инкор қилган, турли динларнинг аҳамияти баробар, деб ҳисоблаган. Суфий сифатида Худони олий, мутлақ ҳақиқат ҳолда англаш ва унга кўнгилни поклаш орқали эришишни тан олган. Ибн ал-‘Арабий ўрта асрлар мусулмон оламида энг зиддиятли шахслардан бири бўлиб, унинг қарашларини Ибн Таймия, Тафтазоний сингари илоҳиётчилар, шунингдек, араб тарихчиси Ибн Халдун кескин танқид қилган. Баъзи йирик мутасаввифлар эса, унинг фикрларини ёқлаганлар.

40. ИБН ал-ФОРИЗ, Шарафиддин ‘Умар ибн ‘Али Абу Ҳафс (ёхуд Абу-л-Қосим) ал-Мисрий ас-Саъдий (1181-1235) – йирик араб мутасаввиф шоири. Қоҳирада мол-мулкни тақсимлаш бўйича вакил (фориз) оиласида туғилган, Ибн ал-Фориз лақабини олишига шу сабаб бўлган. Ёшлигидан отаси диний илмларни ўргатган. Ибн Асокир ва ал-Мунзирийдан ҳадис илми сабоғини олган. Ибн ал-Фориз ўсмирлик чоғиданоқ одамлардан холи бўлиб яшашни ёқтирган, отасининг розилиги билан ал-Муқаттам тоғига бориб узоқ вақт ёлғизликда яшаган. 15 йилга яқин Ҳижозда яшаб, аксарият асарларини ўша ерда ёзган. Қоҳирага қайтгач, Ибн ал-Фориз валий сифатида кутиб олинди. У ал-Азҳар масжидидан қўним топди, уни бойлар ва камбағаллар зиёрат қилишди. Вафотидан сўнг унинг ал-Муқаттам тоғидаги қабри зиёратгоҳга айланди. Ибн ал-Фориз тасаввуфга оид икки

машхур қасида – “ал-Ҳамрийа” ва “Назму-с-сулук” (уни кўпинча “ат-Таъийату-л-Кубро” деб аташади) муаллифи бўлган.

41. ИЛҲОМ – кўнгилга солиш; тасаввуфда солиқ қалбида Аллоҳ томонидан пайдо этилган фикр. Шариат уламолари фикрича, илҳом қатъий маълумот манбаи бўла олмайди. Тасаввуф аҳли, аксинча, илҳомни илоҳий файз деб қабул қилиб ҳамда унга асосланиб, сўз ва иш юритади. Илҳом ўз моҳиятига биноан “ақлий илм”дан ҳам фарқланади, чунки илҳом фикр-мулоҳаза юритиш ва хулоса чиқариш йўли билан вужудга келмайди. Тасаввуфга кўра, илҳом мўъмин дилини ёритувчи илоҳий нурдир, Куръоннинг ботиний маъносини ҳам илҳом орқали англаб етиш мумкин.

42. ИТТИҲОД (араб. – бирлашиш) – тасаввуф тушунчаси. Суфийнинг жазавага тушиш ҳолатида Худо билан руҳан “қўшилиб кетиши” тушунилади. Баъзи суфийлар Худога бўлган муҳаббатни (ишқ) иттиҳоднинг зарурий қисми, деб қарайди. Иттиҳод турли даврда турлича талқин қилинган. Сунний тасаввуфда иттиҳод қатъий рад этилган.

43. ИШРОҚ (“порлаш”) – суфийликдаги фалсафий таълимот; Яҳё ас-Сухравардий (ваф. 1191 й.) томонидан ишлаб чиқилган. Ёруғлик ва зулмат рамзларидан, шунингдек, зардуштийликдаги муқаддас китоблардан олинган образлардан кенг фойдаланиб, ас-Сухравардий аслини олганда ўзига хос таълимот яратган. Ишроқ ҳақидаги таълимотга асосан ҳар қандай мавжудликнинг манбаси ва энергияси «Олий нур» (нуру-л-анвор) бўлиб, у ўзининг борлиғи билан биринчи махлуқ – «фаришта», Бахман нуруни «ёритади». Ишроқ таълимотига кўра баён этилган дунё манзараси суфийнинг ўта берилиб зикр тушиши пайтида ўта сезгир ва онгли билимга эга бўлиши мумкинлигига исбот бўлиб хизмат қилади. Суфийнинг руҳи моддий оламнинг ҳар хил «чиқитлари»дан зоҳидлик тажрибаси орқали поклангач, илоҳий нур билан «нурланади», у «дунёнинг сир-асрорларидан» бохабар бўлади ва ўз манбаси томон учиб, у билан қўшилиб кетади.

44. ИШҚ (араб. – муҳаббат) – тасаввуфда Аллоҳга бўлган ишқ. Аллоҳдан ўзга ҳар қандай маҳбубга бўлган ишқ ёки муҳаббат солиқлар наздида мажозий ишқ саналган. Тасаввуфона битилган

газал ва бошқа турдаги шеърларда мажозий ишқ орқали ҳақиқий ишқ тараннум этилади.

45. КАЛАБОДИЙ (ёхуд ал-Калобозий), Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Калободий ал-Бухорий (ваф. 990/995 й.) – ҳанафий мазҳабининг машҳур фақиҳи, суфий. Тасаввуфга доир араб тилида ёзилган энг дастлабки тартибли асарлардан бирининг муаллифи. Бухородаги Гулобод маҳалласида туғилиб, шу ерда яшаган ва вафот этган. Муҳаммад ибн Фазлдан ҳуқуқдан таълим олган ва суфий шайх Қосим Фориснинг шогирди бўлган. Калободий ёзган беш ёки олти асардан бизгача иккитаси етиб келган: Пайғамбар (а.с.)нинг ахлоққа доир баъзи ҳадисларига ёзилган қисқача шарҳ – “Маъоний ал-ахбор” ва “ат-Таъарруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” – исломнинг дастлабки уч асри даврида ислом тасаввуфини ўрганишда асосий ҳисобланган асарлардан бири. Китоб кейинги давр суфийлари томонидан юқори баҳоланган, хусусан, шайх Яҳё ас-Сухравардий ал-Мақтул (ваф. 1191 й.) бу ҳақда “Агар ат-Таъарруф бўлмаганда эди, биз суфийликни (тасаввуфни) билмаган бўлардик”, деган. “Ат-Таъарруф” – бизгача етиб келган суфийлар қарашлари тизими ва тажрибаси баён этилган биринчи асар бўлиб, унда тасаввуфдаги ғояларни шариат қоидалари билан келиштиришга, тасаввуф тўлиғича мусулмончилик доирасида шаклланган тизим сифатида шубҳа туғдирмаслиги кераклигини тушунтиришга ҳаракат қилинган. Асар 75 бобдан иборат бўлиб, уларни уч қисмга ажратиш мумкин: 1-(1-4, 64-75-боблар) тарихий: суфий ва тасаввуф тушунчаларини белгилаш, энг муҳим шахслар, уларнинг суфийликдаги жасоратлари ҳақидаги ҳикоялар ва афсоналар; 2-(5-30-боблар) апологетик (мадҳ этувчи): тасаввуф қарашлари тизими, унинг “исломий”лигини исботлаш; 3-(31-63-боблар): тасаввуф амалиёти, зоҳидлик йўлининг асосий босқичлари, дарвишлар орасида қабул қилинган техник атамалар. Калободий асарига кўплаб шарҳлар ёзилган. Айниқса, Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Мустамлий (ваф. 1042 й.) томонидан форс тилида ёзилган “Нур ал-муридин” китоби машҳур бўлган. Бу шарҳ тасаввуф тарихи бўйича манба сифатида оригинал асардан деярли қолишмайди. Унинг нусхаларидан

бири 1081 йил кўчирилган бўлиб, у бизгача етиб келган энг қадимий форсий қўлёзмалардан ҳисобланади.

46. КОМИЛ ИНСОН – тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири. Ҳар жиҳатдан етук киши. Ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлиқ ва Аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган ва натижада Ҳаққа етишган (ёки Қуръон оятларининг туб моҳиятини тушунадиган) инсон. Тасаввуф таълимотига кўра, Аллоҳ комил инсонда ўзининг барча хислат ва аломатларини бамисоли кўзгуда кўргандек кўриб туради. У борлиқнинг бир-бирига зид икки жиҳати: маънавий ва моддий жиҳатларини бирга қўшади. Унинг бутун олам учун бўлган фавқулотда аҳамияти ана шундан келиб чиқади, у – Коинотнинг ботиний ҳукмдори, Олам яратилишининг сабабчиси ва мақсадидир. Комил инсон ҳақидаги таълимот суфий файласуф Ибн ал-‘Арабий томонидан яратилган, кейинчалик унинг издошлари, жумладан, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалололдин Румий ва бошқа тасаввуф арбоблари томонидан ривожлантирилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, комил инсонни вояга етказиш миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифаларидан қилиб қўйилди. Президент И.Каримов асарларида комил инсонни вояга етказиш вазифалари атрофлича баён этилган.

47. КУБРО, Аҳмад ибн ‘Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмий (лақаблари: “Нажмиддин” (“Диннинг юлдузи”), “Кубро” (“Улуғ”), “Абу-л-жанноб” (“Дунёдан четланувчи, парҳез этувчи”), “Валийтарош” (“Валийларни тарбияловчи”); 1145-1221) – шайх, суфийликнинг машҳур вакилларида бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси. Хива (Хоразм)да туғилган. Ёшлигиданоқ ҳадис ва каломни ўрганган, илм истаб Мисрга боради. У ерда шайх Рўзбихон Ваззон ал-Мисрийдан таълим олади ва унинг қизига уйланади, Кейинчалик Табриз, Ҳамадон, Дизфулга келиб илоҳиётдан сабоқ олади. Кубро Мисрга қайтгач, Рўзбихон уни тўла комил инсон бўлиб етишди, деб ҳисоблади ва ўз ватанига қайтишни маслаҳат беради. Кубро Хоразмга келгач, хонақоҳ куради ва ўз диний мактабини яратади. Кубронинг шогирдлари орасидан тасаввуфнинг таниқли назарийетчилари,

суфийлик бўйича мумтоз адабиёт вакиллари етишиб чикди. Кубро мўғул босқинчиларига қарши жангда шаҳид бўлган, Унинг қабри хонақоҳи билан бирга Кўҳна Урганчда жойлашган. Билишнинг Куброга хос тасаввуфий йўли бўйича инсон ўз моҳияти билан кичик оламдир, у катта олам бўлган коинотдаги барча нарсаларни ва сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Аммо, илоҳий сифатлар юқори самовий доираларда биринкетин ўзига хос мақомларда жойлашганидан, ҳақиқат йўлини қидирувчилар бундай камолотга эришиш учун маълум риёзатли йўللарни ўтишлари зарур. Кубро ана шу камолотга эришиш асосларини ишлаб чикди. Кубро ўз қарашларини араб тилида ёзган бир неча рисоаларида баён этган. Улардан асосийлари: “Фавоиху-л-жамол ва фавотиху-л-Жалол”, “Ўн усул”, “Рисолату-л-Хоифи-л-ҳоим мин лавми-л-лоим”. Бу асарлар араб мамлакатлари ва Туркияда чоп этилган. У Қуръонга суфийлар нуқтаи назаридан шарҳ беришни охиригача етказа олмади, бу ишни шогирдлари тугалладилар. Тасаввуф таълимотининг ривожига ва кенг тарқалишида катта омил бўлган Кубро мероси республикамизда мустақиллик туфайли ўрганила бошланди. 1995 й.да Ўзбекистонда Кубро таваллудининг 850 йиллигига нишонланди. «Нажмиддин Кубро» (Тошкент, 1995), «Шарҳи рисолайи одобу-з-зокирин» (Урганч, 1997) китоблари нашр этилди.

48. КУБРОВИЙЛИК – тасаввуф тариқати. XIII аср бошида Хоразмда Нажмиддин Кубро асос солган. Кубровийлик тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги мактаби бўлиб, маънавий ворислик занжирини Маъруф ал-Кархий (ваф. 816 й.) орқали Абу Бакр ёки ‘Али ибн Абу Толибга етказадилар. Кубровийликда тариқат аъзоларининг ягона ташкилий тизими бўлмаган. Уларни таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштирган. Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида ташкил этилган хонақоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталган. Бу ерда Кубровийлик тариқати XVIII асрнинг охиригача кенг тарқалган эди. Унинг аъзолари Кубро ғояларини Хитойнинг ғарбий чегараларигача ёйди. Кейинчалик Кубровийликнинг бир қанча мустақил шаҳобчалари вужудга

келди. Булар – фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, олия, игтишошия, заҳабия, нурбахшия. Кубровийлик таълимотига кўра, ҳар бир киши камолотга эришиш учун 10 асосга таянмоғи керак. 1. Тавба – ўз хоҳиши билан Ҳақ таолога қайтиш; Худонинг амриси, кишининг ўз ихтиёри билан Худони севиши, ўзининг “мен”идан кечиши. 2. Зухд фи-д-дунё – барча дунёвий нарсалардан тийилиш. 3. Таваккул – барча ишларни қилишда Худонинг меҳрибонлиги ва кудратига умид боғлаш. 4. Қаноат – ҳаёт кечиришда оз нарса билан қаноатланиш, мўътадиллик, тубан майллардан озод бўлиш. 5. Узлат – танҳоликда бўлиш, руҳни мустаҳкамлаш, ҳис-туйғуларни жиловлаш. Узлатга кетиш ҳиссиётларнинг босилишига олиб келади. 6. Мулозамату-з-зикр (узлуксиз зикр) – Худонинг исмини ёд қилиб туриш, бутун қалбни У билан тўлдириш. Шундагина пасткашлик, ҳасад, очкўзлик, иккиюзламачилик каби разилликлар киши кўнглига йўл топа олмайди. 7. Таважжуҳ – бутун вужуд билан Худога мурожаат қилиш, Унга чексиз муҳаббат қўйиш, ундан бошқа нарса борлигани ҳис этмаслик. 8. Сабр – ўз ихтиёри билан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, нафс доирасидан ўзини олиб қочиш. Тўғри йўлдан адашмасдан бориш учун киши ўз майлларини сўндириши лозим. Шундагина дил кудуратлардан покланади, руҳ нафс натижасида занглаб қолган бўлса, жило топади. 9. Муроқаба (тафаккурга ғарқ бўлиш) – қалб поклангани ва тубан эҳтирослардан холилигини туйиб, хотиржам бўлинганини эслаб хаёлга чўмиш, Ҳақ таоло раҳм-шафқатини кутиб туриш ҳолати. 10. Ризо – суфий энди Худо уни севиб қолганлигини, Аллоҳ ундан рози, у ҳам Аллоҳдан рози эканини сезади, унинг учун ана шу нарса муҳимдир. Худога бўлган муҳаббат суфийнинг шахсий ҳис-туйғу сифатини йўқотиб, янги кўринишда – Аллоҳнинг истак-хоҳиши тарзида намоён бўлади. Ризолик мақоми Ҳаққа етишганликни билдиради. Ҳозирда ҳам Кубровийлик кўринишларини учратиш мумкин.

49. КУЛОҲ – қадимий бош кийим. Қалин ва дағал (кўпинча жун) матодан конуссимон шаклда, ичига пахта солиб тикилган. Кулоҳни кўпинча қаландарлар ва шайхлар кийган.

50. МАВЛАВИЙЛАР, мавлавия – суфийлик тариқати. Тахминан 1240 йилда Жалолиддин Румий Кўния шаҳрида (Кичик Осиё) асос солган. Румийни кўпинча “мавлоно” (“жанобимиз”) деб аташган. Шундан тариқат номи олинган. Тариқат фаолияти Эрон, сўнгра Туркия ҳудуди билан чекланган. Мавлавия тариқатига аввал шаҳар аҳолисининг ўрта ва қуйи қатламлари, кейинроқ хос табақалари кирган. Мавлавия ўз мавлавияхона ва такаларига эга бўлиб, бу ерда зикри самоъ қилишган. Бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ, мавлавия жамоа бўлиб, мусиқа тинглаш, куйлаш ва гир айланиб зикр тушиш маросимига алоҳида эътибор беришган. Мавлавийлар фикрича, мутлақ рух – Илоҳнинг инсон қалбидаги зарраси мусиқа таъсирида, зикр тушиш пайтида тиниқлашиб, покланади, яъни ўз ўзагига яқинлашади, Аллоҳга ўз муҳаббатини тўлароқ ифодалашига ёрдам беради. Мавлавия “гарди дарвишлар” номи билан ҳам машҳур бўлган. Мавлавиянинг биринчи расмий бошлиғи шайх ва халифа унвонини олган Ҳисомиддин Ҳасан Чалабий (ваф. 1264 й.) эди. Румийнинг ўғли, Султон Валад (1226-1312)ни унинг вориси, тариқатнинг амалдаги ташкилотчиси, деб ҳисоблаш мумкин. Султон Валаддан бошлаб Мавлавия раҳбарлик лавозими – асосан катта ўғли Улуғ Ориф Чалабий (1272-1320) орқали ворислик лавозимига айланган. Мавлавия илк Усмонли турк султонлари даврида (XIV аср) Кичик Осиё бўйлаб тарқалиб, жуда машҳур бўлиб кетган. Мавлавия тариқати Туркияда то 1925 йилга қадар фаолият кўрсатган ва шу йили Камол Отатурк декрети билан тарқатиб юборилиб, барча ерлари, кўчмас мулки ва банкдаги маблағи мусодара қилинган.

51. МАЛОМАТИЙЛАР (араб. – таъна аҳли, таънага қолувчилар) – суфийлик тариқатларидан бирининг тарафдорлари. Маломатийлар таълимотининг асосий қоидаларини Ҳамдун ал-Қассор (ваф. 884 й.) ишлаб чиққан. Ал-Муҳосибий, Абу Язид ал-Бистомий ва Саҳл ат-Тустарий каби Ироқ зоҳидларининг қарашлари мазкур таълимотнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Маломатийлар ҳаракати умуман ягона ташкилий тузилмага эга бўлмай, мустақил маҳаллий тўғараклар шаклида эди. Дастлаб Нишопурда юзага

келиб, ғарбга – Ироқ ва Сурияга, шарққа – Мовароуннахр ва Туркистонга тарқалган. Маломатийлар айрим руҳонийларнинг ўз тақводорлигини бошқаларга пеш қилиб, ибодат ва маросимларни юзаки, намоийшкорона бажо этишига эътироз билдиришган. Вақт ўтиши билан Маломатийлар тариқати йўқолиб, унинг тарафдорлари қолмади. Бу таълимотнинг баъзи жиҳатлари нақшбандийлик тариқатида намоён бўлган.

52. МАНОҚИБ (араб. – фазилатлар) – тасаввуф тушунчаси сифатида бирор улуг зотнинг фазл ва мартабасини мақтаб, таъриф-тавсиф қилиш. Кўпинча шу ҳақдаги рисола ёки асар тушунилади. Масалан, “Маноқиб Хожа Аҳрор” (Хожа Аҳрор таърифи), “Маноқиб Шоҳ Абдуллоҳ” (Шоҳ Абдуллоҳнинг таъриф ва тавсифи) ва ҳ. к.

53. МАХДУМ (араб. – хизматга ёлловчи одам, жаноб) – пир ва устозларга бериладиган лақаб. Одатда, пир ва устозларга ўз муридлари ва шогирдлари хизмат қилишган. Махдум атамаси баъзи жойларда пир, устоз ва уламоларнинг ўғилларига нисбатан ҳам ишлатилган. Нақшбандийлик тариқати шайхларидан Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий “Махдуми Аъзам”, яъни “Улуғ Махдум” лақаби билан машҳур бўлган.

54. МАХДУМИ АЪЗАМ (Буюк ҳазрат; асл исми Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий, 1463/64-1542) – мовароуннахрлик аллома, йирик диний арбоб, нақшбандийлик пири. Фарғона водийсининг Косон шаҳрида туғилган, илк таълимни шу ерда олган. Мадрасани битиргач, Шайх Мир Саййид ‘Алига шогирд тушади, сўнг Шошга келиб, Хожа Аҳрорнинг шогирди Муҳаммад Қози (ваф. 1516 й.) Махдуми Аъзамни шогирдликка олади ва тез орада ўзига халифа этиб тайинлайди. Манбаларга қараганда, у устози билан Ҳиротга сафар қилади, Абдурахмон Жомий билан учрашади. 1503 й. Бухорога кўчиб келади. Бироз вақт ўтгач, Ахсикатга бориб нақшбандийлик тариқатини тарғиб эта бошлайди. Муҳаммад Қози вафотидан сўнг тариқат шайхлари Махдуми Аъзамни ўз пешволари сифатида эътироф этишди ва унинг шухрати Мовароуннахр ҳамда унинг атрофидаги мамлакатларга ёйилди.

Буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Бобур уни чуқур ҳурмат қилган ва Махдуми Аъзамга рубоийлар бағишлаган. Махдуми Аъзам ҳам шоир ҳақидаги “Бобурия” рисоласини ёзиб, Ҳиндистонга жўнатган. Шайбоний султонлари ва ҳокимлари Махдуми Аъзамни ўзларининг пири деб билганлар. Махдуми Аъзам тасаввуф назарияси ва амалиёти, хусусан, нақшбандийлик таълимотини ривожлантириш соҳасида баракали фаолият кўрсатди. Унинг “Асрору-н-никоҳ” (“Никоҳ сирлари”), “Ганжнома”, (“Бойлик ҳақида рисола”), “Рисола самъийа” («Самовъ рисоласи»), “Баёни зикр” (“Зикр баёни”), “Рисола-и силсила-и Хожагон” (“Хожагон силсиласига оид рисола”), “Меърожу-л-ошиқийн” (“Ошиқлар меърожи”), “Муршиду-с-соликийн” (“Солиқлар муршиди”), “Рисола-и Нақшбандийа”, “Рисола вужудийа” (“Вужудлар ҳақидаги рисола”) каби 30дан ортиқ рисоласи бор. У ўз асарларида уламолар, суфий шайхлар ва давлат арбоблари орасидаги муносабатларга тўхталган. Тариқат одобу қоидаларида мурид ва шайх муносабатлари ўзаро ҳурмат-иззат асосида қурилмоғи лозимлигини уқтиради. Махдуми Аъзам фикрича, тариқат аъзолари халққа яқин бўлиб, унинг дардлари ва эҳтиёжларига қайғудош бўлса, бу ҳам тариқатга, ҳам халққа фойдалидир. Махдуми Аъзам асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда.

55. МАЪРИФАТ (араб. – билиш, англаш, идрок этиш) – тасаввуф тушунчаси; тасаввуфдаги босқичлардан бири; солиқ маънавиятининг кундан-кунга ортиб бориши, коинот ва табиат илму ҳикматидан, шунингдек, инсоний ва илоҳий сир-асрорлардан воқиф бўлиб бориши. Ҳадиси шарифда: “Кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам, албатта, таниб олади”, дейилган. Яъни, инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва руҳоний вужудини қанчалик чуқур тафаккур билан ўрганиб, билиб борса, Аллоҳнинг улуғ ҳикмати ва беқиёс қудратининг буюк эканини шунчалик идрок этади. Инсон ўзидаги камчилик ва хатоларни қанча кўп сезиб иқрор этса, Аллоҳнинг беноқсон комил зот эканини шунча пайқаб олади. Ҳар бир инсон ўз маърифатини билимига қараб юқори даражаларга кўтариши мумкин.

56. МАҚОМ (араб. – жой, ўрин, манзил) – тасаввуф тушунчаси; ҳар бир суфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлар. Тариқатларда мақомларнинг сони ҳар хил келтирилади, лекин кўп ҳолларда 4 мақом тилга олинади: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат (қ. Тасаввуф). Лекин, тасаввуфнинг айрим йирик намояндалари мақомларни кўпроқ, деб ҳисоблаган. Масалан, Фаридуддин ‘Аттор 7 мақом, Ғаззолий 9 мақомни таърифлаган. Ҳар бир мақом ҳам ўз навбатида бир неча кичик босқичларга бўлинади (айрим суфийларда бу босқичлар 8 дан 10 гача кўрсатилган) ва улар “манзил” деб аталади.

57. МИР КУЛОЛ БУХОРИЙ (тахм. 1288, Бухоро яқинидаги (ҳозирги Когон тумани) Сухор қишлоғи – 1371) – хожагон-нақшбандия силсиласининг йирик намояндаси, бухоролик етти пирнинг олтинчиси. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдан таҳсил олган. Кулолчилик билан шуғуллангани сабабли Мир Кулол номи билан машҳур. «Силсилаи Шариф»да 15-ҳалқанинг пири сифатида келган. Унинг 114 халифаси бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд, Шамсуддин Кулол (Амир Темурнинг пири), Ориф Деггароний энг машҳурлари саналган. Унинг ҳаёти ҳақида “Мақомоти Мир Кулол” китоби яратилган. Туғилган қишлоғида дафн этилган. Қабри устида мақбара ўрнатилган.

58. МУРИД (араб. – истовчи, аниқ бир мақсадни хоҳловчи) – тасаввуфда ихтиёрий равишда издан борувчи, шогирд. Атама сифатида тариқат муршидларидан дарс олувчи шогирд маъносида англатади. Мурид шайх, пир, муршид олдида ўз зиммасига муайян мажбуриятлар олади, улар билан пинҳона ишончли муносабатлар ўрнатади ва уларнинг иродасига бўйсунди. Умуман мурид атамаси суфий ва ҳатто оддий мусулмон маъноларини ҳам англатиши мумкин.

59. МУРИДЧИЛИК – суфийликнинг Шим. Кавказда ёйилган шакли. Муридчилик суфийлик таълимотининг зоҳидлик, муршидлик ва имомат ғояларига асосланган. Муридчилик XIX асрда ўзига хос диний-сиёсий ва ҳарбий уюшма сифатида тарқалиб, Ғозий Муҳаммад, Ҳамзат, Шомил каби имомлар раҳбарлигида тоғликларнинг Россияга қарши урушида намоён бўлган. Имомлар бу урушга диний тус бериб (ғазовот эълон

қилиб), ислом дини ва шариатга асосланган теократик давлат – имомлик тузишга уринганлар. Лекин, тоғликларнинг олиб борган бу курашлари муваффақиятсизликка учраган.

60. МУРОБИТЛАР (араб. – работда яшовчилар) – Шимолий Африкадаги зоҳид ва дарвишларнинг ҳарбийлашган диний жамоаси аъзолари. XI-XII асрларда муробитлар Марокашни забт этган ва ал-Муробитун сулоласи ва давлатига асос солган. Кейинроқ мусулмон авлиё, йўлбошчиларини ёхуд дарвиш жамоаларининг ташкилотчиларини ҳам муробитлар деб аташган.

61. МУРШИД (араб. – йўл кўрсатувчи) – тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз.

62. МУҲОСИБИЙ, Абу ‘Али ал-Ҳорис ибн Асад ал-Аназий (тахм. 781-857) – бағдодлик илоҳиётчи, суфийликнинг илк назариётчиларидан бири. Басрада туғилган. Ҳадислар ва фикҳни машҳур аллома Язид ибн Ҳорун (ваф. 821 й.)дан ва Абу Исҳоқ ал-Қураший деган шахсдан ўрганган. Ёшлигида Бағдодга кўчиб ўтиб, ўқишни мустақил давом эттирган. У зоҳидона турмуш кечирган, отаси қолдирган катта меросдан воз кечган. У мўътазилийларнинг “инсон иродаси эркинлиги” ҳақидаги таълимоти тарафдори бўлган. Муҳосибийнинг тақводор ва билимдонлиги унга катта шухрат келтирган ва унинг атрофида кўплаб шогирдлар тўпланишига олиб келган. Бироқ, тахминан 846 йил Ибн Ҳанбал бошчилигидаги ҳанбалийларнинг қувғинлари натижасида у ўз ваъзлари ва дарсини тўхтатишга мажбур бўлган. Уни бидъатда айблашган ва Бағдодни тарк этишга мажбур қилишган. У қолган умрини бутунлай дарвешона ҳаёт кечириб, ҳар қандай ижтимоий фаолиятни тўхтатган, қашшоқликда вафот этган. Муҳосибий “Қалблар ва хотиралар” асарида суфийлик “психологияси”нинг асосий қоидаларини таърифлаб берган. Шахс ўз-ўзини камолотга етказишининг асосий воситаси ўз-ўзини кузатув ва ўзини назорат қилиши (муроқаб ва муҳосаба) деб билган. Муҳосибий лақаби шундан олинган, яъни “ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзига-ўзи ҳисоб бериш тарафдори” деган маънони англатади. Муҳосибий 30дан зиёд асар ёзган, улардан машҳурлари “Китобу-р-риёйа ли-

хуқуқ Аллоҳ» (“Аллоҳнинг ҳақларига риоя қилиш”), “Китобу-таваҳҳум” ва “Китобу-л-баъс ва-н-нушур” (“Қайта тирилиш ва йиғилиш китоби”), суфийликка қадам қўйганлар учун ўғитлар сифатида “Китобу-л-васоё” (“Тавсиялар китоби”). Муҳосибий Бағдоднинг машҳур суфийлари ан-Нурий (ваф. 907 й.) ва ал-Жунайд (ваф. 910 й.)нинг устози бўлган. Унинг қарашларини ал-Ғаззолий ҳам қабул қилиб, юқори баҳолаган. “Китобу-р-рийёя” бутун мусулмон оламида машҳур бўлиб, уни муридлар учун “шарт бўлган адабиётлар” сифатида тавсия этилган.

63. НАҚШБАНДИЙЛИК – тасаввуф тариқатларидан бири. Баҳоуддин Нақшбанд асос солган. Нақшбандийлик таълимотининг асосида “кўнгил Худода бўлсину қўл иш билан банд бўлсин” (“дил ба ёру даст ба кор”) шиори ётади. Унга кўра, дилни Аллоҳ билан боғлаган ҳодда касб-ҳунар ва қўл меҳнاتини асло тарк этмаслик керак. Фақирона яшаш, хайр-эҳсон ҳисобига эмас, ўз меҳнати ҳисобига ҳаёт кечирish лозим. Бу ғоя тариқат асосладиган ўн бир қоидада ҳам ўз ифодасини топган. Туронзамин тасаввуфида зикр тушишнинг икки усули амалда бўлган. Бири – зикри жаҳрий, иккинчиси – зикри хуфия. Нақшбандийликда зикри хуфия амалда бўлиб, бунда зикр тушаётган солиқ сўзларни тил билан талаффуз қилмайди, овоз чиқармайди, сўзлар фақат дилда айтилади. Нақшбандийлик ўзидан олдинги оқимлардан бевосита ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Нақшбандийлик тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ қоидаларни бир қадар юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Бу эса, нақшбандийликнинг кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Нақшбандийлик Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Юсуф Ҳамадоний, ‘Абдулҳолиқ Ғиждувоний нақшбандийлик тариқати ривожига ҳисса қўшдилар. XV асрда Хожа Аҳрор бу тариқатнинг энг йирик раҳнамоси бўлиб майдонга чиқди. Темурийлар даврида машҳур шахслар нақшбандийлик пирларига мурид бўлган эди. Жомий, Навоий, Бобур, Машраб каби шоирлар нақшбандийлик тариқатида эдилар. Улар ўз асарларида нақшбандийлик

таълимотини тарғиб этдилар. Нақшбандийлик Ўрта Осиёдан ташқари, Кичик Осиё, Кавказ, Курдистон, Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия ва ҳатто АҚШда кенг тарқалди. Айрим мусулмон мамлакатларида ҳозир ҳам бу тариқат катта мавқега эга.

64. НЕЪМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ, Амир (сайид) Нуриддин Неъматуллоҳ ибн мир (сайид) ‘Абдуллоҳ (лақаби – Шоҳ Неъматуллоҳ Валий) (1330-1431) – суфий, шоир; неъматуллоҳийлар суфийлик тариқати асосчиси. Неъматуллоҳ Валий сунний-шофеъий бўлиб, ўз шажарасини шиаларнинг 5-имоми Муҳаммад ал-Боқир орқали (21-бўғинда) Муҳаммадга (с.а.в.) етказган. Ҳалабда туғилган, Ироқда, сўнгра Маккада шайх ‘Абдуллоҳ ал-Ёфеъий (1298-1367) қўлида таҳсил олган, 7 йилдан сўнг унинг халифаси бўлган. Ироқ, Миср, Табриз, Ардабил, Мовароуннаҳрда бўлиб, туркий қабилалар орасида исломни фаол тарғиб қилиб, уни ёйган. Ўзининг зоҳидона турмуш тарзи (40, 100 кунлик рўза тутиш, маълум муддат тўлиқ сукутга кетиши ва б.) билан халқ орасида шухрат қозонган. Самарқанд ва Қаршида бир муддат яшаган. Амир Темурга (1336-1405) унинг ваъзалари ёқмаган, шундан сўнг Неъматуллоҳ Валий Ҳиротга кетиб, амир Имодуддин Ҳамза ал-Ҳусайний ал-Ҳиравийнинг қизига уйланган. У Ҳиротдан Яздга, у ердан Кўҳбанон музофотига (Кермон вилояти) ўтган. Кейинги ўттиз йиллик умрини Язд, Шероз ва Кермонда, сўнгги 25 йилни эса, Моҳон қишлоғида (Кермон атрофида) ўтказган. Бу ерда у дарвишлар учун алоҳида биноси бўлган катта хонақоҳ ва масжид қурдирган. Унинг мақбараси ҳозиргача оммавий зиёратгоҳ ҳисобланади. Неъматуллоҳ Валий тасаввуфга доир 544та рисола ёзганлиги маълум, шундан 110га яқини бизгача етиб келган. Бундан ташқари у 1541 ғазални ўзида жамлаган катта Девон тузган, Неъматуллоҳ Валий таълимотида араб тасаввуфи (Аҳмад аш-Шозилий ва Абу Мадён), Ибн ал-‘Арабийнинг ваҳдату-л-вужуд таълимоти, Нажмиддин Кубро ғоялари ва хожагон тариқати қарашлари уйғунлашиб кетган. Суфийлик тажрибасида у ал-Жунайд ва Абу Язид ал-Бистомий йўлидан борган. Неъматуллоҳ Валий фикрича, суфий 6 босқични (марҳала) босиб ўтиши лозим.

Булар – фақр, меҳр, таслим, вараъ, ридо ва фано бўлиб, шундан сўнг суфий Аллоҳга етишади. Неъматуллоҳ Валий хунарманд ва деҳқонлар меҳнатини мадҳ этган.

65. НЕЪМАТУЛЛОҲИЙЛАР – шиаликдаги суфийлик тариқати тарафдорлари. Шиаларнинг 5-имоми Муҳаммад ал-Боқир авлодидан ҳисобланган сайид Неъматуллоҳ Валий (1330-1431) асос солган. У Самарқанд, Ҳирот, Язд ва кўпроқ Кермонда яшаган. Хонақоҳи ва мақбараси ўша ерда. Султон Шохруҳ (хукмронлик даври 1405-1447) неъматуллоҳийлар ва уларнинг пири Неъматуллоҳни ўз паноҳига олган. XVI асрда Эронда шиалик ҳукмрон мафкурага айлангач, неъматуллоҳийлар тариқати кенг тарқалиб, асосан шаҳарларнинг савдо-хунарманд доираларини ўзига жалб қилди. Неъматуллоҳийлар сиёсий фаоллиги, давлатнинг ички ҳаётига таъсир кўрсатиши билан бошқа тариқатлардан ажралиб турарди. Неъматуллоҳийларнинг тарафдорлари Ҳиндистонда ҳам мавжуд бўлган. Бу ердаги неъматуллоҳийлар тариқатига аъзо бўлган ҳар бир шахс исмига ‘Али-шоҳ қўшимчаси қўшилишини шарт қилиб қўйганлар, бошқа жиҳатдан Эрондаги тариқатлардан фарқ қилмаган. Неъматуллоҳийлар ‘Али (р.а.) ва тариқат асосчиси Неъматуллоҳ Валийга садоқатли бўлишга қасамёд қилиб, ўз зикрларида ‘Али (р.а.) ва яширинган имом-маҳдийни мадҳ этишган. Тариқат аъзоси бир неча босқичдан (таслим, зухд, фақр, ридо, маҳабба, фано, вафо) иборат йўлни (марҳала) босиб ўтиши керак бўлган. Неъматуллоҳийлардаги қутб лавозими меросий бўлган. Тариқат XIX аср ўрталарида кўплаб гуруҳларга бўлиниб кетган. Унинг тарафдорлари Эронда ҳозир ҳам бор.

66. НУЖАБО (араб. “олий зот, зотдор”) – тасаввуфда бир тоифа авлиёлар фақат инсонларнинг манфаати учун фаолият кўрсатадилар. Уларнинг одамлар ҳаққига қилган дуолари мустажобдир. Нужаболарнинг адади 70 тадан 40 тагача қилиб кўрсатилади.

67. ОФОҚХЎЖА, ОППОҚХЎЖА (1625, Кумул, Шарқий Туркистон - 1695, Қўқўн қишлоғи, Қашқар вилояти) – ислом ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёркент хонлигида тахтда ўтирган хўжаларнинг дастлабкиси; Туркистон

тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Махдуми Аъзамнинг авлоди. Офоқхўжанинг исми Ҳидоятуллоҳ бўлиб, у халқ орасида ҳурмат белгиси бўлган “Офоқ” (“Ёруғ дунё” ёки “ёруғлик эгаси”) – хўжа номи билан машҳурдир. Офоқхўжа ёшлигида отаси Муҳаммад Юсуф ибн Эшон Калон билан турли шаҳарларда юриб, тарбия ва билим олди. 1638 йилда Қашқарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги оқтоғлик хўжаларга бош бўлган. 1670 йилда Ёркент хонлигида юз берган ички курашлар натижасида Офоқхўжа Қашқарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэшидаги (Хэси-цзоулан) вилоятларда диний тарғибот ишлари билан шуғулланган. 1678 йилда Тибетга бориб, у ерда икки йилга яқин яшаган ва бу ердаги Будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган. 1680 йил Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони билан танишган. 1681 йилда қалмоқлар томонидан Ёркент хонлиги тахтига ўтқазилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-боболари қабри ёнига дафн этилган. Шундан бошлаб ушбу қабристон “Офоқхўжа мазори” деб номланиб, зиёрат масканига айланган.

68. ПАҲЛАВОН МАҲМУД Пакаёр Хоразмий Пурёрвалий, Қитолий (1247 — 1326, Хива) – шоир ва мутафаккир. Футувват аҳлининг улуғ пешволаридан бири. Форс тилида ижод қилган. Пўстиндўзлик, телпақдўзлик билан шуғулланган. Ҳиндистон ва Эронда полвонликда донг таратган. Шунга кўра, Паҳлавон Маҳмуд деб аталган. Паҳлавон Маҳмуднинг айнан қайси тариқат вакили бўлгани ҳақида турли қарашлар мавжуд. У хилватийлик ва маломатийлик тариқатлари одобини ўзида мужассам этган. Манбаларда айтилишича, Паҳлавон Маҳмуднинг отаси ҳам футувват аҳлидан бўлиб, шайх Нажмиддин Кубродан иршод рухсатини олган. “Насойим ул-муҳаббат”да эса, Алишер Навоий уни кубравия тариқатига мансуб шайхлар сирасида зикр этади. Шу эътибордан ҳам Паҳлавон Маҳмудни футувват ва маломатийликни ўзида жамлаган кубравий шайхлардан бўлган дейиш мумкин. Паҳлавон Маҳмуд фикҳ, фалсафа ва мантиққа оид бир неча рисоалар ёзган. Рудакий, Ибн Сино ва Умар Хайём анъаналарини давом эттириб, форс ва туркий халқлар

адабиётида Умар Хайёмдан сўнг фақат форс тилида рубоий ёзган шоир ҳисобланади. У Хайёмнинг оддий тақлидчиси бўлмай, мушоҳада кучи жиҳатидан у билан баробар турган. Шеърларида Пурёрвалий ёки Қитойий тахаллусларини қўллаган. Паҳлавон Маҳмуд шаҳар ҳунарманд-косибларининг футувват-жавонмардлик ҳаракати ташкилотчиси, маънавий раҳнамози бўлган. Қўпчилик рубоийларида мардлик, марҳамат ва шафқат, саховат ва олижаноблик каби жавонмардлик тамойиллари асос қилиб олинган. Унинг асарларида тасаввуф таълимотининг назарий ғоялари билан жавонмардликнинг амалий қоидалари ўзаро омукта ҳолда баён қилинган. Паҳлавон Маҳмуд шеърларининг мавзу қўлами ҳақида сўз борганда, уларни учга ажратиш мумкин: тариқат қоидаларини ифодаловчи рубоийлар, панд-насиҳат мазмунидаги рубоийлар ҳамда муайян воқеа-ҳодиса муносабати билан илҳом келиши натижасида айтилган шеърлардир. Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, Паҳлавон Маҳмудга нисбат берилган рубоийлар орасида кўпинча Абу Саид Абу-л-Хайр, Сайфиддин Бохарзий, Фаридуддин ‘Аттор сингари шоирларнинг рубоийлари ҳам учрайди. Бу эса ўз навбатида улар ўртасидаги ғоявий, услубий муштаракликдан далолат беради. Паҳлавон Маҳмудга нисбат бериладиган “Ҳазрати Паҳлавон рубоийлари”нинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Паҳлавон Маҳмуд ҳаётига оид манбаларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин. Булар а) XV-XIX аср манбалари: Жомийнинг “Нафаҳоту-л-унс”, Навоийнинг “Насойиму-л-муҳаббат”, Хусайн Фаноийнинг “Мажолису-л-ушшоқ”, Муҳаммад Боқирнинг “Тазкираи Муҳаммад Боқир”, ‘Али Сафийнинг “Латойифу-т-тавоиф”, Аллоҳёр Маҳзуннинг “Риёзу-з-зокирин” тазкиралари. б) XIX-XX аср манбалари: Хива хони Муҳаммад Аминхон ҳузурига 1852 йил юборилган Эрон элчиси Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Сафарномаи Хоразм” асари, Саййид ‘Али Ҳасанхоннинг “Субҳи Гулшан”, Шамсиддин Сомибекнинг “Қомусу-л-аълум” Муҳаммад Ғиёсиддиннинг “Гиёсу-л-луғот”, Лутф ‘Алибек Озарнинг “Оташқадаи Озарий” номли асарлари. Баъзи манбаларда

айтилишича, Паҳлавон Маҳмуд “Канзу-л-ҳақоик”, (“Ҳақиқатлар хазинаси”, 1319-1320) номли маснавий ҳам ёзган, лекин асар ҳали топилмаган. Хоразмда ёзилган қўлёзма маноқибда шоир ҳаёти ҳақида маълумотлар бор. Унинг васиятига кўра, жасади ўзининг пўстиндузлик устахонасига дафн этилган. Мақбара атрофидаги ҳозирги кўринишдаги Паҳлавон Маҳмуд меъморий мажмуаси Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) ташаббуси билан вужудга келган. У Паҳлавон Маҳмудни Хиванинг муқаддас авлиёси – пурёввалийси деб билган. Мақбара мажмуида Паҳлавон Маҳмуд қабридан ташқари Муҳаммад Раҳимхон I, Абу-л-Ғозихон дахмалари, Элбарсхон II (1728-1740)нинг мармар қабртошлари ҳам жойлашган бўлиб, шу тариқа ушбу мажмуа Хива хонларининг хилхонасига айланиб қолган. Мақбарага тақаб XX аср бошларида қурилган хоналарга кейинчалик хон оиласининг аъзолари дафн этилган. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси нақшинкор безаклар билан безалган бўлиб, уларнинг орасига шоирнинг рубоийларидан намуналар ҳам жойлаштирилган. Унинг рубоийлари Тўхтасин Жалилов, Муинзода, Васфий, Матназар Абдулҳакимов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

69. ПИР (форс. – кекса, қари) – суфийлик анъанасида тариқатларнинг олий раҳнамолари ёки обрўли раҳнамолар. Шунингдек, ҳар бир мурид ўз муршидини ҳам пир деб атаган. Аҳоли орасида “Пир” тушунчаси авлиё, маълум бир ҳунарнинг асосчи-ҳомийси маъносида ҳам ишлатилади.

70. РЕВГАРИЙ Хожа Ориф, Моҳитобон (XII аср ўртаси – Шофиркон туманидаги Ревгар қишлоғи – 1259 й.) – хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, бухоролик етти пирнинг иккинчиси. ‘Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан тасаввуф таълимотини ўрганган. Улар Ғиждувон билан Шофиркон ўртасидаги Рўйибинон қишлоғида учрашиб, суҳбатлашиб турганлар. Ғиждувонийнинг 4-халифаси сифатида устози вафотидан сўнг хожагон силсиласини бошқарган. “Силсилаи шариф”да “11-ҳалқанинг пири” сифатида зикр этилади. “Қутбу-лавлиё” (“Валийлар йўлбошчиси”) унвонига сазовор бўлган. Хожа Маҳмуд Анжирфағнавийга устозлик қилган. Шофиркон шаҳрида

дафн этилган. Қабри устидаги мақбара ва ён атрофидаги масжид мустақиллик йилларида таъмирланган. Бугунги кунда Ревгарий мазори обод зиёратгоҳ сифатида машҳурдир. Тасаввуфнинг ўзақ масалалари хусусида сўз юритилган “Орифнома” рисоласи ўзбек тилида ҳам нашр қилинган (Тошкент, 1994). Тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққул Ревгарий ҳақида “Ҳожа Ориф Моҳитобон” эссесини ёзган (Тошкент, 1996).

71. РИБОТ ёки работ – 1) VII-X асрларда Кичик ва Ўрта Осиё ҳамда Шимолий Африкада мусулмонларнинг христианлар (ёки бутпарастлар) билан чегарадош бўлган ҳудудларида барпо этилган ҳарбий истехкомлар ёки қалъалар. Риботларда истиқомат қилган мусулмонлар “муробит” деб аталиб, одатда кўнгилли суфийлардан бўлганлар ҳамда ғайридинлардан ҳимоя урушларида қатнашганлар. Риботлар ғайридинлар билан чегарадош ҳудудларда ислом динини тарғиб ва ташвиқ қилиш марказлари сифатида ҳам тарихда машҳур бўлган. Муробитлар энг олийжаноб хулқ намунасини намоён қилганлари ҳақида кўплаб афсоналар ҳам тарқалган. Ислом динида шаҳидлик энг юксак мартабалардан бири, деб ҳисоблангани учун ҳам кўпчилик суфийлар риботларда хизмат қилишни хонақоҳ, зовия ва такъяларда ўтириб ибодат қилишдан устун кўрганлар. Ҳатто машҳур саҳобий Абу Ҳурайра ҳам “Аллоҳ йўлида бир кеча муробит бўлиш Лайлату-л-қадр кечаси Қора тош олдида бедор бўлишдан афзал” эканини таъкидлаган. XI-XII асрларда Марокашда пайдо бўлган ал-Муробитун ҳаракати ва давлати ўз номини рибот атамасидан олган. Тахминан XI аср бошларида риботлар Шом, Хуросон, Ироқ ва Мисрда ўзининг ҳарбий аҳамиятини йўқота бошлади ва дарвеш-қаландарларнинг қароргоҳига айланди. Чунончи XIV аср олими Ибн Марзуқ суфийлар наздида рибот – “Ҳою ҳаволарга қарши жиҳодда нафсни қўлга олиш ва зулмга нисбатан доимо огоҳ бўлиш” деб тавсифлаган эди. Яъни, рибот энди ғайридинларга қаршилик кўрсатиш истехкоми эмас, балки шахсдаги нафс, ҳою ҳавасларга қарши курашиш марказига айланди. Кейинчалик риботларнинг айнан шу маъноси бутун мусулмон дунёсига ёйилди. Шомдаги Асқалон, Тартус риботлари, Мисрдаги Искандария риботи,

Ироқдаги Аббадон ва шу каби бошқа риботлар ўзининг ғайридинлар билан чегара ҳудудидаги истехком вазифасини ўтаб бўлганидан сўнг оммавий зиёратгоҳга айланиб қолган. Ибн Таймия (1263-1328) ўз асарларида мазкур риботларни зикр қилиб, уларга зиёрат учун боришда фазилат йўқлигини уқтирганлар.

72. РИЁЗАТ (араб. – “қийналиш”, “машаққатланиш”) – тасаввуфда тариқатнинг асосий шартларидан бири. Дарвиш, мурид суфийнинг ўз истагидан ўзини тийиб, бу йўлда қийналиши, машаққат чекиши, азоб уқубатларга чидаши.

73. РИФОЪИЙЛАР – суфийлик тариқати аъзолари. Ўрта асрларда вужудга келган. Бу тариқатга басралик Саййид Аҳмад Рифоъий (ваф. 1182 й.) асос солган. Рифоъийлар Яқин Шарқда, хусусан, Эронда кенг тарқалган дарвишлардан иборат бўлган. Улар ҳозир ҳам мавжуд.

74. РОБИЯ АЛ-АДАВИЙА (713/714-801) – Басра зоҳидларининг таниқли вакиласи. Болалигида чўри қилиб сотилган. Кейинчалик художўйлиги ва зоҳидларга хос турмуш тарзига ихлос билан риоя этгани сабабли озодликка чиқарилган. Бир неча йил саҳрода ёлғиз яшаган. Робия ал-Адавийа Аллоҳни севишдан бошқа жамики нарсаларни рад этиш тарафдори бўлган. У зоҳидлардан биринчи бўлиб Аллоҳдан ҳеч бир тамаъ-манфаат кўзламай, уни мутлақ севиш – инсон маънавий ҳаётининг моҳияти эканлигини таъкидлаган. Робия ал-Адавийа ғоялари кейинги авлод суфийлари орасида кенг тарқалиб, ал-Бистомий, ал-Ҳаллож, Ибн ал-Фориз, Ибн ал-‘Арабий ва бошқа суфийлар таълимотининг асосини ташкил этган. Робия ал-Адавийа тақводорлик, Аллоҳни севиш намунаси деб билиниб, “авлиё” сифатида улуғланади.

75. РОБИТА (“алоқа”, “ришта”) – Шарқдаги тасаввуфга хос бўлган истилоҳ. Мурид билан унинг пири (муршид) ёки авлиё (валий) ўртасида пайдо бўладиган руҳий алоқа. Муриднинг бутун фикру зикрини муршид қиёфасига жамлаши, у билан мулоқотга кириши ва ўзлигини унда қўшилиб кетиши билан эришилади. Нақшбандийлик ва қодирия тариқатларининг айрим рисолаларида робита зикрдан афзал саналган.

76. РОМИТАНИЙ Хожа ‘Али, Хожаи ‘Азизон (XIII аср ўртаси, Ромитан туманидаги Қўрғон қишлоғи – 1316/1321) – хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, бухоролик етти пирнинг тўртинчиси. Хожа Маҳмуд Анжирфағнавийдан таҳсил олган. Унинг вафотидан сўнг хожагонлик силсиласини бошқарган. “Силсилаи шариф” да 13-ҳалқанинг пири ҳисобланади. Ромитанийнинг “Рисолаи ‘Азизон” асари машҳур бўлиб, унда тасаввуф мақомлари хусусида сўз юритилган. Форс тилида битган шеърларида тасаввуф ғоялари акс этган. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийга устозлик қилган. Қўрғон яқинидаги Сарибўстон қишлоғида дафн этилган. Қабри устида мақбара қурилган.

77. САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ (1190, Хуросоннинг Боҳарз қишлоғи – 1261, Бухоронинг Фатҳобод қишлоғи) – кубровийлик тариқатининг йирик намояндаси, шайх. Унинг фаолияти Мовороуннаҳр ва Хуросондаги диний ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўрин тутган. Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида ўқиган, Хоразм ва сўнгра Бухорода муқим яшаган. Нажмиддин Кубронинг сеvimли шогирди бўлиб, устози вафотидан сўнг тариқатни янада ривожлантирди. Сайфиддин Боҳарзийдан кубровийлик тариқатининг ҳинд тармоғи – фирдавсийя бошланади. Сайфиддин Боҳарзий мўғуллар истилоси ва ҳукмронлигига қаттиқ қаршилик кўрсатган. Унинг халқ оммаси ўртасидаги кучли нуфуздан чўчиган мўғул ҳукмдорлари у билан келишишга интилганлар. “Тарихи Банокатий” (XV аср) асарида ёзилишича, мўғул хонлари Мункэхон (1251-1257), Хулағухон (1256-1265) ва Хубилайхонларнинг (1259-1294) онаси Бухорода махсус мадраса ва хонақоҳ қурдириб, унга жуда кўп қишлоқларни вақф қилган ва мутавалли қилиб шайх Сайфиддин Боҳарзийни тайинлаган. Чингизхоннинг невараси, Олтин Ўрда хони Беркахон (1255-1266) атай Бухорога келиб, Сайфиддин Боҳарзийдан ислом динини қабул қилган ва унга мурид тушган. У мусулмон бўлгач, ўзига Баракахон исмини қабул қилиб олган. Баракахон Шимолий Кавказдан Сибиргача чўзилган улкан давлати ҳудудида ислом динини жорий қилган, масжид ва мадрасалар қурдирган. Бу воқеадан сўнг Сайфиддин Боҳарзийга

“Шайху-л-олам” унвони, Бухоро шахрига эса, “Бухоройи Шариф” номи берилди. Сайфиддин Боҳарзий қабри Бухоро яқинидаги Фатҳободда бўлиб, дахма 1261 йилда қурилган. Ибн Баттута 1333 йил бу ерда бўлганлигини ёзиб қолдирган. Кейинчалик Чигатой улуси хони Буёнқулихон (1348-1358) ва Турон ҳукмдори Амир Темур томонидан дахма атрофида Боҳарзий мақбараси ва хонақоси ҳамда катта зиёратхона қурилган.

78. САЛМОН АЛ-ФОРИСИЙ, Абу ‘Абдуллоҳ Салмон ал-Форисий (ваф. 658 й.) – саҳобий; Расулуллоҳнинг (с.а.в.) мавлоларидан. Асли исфаҳонлик бўлиб, эътиқод қилиш учун тўғри дин излаб сафарга чиқади. Мажусий динидаги отасидан қочиб, аввал насроний динини, бир неча вақтдан кейин Мадинага бориб, ислом динини қабул қилган. 627 йилдаги Хандақ жангида Муҳаммадга (с.а.в.) Мадина шаҳри атрофига хандақ қазиш ва унга камончиларни жойлаштиришни айнан Салмон ал-Форисий маслаҳат берган. Арабистонда илгари кўрилмаган бу янги тактик усул маккаликлар ҳарбий кучининг асосий зарбдор қисмини ташкил этган бадавийлар отлиқ қўшинининг жанговарлик имкониятларини анча пасайтирди. Бу улар учун кутилмаган ҳол бўлиб, саросимага солган, натижада мусулмон қўшини зафар қозонган. Салмон ал-Форисий маноқибларда тасаввуфнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Шиалар Салмон ал-Форисийни ‘Алининг содиқ сафдоши сифатида жуда қадрлайдилар. Мадоин шаҳрига (Ироқ) ҳоким бўлганда, маошини муҳтожларга садақа қилиб, ўзи эса бўйра тўқиб сотиб, меҳнати эвазига тирикчилик ўтказган. Кўплаб ҳадислар ривоят қилган.

79. САФАВИЯ – суфий-дарвишлик тариқати. XIII аср охирида Эрон Озарбайжониде пайдо бўлган. Асосчиси – шайх Сафийуддин Исҳоқ (1252-1334). Сафавия дастлаб ўз тарафдорларини ҳукмдорларнинг жабр-зулмларидан ҳимоя қиладиган диний жамоа сифатида шаклланган. XV асрда Сафавия Ардабил ҳукмдорлари ҳокимиятининг таянчига айланди. Қизилбошлар сафавия шайхларининг ҳарбий таянчи бўлган. Сафавия тарафдорлари шиалиқдан мафкуравий қурол сифатида фойдаланган. 1499 йил Исмоил I (1487-1524) бошчилигида

Сафавия тарафдорларининг Оқ Қўюнли давлатига қарши ҳаракатлари ғалаба қилгандан сўнг сафавийлар давлати (1502-1736 йиллар) ташкил топди, шиалик бу давлатнинг расмий дини деб эълон қилинди. Сафавийлар давлати таркибига Озарбайжон, Арманистоннинг бир қисми, Эрон, ҳозирги Афғонистон (Балх вилоятидан ташқари), Ироқ (вақт-вақти билан) кирган эди. Бу давлат Усмонли турк империяси ва ўзбек хонлари билан узлуксиз уруш олиб борган.

80. СИЛСИЛА (араб. – занжир, ҳалқалар) – тасаввуфда тариқат машойихларининг икки хил нисбий боғланишлари: 1) ҳар бир шайх ўз пирининг (шайхи, муршиди) устози, устозининг устози ва улардан юқориларини бирма-бир то Пайғамбарга (с.а.в.) қадар номма-ном баён қилиши; 2) ҳар бир шайх ўз ота-боболари (етти пушти) кимлар бўлгани ва қайси машҳур зотга бориб тақалишини исботлаб берадиган шажара. Силсила пир ва мурид ўртасидаги барқарор муносабатга асосланиб, XII аср охири ва XIII аср ўрталарида суфийлик тариқатларининг ташкилий тузилмаси ривожланиши билан мустаҳкамланди. Ҳадислардаги иснод тизими ҳам силсилага бевосита таъсир ўтказган.

81. СОЛИМИЙЛАР – Басрада X-XI асрларда мавжуд бўлган мутасаввиф ва суфийлар мактаби, Саҳл ат-Тустарий издошлари. Унга ат-Тустарийнинг энг яқин сафдоши Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Солим (ваф. 909 й.) асос солган. Баъзи бир хусусий масалалардан ташқари унинг қарашлари устозиникидан фарқ қилмаган. Муҳаммад ибн Солим қатъий зоҳидликни тарғиб этган: ўзини тўлиқ Аллоҳ иродасига топшириш (таваккул), синовларга бардош бериш, турмуш қурмаслик, тўхтовсиз нафл рўза, ибодатлар. Солимияга Муҳаммад ибн Солимнинг ўғли Аҳмад ибн Солим бошчилик қилган вақтда, мазкур мактаб узил-кесил шакланган ва таъсир кучига эга бўла бошлаган. Унга баъзи масалаларда (хусусан, инсон иродаси эркинлиги ва тақдирни олдиндан Аллоҳ томонидан белгиланганлиги ҳақидаги қарашлар мувозанати борасида) Басра муътазилийларига ён босган моликий мазҳабидаги илоҳиётчи ва суфийлар кирган. Бағдоднинг машҳур олимларидан ‘Абдулқоҳир ал-Бағдодий, Абу-

л-Музаффар ал-Исфароиний, улар билан бир қаторда суфий-ҳанбалий ‘Абду-л-Қодир ал-Гилоний ҳам ас-Солимни ал-Ҳаллож қарашларига хайрихоҳлиги учун қаттиқ танқид қилишган ва уни “Аллоҳни инсонда мужассам бўлиши” (хулулия) тарафдорлари қаторига киритганлар. Бундан илгарироқ уни машҳур суфий-шофеъий Ибн Ҳафиф танқид қилиб “Ибн Солимни рад этиш” (“ар-Радд ала Ибн Солим”) асарини ёзган.

82. СОЛИК (араб. – йўлчи, йўлдан юрувчи) – тасаввуфда сулук-тариқатни ихтиёр қилиб, уни ўзлаштириш ҳаракатига тушган, лекин ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган мурид. Солик ўзига хос одоб-қоидалар мажмуига риоя этсагина, тариқат аҳли сирасидан жой олган.

83. СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ (ваф. 1186 й.) – мутасаввиф, шоир. Уни “Ҳаким ота” деб ҳам атаганлар (“Боқирғоний” адабий таҳаллуси, туғилган жойига ишора). Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиси. Шеърларининг тили ва руҳи Аҳмад Яссавий ижодига ғоят ҳамоҳанг бўлиб, тасаввуф, дин, шариат ақидалари шоирона тарғиб қилинади. “Биби Марям китоби”, “Охир замон китоби” каби дostonлар муаллифи. Шеърлари “Боқирғон китоби” номи билан тўплам қилинган. Бу китоб 1877 йил ва ундан кейин яна 2 марта Қозонда, 1991 йил эса Тошкентда ҳам нашр этилган.

84. СУЛАМИЙ, Абу ‘Абдурраҳмон Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн (937 ёки 942-1021) – Хуросон суфийлик мактабининг йирик вакили, кўплаб асарлар муаллифи. Нишопурда туғилган. Суламий хирқани отасидан олган, лекин уни суфий бўлиб шаклланишида бобоси – мўътадил маломатия вакили Исмоил ибн ан-Нужайд катта таъсир кўрсатган. Ҳадис ва фикҳни ас-Сибайй, ал-Асамм, ад-Дорақутний ва бошқалардан ўрганган. Суламий кўп саёҳат қилган, жумладан Ироқ, Сурия, Ҳижоз ва халифаликнинг шарқий вилоятларида бўлган. Узоқ вақт Бағдодда яшаган. Нишопурга қайтиб келиб, ўзининг катта уйини кутубхонага айлантирган ва уни суфийлар ихтиёрига топширган. Суламий вафотидан кейин ҳам суфийлар ундан фойдаланишни давом эттирганлар. Суламий асос солган суфийлар даргоҳи (дувайра суфийа) унинг номи билан аталган. Суламий 100дан

зиёд асар ёзган, шундан 30га яқини бугунги кунгача етиб келган. Энг машҳурлари – “Табакот ас-суфиййа” IX-X асрлардаги суфийлар ҳақида қимматли манба саналади. Суламий кўплаб шогирдлар қолдирган, уларнинг орасида унинг ишини давом эттирган ал-Қушайрий ва хуросонлик машҳур тарихчи олим ал-Байҳақийларни кўрсатиш мумкин.

85. СУЛУК (араб. – йўл) – соликнинг тариқат йўлини ўтиш жараёни. Илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган муриднинг руҳий-ахлоқий камолотга эришиш йўли.

86. СУФИЙ – суфийлик тариқатига мансуб шахс, мурид; “Тасаввуф” ва “суфий” сўзларининг ўзаги ва мазмуни тўғрисида олимлар фикри турлича. Бу сўзлар арабча “сувф” (жун, пўстин) сўзидан келиб чиққан, деган фикр кўпчилик уламолар томонидан маъқулланган. Чунки, тасаввуф йўлига кирганларнинг кўпчилиги ўзларини хилватда тутиш билан бирга эгниларига пўстин кийиб юришар эди. Лекин суфийлар орасида пўстин киймайдиганлари, қуроқ, хирқа ёки бошқа хилдаги кийим кийиб юрадиганлари ҳам бўлган. Аммо, пўстин кийишга одат қилган суфийлар кўпчиликни ташкил қилган.

87. СУХРАВАРДИЙ, ал-Мақтул Шихобуддин Яҳё ас-Сухравардий (1155-1191); – Эрон тасаввуфи файласуфи, “порлаш” (ишроқ) ҳақидаги таълимот асосчиси, шу туфайли уни Шайху-л-ишроқ деб ҳам аташади. Эътиқодсизликда ва исмоилийликни тарғиб қилишда айбланиб, Салоҳиддин Айюбий амри билан Ҳалаб шаҳрида қатл қилинган. Сухравардий фалсафий қарашларида зардуштийлик билан ҳамнафас унсурлар учрайди. У борлиққа хилма-хил тезликдаги ранглар мажмуи сифатида қаради, уларни эса, Авесто қаҳрамонларининг номи билан атади. Сухравардий ўзига хос қоришиқ таълимот яратди, бу таълимотда зардуштийлик белгилари билан бирга тасаввуфга оид қарашлар қўшилиб кетган эди. Сухравардий жуда кўп ғояларни суфийлик меросидан олган, бироқ у амалда суфий бўлмаган, балки мусулмон фалсафасига яқинроқ турган. Унинг ғоялари Эрон мутафаккирлари орасида кенг тарқалган.

88. СУХРАВАРДИЙЛИК, сухравардия – суфийлик тариқати. XII аср охири – XIII аср бошида Ироқда, Икки дарё оралиғи

худудида зоҳидлик мактаби доирасида таркиб топган. Аслида Сухравардийликни яратган кишиларнинг аксари араблардан эмасди. Сухравардийлик мусулмон зоҳидлиги тарихида тузилган дастлабки суфийлик ташкилотларидан. Сухравардийлик шофезийлик мазҳабига мансуб бўлиб, қатъий суннийлик йўлини тутган. Ўз силсиласини Зиёуддин Абу Нажиб ас-Сухравардий (1097-1168)дан бошлаб Аҳмад ал-Ғаззолий (ваф. 1126 й.) ва ал-Жунайд ал-Бағдодий (ваф. 910 й.) орқали ‘Али ибн Абу Толибга (ваф. 661 й.) боғлаган. Сухравардийлик шаҳарликлар тариқати бўлиб, аъзолари сони савдо-ҳунарманд аҳли ва жамиятнинг ўқимишли қатламлари ҳисобига кўпайиб борган. Зоҳидлик фалсафаси ва диний амалиётининг (тариқати) мустақил йўли бўлган суҳравардийлик асосчиси Шихобиддин Абу Ҳафс ‘Умар ас-Сухравардий (1145-1234/35) ҳисобланади. Абу Ҳафс ‘Умар ас-Сухравардий суфийликка оид бир неча китоблар ва мактублар, жумладан, “Аворифу-л-маориф” асарини ёзган. Бу китоб кейинги даврларда яшаган барча суфийларнинг авлодлари учун ахлоқ ва амалиёт бўйича қўлланма саналган. Кейинчалик, суҳравардийлик Ҳиндистонда (Синд, Панжоб, Мўлтон, Гужарот) ҳам кенг тарқалди ва чиштиийлик билан бир қаторда энг таъсирли тариқатлардан бири саналган, дастлабки даврда бу мамлакатга келиб қолган камсонли мусулмонларни бирлаштиришда муҳим роль ўйнаган.

89. СЎФИ ОЛЛОЁР, Сўфи Аллоҳёр (1644, Каттақўрғон беклиги, Минглар қишлоғи 1724, Денов); – туркий тасаввуф адабиётининг йирик вакили ва нақшбандия тариқати арбоби, суфий шоир. Бухородаги Жўйбор шайхлари мадрасасида таълим олган. Ўз даврининг анъанавий ҳисобланган барча илмларини эгаллаган, араб ва форс тилларини ўрганган. Бухоро хони ‘Абдулазизхон томонидан божхонага маъмур этиб тайинланган. Суфиёна феъли, шоирона табиати туфайли бу лавозимдан истеъфога чиқиб, машҳур шайх Наврўзга мурид тушган, унинг қўлида ўн икки йил тарбия топиб, шайхлик мартабасига етишган. Мансабдорлик пайтидаги қаттиққўллиги ва ўзгаларга етказган зулмларидан қаттиқ пушаймонлигини байтларида ҳамда ўғлига қилган насиҳатларида акс эттирган.

Сўфи Оллоёр туркий ва форсий тилларда ижод қилиб, унда асосан диний савияси пасайиб кетаётган, ахлоқсизлик ва тубанликка юз тута бошлаган, ақидавий масалаларда оми бўлиб, турли сохта таълимотлар кетидан кўр-кўрона эргашиб кетаётган, рухий-маънавий озуқага муҳтож кенг халқ орасида ислом маърифатини ёйиш ва тасаввуфдаги инсон маънавий камолоти билан боғлиқ ғояларни тарғиб этди. У “Маслаку-л-муттақин” (“Тақводорлар маслаги”), “Муроду-л-орифин” (“Орифлар муроди”), “Махзану-л-мутеъин” (“Итоаткорлар хазинаси”) асарларини форсий, “Саботу-л-ожизин” (“Ожизлар саботи”), “Фавзу-н-нажот” (“Нажот тантанаси”) маснавийларини туркий тилда яратган. Форсий ва туркийда битилган бошқа шеърлари ҳам мавжуд. “Мевалар мунозараси” номли манзума ҳам унга нисбат берилади.

Сўфи Оллоёрнинг шоҳ асари “Маслаку-л-муттақин” 12 минг байт, 135та катта-кичик боблардан иборат. Бу китобнинг ёзилиш сабабларидан бири шоир яшаган даврларда ислом динининг одамлар ҳаётидаги ўрни заифлашуви, юзлаб сохта шайх ва эшонларнинг “кароматлари” туфайли динга нисбатан эътиборнинг сусайиши, натижада ахлоқсизликнинг кучайиши эди. Форс тилида ёзилган мазкур асар эл орасида машҳур бўлиб, яқинлари ундан туркий тилда ҳам шундай бир қўлланма ёзишни илтимос қиладилар. Бунга жавобан, у “Маслаку-л-муттақин”ни бирмунча қисқартириб, туркий тилда назмий асар битирилади ва унга “Сабот ул-ожизин” деб ном беради. Бу китоб ақида, шариат ва тасаввуф таълимотлари ҳақида сўз юритувчи туркий фалсафий-дидактик адабиётининг етук намунасидир. Умуман олганда, “Маслаку-л-муттақин” ва “Саботу-л-ожизин” икки мустақил асар бўлсада, уларда ғоявий ва маънавий томондан бир-бирини тўлдирадиган қўллаб байтлар учрайди. Асарда ақида масалаларига алоҳида эътибор аратилади. Ўша даврда Афғонистондан кириб келаётган ва аҳоли орасида кенг тарқала бошлаган ботил суфий оқим – равшанийларнинг ёт мафкурасининг ислом таълимотига зид экани асослаб берилади. 1806 йили татар олими Тожиддин Ёлчиғул ўғли ўзининг Азиза исмли қизига атаб “Саботу-л-ожизин”

асарига “Рисолаи Азиза” номли шарҳ ёзади. Бу шарҳ орқали Сўфи Оллоёр бутун турк дунёсида танилди. Сўфи Оллоёр биринчи навбатда йирик илоҳиётчи ва фақиҳ, Абу Ҳанифа анъаналарини омма орасида тарқатишда фаол иштирок этган дин арбоби эди. Асарларида ислом аҳкомлари, тариқат талаблари, инсоний комиллик шартларини бирма-бир таърифлаб берган. Хусусан, “Маслаку-л-муттақин” ва “Саботу-л-ожизин” асарлари мактаб ва мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитилиб келинган. Унинг тасаввуфий руҳдаги панду ҳикматга йўғрилган асарлари нафақат Туркистон, балки Қашқардан тортиб Волга, Урал дарёлари ҳавзалари, Астрахань, Оренбург ва бошқа минтақаларда яшовчи халқлар орасида ҳам кенг тарқалган ва кўп нусхаларда кучирилган. XIX асрнинг охирига келиб эса, Тошкент, Қозон, Боку, Истанбул ва бошқа шаҳарларда тошбосма йўли билан бир неча марта чоп этилган.

90. ТАВАККУЛ (араб. – “бирор-бир зотга умид боғлаш”, “суяниш”) – ўзини Аллоҳ иродасига топшириш, фақат Унинг иродасига умид боғлаш. Таваккул амаллари зоҳидлар ва суфийлар орасида кенг ёйилган. Улар Қуръонга асосланиб, таваккулни имон билан боғлашган, Аллоҳдан чинакам умидвор бўлган инсонгина кундалик турмуш ташвишларидан юз ўгириб, Аллоҳ йўлида холис хизмат қилишга қодир, деб ҳисоблашган. Кейинчалик суфийлик йўлининг (тариқат) бошланғич мақомларидан бири таваккул истилоҳи билан атала бошланди. Таваккул суфийликнинг бошқа бир мақоми – “қониқиш” (ризо) билан ҳам боғланган. Таваккулга амалда рия этиш баъзи суфийларнинг деярли ҳар қандай меҳнат фаолиятини тўхтатиб қўйишида ҳам намоён бўлган. Фақиҳлар ва илоҳиёт олимларининг аксарияти бундай ёндашувга эътироз билдирганлар. Улар фикрича, таваккул меҳнатдан бутунлай воз кечишни билдирмайди, яъни инсон ишлаши, тижорат билан шуғулланиши мумкин. Аммо бу каби ишларни ҳаётнинг асосий мақсади қилиб қўймай, ўз эҳтиёжларни қондириш учун етарли даражада ишлаб ризқ топиш, у ёғига эса, Аллоҳга таваккул қилиб, узоқ ва мавҳум келажак тўғрисида хаёл суриб, хом орзу-хавасларга берилмаслик назарда тутилади.

91. ТАВБА (араб. – қайтиш, пушаймон бўлиш) – тасаввуфда солиқнинг тариқат сари қадам қўйишидан олдин қилган барча гуноҳларидан тавба қилиб, келажакда бирор гуноҳ ишни қасддан қилмасликка азму қарор этиши. Тавба солиқнинг 1-мақоми саналади. Аллоҳ томонидан тавба қабул бўлишининг 2 шarti бор: 1) ёмонликни билмасдан қилиш; 2) тавбани кечиктирмаслик. Кимки тавбани кечга сурса, инсоний фазилатлардан маҳрум ва аксинча тавба қилишга шошилса, ўзини ислоҳ қилган бўлади. Тавба – инсоннинг ўз-ўзини тарбиялашда муҳим ахлоқий восита саналиб, ёмонликдан юз ўгириб, яхшилик сари қадам қўйишга, эзгу ишлар қилишга ундаб турувчи хислат саналади.

92. ТАЖАЛЛИ (кўплиги тажаллиёт) – “Худонинг намоён бўлиши”, Аллоҳнинг дунёда намоёиш этиши. Тажалли тушунчасини дастлаб басралик зоҳид Рабоҳ ибн Амр ал-Қайсий (ваф. 796 й.) киритган. Машхур суфий Саҳл ат-Тустарий (ваф. 896 й.) тажаллининг уч турини фарқлаган: а) илоҳий моҳиятнинг намоён бўлиши (тажаллию-з-зот), ёки илоҳий ваҳий (мукошафа); б) илоҳий моҳиятнинг ўз сифатларида намоён бўлиши (тажаллию сифати-з-зот), ёки нур таратиш; в) илоҳий ҳукмнинг намоён бўлиши (тажаллию ҳукми-з-зот), ёки келажак ҳаёт (ал-охира ва ма фийҳа). Мансур ал-Ҳалложга кўра, Аллоҳ доимо инсонларга нарса ва атрофдаги ҳодисалар кўринишида намоён бўлади (йатажалли), лекин Уни фақат озчилик хос инсонларгина танишлари мумкин. Тажалли атамасини суфийлар – ваҳдату-л-вужуд таълимоти тарафдорлари кенг ишлатганлар.

93. ТАКЪЯХОНА, Такъя (турк.) – форсларнинг хонақоҳига муқобил равишда туркийлар томонидан барпо этилган. Хонақоҳ таълим бериш вазифасини ҳам ўтаган бўлса, такъяхона асосан дарвиш, қаландар ва мусофирлар учун яшаш жойи сифатида қурилган. Бажарадиган вазифасига кўра ҳам хонақоҳ ва такъянинг қурилиш тузилмаси бир-биридан фарқланади. Одатда такъяхоналар боғчали ва ўртасида ҳовуз ёки фаввора бўлган ҳовлили ҳамда ҳовлини ўраб турувчи кичик қуббали очиқ айвонлар, масжид ва дарвишлар яшайдиган ҳужралардан иборат бўлган. Салжуқий ва усмонийлар ҳукмронлиги давридаги такъялар атрофида кўпинча қабристон, ҳаммом,

масжид, молхона ва баъзан тегирмон жойлашган. Агар дарвиш такъяхонада вафот этса, у шу ернинг ўзида дафн этилган. Мавлавийлар тариқати такъялари усмонийлар империясининг барча жойларида тарқалган эди. Такъяларнинг иқтисодий таъминоти султонлар, шунингдек, сахий амалдорларнинг ажратган вақфлари ҳисобига амалга оширилган. Натижада такъялар ҳукмрон доираларга бирқадар тобе ҳам бўлиб қолган. Аксарият такъяларда шайхлик отадан ўгилга ўтадиган анъана вужудга келган.

94. ТАРИҚАТ (араб. – йўл, усул) – суфийликка хос тушунча. Уч маънода ишлатилади: 1) умуман суфийлик йўли; 2) суфийликнинг муайян тармоғи, йўналиши; 3) суфийлик босқичларидан бири. Лекин тариқатни суфийлик йўналишлари (сулуклари), тармоқлари маъносида қўллаш кенгроқ тарқалган. Суфийликнинг босқичи сифатида тариқат суфийлар олдига қўйиладиган ўзига хос талаблар мажмуасини, хилма-хил руҳий-жисмоний хатти-ҳаракатларни қамраб олади. Тариқатга қадам қўйиш – тирикчиликнинг барча ташвишларидан юз ўгириш ҳамда ихтиёрни пири муршидга топширишдан бошланади. Ундан кейин тариқат йўлида суфий яна бир неча босқич (мақом) ларни, жумладан, доим камбағалликда, тасодифий ризқ ҳисобига яшаш (фақр), тарки дунё қилиш (зуҳд), ҳар нарсани фақат Худога солиш (таваккул), уни севиш ва унга интилиш (муҳаббат, шавқ) ва бошқа босқичларни ўтайди. Суфийликнинг баъзи йўналишлари инсонни нафақат зоҳидлик, балки мутаассиблик йўлига ҳам етаклайди. Суфийликда тариқатлар тармоғи кўп бўлган. Ҳозиргача айрим Шарқ мамлакатларида сақланиб келаётган қодирия (Эрон ва Афғонистонда), рифоия (Эрон), тайфурия (араб мамлакатлари), мавлавия (Туркия), чиштия (Ҳиндистон, Покистон), бектошия (Туркия), сафавия (Эрон) ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўрта Осиёда эса, илгаридан нақшбандийлик, кубровийлик, яссавийлик ва қодирийлик тариқатлари тарқалган.

Суфийликка хос тушунча сифатида, тариқат – пир-шайхлар ўз муридлари Аллоҳга яқинлашмоқ ва Унинг розилигига эришмоқ мақсадида жорий этган қоида ва русумлар

мажмуасидир. Ҳар бир тариқатда мурид олий мақсадга эришиши учун ўзига хос ва бир-биридан фарқланувчи услуб ва йўллар ишлаб чиқилган. “Тариқат” сўзи тарихий жиҳатдан қуйидаги тадрижий босқичларни босиб ўтган. 1. IX-X асрларда тасаввуф назариётчилари (ал-Мухосибий, ал-Жунайд ал-Бағдодий, ал-Калабодий, ас-Саррож, ал-Ҳужвирий, ас-Сулабий) тариқатни одоб-ахлоқ ва маънавий-руҳий қўлланмалар мажмуи, деб ҳисоблаганлар. Унинг воситасида руҳий покланишни мақсад қилган ҳақиқатни чуқур тафаккур ҳамда руҳий ва жисмоний машқлар йўлига кириб, улар орқали илоҳий ҳақиқатни англашга интилади. Бу босқичда тариқат тасаввуф моҳиятини англаш усули бўлган.

2. XI-XII аср ўрталарида Хуросонда суфий йиғилишлар асосида пир-мурид тартиби (институти) шаклланди ва бутун мусулмон оламига кенг тарқалиб кетди. Ушбу тузилманинг асосий фигураси пир бўлиб, барча муридлар сулукдаги йўлбошчи сифатида унга сўзсиз итоат қилишлари лозим бўлган. Мазкур босқичда тариқат сулук йўлини таълим бериш масканига айланди. Тариқат ўз ичига жисмоний, маънавий-руҳий, аскетик машқлар, ўзига хос маросимлар мажмуаси (хилват, чилла, зикр, самоъ, рўза)ни қамраб олган ҳаёт тарзига айланди. Бу даврда тасаввуф хос кишилар тасаввуфидан омма тасаввуфига айланди.

3. XII аср охирларига келиб тариқатларнинг силсила институти – узлуксиз маънавий ворислик занжири шаклланиб, сулукдаги хусусий услубларнинг жамиятда “қонунийлаштириш” жараёнида асосий ўрин тутди. Силсила тариқатнинг ҳаётий ўзаги сифатида эътироф этилиб, унга эътибор доимо юқори бўлган. Байъат бериб, тариқатга кирган ҳар бир мурид силсиладан маънавий мадад олган. Бу институтнинг пайдо бўлиши сулукни таълим берувчи мактабларнинг ташкилий тизими ва иерархия тузилмасининг шаклланиш жараёнини тезлаштириб юборди. Бу жараён эса тасаввуфий тариқатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Тариқат – унга асос солган пирнинг силсила орқали етиб келган сулукдаги ўзига хос йўлини татбиқ қилувчи, маълум интизом ва қоидаларга асосланган, марказлашган иерархик

тузилмани ташкил этувчи суфийларнинг ихтиёрий жамоасига айланди. Шундай қилиб, тариқат ягона услуб, ягона силсила ва ташкилий тизилма ҳолатига келди.

XII-XIV асрларда тасаввуфда асосий 12 тариқат: рифоия, яссавия, шозилия, суҳравардия, чиштия, кубравия, бадавия, қодирия, мавлавия, бектошия, халватия, нақшбандиялар вужудга келди Бу тариқатлар кейинчалик вужудга келган барча тариқат тармоқлари ёки алоҳида тариқатларнинг ўзаги ҳисобланади. 'Абду-л-Қодир ал-Гилоний (ал-Жилоний) (ваф. 1166 й.) таъсис этган қодирия тариқати дастлабки тариқатлардан бири ҳисобланади. Кейинги ўринда вужудга келган тариқатлардан бири Аҳмад ар-Рифоъий (1106-1183) асос солган рифоъия тариқати дейилади. Маълумки, мазкур тариқат ўз асосчисининг ҳаёт пайтида тўлақонли тариқат сифатида эътироф этиб бўлинган эди. Суҳравардия каби баъзи тариқатлар эса ташкилий тузилмаси йўқлиги туфайли том маънодаги ташкилот сифатидаги тариқатга айлана олмади. Тариқатларни бир-биридан фарқланишида зикр катта аҳамият касб этади. Тариқатларнинг асосий хусусиятларини қуйидагича умумлаштириш мумкин: силсила орқали ўтадиган барака меросхўри сифатида тариқат шайхига тўлиқ итоат этиш тамойили; иерархик итоат асосига қурилган ягона ташкилот тизимининг мавжудлиги; тариқат шайхига байъат бериш; жисмоний, аскетик ва руҳий машқлар (узлат, зикр, нафл рўза, бедорлик ва ҳ.к.)ни бажаришда ички тартиб-қоидаларнинг мавжудлиги; жамоавий зикрнинг маросим сифатидаги аҳамияти; тариқатда авлиёлар қабри билан боғлиқ эътиқоднинг мавжудлиги.

Ўрта Осиёда эса, илгаридан яссавийлик, кубравийлик, нақшбандийлик ва қодирийлик тариқатлари тарқалган. Баъзи тариқатларда ташқи қиёфага, кийимларга катта аҳамият берилади (мавлавия, бектошия). Нақшбандия тариқатида эса оддий ва покиза либос кийиш ва салла ўраш билан кифояланилади. Тариқатларда хирқа, кулоҳ, камар, шадд, або, пўстак, таннура каби либослар кийилади. Мазкур либослар ҳам ўз ўрнида маълум бир тасаввуфий маънони ифодалайди.

Масалан, хирқа тариқат аҳли кийган кенг, узун, олди очик, ёқасиз, енги узун бўлган либос. Хирқа кийиш шайхга таслим бўлишни ифода этади. Хирқа икки хил бўлади: табаррук хирқа ва ирода хирқаси. Табаррук хирқа тариқатга киришга мойил бўлган, зикр мажлислари, шайх суҳбатларида иштирок этадиган, аммо ҳали тариқатга кирмаган кишининг ўз истагига кўра унда тариқатга меҳр пайдо қилиш, пирга қўл беришга ундаш мақсадида кийдирилади. Тасввуфда хирқа кийиш анъанаси пайғамбар Иброҳимга (а.с.) бориб тақалади, деб айтилади. Зеро, Иброҳим (а.с.) гулханга ташланганларида фаришта Жаброил (а.с.) Аллоҳнинг амри билан жаннатдан ипак кўйлак олиб келиб, пайғамбарга кийдирган, унинг баракоти туфайли пайғамбар оловдан сақланиб қолган. Ушбу кўйлакни Иброҳим пайғамбар ўғли Исмоилни (а.с.) қурбон қилмоқчи бўлганда кийдирган. Кейинчалик бу кўйлак пайғамбарлар орасида қўлдан-қўлга ўтиб, Юсуф пайғамбарнинг қудуқдан қутилиши, Яъқуб пайғамбарнинг кўзлари очилишига восита бўлган, дейилади. Суфийлар хирқада бу кўйлакнинг маънавий баракасини тимсол қиладилар. Шу билан бирга, Муҳаммад (с.а.в.) ҳам саҳобийларга либос кийдирганлари ҳақида турли ривоятлар етиб келган. Тариқатларнинг ташқи қиёфасини ифодаловчи яна бир муҳим кўринишлардан бири бу “кулоҳ”дир. Кулоҳ жундан тикилган бош кийими бўлиб, унинг устига турли шаклларда салла ўралади. Кулоҳ ҳам хирқа каби махсус маросим асносида кийдирилади. Кулоҳнинг тикилиш шакли, ранги ва саллани ўраш усуллари суфийнинг тариқати, унинг тариқатдаги мақоми ва яна бошқа маъноларни ифода этади.

95. ТАРКИДУНЁЧИЛИК – одамлардан, ташқи дунёдан, шунингдек, жамият ва оиладан ажралиб яшаш, кимсасиз жойларга бош олиб кетиш, дарбадарликда ҳаёт кечириш – исломдан бошқа йирик динларга (браҳманизм, буддавийлик, яхудийлик, христианлик) ҳам хос хусусиятдир. Унинг моҳияти – дин йўлида риёзат чекиш. Таркидунё қилганлар одамлардан узоқда ва ғорларда ҳаёт кечиришган, ўзларини хилма-хил уқубатларга дучор қилганлар, оч-яланғоч яшаганлар. Айниқса,

уйланиш, авлод қолдиришга, кундалик ҳаёт ташвишлари билан яшашга нафрат билан қарашган. Гарчи таркидунёчилик ислом динида маъқулланмасада, ўрта асрларда кенг тарқалган, суфийлик оқимларининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган. Улар фақир, дарвиш, қаландар, зоҳид деб аталган. Улар гадолик ва хайр-эҳсон билан кун кечирганлар. Илгари Ўрта Осиёда ҳам таркидунёчилик кенг ёйилган, дарвишлар ва қаландарларнинг фаолияти билан боғлиқ қаландархоналар ва хонақоҳлар мавжуд бўлган.

96. ТАСАВВУФ, суфийлик – исломда инсоннинг руҳий оламига боғлиқ, қараш ва амалиётлар мажмуи. Бу атама келиб чиқиши ҳақида турли тахминлар бор. Лекин аксарият олимлар наздида тасаввуф “суф” – “жун”, “пўстин” сўзидан келиб чиққан. Чунки, таркидунё қилган зоҳид, “ўзини Худога бағишлаган одам” одатда дағал жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юрган. Тасаввуфга асос солган таркидунёчилик кайфиятлари ислом дини билан деярли бир вақтда пайдо бўлади. Муҳаммад (с.а.в.) атрофидаги Абу-д-Дардо унинг аёли Умму-д-Дардо, Абу Зарр ал-Ғифорий, Ҳузайфа ибн ал-Ямоний, Салмон ал-Форисий каби айрим саҳобийларда зоҳидона қараш ва турмуш тарзи “тасаввуф” деган тушунчанинг ўзи ҳали пайдо бўлмасидан илгари намоён бўлган эди. Зеро, “тасаввуф” истилоҳ сифатида IX асрнинг бошларидагина Ироқ ва Суриядаги зоҳидларга нисбатан қўллана бошлаган. Манбаларда “нуссоқ”, “зуҳҳод”, “уббод” каби номлар билан келтирилган бу тоифага муҳаддислар, сайёр бахшилар ва насихатгуй воизлар (қуссос), қори-ю қурролар, Византия билан чегара урушларида қатнашаётган мужоҳидлар, тақводор ҳунармандлар ва савдогарлар, шунингдек, ислом динини қабул қилган насронийларнинг бир қисми киритилган. Исломда зоҳидлик анъаналари пайдо бўлиши ва ривожланишининг сабаблари орасида мусулмон жамоаси яшай бошлаган дастлабки икки асрдаги ижтимоий-сиёсий ихтилофлар, чуқур ғоявий ва маънавий изланишлар билан давом этган диний ҳаётнинг умумий мураккаблашуви, бошқа диний-фалсафий тизимлар таъсирини кўрсатиш мумкин. Илк суфийлар, яъни зоҳидларнинг

ўзига хос жиҳатлари куйидагиларда намоён бўлган: Қуръон оятлари мазмуни устида узоқ муддат мушоҳада қилиш, кундалик ҳаётда бу илохий китоб ва пайғамбар ҳадисларидаги кўрсатмаларга қатъий риоя этиш, кўп нафл ибодатлар қилиш, тунги бедорлик, нафл рўзалар тутиш, таркидунёчилик, ҳар ишда тақводор бўлиш, ҳалол ва ҳаромни қатъий ажратиш, ҳукмдорлар билан ҳамкорлик қилмаслик, таваккул қилиб, ўз тақдирини Аллоҳга топшириш кабилар бўлган. Шунингдек, фақирликни улуғлаш, охиратни ўйлаш ва доимий тавба қилиш кайфияти, берганига шукр қилиш, азоб-уқубатларга сабр-тоқатли бўлишдан иборат эди. Улар ўз навбатида, Аллоҳдан ҳақиқий маънода кўрқадиган банда ўткинчи дунёдан, унинг барча гуноҳ ва маъсиятларидан воз кечиш кераклигини таъкидлар эдилар. Ўз таркидунёчиликларининг ташқи ифодаси сифатида кўпинча дағал пўстак кия бошладилар. Бу билан улар ўзларини шойи ва пахта каби матолардан ишланган кийимлар киядиган оддий одамлардан ажратиб кўрсатардилар. Дағал пустин кийиш христиан роҳибларининг одати эканига ишора қилиб, илк даврлардаги мусулмон олимлар бу кўринишга салбий муносабатларини билдирганлар. “Ўзини фақир қилиб кўрсатиш – Аллоҳ ўзининг тақволи бандаларини етарли даржада таъминламаган”, дея даъво қилиш билан баробар деб, ҳисоблаб пўстак кийишни қоралаганлар. Аммо шунга қарамай, Сурия ва Ироқда таркидунёчилик кайфиятидаги кишилар орасида пўстак кийиш одати кенг тарқалди.

Аста-секин суфийлик таълимоти асосий эътиборни инсон қалби, унинг руҳияти, кўнгил ҳоллари, нафс тарбияси, комил инсон, юксак маъавият, гўзал одоб-ахлоқ, руҳий камолот каби мавзуларга қарата бошлади. Тасаввуфнинг дастлабки даврида илм сифатида шаклланиш жараёнини тобеъий Ҳасан ал-Басрий (642-768) шахсияти билан боғлайдилар. У манбаларда инсон қалбининг нозик жиҳатларини англай оладиган руҳшунос сифатида гавдаланади. Унинг айтган ҳикматлари кейинги давр тасаввуфий адабиёт учун улкан озуқа бўлди. Тариқат силсилаларининг аксариятида Ҳасан ал-Басрий исми учраши одатий ҳолга айланган. Ҳасан ал-Басрийнинг издошлари Рабоҳ

ибн Амр, ад-Дароний (VIII аср охири IX асрнинг боши)ларнинг даъватларида Худога муҳаббат, илохий ишқ мавзулари намоён бўла бошлади. Бу мавзу тасаввуфга янги шакл ва мазмун бера бошлади. IX аср давомида тасаввуф назариёти ва амалиётида катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Бу даврда бир қанча суфийлик мактаблари пайдо бўлиб, улар орасида Басра мактаби билан бир қаторда Бағдод ва Хуросон мактаблари ҳам бирмунча таъсирга эга бўлди. Бу тариқат вакиллари асосий эътиборни кўпроқ солиқнинг ички ҳолатига, унинг ботиний мақом ва манзилларига, ҳолига қаратар эдилар. Ҳар бир амалда “сидқ” ва “ихлос”ни биринчи ўринга қўйдилар. Бу эса ўз навбатида Ҳорис ал-Муҳосибий (781-857) томонидан ўз-ўзини назорат қилиш – “мувоқаба” ва “муҳосаба” усулларини ишлаб чиқишига олиб келди. Бу усуллар энг аввало инсоннинг ниятлари ва қалбдаги нозик ўзгаришларга қаратилган эди. Зеро, улар охир-оқибатда инсоннинг фаолиятини белгилаб берадиган омиллар ҳисобланади. Ал-Муҳосибийнинг “муҳосаба” ҳақидаги таълимоти Мовароуннаҳр ва Хуросонда маломатийлик йўналиши шаклланишига туртки бўлди. Маломатийлик ғоялари кўплаб тариқатларга, жумладан, нақшбандийликка ҳам таъсир кўрсатган. Тасаввуф ўз тараққиёти давомида шиалик ва ундаги оқимлардан бири – исмоилийлик эзотеризми билан яқинлашиб, шу йўл билан “хослар”гина эгаллаши мумкин бўлган “Қуръон оятларини рамзлар орқали таъвил қилиш”, “ботиний, яширин маъноларни кашф қилиш” каби ғояларни ўзлаштирди. “Хослар” учун мўлжалланган ғояларнинг кенг омма орасига тарқаб кетиши, бу ғоялар муаллифларини тазйиқ ва таъқибларга учрашларига сабаб бўларди (Саҳл ат-Тустарий, ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу-л-Ҳусайн ан-Нурий, Ибн ал-‘Арабий) Машҳур суфий Ҳусайн ибн ал-Мансур ал-Ҳаллож “Ана-л-Ҳақ” (“Ҳақ менман”) дегани учун 922 йил Бағдодда қатл этилди. Баъзи нуфузли сунний уламоларнинг тасаввуфга шубҳа билан муносабатда бўлиши суфийларни эҳтиёткорликка, мурасали йўллар излашга мажбур этди. Уларга доимо Қуръон ва сунна кўрсатмаларидан ташқарига чиқмаслик, кескин ва “тутуруқсиз” фикрларини ошкор этмаслик лозимлиги

таъкидланар эди. Суфийлар ҳам ўз навбатида, турли йўл ва усуллар билан ўз маслакларини ниқоблаб, шариат меъёрларига мойил эканларини кўрсатишга ҳаракат қилар эдилар. Шундай мавқеъни эгаллаган суфийлардан бири ал-Жунайд ал-Бағдодий (ваф. 910 й.) эди. Айнан у Боязид ал-Бистомий томонидан “сукр”га асосланган жазавали суфийликка терс ўлароқ “мўътадил” суфийлик анъанасини бошлаб берди.

Илк тасаввуфнинг ижтимоий асосини асосан шаҳарликлар – майда савдогарлар, ҳунармандлар ва ҳ.к. ташкил этган эди. Тасаввуфнинг илк босқичидаёқ мурид-шайх (муршид, пир) раҳбарлигида суфийлик назариёти ва амалиётини эгаллаш муҳим ҳисобланган. Муридлар шайхга барча диний ва дунёвий масалаларда бутунлай бўйсунуши шарт эди. Ўзининг тақводорлиги, билими билан танилган йирик суфий муршидларни эса, вақт ўтиши билан “валий”, баъзан эса “қутб” деб ҳам атай бошладилар. Муридларга эргашиб, оддий халқ ҳам уларнинг “маъсумлиги”, ғайриоддий кароматлар кўрсатиши, пайғамбарга келган ваҳийларнинг “яширин” маъносини изоҳлаб беришга қодирлиги, Худо билан бевосита алоқа қила олиши ҳақидаги ислом таълимотига зид бўлган турли уйдирмаларни гапира бошладилар. Булар ҳам ўз навбатида, халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳамда баъзи тасаввуф назариётчиларининг асарларида ифодасини топа бошлади. Тасаввуфий билимлар ва барака шайхдан муридга узоқ муддатли таълим жараёни орқали ўтади, деб ҳисобланган. Сабоқ бериш тугагач, шайх шогирдига ўзига хос “гувоҳнома” вазифасини ўтовчи суфийлик хирқасини кийдирган. Бу эса, ўз навбатида муридга мустақил тарғибот олиб бориш ҳуқуқини берган. Ислом оламининг турли чеккаларидан келган муридлар, рухсат олганларидан сўнг ўз юртларига қайтиб бориб, у ерда зовия, хонақоҳ ва суфийлик халқаларини ташкил қилиб, ўзлари ҳам шогирд етиштира бошлаганлар. Бу жараён тасаввуфнинг тез тарқалишига олиб келган.

X–XI асрларда тасаввуфий ҳаёт ва тафаккур тарзи жамиятнинг кенг қатламларини қамраб олди. Тасаввуф тарафдорлари сони доимий равишда ортиб борди. Бу даврда суфийлик анъаналари шаклланиб, тасаввуф асосларини ёритиб берган илк ёзма

манбалар вужудга келди. Мазкур китобларнинг асосий мақсади тасаввуф ўз назарияти ва амалияти билан ислом таълимотларига батамом мувофиқ эканини кўрсатиб бериш ҳамда тасаввуфнинг оғзаки тарзда етиб келган меросини таснифлашдан иборат бўлган.

X аср охири XI аср бошларида тасаввуфнинг мумтоз йўриқнома асарлари ёзилди. Бундан ат-Тусийнинг (ваф. 988 и.) “ал-Лумаъ”, ал-Калабодийнинг (ваф. 990 ёки 995 й.) “ат-Таъарруф”, Абу Толиб ал-Маккийнинг (ваф. 998 й.) “Қуту-л-қулуб”, ас-Сулабийнинг (ваф. 1021 й.) “Табақоту-с-суфиййа”, ал-Қушайрийнинг (ваф. 1072 й.) “ар-Рисола”, ал-Хужвирийнинг форс тилидаги (ваф. 1072 ёки 1076-77 й.) “Кашфу-л-маҳжуб”, ал-Ансорийнинг (ваф. 1089 й.) “Маназилу-с-соирийн”, Абу Нуъайм Исфаҳонийнинг (ваф. 1038 й.) “Ҳилйату-л-авлиё” асарлари бизгача етиб келган. Бу даврда яратилган ас-Сулабийнинг “Ҳақоиқу-т-тафсир” асари Қуръоннинг илк тасаввуфий тафсирлари сирасида алоҳида ўрин эгаллаб, тасаввуфий, эзотерик талқин аънаналарини намоён этади. Бу муаллифлар тасаввуфга доир билимларни тартибга солдилар, суфийлик истилоҳларини тушунтириб бердилар ҳамда тасаввуфни ислом таълимотларига зид эмаслигини кўрсатиб бера олдилар.

XII-XIII асрлар мусулмон жамиятларида тасаввуфнинг мавқеъи омма орасида кучайиши билан белгиланади. Бу даврда тасаввуфнинг расмий таълимот сифатида эътироф этилишида ал-Ғаззолийнинг (ваф. 1111 й.) ўрни беқиёс бўлиб, “ал-Мунқиз мин аз-золал” асарида тасаввуф ахлоқи охират учун асосий заҳира экани, “Ихё улум ад-дин”да барча илмларни зикр этиб туриб, хотимада тасаввуфий билимни юқори қўйишини айтиб ўтади. Унинг ислом оламидаги нуфузи тасаввуфнинг шарият томонидан батамом тан олинишига сабаб бўлди. Ҳанбалий мазҳабига мансуб бўлган ‘Абду-л-Қодир ал-Гилоний (ал-Жилоний, ваф. 1161 й.) фаолияти тасаввуфий ғояларнинг оммаллашувида катта таъсирга эга бўлган. Унинг маърузалари турли мураккаб ва зиддиятли масалалардан холи бўлиб, аҳоли орасида кенг шуҳрат қозонди. Умуман, тасаввуф жамиятда ўз таъсир доирасини тобора кенгайтириб боргани сари, ҳукмрон

табақалар, зодагонлар ҳам у билан ҳисоблаша бориб, улар ҳам пирларнинг маслаҳатларига қулоқ осадиган бўлдилар. Валий шайхларнинг қабрлари эса, зиёратгоҳга айлантирилиб, одамлар уларни муқаддаслаштириш даражасига етдилар. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бу даврларда ислом дини жаҳонгашта қаландар-дарвишлар орқали исломлашмаган минтақаларга ёйила бошлади. Улар ўзлари борган жойларда хонақо ва зовиялар ташкил этиб, кейинчалик бундай жойлар тарғибот-ташвиқот ва диний турмуш тарзи марказларига айланиб борди.

XII аср ўрталари XIII аср бошларида суфийлар ташкил этган зовиялар атрофида, хусусан, шаҳарларда тариқатлар шакллана бошлади. Дастлаб, Бағдодда пайдо бўлган суҳравардия ва қодирия тариқатлари бутун мусулмон оламига тарқалди. Тариқатларнинг шаклланиши тасаввуфнинг таъсири янада кучайишига олиб келди. Умуман олганда, суфийлар халқ оммаси билан яқинлашиб, уларнинг диний эҳтиёжларини қондиришга юз тутган эди. Хунармандчилик уюшмаларининг қарашларида ҳам суфийлик тамойиллари – “футувва” ва “айёрлик” ўз аксини топа бошлади.

Авлиёлар култи омма эътиқоди ва диний қарашларида мустақкам ўрин эгаллади. Чунончи, ҳатто айрим авлиёлар баъзи касбларнинг ҳомий пирларига ҳам айланиб борди. Тасаввуфнинг бу йўсинда ривожланиши баъзи нуфузли мутасаввифлар билан бир қаторда шариат пешволарини ҳам ташвишга солар эди. Ибн ал-Жавзий (116-1201) “Талбису-л-иблис”, Ибн Таймия (1263-1328) “Фатово”, Ибн Халдун (1332-1406) “ал-Ибар” каби қатъий сунний қарашлар ифода этилган асарларда шариатга зид келадиган, улар “бидъат” деб эътироф этган суфийликдаги баъзи жиҳатлар: жулдур кийиниш, уйланмаслик, доимий рўзадорлик, авлиёлар қабрларини муқаддаслаштириш, рижолу-л-ғайб, тинимсиз ибодатлар, авлиёлар муҳри ва бошқа мавзуларни кескин танқид остига олдилар. Бундай шароитда Боязид ал-Бистомий томонидан киритилган “суқр”, яъни шатҳ ва жўшқин хатти-ҳаракатларга асосланган тасаввуфдан кўра ал-Жунайид ал-Бағдодий томонидан таъкидланган ҳамда “сахв” ва “тамкин”га асосланган мўътадил тасаввуф, барча тарафларни

қониқтирар эди. Шу жиҳатдан ҳам ҳозиргача мавжуд бўлган аксарият тариқатларнинг пойдевори ал-Жунайд ал-Бағдодий ишлаб чиққан асосга биноан барпо қилинган. Ҳар қайси алоҳида минтақада суфийлик ташкилотларининг фаолияти маҳаллий хусусиятлар ва анъаналар, урф-одат ва удумлар билан қоришиб кетди. Шунинг учун ҳам тасаввуф кўп қиррали минтақавий кўриниш касб этди.

XII-XIII асрларда тасаввуф ғояларининг мусулмон жамиятининг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида кенг тарқалиши натижасида ундаги ички фарқланишлар яққол намоён бўла бошлади. Асосан омманинг маънавий эҳтиёжларини кондиришга қаратилган “амалий” тасаввуф билан бир қаторда тасаввуф таълимотининг зиёли табақаларга қаратилган эзотерик жиҳати янада ривожланди. Мазкур “фалсафий” тасаввуфнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқишда ас-Сухравардий ал-Мақтул (ваф. 1191 й.), Ибн ал-‘Арабий (ваф. 1240 й.), Ибн Сабъин (ваф. 1268 ёки 1271 й.), ‘Абду-р-Раззоқ ал-Қошоний (ваф. 1329 й.), ‘Абду-л-Карим ал-Жилий (ваф. 1428 й.) каби тасаввуф намояндалари фаол иштирок этиб, номусулмон халқларнинг фалсафасий қарашларини тасаввуф руҳида талқин эта бошладилар. Буларнинг орасида Ибн ал-‘Арабий “ваҳдату-л-вужуд” деб номланган назарияга асос солгани билан ажралиб туради. Ибн ал-‘Арабий ўзидан аввалги суфийларнинг тавҳид ва бошқа мавзуларга оид қарашларини тартибга солиб, тизимли фалсафа ҳолига келтирган. Бу фалсафа тасаввуф муҳитида кенг миқёсда қабул қилинган. Ваҳдату-л-вужудни кескин танқид қилиб, унга қарши чиққан ‘Алауддавла ас-Симноний (1261-1336) ва нақшбандийлик шайхи Имом Раббоний номи билан машқур Аҳмад ас-Сирҳиндий (1564-1624) “ваҳдату-ш-шухуд” назариясини илгари сурдилар. Аммо “ваҳдату-ш-шухуд” асосан нақшбандия тариқатига таъсир кўрсатди. “Фалсафий” тасаввуф XIII-XIV асрларда юксак чўққиларга кўтарилгач, аста-секин ўзининг ижодкорлик салоҳиятини йўқота борди. “Комил инсон”, “борлиқнинг бирлиги” (“ваҳдату-л-вужуд”), “тажалли” каби ғоялар баҳс ва мунозаралар манбаига айланиб, бу баҳслар ҳам кўпинча бесамарлигича қолиб кетди.

Тасаввуф ғоялари кўплаб шеърий асарларда ҳам ўз ифодасини топди. Суфийлик рамзий ифодалари, тимсоллари ва мавзулари бутун диний ва дунёвий форс шеъриятига (Жалолиддин Румий, Санойи, Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Жомий, Ансорий, Низомий ва б.), шунингдек, маълум даражада араб шеърияти ҳамда туркий халқларнинг (Аҳмад Яссавий, Суфи Оллоёр, Алишер Навоий), Болқон ярим ороли, шимолий Ҳиндистон, Индонезия мусулмонлари адабиёти ва фольклорига сингиб кетди.

VIII-IX асрларда Робиа ал-Адавия, Мансур ал-Ҳаллож сингари йирик суфийлар ижоди билан бошланган суфий шеърият, X-XII асрларга келиб улкан бир адабиётга айланди, ўзига хос образ ва тимсоллар, рамзлар ва усуллар олами пайдо бўлди. Тасаввуф адабиёт билан бир қаторда бошқа бадиий ижод йўналишларига таъсир кўрсатди. Зеро, тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини, хаттоки ўз суфий театрини ҳам вужудга келтирди. Чунончи, самоъ мажлислари кўпинча сахналаштирилган томошага айланиб кетар, уларни томоша қилгани аёллар ҳам йиғилар эди. Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги муштараклик жиҳатларини суфийлар ва ижод аҳлининг руҳий яқинлигидан излаш даркор бўлса керак. Зеро, ижод завқи ва суфиёна завқ инсон руҳий ҳолати нуқтаи назаридан умумийликка эгадек гўё. Тариқатда ижодга мойил, қалбида илоҳий ишқ жўш урган солиқлар кўпроқ муваффақиятга эришганлар. Ибн ал-‘Арабий ҳам суфий шоир бўлиб, машҳур “Фусусу-л-ҳикам” ва “ал-Футуҳоту-л-Маккийя” асарларида баъзи жойларни бадиий безак бериш учун назмда ифода этган. Чунки, тасаввуфнинг нозик масалаларини ақлий-назарий усуллардан кўра ҳиссий-образли тафаккур воситаси билан ифода этиш самаралироқ бўлиб туюлади. Шеър ва мусиқанинг инсон руҳиятига таъсир кучини сезган тасаввуф шайхлари ҳонақолардаги йиғинларда улардан кенг фойдаланганлар. Айниқса, самоъ йиғинларида рақс билан бир қаторда шеър ва мусиқа солиқларни ўзини йўқотиб атроф-муҳитни англай олмай қоладиган даражага бориб қолишида аҳамияти катта эди.

Давр ўтиши билан тасаввуф махсус истилоҳлари, рамз ва тимсолларини ифодаладиган шеърӣ адабиёт пайдо бўлди. Натижада суфиёна яширин маъноларни ифодаловчи махсус тил шаклланиб, бу тилда ёзилган ғазал ва рубоийлар адабиётни мураккаблаштириб, уни фақатгина “хос кишилар” англайдиган бўлиб қолди. Иккинчи томондан эса, Аҳмад Яссавий, Суфи Оллоёр каби суфийлар томонидан суфиёна панд-насиҳатлар жуда содда тил ва халқчил усулда ифода этилган тасаввуфий шеърлар ҳам битилди.

Тасаввуфий адабиётни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: тасаввуф тарихи ва таълимотини баён этган, суфий истилоҳлар воситасида тушуниладиган асарлар: Абу Бакр ал-Калабодийнинг “Таъарруф”, Жомийнинг “Шарҳи рубоӣёт”, Сўфи Оллоёрнинг “Саботу-л-ожизин”, Маҳмуд Шабистарийнинг “Гулшани роз”, Бедилнинг “Муҳити аъзам” асарлари. Иккинчиси тасаввуф ғоялари кечинма ва ҳаяжонлар, сиймо ва тимсоллар орқали тавирланиб талқин қилинадиган адабиёт: Жалолоддин Румийнинг “Маснавий-йи маънавий”, Фаридуддин ‘Атторнинг “Илоҳийнома”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр”, “Лисону-т-тайр” каби асарлари. Тасаввуф адабиёти турли адабий жанрлардан унумли фойдаланди. Чунончи, рубоӣй, ғазал, қасида, маснавий каби жанрлар суфий адабиётига янги руҳ киритиб, ўзгача талқин билан ривож топди.

Тасаввуфнинг мослашувчанлиги ва ташқи таъсирларга “очиқлиги” уни кўпёқламали оқимга айланишига олиб келди. Мўмин-қобиллик, итоаткорлик ва дунё ҳаловатидан воз кечишни тарғиб қилган тасаввуф, баъзан исёнкорлик ҳаракатларининг, (Андалусиядаги “муридлар исёни” (XII аср), Анталияда шайх Бадриддин (1416 й.да ўлдирилган) бошчилигидаги диний-сиёсий ҳаракат, бобийлар, шозилийлар) кейинроқ эса, мустамлакачиликка қарши кураш (санусийлар, қодирийлар, Шомил, Дукчи Эшон) мафқурасига айланди. Тасаввуф кўпчилик мусулмон пешволари томонидан эътироф этилгач, унинг соясида турли хил ашаддий жамоа ва оқимлар – ҳуруфийлик, алавийлик, равшанийлик, аҳлу-л-ҳаққ ва бошқалар фаолият олиб бордилар. Анатолиядан кейин эса, Болқон,

Ўрта Осиё ва Эронда шиалик-суфийлик аралаш таълимотига амал қилувчи тариқатлар (бектошия, мавлавия, нурбахшия, неъматуллоҳия, кубравия, халватия, заҳабия) тарқалди. XIV-XVII аср шиа мутафаккирлари тасаввуфнинг фалсафий меросига, айниқса, ваҳдату-л-вужуд концепциясига мурожаат қилиб, у ердан ўз таълимотлари учун кўп қарашларни ўзлаштирдилар.

XIX-XX асрлар бошида тасаввуф мусулмон давлатлари сиёсий ва диний ҳаётида муҳим роль ўйнашда давом этди. Мусулмон оламининг у ёки бу минтақасидаги муайян вазиятга қараб бу ҳолат ҳам реакцион, ҳам нисбатан илғор бўлиши мумкин эди. Шарқда жамиятнинг ёппасига дунёвийлашишга юз тутиши, иқтисод ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар томон юзланиш тасаввуфнинг мавқеига қаттиқ зарба берди. Кўпчилик араб мамлакатларида тасаввуф диний-сиёсий доиралар томонидан кескин танқидга учради. Улар ислом динини замон талабларига мувофиқ мослаштиришга ёхуд суфийлик таълимотларидан холи бўлган илк исломнинг “соф қуриниши”ни ортга қайтаришни талаб қилиб чиқар эдилар. Араб-ислом социализми тарафдорлари ҳамда прогрессив ёш авлод ўз мамлакатининг қолоқлигида бир жиҳатдан тасаввуфни ҳам айблаб, уни тараққиёт ва юрт гуллаб-яшнаши йўлидаги ғов, деб билди. Бир қанча мусулмон мамлакатларида тариқатлар фаолияти қисман ёки бутунлай ман қилинди. Гарчи тасаввуф ўзининг аввалги обрўсини анча йўқотган бўлса-да, у шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг муайян қатламлари орасида ўз таъсирини сақлаб келмоқда. Улар руҳий таскин ва мадад излаб, суфийлик тариқатлари сафига кирмоқда. XX асрда ҳам янги сулуклар пайдо бўлганлиги тасаввуфнинг яшовчанлигидан далолат беради. Бу сулукларга Жазоирдаги ал-алавия, (асосчиси Аҳмад ал-‘Алавий. ваф.1934 й.) Қоҳирадаги ал-ҳамидия аш-шозилияни (асосчиси – Салама ар-Радий, ваф. 50-йиллар охири) киритиш мумкин. Ҳозирги даврда суфийлар орасида бирмунча замонавий касб вакиллари – ўқитувчилар, турли даражадаги давлат хизматчилари ва бошқалар ҳам бор. Уларнинг сулук йўлида юришлари ўз ижтимоий фаолиятларини олиб боришларига ҳалал бермаяпти.

Марказий Осиёда тасаввуф тариқатларининг ривожига ўлкадан етишиб чиққан Аҳмад Яссавий, ‘Абдулхолик Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор каби алломаларнинг хизматлари катта бўлган.

97. ТЕРМИЗИЙ АЛ-ҲАКИМ, ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ (тўлиқ номи Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ‘Али ат-Термизий) (тахм. 820-932) Машҳур суфий аллома ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тўлиқ исми Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ‘Али ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий бўлиб, унинг таржимаи ҳолига оид мухтасар маълумотлар ўрта аср табақот асарлари ҳамда унинг ўз қаламига мансуб “Будувву шаъни Аби ‘Абдуллоҳ” номли автобиографик рисоласида келтирилган. У Термиз шаҳрида зиёли хонадонда таваллуд топган. Унинг отаси – ‘Али ибн ал-Ҳасан ва бобоси ўз даврида ҳадис илмининг етук билимдонларидан эди. Унинг илмий камолотида отасининг хизматлари бениҳоя катта бўлган. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўз отаси ҳақида шундай ёзади: “Аллоҳ таоло мени устозим – волидимдан жудо қилганида мен саккиз ёшда эдим. Унинг саъй-ҳаракатлари боис мен илм олишга шундай берилиб кетган эдимки, китоб мутолаа қилиш мен учун асосий машғулот бўлиб қолган эди. Ваҳоланки, менинг тенгқурларим ўйин-кулги ва вақтихушлик билан овора бўлардилар. Волидим туфайли мен шу ёшимда ҳадис илми ва ҳанафий мазҳаби фикҳини чуқур эгаллаб олган эдим...”

Ал-Ҳаким ат-Термизий 27-28 ёшларида ҳаж сафарига чиқади. Йўлда у ўша даврнинг илм марказлари Балх, Нишопур, Бағдод, Куфа, Басрада тўхтаб, у ерда асосан ҳадис тўплаш билан шуғулланади. Мана шу даврда тўплаган ҳадислари унинг кейинги илмий фаолияти, ёзадиган кўплаб асарлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Унинг асарларида ўз фикрларини асослаш учун келтирилган ҳадислар орасида ироқлик муҳаддислардан ривоят қилган ҳадислар катта улушни ташкил этади. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг иккинчи маротаба Ироққа сафар қилгани ҳақида маълумотлар эса, манбаларда учрамайди. Ушбу сафар давомида у бир қанча суфийлар билан учрашади, Абу Туроб ан-

Нахшабий, Яҳё ибн Жалло, Аҳмад ибн Хазравайҳ каби суфийлар билан мулоқотда бўлади, уларнинг асарлари билан танишади.

Шу йўсиндаги асарлар ичида унга суриялик Аҳмад ибн ал-Осим ал-Антокийнинг асари катта таъсир ўтказади. Ҳаж сафаридан Термизга қайтиб келганида ал-Ҳаким ат-Термизий рухий янгилишни бошидан ўтказиб, сулук йўлига кирази ва зоҳидона ҳаёт тарзи кечира бошлайди. Умрининг мана шу палласи унинг ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди, деб айтишимиз мумкин. Тахминан 874 йил унинг Аллоҳга муҳаббат ва авлиёлар ҳақидаги баъзи қарашлари маҳаллий дин пешволарида шубҳа уйғотади. Шундан сўнг у имон асосларига путур етказишда айбланади ва Балх ҳокими уни ўз қароргоҳига чақиртиради. Балх ҳокими билан бўлган мулоқотда ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг айбсиз эканини исботлаб беради. Ҳоким уни озод этиб, фақат илоҳий муҳаббат мавзусида ортиқча эътиборни тортмасликни тайинлайди. Ал-Ҳаким ат-Термизий маълум муддат Балх ва Нишопурда яшаб, бу ерларда ўз ғояларини тарғиб қилади ва ҳадис илмидан дарс беради. Унга нисбатан бўхтон уюштирган уламолар Термиздан қувғин қилингандан сўнггина Термизга қайтиб келади ва у ерда тахминан 932 йилларда вафот этади. Унинг мақбараси Термиз шаҳри яқинида Амударё қирғоғида жойлашган.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “хатму-л-авлиё” – “пайғамбарлик муҳри” (Мухаммад с.а.в.) бўлгани каби “валийлар муҳри” ҳам мавжудлиги, охиратда барча анбиёлар «Хотаму-л-анбиё» – Мухаммаднинг (с.а.в.) шафоатларига муҳтож бўлгани каби, авлиёлар ҳам “Хотаму-л-авлиё”нинг шафоатига муҳтож бўлиши ҳақидаги ислом таълимотида муқаддам учрамаган қарашлари турли даврларда кескин мунозараларга сабаб бўлади. Жумладан, Ибн ал-‘Арабий бу ғояларни давом эттириб, ўзини “хатм ал-авлиё” эканини эълон қилган бўлса, Ибн Таймия бу ғояни куфр деб баҳолаб, ал-Ҳаким ат-Термизийни ҳам, Ибн ал-‘Арабийни ҳам кескин танқид остига олган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий жуда сермахсул муаллиф бўлган. Манбаларда унинг қаламига мансуб асарлар сони икки юздан тўрт юзгача экани келтирилади. Бизнинг давримизгача бу

бебаҳо мероснинг олтмишга яқини етиб келган. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз асарларида доимо ҳар қандай масаланинг ҳикмати, асл моҳиятини англашга катта эътибор қаратган. У “Наводиру-л-усул”, “Баёну-л-фарқ”, “Илму-л-авлиё”, “Манозилу-л-‘ибод” каби асарларида Қуръон тафсир қиладими, ёки ҳадис шарҳлайдими, албатта унинг асл туб моҳиятини, яширин ҳикматларини очиб беришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у “ал-Ҳаким” – яъни, “ҳикмат ва донишмандлик соҳиби” деган унвонга сазовор бўлган. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз даврида доимо жамиятнинг диққат-эътибор марказида турган. Зеро, унинг илмий меросининг каттагина қисмини аҳоли томонидан диний масалаларнинг руҳий жиҳатлари ҳақида берилган саволларга жавоблар ташкил этади. Ҳатто ўша даврда оммани ўз ортидан эргаштирган кўплаб шайхлар ҳам ундан маслаҳат сўраб мактублар ёзганлар. Ал-Ҳаким ат-Термизий аҳоли орасида катта таъсирга эга бўлган карромия ва маломатия таълимотларини ҳамда ўлкадаги етакчи мақеъдаги ҳанафий фикҳидаги қиёс методининг айрим жиҳатларини кескин танқид қилиши, унинг ўзига хос маслак соҳиби бўлганини намоён этади. Ал-Ҳаким ат-Термизий “суф” – пўстак кийиб, шу ном орқали танилишни риё, деб ҳисоблаган. Чунончи, у ўз асарларида “суф (пўстак) кийди” деган иборани ишлатсада, “суфий” деган истилоҳни умуман ишлатмайди. Ўз замонасидаги “пўстак кийганлар”га салбий муносабат билдиради. Чунки, ал-Ҳаким ат-Термизий яшаган даврда “тасаввуф”, “суфий” истилоҳлари Ироқда урф бўлиб, ўша ер минтақаси тасаввуфига нисбатан қўлланар эди. Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуфи эса ҳали таълимот сифатида шаклланиш жараёнида бўлиб, бу ерларда кўпроқ зуҳд ҳақида муозаралар олиб борилар, шу сабабли бу даврда “суфий” деган истилоҳ Ироқ тасаввуф вакилларига ёки унинг тарафдорларига нисбатан қўлланар эди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ижодида “авлиё – Аллоҳнинг дўстлари” мавзуси катта ўрин тутди. Ал-Ҳаким ат-Термизий авлиёлар ҳақидаги билимларни бир тизимга солишга ҳаракат қилган биринчи суфий олим ҳисобланади. Ўзининг “Наводиру-л-усул”, “Илму-л-авлиё”, “Ҳатму-л-авлиё” номи билан танилган

“Сирату-л-авлиё” ва бошқа асарларида валийлар иерархияси хақида фикр юритади. Унга кўра мўъминлар “авлиёу-т-тавҳид” (тавҳид таълимоти издошлари) бўлиб, улардан тепада ихлосли “содиқ”лар туради. Улар Аллоҳга ихлосли банда бўлганлари билан, нафсларини тўлиқ махв этмаганлар. Улар нафсларининг қуроли бўлмиш тана аъзолари устидан тўлиқ назорат ўрнатишга интиладилар. Содиқлар бу даражадан ўтиб “ахрор киром” (озод ва муҳтарам зотлар) босқичига етсалар, Аллоҳ уларга нафс кирдикорлари билан курашишлари учун Ўзининг қурбат ва раҳмат нуруни ато этади. Бу босқичда ҳам нафс ўзини тўлиқ махв этишга имкон бермайди. Кимки, бу босқичда юқори пағоналарга эришса, у “сиддиқлар” (энг ихлослилар) даражасига етишади. “Сиддиқлар” қирқта бўлиб, улар ҳам нафс таъсиридан тўлиқ холи эмаслар, аммо улар Аллоҳ муҳаббатига чўмганлар. Сиддиқлар пастдаги босқич эгаларидан афзалликлари илҳом олишлари, башоратли тушлар кўришларида билинади. Бу босқичда сиддиқлар Аллоҳнинг ўн сифатини ўзида мужассам этиб, кейинги босқичга кўтарилдилар. Кейинги босқичга етган валий “мунфарид” (ягона) бўлиб, у тушлари орқали илоҳий илҳом ва кашф олади. Бу иерархияни “хатм ал-авлиё” якунлаб беради.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий мероси жаҳон тасаввуфий тафаккур тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг асарлари имом ал-Ғаззолий, Муҳаммад Порсо, Қуртубий, Суютий каби жаҳон дурдоналарини таълиф этган кўплаб алломаларга илҳом манбаи ва дастак бўлган. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг абдол, автод ҳақидаги қарашлари халқ оғзаки ижодига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, омма ўртасида чилтон ёки эранлар – қирқ мард ҳақидаги ҳикоя ва ривоятларнинг шаклланишига, жойларда уларнинг култи билан боғлиқ зиёратгоҳлар пайдо бўлишига олиб келган.

98. ТУСТАРИЙ, Абу Муҳаммад Саҳл ибн ‘Абдуллоҳ ат-Тустарий (тахм. 818-896) – илк мутасаввифлардан, мутафаккир. Тустарда (Шуштар) араб ёхуд форс оиласида туғилган. Суфийлик таълимини амакиси Муҳаммад ибн ас-Саввордан олган. Ёшлигида Басра ва Аббадонга бориб шайх Абу Ҳабиб

Ҳамза ал-Аббадонийдан таълим олган. 834 йил Маккага ҳажга бориб, машхур Зу-н-Нун ал-Мисрийни учратган ва унга шогирд тушиб, ғоявий меросхўри бўлган. Тустарга қайтгач, ат-Тустарий деярли йигирма йил доимий рўза, узлат, нафл ибодатлари, тунги бедорликлар оғушида, зоҳидликда яшаган. Фақат Зу-н-Нун вафотидан сўнг (860 й.) у очиқ ваъз билан чиқишга журъат этган ва бу билан ўзига кўплаб тарафдорлар ва рақиблар орттирган. Турли тазйиқ ва сиёсий нотинчликлар (саффорийлар исёни, қул-занжийлар кўзғолони) ат-Тустарийни Басрага кўчишга мажбур қилган. Бу ерда у умрининг охирига қадар мударрислик билан шуғулланган. Ат-Тустарий ўнга яқин асар ёзган, деб ҳисобланади. Куръонни мажозий талқин қилган ат-Тустарий бир қатор қоидаларни олға сурган, улар суфийлик гносеологияси, космогонияси ва психологиясига катта таъсир кўрсатган. Унинг анъанавий исломий билимлар асосида шаклланган таълимотига кўра, олам яралишидан аввал инсонларнинг руҳлари ва Худо ўртасида “битим” (мийсоқ) ўрин тутган; руҳлар Худони ўзларининг эгаси – Робби деб, эътироф этишган (Куръон 7:17) ва ўзларини Унинг паноҳига топширишган. Бунинг эвазига уларга Қиёмат куни “Ҳақнинг жамолини кўриш бахти” (мушоҳадату-л-Ҳақ) ато этилган. Ат-Тустарийнинг шогирди Муҳаммад ибн Солим ва унинг ўғли Аҳмад ибн Солим Басрада илоҳиёт мактаби барпо этишган, у ас-солимийа деб номланган. Бу мактаб ат-Тустарий қарашларини кейинга авлодга етказган.

99. УВАЙС ал-ҚАРАНИЙ (ваф. 657 й.) – суфийликдаги увайсия йўналиши асосчиси деб қаралади. Муҳаммад (с.а.в.) даврида яшаган бўлса ҳам, у зот билан учрашмаган. Ривоятларга кўра, Муҳаммад (с.а.в.) Уҳуд тоғи этагидаги жангда (625 й.) муборак икки тишларидан ажралганларида (бошқа манбаларга кўра, олдинги пастки жағларидаги бир тишга тош тегиб майдалаб юборган) бундан хабар топган Увайс Қараний Муҳаммадга (с.а.в.) бўлган юксак ҳурмати юзасидан, душманлар етказган азиятни ўзида ҳис этиш мақсадида аввал бир тишини, сўнгра шубҳага ўрин қолмаслиги учун барча тишларини суғуриб олган. Увайс етмиш ёшли онасидан Муҳаммад (с.а.в.) ҳузурига боришга изн сўрайди. Онаси унга аввал Пайғамбардан бу ҳақда

сўраб кўришни маслаҳат беради. Шунда Муҳаммад (с.а.в.) кекса онанинг хизматини адо этиш барча нарсадан аъло эканини айтиб, унга онасининг ёнида қолишга изн бергани, Муҳаммад (с.а.в.) ‘Алига (р.а.) ўз хирқасини Увайс Қаранийга топширишни васият қилгани, Увайс Қараний ‘Али (р.а.) ва Муовия ўртасида бўлган Сиффин жангида ҳалок бўлгани ривоят қилинади. Бошқа маълумотларга кўра, Увайс Қараний Хўтанда вафот этиб, шу ерга дафн этилган.

100. УЗЛАТ (араб. – бирор нарсадан сақланиш; чекиниш, кишилардан четлашиш; узлат этиш, ёлғизликни ихтиёр қилиш) – холи жой; танҳолик; ҳеч нимага боғланмаслик; дунёнинг хилма-хил ғавғоларидан фориғлик. Суфийлар учун Муҳаммаднинг (с.а.в.) Ҳиро тоғида ўтказган узлатдаги ҳаётлари ибрат ва намуна бўлган дейилади. Тасаввуфда узлат дейилганда шайх, пир, муршид раҳнамолиги ва кўрсатмаларига биноан муриднинг махсус бир маконда беркиниб, ибодат ва зикр орқали маълум даражага эришишни исташи тушунилади. Камида қирқ кун давом қиладиган бу жараёнга халқ тилида “чилла” ҳам дейилади. Исломда ҳеч қачон ҳаётни батамом хилватда ўтказиш лозимлиги тарғиб этилмаган. Тасаввуфга кўра, узлат ҳаётдан қочиш, кундалик турмушдан ажралиб яшаш, одамлардан бешиш эмас, балки маълум муддат руҳий камолотга эришиб, яна фаолиятни давом эттириш ҳисобланади.

101. ФАҚИР – камбағал, моддий ёки маънавий жиҳатдан муҳтож одам. Камбағал (фуқаро)га, яъни ижтимоий жиҳатдан ночор одамларга ғамхўрлик қилиш зарурлиги Қуръонда ва ҳадисларда алоҳида таъкидланади. Зоҳидлик ва суфийлик “камбағаллик”ни (“фақр”, “фуқр”) кенг тарғиб қилган. “Фақир” дейилганда “дарвиш” ва “суфий”лар тушунилган. Шоирлар, муаллифлар, хаттотлар ҳам ўзларини камтарлик билан “фақир” деб аташган.

102. ФУТУВВАТ (араб, йигитлик, мардлик) – тасаввуфдаги мардонаворлик яъни, бошқаларни ўзидан юқори тутиш, фақат яхшилик қилиш, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, пиру устозлар, дўст-биродарлар шарафини ҳимоя қилишга ўзини бағишлаш, энг олижаноб одоб ва хислатларни ўзида камол топтириш.

Футувват ғояларининг пайдо бўлиши илк тасаввуф даврига бориб тақалади. Футувват арабча “фата” – “йигит” сўзидан олинган. Машхур суфий ал-Жунайд ал-Бағдодийнинг таърифига кўра футувват – “Саховатпешалик, бировга зарар етказмаслик ва шикоят қилмаслик (ношукр булмаслик)”. Шиа суфийларида ‘Али ибн Абу Толиб футувват маёғи ҳисобланади, шунинг учун ҳам уларда “Зулфиқордан бошқаси қилич эмас, ‘Алидан бошқаси “фата” эмас” ибораси кенг тарқалган эди. Футувват аҳлини жавонмардлар (форс. мард йигит), ахийлар (араб. биродар) деб ҳам атаганлар. Жавонмардлар оддий халқ ичидан чиққан хунармандлар, қизикчилар, сипоҳийлар ва жамиятнинг бошқа аъзоларидан таркиб топган эди. Уларнинг ҳар бирининг ўз жамоаси, пири, йиғиладиган жойи бўлган. Агиографик манбаларда “жавонмард” сўзи кўплаб суфийларга, айниқса маломатийларга нисбатан кенг қўлланилган. Чунончи, “Маломатия ҳақида рисола” муаллифи ас-Сулабий (ваф. 1021 й.) футувватга бағишлаб алоҳида бир рисола битган. Ушбу асарида ҳақиқий жавонмарднинг 212 таъриф ва сифатини келтиради. Ас-Сулабийга эргашиб яна бир тасаввуф тарихнависи ал-Қушайрий (ваф. 1072й.) ўзининг “Қушайрий рисоласи” асарининг бир бобини футувват мавзусига бағишлайди. Кайковуснинг (XI аср) “Қобуснома”сида 44-боб “Жавонмардлик зикрида” деб аталиб, унда футувват одоби, бу тур инсонларга хос гўзал ахлоқ намуналари ҳақида сўз боради. Хиротлик атоқли олим Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) “Футувватномаи султоний” асарида футувватнинг етмиш бир шартини санаб ўтади ҳамда “Кимдаки, мазкур шартлардан бирортаси топилмаса, у футувватдан бебахрадир”, деб таъкидлайди. Кошифий футувватни тариқатнинг таркибий қисми, деб қарайди. Ваҳоланки, баъзи манбаларда гарчи тариқат ва футувват ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлсада, аммо улар алоҳида тушунчалар экани айтилган. Чунончи, футувват тасаввуфий қарашларнинг амалий татбиғи сифатида эътироф этилади.

Жавонмардлар худди суфийлар муридга мураккаб ёки хирқа кийдиргани сингари ўз сафларига янги қўшилганларга

ажратиб турувчи махсус шалвор кийдирганлар. Манбаларда сарбадорлар ҳам футувват аҳли сифатида эътироф этилади.

Аббосий халифа Носир (1180-1225) ўз мавқеъини мустаҳкамлаш учун биринчи бўлиб футувватга расмий ташкилот тусини бериб, ‘Али ибн Абу Толибни эса футувватнинг энг ёрқин мисоли сифатида тарғиб қилди. Унинг ўзи ҳам футувват шалворини кийиб, “саййиду-л-фитён” лақабини олади. Шу йўл билан у Бағдод аҳолисининг қўллаб-қувватлашига эришиб, салжуқийларнинг таъсиридан қутулишга ҳамда рофизийларни йўқ қилишни мақсад қилган эди. Ушбу мақсадини амалга оширишда халифага суҳравардия тариқати асосчиси Абу-н-Нажиб ас-Суҳравардийнинг (ваф. 1168 й.) жияни Абу Ҳафс ас-Суҳравардий (1145-1234) футувват ғояларини аҳолининг кенг қатламлари орасида ўзининг оташин ваъзалари билан тарқатиш орқали ёрдам кўрсатади. Абу Ҳафс ас-Суҳравардий “Суфийлик йўли оддий мусулмон учун машаққатли ва оғир бўлгани сабабли омма учун футувват тариқатнинг бир бўлагидир” дея эътироф этди. Абу Ҳафс ас-Суҳравардий мақсадли равишда футувватга хос бўлган шараф кодексини тасаввуфнинг маънавий кўрсатмалари билан боғлашга уринди.

Футувват концепцияси тасаввуфдаги ийсор – ўзгаларнинг манфаатини ўз манфаатларидан устун қўйиш ғоясини энг юқори чўққиларга олиб чиқди. Футувват гуруҳлари кўп даврлар мобайнида жамиятда юксак ахлоқ, саховат, мардлик, адолатпарварликнинг олий намунаси сифатида эътироф этиб келинди. Футувват ғоялари Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалгани ҳақида ўрта аср араб сайёҳи ибн Баттута (ваф. 1368й.) “Сафарнома” асарида жуда тўлқинланиб ифода этади. Араб сайёҳининг ёзишича хонақоҳ ва зовияларнинг аксари жавонмардлар ихтиёрида бўлган. Айниқса, Туркияда жавонмардлик ҳаракати “ахийлар” номи билан кенг тарқалган бўлиб, уларнинг сардорлари султонларнинг ҳузурида ҳам муайян обрў-эътиборга эга бўлган. X асрларда пайдо бўлган “айёр”лик ҳаракати ҳам аслида футувват билан боғлиқ. “Айёр” сўзи ўша даврда салбий маънода эмас, балки “топқир”, “зукко”, “доно”, “зеҳдли”, “хозиржавоб”, “ҳийлагар” каби сўзлар билан

уйғун бўлган. Улар турли найранглари ишлатиб душманларга зарар етказганлар, дўстларни оғир ҳолатлардан чиқаришга ёрдам берганлар. Аммо ҳеч қачон ўз найранглари хийнат ва гуноҳ ишларга қўлламаганлар. “Қобуснома”да ҳам айёрлик жавонмардликнинг заковат жиҳатдан юксак намунаси сифатида акс эттирилади. Футувват тасаввуф билан қўшилгандан кейин жавонмардларга нисбатан “айёр” сўзи ишлатилмайдиган бўлиб қолди.

Тариқатларда пири муршид бўлганидек, футувват ташкилотларининг маслағига мос равишда пайғамбарлардан танлаб олинган пирлари бўлган. Чунончи, ҳазрати Одам – деҳқонлар пири, ҳазрати Шис – пахтачилар пири, ҳазрати Идрис – тикувчи ва хаттотлар пири, ҳазрати Нуҳ – савдогарлар, ҳазрати Солиҳ – туякашлар, ҳазрати Иброҳим – сутчи ва дурадгорлар, ҳазрати Исмоил – овчилар, ҳазрати Исҳоқ – чўпонлар, ҳазрати Зулкифл – новвойлар, ҳазрати Лут – тарихчилар, ҳазрати Узайр – боғбонлар, ҳазрат Илёс – тўқимачилар, ҳазрати Довуд – темирчилар, ҳазрати Луқмон – ҳакимлар, ҳазрати Юнус – балиқчилар, ҳазрати Исо – сайёҳлар, Муҳаммад (с.а.в.) – боғбон ва савдогарлар пиридир.

103. ХИЛВАТИЯ – суфийлик тариқати; XIV аср охирида Шимоли-Ғарбий Эронда шаклланган. Тариқат дастлаб шиаликка эътиқод қилувчи аҳоли ўртасида вужудга келиб, Ўрта Осиё тасаввуф мактабининг (Аҳмад Яссавий) айрим ғоялари ва маломатия ва қаландариянинг кучли таъсири остида фаолият олиб борган. Хилватия эллиқдан зиёд мустақил сулук ва тариқатларни бошлаб берган. Хилватиянинг асосчиси гилонлик Зоҳириддин ‘Умар ал-Хилватий (ваф. 1397 й.) бўлган. У ўз издошлари учун қоидалар ишлаб чиққан, унга кўра, қатъий равишда зоҳидликка амал қилиш (зуҳд) ва кўп нафл рўзалар тутиш кўзда тутилган. Сиёсий сабабларга кўра, (Хилватия тармоқларига Усманийлар раҳнамолик қила бошлагач) хилватия таълимоти вақт ўтиши билан ўзгаришларга учраб, суннийлик тариқатига айланган. Хилватия таълимоти асосини қуйидагилар ташкил қилади: жуъ (ихтиёрий очлик), самт (сукут сақлаш), саҳар (бедор бўлмоқ), иътизол (ёлғизлик), зикр, фикр (медитация), рабт

(мурид қалби билан шайх қалби ўртасидаги алоқа) ва ибодатда доимий покизалик. Хилватия тариқати яшил ёки қора рангдаги тўртбурчакли қалпоқ кийиши билан ажралиб турган.

104. ХИРҚА (араб. – ямоқ, қуроқ) – жунли матодан тикилган устки кийим. Асосан, суфийлар кийган. Хирқа одатда суфийликда пирдан шогирдга ўтиб, узоқ вақт кийилгани сабабли у кўпинча эскирган, қуроқ ва ямоқ бўлган. Хирқа ўзбеклар орасида “жанда” деб аталади.

105. ХОЖА АҲРОР (тахаллуси; асл исми ‘Убайдуллоҳ; 1404-1490) – Ўрта Осиёлик шайх, муршид, нақшбандийлик тариқати раҳнамоларидан бири. Ҳозирги Тошкент вилояти Боғистон қишлоғида туғилган. Унинг болалик ва ёшлик даври Тошкентда ўтган. Шажараси она тарафдан машҳур Шайх Хованд Тохурга бориб тақалади. Тошкент ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган. Хожа Аҳрор кўпроқ тасаввуф илмига қизиқади ва шу мақсадда Ҳиротга келиб Шайх Баҳоуддин ‘Умар, Шайх Зайниддин Хавофий каби таниқли мутасаввифлар суҳбатида бўлди. Сўнг Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди шайх Яъқуб Чархий (ваф. 1447 й.)дан нақшбандийлик тариқати асосларини ўрганди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг давомчиси сифатида руҳонийлар ўртасида катта обрўга эга бўлди ва “валий” (авлиё) деб танилди. Айни вақтда деҳқончилик ва тижорат ишлари билан шуғулланди. Хожа Аҳрор жуда катта ер-сув, мол-мулкка эга бўлиб, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида етакчи ўрин эгаллади. Хожа Аҳрор қаламига мансуб уч рисола – “Фақароту-л-орифин” (“Орифлар сўзларидан парчалар”), “Волидия”, “Ҳавроийя” бизгача етиб келган. Биринчи рисоласида ўзининг ва баъзи тасаввуф намояндаларининг тариқатга оид фикрлари, иккинчи рисоласида тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқ-одоби, фақр ва фано тушунчалари баён этилган. Инсон зоҳири ва ботинини покиза қилиш мавзуи ҳам асардан жой олган. Учинчи рисоласи мутасаввиф шоир Абу Саъид Абу-л-Хайр (XI аср) рубоийси шарҳига бағишланган. Хожа Аҳрор нақшбандийликнинг муршиди сифатида шуҳрат қозониб, ўз даврининг ижтимоий, фалсафий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Жомий, Навоий, Бобур Хожа Аҳрорни ўзларига

маънавий пир – устоз деб билганлар, унга бағишлаб дostonлар битишган, асарларини ўзбек тилига ўгиришган. Хожа Ахрор Самарқандда вафот этган.

106. ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО, тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий (1345-1419) – Ўрта Осиёда нақшбандийлик тариқатининг йирик вакили, Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси (ўринбосари). Бухоро мадрасаларида Қуръон, ҳадис ва калом илмларини пухта ўрганган. Темурийлардан Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳ у билан турли диний масалалар бўйича ёзишиб турган. Мирзо Улуғбек Хожа Муҳаммад Порсонинг қомусий билимдонлигига тан берган. Хожа Муҳаммад Порсога Нақшбанднинг ўзи таълим ва тарбия берган. Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия” китобида пиридан эшитган ва ўзи жамлаб юрган ибратли калималаридан намуналар келтириб, уларни бирма-бир шарҳлайди, пирининг ҳаёти ва маънавий дунёси, нақшбандийлик тариқатининг асослари ҳақида маълумотлар беради. Хожа Муҳаммад Порсо шариат ва тариқатга оид ўнлаб асарлар яратган. Жумладан, “Қуръон тафсири”, “Тариқат машойихларининг қудсий калималаридан”, “Тасаввуф истилоҳлари ҳақида рисола”, “Мурид одоблари ҳақида рисола”, “Кароматлар ҳақида рисола”, “Макка шаҳрининг қисқача тарихи”, “Етмиш икки фирқа”, “Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор”, “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарларида тасаввуфга оид фикрларини баён этади, энг машхур суфийларнинг фаолияти ҳақида уларнинг ўз асарлари ва мулоҳазалари асосида маълумот беради. Машхур асарларидан бири – “Фаслу-л-хитоб би-васли-л-аҳбоб” (“Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб”) эса, бир неча марта чоп қилиниб, тасаввуф вакиллари томонидан энг ишончли қўлланма сифатида фойдаланилган, шариат, тариқат мақомлари, диний фирқалар тўғрисида бирор-бир мунозара кўтарилса, шу асарга мурожаат қилинган. Асарда баҳсли ҳисобланган беш юзга яқин масала батафсил ёритилиб, тавсифлаб берилган. Хожа Муҳаммад Порсо иккинчи марта ҳаж зиёратидан сўнг касалликка чалиниб вафот этади. Қабри Мадинадаги “Жаннатул-бақиъ” қабристонидан.

107. ХОКСОР – суфийлик тариқати; XVIII аср охирида жалолия-сухравардия тариқатидан (Шим. Ҳиндистонда Саййид Жалолиддин Ҳусайний томонидан XIV аср ўртасида асос солинган) мустақил бўлиб ажраб чиққан; ўзига ҳайдария (Мир Ҳайдария) ва қаландариянинг бир қанча гуруҳ ва жамоаларини, шунингдек, неъматуллоҳийларнинг турли тармоқларини бирлаштирган. Хоксорнинг илк тарихи мавҳум, чунки тариқатнинг адабий анъанаси йўқ бўлган. Бизгача етиб келган турли қўлёзма қўлланма ва кўрсатмалар бир тўпламга келтирилиб “Рисолайи тариқа-йи фақр-и Хоксор” деб аталган. Хоксор тариқатининг мустақил назарий қоидалари ишлаб чиқилмаган. Ундаги тартиб-қоидалар аввалги тариқатлар таълимоти ва қоидаларининг қоришмасидан иборат бўлган. Хоксор тариқати тўрт босқичдан иборат, унда 20 ёки 44 манзил (мақом) бор. Хоксор дарвиши тариқат йўлидан юриши лозим, яъни озига қаноат қилмоғи, барча бойлигини бошқалар билан баҳам кўрмоғи, устозини доимо ёдда тутиши, уни кундалик ибодатда эслаши, сочи, мўйлаби, қоши ва соқолини олиб юриши (ҳамма ҳам риоя этмаган) лозим бўлган. Ҳаёти давомида Хоксор дарвиши тўртта сафарни амалга оширишга интилиш лозим: а) одамлардан Худога; б) Худодан одамларга, сўнгра Худога, кейин Худодан Худога; в) Худо билан Худога; г) Худо билан одамлар орасида. Тариқат аъзолари ўз маслакларини – “Тариқа-йи ‘алавийа-йи Хоксори Ҳусайни-йи Жалолий”, деб аташади.

108. ХОНАҚОҲ (форс-суғд. – уй) – дарвишлар, қаландарлар, шунингдек, ғариб ва мискинлар истиқомат қиладиган уй – қаландархона, дарвишхона. Муслмон мамлакатларида зовия, такъя, работ номлари билан ҳам юритилади. XII аср бошларида тариқатлар шаклланиш арафасида суфийлар йиғилиб тўпланадиган жой сифатида хизмат қилган муваққат манзиллар талабга жавоб бера олмай қолди. Бу пайтда тасаввуфга қизиқиш ортиб бориши, муридларнинг сони ўсиб, ихлосмандларнинг тобора кўпайиб бориши туфайли бу жараённи тизимга солиш эҳтиёжи туғилди. Мана шу жараёнлар таъсири ўлароқ, суфий марказлари – хонақоҳлар пайдо бўлди. Хонақоҳ бинолари кўпинча алоҳида мустақил бино

сифатида аҳоли яшайдиган ҳудудлардан узоқроқ жойларда ёки баъзан масжидга туташган ҳолда барпо этилган. Одатда хонақоҳ мажмуа сифатида фаолият олиб бориб, ошхона, ҳамда мурид ва ихлосманд тингловчилар учун меҳмонхона, зикр тушиш хоналари, чиллахона, баъзан эса мактабларни ҳам ўз ичига олган. Аксар ҳолларда мажмуа ҳовлисида тариқатга асос солган шайх, ёки бирон-бир авлиё мақбараси ҳам бўлган. Маълумотларга қараганда, энг биринчи хонақоҳ Фаластиндаги Рамла шаҳрида VIII аср охирларида бунёд этилган. Ҳамма суфийлар ҳам хонақоҳ тизимини маъқулламаган. Машҳур суфий Абу Туроб ан-Нахшабий (ваф. 859й.) бу тизимни танқид қилиб, уни тиланчиликка қиёс қилган: “Кимки, мураққаъ (ямоқли кийим) кийса, у тиланчилик қилибди, кимки, хонақоҳда ёки масжидда ўтириб олса, у тиланчилик қилибди, кимки одамларга ёқиш учун Куръон тиловат қилса, у тиланчилик қилибди”.

Ўрта аср хонақоҳлари фақатгина зоҳидлар, дарвиш ва қаландарлар тўхтайдиган жой эмас, балки аксар ҳолларда диний таълим мактаблари вазифасини ҳам бажарган. Зеро, хонақоҳлар ҳузурида кутубхона ва ўқув хоналари бўлиб, у ерда ўқитувчилар ҳам фаолият олиб борганлар. Хонақоҳлар давр ўтиши баробарида тобора такомиллашиб бориб, муайян кўринишдаги тизимли мажмуага айланиб борган. Кейинги давр хонақоҳларида ўзига хос маъмурий тизимни ҳам кўришимиз мумкин. Ҳар бир хонақоҳда шайх, имом, вақф ишлари нозири, муаззин, кутубхоначи, “келди-кетди”ни қайд қилувчи мирза, ҳаммом масъули, ошхона масъули, ҳажжом (қон олувчи), сувчи, гўлаҳ, фаррош, хизматкорлар, бепул овқат ва кийим ҳамда ювиниш учун совун тарқатувчи ходимлар фаолият олиб борган. Бундай хонақоҳлар сахий ҳомийларнинг эҳсонлари, вақф қилинган мулклардан тушадиган даромадларга таяниб фаолият олиб борган. Самарқанддаги Қусам ибн Аббос мақбараси ёнидаги хонақоҳ ҳам тахминан ана шундай кўринишга эга бўлган. Султонлар ҳам хонақоҳ барпо этишга алоҳида эътибор билан қараганлар. Султон Салоҳиддин Айюбий Мисрда 1173 йил “Саъид Суъадо”

номи билан танилган “Салоҳиййа хонақоси”га асос солган. Манбаларда айтилишича, ушбу хонақоҳда яшаган уч юз дарвиш жума номозига йўл олганда, уларни кўриш ва барака тилаш учун кўчаларда одамлар тиқилиб кетган. XV-XVII асрларда суфийлар ҳукмрон табақалар билан яқинлашиб, улардан катта миқдорларда молиявий ёрдам ола бошладилар. Бу жараён хонақоҳларнинг биносида ҳам ўз аксини топди. Энди хонақоҳлар ҳашаматли иморатлар мажмуаси кўринишида барпо этилиб, “хонақоҳ” сўзи ушбу мажмуадаги зикрхонага нисбатангина қўллана бошлади.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда хонақоҳларнинг пайдо бўлиши Ибн Карром (806-869) ва у асос солган карромийлар фаолияти билан боғлиқ. Карромийлар минтақада биринчилардан бўлиб ўз таълимотларини тарғиб ва ташвиқ қилиш учун хонақоҳ тизимидан унумли фойдаландилар. Мазкур тизим туфайли ўз ғояларини омма ўртасида кенг тарқалишига ва маълум бир муддат издошлари сони кескин равишда ортиб кетишига эришдилар. Мовароуннаҳр хонақоҳларида турли даврлар учун хос бўлган меъморий ечимларни кўриш мумкин. XVII асрга келиб эса пештоқли, гумбазли, ўртада зикрхона ва атрофида хужралар бино қилинган шаклдаги хонақоҳлар кенг тарқалди. Мовароуннаҳрдаги машҳур хонақоҳлар: Самарқанддаги ‘Абди Дарун, Улуғбек хонақолари (XV аср), Бухородаги Лаби Ҳовуз ансамблидаги Нодир Девонбеги хонақоси (XVII аср), Термиздаги Кокилдор ота, ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси олдидаги хонақоҳ, Бухородаги Хожа Порсо (XV аср), Хожа Зайниддин, Чор Бакр (XVI аср), Ёрмуҳаммад Оталиқ (XVII аср), Шайх Худойдод, Баҳоуддин Нақшбанд хонақоҳлари, Гиждувондаги Дехқон Бобо, Тошкентдаги Ҳазрати Имом хонақоҳлари.

109. ЧИЛЛА ЎТИРИШ (форс. чилла – қирқ кунлик) – суфийлар, муридлар ва баъзи дуохон, азайимхонлар амалиётида кузатиладиган одат. Суфийлик тариқатларида мурид қирқ кун давомида уйдан чиқмасдан тоат-ибодат қилиши “чилла ўтириш” деб аталган. Йирик суфий намояндаларининг қароргоҳларида (мас., Туркистон ш.даги Аҳмад Яссавий, Бухоро яқинидаги

Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида) чилла ўтириш учун алоҳида хужралар бўлган. Чилла ўтириш вақти чилла ўтирувчи томонидан олдиндан ният қилинган бўлади. Бу одат баъзан эътикоф деб ҳам аталади.

110. ЧИШТИЯ – суфийлик тариқатларидан бири. XII асрда Шарқий Хуросонда шаклланиб, XII-XIII асрда Ҳиндистонда узил-кесил расмий тус олган. Ўрта асрда чиштия суҳравардийлик билан бирга Ҳиндистонда энг оммавий ва кенг тарқалган тариқатлардан ҳисобланган. Чиштия асосчиси Хўжа Абу Исҳоқ аш-Шомий (ваф. 1097 й.) бўлиб, Ироқдан Чишт қишлоғига (Ҳирот яқинида) кўчиб келган (тариқатнинг номи шундан) ва у ерда хонақоҳ қурган. Унинг 9 ёки 8-вориси шайх Муъиниддин Ҳасан Сижзий Чиштиий (1142-1236) чиштияни Ҳиндистонга тарқатди. Чиштия шайхлари ўз силсилаларини Иброҳим Адҳам ва Ҳасан ал-Басрий орқали ‘Али ибн Абу Толибга боғлайди. Чиштия тариқати Низомиддин Авлиё (ваф. 1325 й. Деҳли) даврида ўзининг юксак чўққисига етиб, суфийлик Шимолий Ҳиндистонда оммавий тус олган ҳамда жануб ва шарқ томон кенг ёйилган. У чиштиянинг янги тармоғи – низомияга асос солган. Чиштия таълимотининг асосини ваҳдату-л-вужуд ғояси ташкил этган. Чиштия вакиллари ҳоким-амалдорлар билан ҳар қандай алоқа боғлашни инкор қилган. Аллоҳга таваккул қилиб, ўз меҳнати билан тирикчилик ўтказишни тарғиб этганлар. Суфий – оч кишининг қорнини тўйғазиши, мазлумлар илтимосини албатта бажариши, камбағал-қашшоқларга баҳоли қудрат кўмак бериши билан Аллоҳ марҳаматига сазовор бўлишига интилиши шарт, деб ҳисобланган. Шунингдек, муридларга пулга муккасидан кетиш, гадойчилик билан шуғулланиш, ароқ ичиш, гиёҳвандлик қилиш, тамаки чекиш батамом тақиқланган. Чиштия йўли шариат, тариқат, ҳақиқат каби уч босқичдан иборат бўлиб, муридлик даври минг кун давом этган. Зикр билан бирга қирқ кун рўза тутиш расм бўлган. Чиштия тариқати аъзолари кигиздан қилинган чўққи кулоҳ кийиши билан ажралиб турган.

111. ШАЙХИЙЛАР, аш-шайхия (ёки ал-ҳасания) – Ғарбий Хуросон (Эрон)да XIV асрнинг 30-80-йилларида мавжуд бўлган шиалиқдаги суфийлик тариқати. Унинг асосчиси мазандаронлик

дарвиш-шайх Халифа Шайх Балуйий аслида Амолийнинг муриди бўлиб, лекин устози қарашларида “нуқсон” борлигини билгач, уни тарк этиб бир мунча вақт шайх ‘Алоуддавла Симноний хонақосидан қўним топган. Сўнгра Сабзавор жоме масжидида яшаб, “исёнкорлик руҳи”даги ваъзлар билан чиқа бошлагач, унинг издошлари кўпайиб борган. Сунний фақиҳлар фатво чиқариб, унда шайхийлар раҳбарини масжидда дунёвий нутқлар сўзлаганлик, илоҳиётчиларнинг тақиқларини бузганлик ва яширин фаолият юргазганликда қоралашган. 1335 йил Шайх Халифа яширин суратда ўлдирилган ва 1342 йилгача шайхийлар тариқатига шайхнинг муриди Ҳасан Журий бош бўлган. У муридларни яширин иш кўриш ва қуроли чиқишга тайёргарлик кўришга чақирган. Унинг муридлари орасидан кейинчалик мўғуллар зулмига қарши кўтарилган ҳаракат аъзолари – сарбадорлар ҳам етишиб чиққан. Тарихчи Хондамирнинг фикрига кўра, шайх Ҳасан Журий сарбадорлар амири Масъуд буйруғига кўра қатл этилган (1342 й.), унинг вориси Дарвиш Азиз ҳам ўттиз йилдан сўнг ўлдирилган. Шайхийлар тариқати XIV аср 80-йилларигача мавжуд бўлган.

112. ШАТҲ (кўплиги шатаҳот ёки шатҳиёт; араб. шатаҳа феълидан – “ҳаракатда бўлмоқ”, “қирғоқлар томонидан қисиб кўйилиши натижасида жўш урмоқ” – дарёдаги сувга нисбатан) – экстаз ҳолатида (важд, жазава) ўзини назорат қила олмай қолган суфий айтадиган иборалар. Шатҳ истилоҳи экстаз ҳолатининг ўзини ҳам англатади. Феълнинг маъносидан келиб чиқиб, тасаввуф назариётчилари шатҳга суфийни зикр пайтида Аллоҳни мушоҳада қилиши (мушоҳадату-л-Ҳақ), ундаги “мен” “йўқ бўлиши” (фано ‘ан нафсиҳи), У билан ўзининг бирлигини ҳис этиши натижасида уни чулғаб олган ҳиссиётларининг “отилиб чиқиши” дея таъриф берганлар. Бу ҳолатдаги суфийлар оғзидан чиққан энг машҳур иборалардан Мансур ал-Ҳалложнинг “Ана-л-Ҳақ” (“Ҳақ менман”), Бистомийнинг “Субҳани, субҳани ма аъзама шаъни!” (“Пок Зот менман, шаъним нақадар буюк!”), аш-Шиблийнинг “Сизнинг даврингиз тугаяпти, фақат менинг вақтимнинг на охири на боши бор!”, Ибн Сабъиннинг “Худодан ўзга ҳеч нарса йўқ” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Умуман олганда, шатҳни суфийда содир бўладиган шахсий ички кечинмалар, уни сўз билан таърифлаш мушкул бўлган ҳиссиётларининг беихтиёр юзага чиқиб кетиши деб изоҳлаш мумкин.

113. ШАЪРОНИЙ (ёки аш-Шаъровий), ‘Абдулвахҳоб ибн Аҳмад (1493-1565) – мисрлик машҳур суфий ва илоҳиётчи. Сақийат Абу Шаъро қишлоғида туғилган, ўз шажарасини Зиёнийлар сулоласидан чиққан Тлемсен ҳукмдорларига, улар орқали алавий Муҳаммад ибн ал-Ҳанафияга боғлаган. Қоҳирада яшаб, ижод этган. Шофеъийлик фикҳини Мисрнинг атоқли фақиҳи Закариё ал-Ансорийдан ўрганган. Ибн ал-‘Арабий қарашлари унга катта таъсир кўрсатган. Шаъроний Қоҳирада суфий ваъзхон сифатида тезда шухрат қозонган, тарафдорлари кўпайган. Бадавлат қози ‘Абдулқодир ал-Мағозилий унга атаб мадраса қурдириб, вақф сифатида бир қанча ер мулклари ажратиб берган. Ундан Шаъроний ва унинг авлодлари мерос сифатида фойдаланиш ҳуқуқини олганлар. Шу туфайли Шаъроний кўп хайр-садақалар қилган, камбағаллар, майиб-мажруҳлар, шунингдек, кўп сонли муридларини боққан. Бу фаолият туфайли унинг шухрати янада ортиб борган. 1774 йил унинг сағанаси устига номи билан аталадиган масжид бунёд этилган, у ҳозир ҳам сақланган. Масжид жойлашган кўча ва яқин атрофдаги мавзе ҳам унинг номи билан аталади. Шаъроний ҳадис, фикҳ, суфийлик ва бошқа анъанавий диний илмларига оид олтмишдан зиёд асар ёзган. Ибн ал-‘Арабийнинг кучли таъсирига қарамай, Шаъроний унинг ваҳдату-л-вужуд таълимотини қабул қилмаган. У “маърифатли” суфийлик тарафдори бўлиб, фикҳ ва ислом ақидаларини чуқур билиш ҳар бир суфий учун шарт, деб ҳисоблаган. У таваккулни бир тарафлама – ҳар бир ишни Аллоҳнинг иродасига ташлаб қўйиш ва бу билан суфийликда “қашшоқликда кун кечирувчи бекорчилар ва текинхўрларни” ортиб боришига қарши чиққан. Шаъроний фикҳ соҳасида мезон назариясини ишлаб чиққан, унга кўра, исломдаги тўрт асосий мазҳаб ўртасидаги ихтилофлар асосан шариат қоидаларига амал қилишга оид. Шаъронийнинг фикрича, барча мазҳаб асосчилари тўғри йўлда бўлиб, диний қонун негизида собитқадам бўлганлар.

Улар ўртасидаги фарқ фақатгина шариатнинг у ёки бу қондасини “кучайтириш” (ташдид) ёки “енгиллаштириш” (тахфиф)дан иборат бўлган.

114. ШИБЛИЙ, Абу Бакр Дулаф ибн Жаҳдар (ёки Жаъфар ибн Юнус) (861-946) – бағдодлик суфий, ал-Жунайд ва ал-Ҳалложнинг энг яқин шогирди ва сафдоши. Самаррада туғилган, отаси халифанинг бош хожиби, амакиси –Искандарияда амиру-л-умаро мансабида бўлган. Шиблийнинг ўзи халифа ал-Муваффақнинг хожиби вазифасида ишлаган. Қирқ ёшида Шимолий Эрондаги Дамованд вилояти волийси этиб тайинланган, бироқ тўсатдан амалдан воз кечиб, Бағдоднинг машҳур суфийларидан Хайр ан-Нассож ҳузурида (мажлис) “тавба” қилиб суфийликни ихтиёр этган. Ҳиссиётга берилувчан табиатли Шиблий ал-Ҳаллож тарғиб этган “ашаддий” суфийликка мойиллик билдирган. Бироқ, таъқиблар, сўнгра ал-Ҳалложнинг қатл этилиши уни ўз қарашларини ўзгартиришга мажбур этиб, ал-Жунайд ва тарафдорлари каби эҳтиёткорона мавқени тутишига мажбур этган. Шиблий ал-Ҳаллождан юз ўгириб, уни хос шахслар “сирлари”ни очганликда айблаган. 922 йилда ал-Ҳаллож қатл этилгач, Шиблийнинг хулқи ўзгариб қолади. Унинг ғалати қилиқлари (қимматбаҳо кийимлари ва мушк анбарларини ёкиб юбориши, ўзини ўзи қийноққа солиши ва б.) ҳиссиётга ўта берилувчанлиги охир-оқибатда уни телба, деб ҳисоблашларига олиб келди. Шунинг учун бу даврда хурфикрлик ва бидъатга қарши кураш олиб бораётган Бағдод ҳукмрон доиралари унга эътибор қаратмаганлар. Шиблийни бадавлат хонадондан чиққанлиги ва ўша пайтда ушбу кураш ташаббускорларидан бўлган моликий мазҳабига мансублиги ҳам кутқариб қолган бўлиши мумкин. Олимларнинг фикрича, аввалига Шиблий Қуръон ва фикҳ илмларида бу соҳадаги энг кучли алломалардан қолишмаган ва ҳатто улардан устун турган. Шиблийга нисбат бериладиган суфиёна шеърлар бадий қийматга эга. Унинг таржимаи ҳолига оид парчалар, айтган сўзлари ва шеърларини барча мўътабар суфийлик рисоаларидан топиш мумкин. Унинг Бағдоддаги қабри сақланган ва бугунги кунда ҳам зиёратгоҳ саналади.

115. ШОЗИЛИЙЛАР, аш-шозилия – Шимолий Африкадаги энг йирик суфийлик тариқати. Асосчиси – Абу-л-Ҳасан аш-Шозилий (1196/97-1258) мағриблик бўлиб, шажарасини машҳур суфий Абу Мадёнга боғлаган. Шозилийларга ғоявий асос бўлган Шозилий таълимоти ўзининг асосий қоидаларида мўътадил суфийлик ғояларига асосланган. Улар ўз даврида ал-Жунайд ва бошқа “мўътадил” суфийлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Абу Мадён томонидан Шимолий Африка шароитига мослаштирилган. Шозилий Тунисдаги ўз тарафдорларига йўллаган мактуби ва оғзаки ваъзларида итоатда бўлишга, Аллоҳдан қўрқишга, ҳукумат билан ҳамкорлик қилмасликка, шариат кўрсатмаларига қатъий риоя этишга, суннатга эргашишга, дунё лаззатларидан юз ўгиришга даъват этган. Шозилийлар бир неча аср мобайнида Африканинг Судандан то Малигача бўлган ички вилоятларида муваффақият билан исломни тарғиб этганлар. Шозилия ва унинг тармоқлари Марокаш, Тунис, Жазоир, Судан ва бошқа Африка мамлакатларида бугунги кунда ҳам мавжуд.

116. ЭШОН (форсча: улар) – суфийлик оқимларида диний раҳнамолар унвони. Одатда, эшонлар дарвишлик, суфийлик оқимларининг бирига мансуб бўлган. Исмоилийлар фирқаси диндорлар жамоасининг раҳбари ҳам эшон деб аталган. Ўрта асрларда суфий раҳнамоларига мурожаат қилишда уларнинг исмлари ўрнида “эшон” баъзан «пир» сўзлари ҳам қўшиб ишлатилган. Оддий одамлар эшонларга муридларни суфийлик йўлига ўргатувчи (муршид), беморлар дардига шифо берувчи, келажакни олдиндан айтувчи инсон сифатида ҳам қарашлар бўлган. Аммо ҳозирда бу сўз халқ орасида ўзининг маъносини бир оз ўзгартирган ва асосан Пайғамбар авлодларидан келиб чиққанига даъво қилган шахсларга нисбатан қўлланади.

117. ЯССАВИЙ Аҳмад (тахаллуслари: Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий, Қул Хожа Аҳмад, Қул Аҳмад ва бошқа) (1105-1166/67) – донишманд, шоир, яссавийлик тариқатининг асосчиси. Сайрамда туғилган. Отаси Шайх Иброҳим узоқ йиллар Ясси ва Сайрамда шайхлик қилган. Яссавий пири Арслонбоб маслаҳати билан Бухорога бориб, Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф

бўйича мукаммал таълим олган. Сўнгра, Туркистонга қайтиб суфийликни тарғиб этган. Муридлари кўпайиб, яссавийлик тариқати ташкил топган. Эл орасида катта обрў орттириб, авлиё деб улуғланган. Ҳатто Яссиди вафот топганидан кейин “Мадинада – Муҳаммад, Туркистонда – Аҳмад” (қабрига нисбатан) деган овозалар тарқалган. Мозори муқаддас кадамжога айланган. 1395-97 йилларда Амир Темур Яссавийнинг қабри узра маҳобатли мақбара курдирган. Яссавий тузган тариқатнинг барча қоидалари “Девони ҳикмат” шеърий асарида баён этилган. Унда поклик, тўғрилиқ, камсуқумлик, меҳр-шафқат, ҳалол кун кечириш, нафсни тийишга интилиш, имонли бўлиш каби асл инсоний фазилатлар мақталган. Золимлар, порахўрлар, мутаассиб шайхлар, жоҳил ва нодон кимсалар эса қораланган. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда Яссавий ҳаёти, фаолияти ва ижоди кенг ўрганилди, унинг “Девони ҳикмат” асари кўп нусхада чоп этилди.

118. ЯССАВИЙЛИК – тасаввуф тариқатларидан бири. Марказий Осиёда вужудга келган. Асосчиси Аҳмад Яссавий. Яссавийлик Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Гиждувоний таълимотлари негизида шаклланган дейилади, лекин тариқатнинг суҳравардия анъанасига бориб тақалиши ҳақида ҳам маълумотлар бор. Яссавийликда тасаввуфнинг асосий тўрт мақоми шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат кенг тарғиб этилган. Унга кўра, шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқатга эришиб бўлмайди. Буларнинг ҳар бири алоҳида босқич бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва такомиллаштиради. Мурид ўз пири раҳнамолигида мазкур босқичлардан ўтиб, илоҳий ишқ сари интилиши, камолотга эришиши зарурлиги алоҳида таъкидланади. Яссавийликда мурид риоя этиши шарт ҳисобланган одоб қоидалари бўлиб, унга кўра, мурид ҳеч кимсани ўз пиридан афзал кўрмаслиги, унинг ҳамма топшириқларини бекаму кўст адо этиши, панд-насихатларига сўзсиз амал қилиши зарур. Яссавийликда зикри самоъга ҳам катта эътибор берилган, жаҳрия (аълония) усули қўлланилган. Пир ва муридлар кундалиқ ўқиб юрадиган махсус

аврод ва дуоларни баланд овоз чиқариб айтишган. Шу боис Яссавийлик “жаҳрийлик” деб ҳам аталади.

119. ЯЪҚУБ ЧАРХИЙ ‘Усмон ибн Муҳаммад (тахм. 1363, Ғазна, Афғонистон – 1447, Ҳалғату, ҳозирги Душанбе яқинида, Тожикистон) – олим ва тасаввуф муршиди. Ғазна шаҳрига тобе бўлган Чарх қишлоғида таваллуд топган. Чархий бошланғич таълимни аввал Чархда, сўнг Ғазнада олгандан кейин 1380 йил Ҳиротдан Бухорога келади. Бухорода у Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) билан учрашади. У Чархийни муридликка қабул қилиб, зикр қоидасидан таълим беради. Чархий Нақшбанд вафотидан сўнг Бадахшонда, сўнг Алоуддин Аттор (ваф. 1400 й.) таклифи билан Чағониёнда яшади. Аттор вафотидан сўнг то умрининг охиригача Ҳалғату (Душанбе яқинида) қишлоғида яшаб, ўз асарлари ва фаолияти билан нақшбандия тариқати ривожига катта ҳисса қўшди. Чархий Хожа Аҳрорнинг (ваф. 1490 й.) муршидидир. Чархий нафақат тариқат муршиди, балки етук олим ҳам бўлиб, ўз ҳаёти давомида тасаввуф, фикҳ, тафсир ва давлатчиликка оид ўнга яқин рисола ёзгани маълум, лекин бизгача еттита асари етиб келган. Шулардан тўрттаси тасаввуфга, биттаси фикҳга, биттаси тафсирга, биттаси давлатчиликка оиддир. Улар қуйидагилардан иборат: “Рисолаи қудсия” (“Қудсий калималар ҳақида рисола”), “Рисолаи абдолия” (“Абдоллар ҳақида рисола”), “Шарҳи асмоиллоҳ” (“Аллоҳ исмларининг шарҳи”), “Рисолаи унсия” (“Дўстлик ҳақида рисола”), “Тафсири Чархий” (“Чархий тафсири”), “Китоб ул-фароиз” (“Мерос тақсими ҳақида китоб”), “Рисола дар маноқиб ва ақоид” («Маноқиб ва ақоид ҳақида китоб»). Бугунги кунда Чархийнинг қабри обод зиёратгоҳлардан бири.

120. ҚАЛАНДАР – тасаввуф йўлига кириб дарбадарлик ва хайр-эҳсон билан кун кечирувчи киши. “Қаландар” сўзи араб тилига икки хил: “қарандар” ва “қаландар” кўринишда ўтган. Қаландар сўзи араб тилида “фақир”, форс тилида “хунук ва бесўнақай” деган маънони англатади. Туркчада бу сўз “дунё лаззатларидан воз кечган, дарвешлардай саргузаштга берилган, ҳақиқатни ва фалсафани билувчи киши” маъносида акс этган. Қаландар – ўзини Аллоҳ йўлида хизмат қилишга ва ички

оламини камолотга етказиш йўлига кирган инсондир. Қаландар бу дунё роҳатларидан воз кечиб, суфийлар (дарвеш) йўлини тутган, келажак ҳаёти ва бугунги кун ташвишини бутунлай унутган, фақирлик, хокисорлик ва маломатни ўзи учун шиор қилиб танлаган, жамоа одатини тарк этган кишидир.

Ўрта аср манбаларида ҳам қаландария мавзусига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, суфий шоир Бобо Тоҳир Урөнийнинг рубоийларида, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Қаландарнома” деб аталган кичик рисоласида, Воҳидийнинг “Ходжаи жиҳан ва натжаи жан”, француз сайёҳи Николас де Николайнинг “Кемалар навигацияси”, Шиҳобуддин Яхё Сухравардийнинг “Рисолаи қаландария”, Абу Ҳафс Умар Сухравардийнинг “Авориф” номли асарларида қаландарлар ҳаётига оид маълумотларни учратамиз.

Машҳур суфий Шиҳобуддин Яхё Сухравардий (ваф. 1234 й.) ўзининг “Рисолаи қаландария” (Қаландарлик ҳақида рисола) деб номланган асарида қаландария тариқати амалиётига оид масалалар: кулоҳ кийиш, бел (камар) боғлаш, асо тутиш, кашкул тутиш, дарвеш пўстагини тўшаётганда ўқиладиган дуолар, тариқат ғусли нияти ва бошқа турли мавзулар батафсил тасвирлаган. Шу билан бирга пир ва мурид ўртасидаги муносабатлар тасвирланган ва зикр қилишнинг тавсиялари келтирилган.

Одатда қаландарлар марказлашган ташкилотлар тузмаган. Ўша вақтларда улар бошқалардан ажралиб турадиган ташқи кўриниш ва ахлоқ нормаларига эга эди. Қаландарлар дунёга берилмасликни ўзларига қонун қилиб олиб, ўткинчи дунё лаззатларига нафрат билан қараган, от ёлидан ишланган кийим кийган, бўйин, қулоқ ва билакларига турли хил тақинчоқлар тақиб, соч-соқолларини доимо қиртишлаб юрганлар.

Ўрта Осиёда қаландарларнинг фаолияти билан боғлиқ қаландархона ва хонақоҳлар мавжуд бўлган.

121. ҚАЛАНДАРЛИК – суфийлик-зоҳидлик ҳаракати. Қаландария тариқати XI аср бошларида маломатия ғоялари таъсирида Хуросон ва Ўрта Осиёда пайдо бўлди. Ўз тараққиёти давомида бир неча босқични босиб ўтди. Дастлаб, у аниқ

ташкилий тузилмага эга эмас эди. Лекин ўша давр манбаларида қаладарлик “уюшма” маъносини берувчи тоифа сифатида тилга олинади. Дастлаб оз тарафдорларга эга бўлган қаландария тезда машхур бўлиб, шарқда Фарғонагача, ғарбда Ироқ ва Суриягача тарқалди.

Манбаларда маломатия билан қаландариянинг ўхшашлиги эътироф қилинсада, аммо, маломатиядаги “маломат” тамойилига қаландарлар кўп ҳам эътибор бермаганлар. Шунингдек, жамиятда қабул қилинган нормаларга зид ҳатти-ҳаракатлари билан одатларни очикдан-очик инкор этиш каби ҳолатлар маломатиядаги ўз ички дунёсини яшириш ғоясига тескари эканини кўрсатади.

Қаландария билан маломатиянинг орасидаги фарқ шуки, маломатия тарафдорлари ўз турмуш тарзи ва қарашларини пинҳон тутишган, махсус кийим кийишмаган, жаҳрий зикрдан хафий зикрни афзал кўрган, мақсадсиз дарбадар юришдан қайтаришган. Қаландария тарафдорлари эса баъзан бошқаларнинг ғашини келтирувчи юриш-туришларини ҳар томонлама ошкор қилган ва шу орқали уларнинг қаршилигига учраган. Шунингдек, жамиятда яшаш ва юриш-туриш қоидаларига риоя қилмаслик учун турли баҳоналарини рўқач қилганлар. Маломатий ва қаландар ўртасидаги асосий фарқ шуки, маломатий суфийлик одатларига риоя қилади, қаландар эса аксинча, бу одатларни бузишга ҳаракат қилади, маломатий ҳар нарсадан фазилат ахтариб, ўзининг аҳволи ва қилган ишларини яширишни маъқул кўради. Қаландар эса ўзи билмаган нарсага интилмайди, ўз қалбини ўзи учун асосий хазина деб билади. Маломатийлар барча яхшилик йўлларини тутган ва ҳақиқий фазл шу йўлларда деб билишар, аммо барча амаллари махфий бўлиб, ўзларининг хатти-ҳаракатлари, кийиниш услуби ва бошқа ҳолатларда гўё авом халқ мақомида кўринар эдилар. Улар Аллоҳга етишиш, яқинлашиш умидида ҳаракат қилар эди. Улар Аллоҳ ҳузурини ихлосга эришиш учун нафсни айб ва иллатлардан муолажа қилишга асосий эътиборни қаратадилар, ўз ҳолатлари ва амалларини яшириш билан лаззатланадилар ва буни “ихлос” деб биладилар. Ўз ҳолат ва амаллари намоён

бўлиб қолиши, уларни худди осий ўз гуноҳи очилиб қолгандек нафратлантиради. Маломатий ихлосга эришувни, уни мустаҳкам ушлаб туришни улуғлайди.

Қаландарлар бирор-бир ҳолат билан чекланмайдиган, ўзининг охират захираси бўлган қалб хотиржамлигидан бошқа нарсага парво қилмаганлар.

XIII аср бошларида Жамоллиддин Муҳаммад Савий (ваф. 1232 й) туфайли бу ҳаракат муайян тизимли тариқатга айланди ва мўғуллар босқини таъсирида ғарбга кўчди. Шу туфайли қаландария тариқат сифатида 1219 йилдан Дамашқда ўз фаолиятини бошлади. Қаландарлар муайян жамоага бирлашиб, ўз муршиди (шайх, эшон ёки пир)нинг кўрсатмаларини бажариши шарт ҳисобланган. Ўз замонасида қаландарлик даврининг кенг тарқалган ҳаракатига айланган. Қаландарликнинг ўзига хос расм-таомиллари бўлган. Масалан, пирга қўл бериб, муридликни ўз зиммасига олган ҳар бир киши тўрт қоидага амал қилиши шарт бўлган: Сирпўш – ўзганинг сирини очмаслик; Хомуш – камгаплик; Заҳрнўш – ҳар қандай аччиқ гапни ютиш; Фаромуш – ҳар қандай вазиятда ҳам оғир бўлиш, ўч олишга уринмаслик.

Бу тўрт шарт қабул қилинганча унга кисват (кийим) берилган. Кисват дегани қуйидгилардан таркиб топган:

1. Шайдойи деган учи бурма дўппи; 2. Чилтор ўралган. Чилтор – устидан ўраладиган шокилали салла; 3. Кулоҳ – қаландарларга икки-уч йилдан кейин бериладиган, ичи намат, усти духоба, туя жунидан шокилали қилиб тўқиладиган бош кийим; 4. Камар – ич томони намат, усти духоба қайиш; 5. Жанда – бу беш олти йил юрт кезган қаландарларга бериладиган кийим.

Қаландарларнинг тариқатга доир ва маънавий юмушлари пир, эшон томонидан белгилаб берилган. Эшони муршиднинг хўжалик соҳасидаги ишларини қаландарлар орасидан “Ғолиб” деб аталадиган саркор бажарган.

Бу тариқатнинг баъзи аъзолари байроқ, дастурхон, чироқ ва кичик ноғорани қаландарлик тариқатининг асосий рамзлари деб ҳисоблашган. Байроқ – пири валий бўлиб, муридлар қиёмат куни байроқ орқали ўз пирларини топишлари мумкин

бўлган. Дастурхон – қаландарнинг ҳудди Иброҳим (а.с.)дек меҳмондўстлиги белгиси. Чироқ – қаландарлик ақл-идрок ва ғояларининг тиниқлиги рамзи. Кичик ноғора оҳанглари воситасида қаландарлар Аллоҳга бўлган муҳаббатини изҳор этишган. Шунингдек, қаландарлар бошқа тасаввуф тариқатлари вакиллари билан фарқли равишда қуйидаги ашёларни ўзлари билан доимо олиб юришган: кашкул – хайр-садақа йиғиладиган қовоқсимон идиш; матбағ – назр-ниёз, шамлар солиб юриш учун қовоқдан қилинган идиш; ридо – қўлтиқдан ўтказиб, бўйинга боғланадиган халта. Кўпинча худойи қилинган нонлар солинган.

Қаландария тариқати вакиллари билан ташқи кўринишлари аксар ҳолларда қуйидагича бўлган: бош, қош, юзни доимо қиртишлаб юриш; хирқа кийиш, бу кийим ўз ичига танани ёпиб турадиган оддий ёпинчиқ ва белни ўраб турадиган пахтадан қилинган белбоғни олган; бўйин ва қўлга ҳайдария деб аталадиган темирдан қилинган тақинчоқ тақиш, жамоатдан ўзини четда тутиш;

XIII аср бошларига келиб, қаландарлик инқирозга юз тутди.

Тарафдорларининг бир қисми қаландария тариқатига бирлашган, иккинчи қисми бошқа тасаввуфий тариқатларга қўшилиб кетган. Қаландарлик ўзининг илк даврида бошқа мусулмон тариқатлари таълимотларидан фарқ қилган. Бу босқичда узлатга чекиниш, хонақоҳларда бирга истиқомат қилишни рад этиш, ислом арконларига бефарқ муносабатда бўлиш, жума намозида иштирок этишдан бош тортиш, рўза тутмаслик, суфийлик амалиётидаги ҳафтанинг муайян кунларида тутиладиган рўзани инкор этиш, садақа ҳисобига яшаш, оз миқдордаги шахсий буюмлардан ташқари бошқа турдаги ҳар қандай мулкдан воз кечиш, дарбадарликдаги ҳаёт тарзи бу тариқатнинг асосий қоидалари ҳисобланган. Қаландария тариқатининг бир қисми аъзолари уйланмасликка аҳд қилганлар.

Қаландария тариқати ғарбда Суриядан Марокашгача, шарқда эса Ҳиндистонгача тарқалиб борган. Туркияда ушбу ҳаракат XIII асрнинг биринчи ярмида пайдо бўла бошлади ва у ерда XVIII асрнинг охириларигача давом этди. Истамбулда эса

Султон Муҳаммад (1451-1481) даврида уларга юксак эҳтиром кўрсатилган ҳамда қаландарларга махсус маскан, масжид ва мадраса қурилган.

Деҳлилик султон Шамсиддин Илтутмиш (1211-1236) даврида улар ўзларининг махсус даргоҳларини барпо этганлар. ҳиндистонда қаландария таълимотини Савий шогирди Хизр Румий тарғиб қилди. Бу тармоқ кейинчалик қаландария ҳаракатининг мустақил тармоғига асос бўлди ва 12 пирдан иборат XIX асргача етиб борган шажарага эга эди. У суҳравардийлар ва чиштиийлар ҳаракати билан доимий қарама-қаршилиқда турар ва деҳлилик султонлар даврида, яъни XIII-XV асрларда катта таъсирга эга бўлди, кейинчалик эса ўз таъсирини йўқотди. Аврангзеб (1658-1707) даврида қаландария бошқа тариқатларга сингиб кетди.

Ушбу тариқат аъзолари Макка ва Мадинага борадиган карвонларни қўриқловчи махсус тузилма шаклида ҳам фаолият олиб борган. Улар бошқа тариқат вакилларида фарқли равишда харбийлик санъатини ҳам яхши билган. Қаландарлар Ҳиндистон, Ироқ ва Ўрта Осиёда дарвешлар деб ҳам аталган. Юртимизда ҳам “қаландар” атамаси “дарвеш” сўзига маънодошдир. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг 40-фаслини “Дарвешлар зикрида” деб номлаган. Унда дарвешларга хос художўйлик, камтарлик, саховатлилик каби хусусиятларни санаб ўтган.

Қаландарлар аввал суфийларнинг бир жамоати бўлиб, кейинчалик ислом нормаларига зид хатти-ҳаракатлари билан зиддиятлар келтириб чиқариб, турли хил фирқаларга бўлиниб кетган. Уларнинг жавлақия, ҳайдария, юнусия, рифоия, ҳаририя, ва бошқа фирқалари мавжуд бўлган.

Қаландария тариқати таъсирининг баъзи элементлари ҳозирги кунда ҳам Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг баъзи ҳудудларидаги тариқатлар амалиётида, халқ урф-одатларида намоён бўлади.

122. ҚАЛБ, юрак, дил – илоҳиёт ва тасаввуф тушунчаси. Қалб инсоннинг диний ҳақиқатларни англаб оладиган, имон ва тақводорлик хислатлари жо бўлган аъзоси сифатида тавсифланади. Қуръонга кўра, Аллоҳ гуноҳкор, имонсиз, золим

кимсаларнинг қалбини муҳраб қўяди (10:74/75; 7:101), уларни ўз марҳаматидан, ҳақиқатни билишдан маҳрум этиб, дўзах азобига маҳкум қилади. Ат-Тустарий, Балхий, ан-Нурий, ат-Термизий, ал-Ғаззолий каби алломаларнинг фикрича, қалб инсон ичидаги илоҳий сир бўлиб, шу туфайли инсон ҳатто фаришталардан ҳам юқори туради; қалб Аллоҳ билан инсон муомала қилиб турадиган жойдир; қалб нарсаларнинг туб моҳиятини кўра олади; художўйлар қалби биллур сингари тиниқ, гуноҳкорлар қалби эса, аксинча, занг босган (83:14) ва у ҳақиқатдан йироқдир. Қалб инсон хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи кўзгу бўлиб, савоб амаллар уни нурга тўлдиради, ёмон амаллар эса, аксинча, хиралаштиради. Суфий ўз қалбини “юмшатиб”, илоҳий билимларни ўзлаштириш учун ўзини тайёрлаб бориши, дунёвий истаклардан воз кечиши зарур дейилади. Тасаввуфда қалб тушунчаси зикр билан чамбарчас боғлиқ. Зикрда тил билан бирга инсоннинг барча аъзолари қатнашади, қалб эса, улар ичида энг муҳими саналиб, зикр туфайли Аллоҳ суфийнинг қалбидан жой олиб, бажарадиган барча амалларининг бирдан-бир сабаби ва ҳаракатлантирувчи кучига айлана боради, дея талқин қилинади.

123. ҚОДИРИЙЛАР, қодирия – суфийлик тариқати. XII асрда Ироқда ‘Абдулқодир ал-Гилоний (1077-1166) асос солган. Қодириянинг марказий қароргоҳи Бағдодда жойлашган. Унга ал-Гилоний қабри устига қурилган мадраса, рабат ва масжид ҳам кириб, Бағдоднинг асосий қадамжоларидан бири ҳисобланади. Қодирийлар қарашлари жиҳатдан суннийлик оқимига мансуб, улар алоҳида гуруҳлардан ташкил топган. Қодирийлар тасаввурига кўра, тариқат асосчисининг тариқатга аъзолиги давом этаверади, у тариқат тарафдорларини воситачи орқали бошқаради. Қодирийларнинг бир гуруҳи ‘Абдулқодир ал-Гилоний шахсини илоҳийлаштириб юборишган. Ҳозирги вақтда Шарқий ва Шимолий Африкада, Судан, Ироқ ва Покистонда қодириянинг мавқеи анча кучли (Ироқ ва Покистондаги қодирийлар гуруҳи Бағдоддаги масканни тариқатнинг маркази деб эътироф этади). Қодирийларнинг ташкилий асоси мустақил манзил (хонақоҳ, рабат, зовия) ҳисобланади, уни бошқариш анъана бўйича

наслдан наслга ўтади. Қодирийларнинг ижтимоий таркиби ҳар хил бўлган. Улар жамоа бўлиб (самоъ, хадра), овоз чиқармасдан алоҳида (зикри хафий) ҳолда ҳамда баланд овозда умумий (зикри жалий) зикр тушишган. Тариқат аъзолари бошларига кигиз телпакча кийиб юрган. Телпакчада қодирийларнинг тимсоли – уч қатор гулбаргли яшил гул бор. ‘Абдулқодир ал-Гилоний шарафига ҳар йили бўладиган тантаналар уларнинг асосий байрамидир.

124. ҚОШОНИЙ (ёки ал-Қоший), Камолиддин ‘Абдурраззоқ ибн Аҳмад (ваф. 1329 й.) – йирик мутасаввиф ва шарҳловчи. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар оз. Қошонда туғилиб ўсган. Нуриддин ‘Абдуссамаднинг шогирди, Ибн ал-‘Арабий ва унинг ваҳдату-л-вужуд таълимотининг ашаддий мухлиси бўлган. Мана шу асосда у Ибн ал-‘Арабийнинг танқидчиси ва ваҳдату-ш-шуҳуд таълимоти асосчиси бўлмиш Алоуддавла Симноний (ваф. 1336 й.) билан ёзма мунозарага киришган ва унда, Жомийнинг сўзларига қараганда, ғолиб чиққан. Ибн ал-‘Арабий, ал-Ансорий, Ибн ал-Форизнинг тасаввуфга оид асарларига шарҳ ёзган. Қошонийнинг мустақил асарлари жумласига Қуръонга ёзилган камида икки шарҳ, “Латоиф ал-аълум”, “Рисола фи-л-қазо ва-л-қадар”, суфийликка доир терминларнинг машҳур луғати “Истилоҳот ас-суфийя” ва бошқа асарларини киритиш мумкин. Ибн ал-‘Арабийнинг кўплаб ғоялари Қошонийнинг моҳирона шарҳлари туфайли кейинги авлод суфийларига етиб келиб, кенг тарқалган.

125. ҚУДДИСА СИРРУҲУ (араб. – “Руҳи муқаддас бўлсин”) – бу арабий ибора тасаввуф аҳлидан бирор шайх ёки пир-муршиднинг номи зикр этилганда дуо сифатида айтилади. Баъзан “Қаддасаллоҳу руҳаҳу” тарзида ҳам келади. Бунда мазмуни “Ул зотнинг руҳини Аллоҳ муқаддас қилсин”, бўлади.

126. ҒАЗЗОЛИЙ, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058-1111) – йирик илоҳиётчи олим, файласуф. Тус шаҳрида (Хуросон) туғилган. Нишопур шаҳрида ашъарий уламо Жувайний қўлида таҳсил кўрди. Бағдодда Салжуқийлар вазири Низому-л-мулк ҳузурида хизмат қилди ва Низомия мадрасасида фақиҳ-мударрис сифатида фаолият кўрсатди.

Исмоилийлар Низому-л-мулкни ўлдирганидан сўнг ал-Ғаззолий ҳаж баҳонасида Бағдодни тарк этиб, Дамашқда 11 йил яшади. Кейинчалик Низомулмулк ўғли Фахру-л-мулк таклифи билан яна Низомия мадрасасида мударрислик қилди. Асосий асарлари “Мақосиду-л-фалосифа” (“Файласуфларнинг мақсадлари”) “Таҳофуту-л-фалосифа” (“Файласуфларни рад этиш”), “Кимёи саодат” (“Саодат кимёси”), “Ихё улуми-д-дин» (“Дин илмларини тирилтириш”) ва бошқаларда ал-Ғаззолий ислом илоҳиёти тизимини ишлаб чиққан, уни фалсафий жиҳатдан асослашга уринган. Анъанавий суннийлик ақидаларини суфийлик идеаллари билан бирга қўшиб талқин этган. Инсон ирода эркинлиги ва илоҳий тақдир масалаларини кўриб чиқиб, “касб” (“ўзлаштириш”) ғоясини олдинга сурган. Ал-Ғаззолийга кўра, инсон Аллоҳ буюрган яхши ёки ёмон амаллар орасидан ўзига мақбулини танлаб олишда ихтиёрийдир ва шу боис, мазкур хатти-ҳаракатлари олдиндан белгилаб қўйилишига (тақдир) қарамай, улар учун айнан инсоннинг ўзи масъулдир. Ал-Ғаззолий бир неча асарларида мусулмон файласуфлари, Аристотелнинг Шарқдаги издошлари (Форобий, Ибн Сино) билан оламнинг яратилганлиги, коинот абадийлиги, руҳнинг ўлмаслиги муаммолари, сабабият назарияси ва ҳ.к. бўйича баҳс юритган. Ислом тафаккури ва ўрта аср Европа фалсафасига катта таъсир кўрсатган. Замондошлари томонидан “Хужжату-л-ислом” (“Ислом далили”) деб улуғланган.

127. ҒИЖДУВОНИЙ ‘Абдулхолиқ, Хожа ‘Абдулхолиқ ибн ‘Абдулжамил Ғиждувоний (1103-1179) – хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиси; бухоролик етти пирнинг биринчиси. Хожаи жаҳон номи билан ҳам машҳур. Ғиждувонда (Бухоро яқини) имом оиласида туғилиб, исломий тасаввур ва урф-одатлар муҳитида тарбия топди. Йигирма икки ёшида Бухорога келди ва Юсуф Ҳамадонийнинг муриди бўлди. Ғиждувоний дунёқарашининг шаклланишида маломатийлар таълимоти ва қаландарлик ҳаракати таъсир кўрсатди. У зоҳидликда яшашни, шариат кўрсатмалари, Пайғамбар суннатларига қатъий амал қилишни тарғиб этди. У бутун ҳаёти давомида ибодату риёзат билан машғул бўлди. Юсуф Ҳамадонийнинг суфийлик

таълимоти хуфия зикр (сўзсиз, қалбан) билан бойитди ҳамда хожагонлик тариқатининг саккизта рашҳасини (қонун-қоида) ишлаб чиқди. Бу рашҳалар ҳар нафасни зое кетказмаслик, ҳар қадамни тўғри босиш, азизларнинг хизматида бўлиш, ҳар бир ишда Худони ёддан чиқармаслик ва тилдан қўймаслик, ниятда мустаҳкам бўлиш кабилардир. Ғиждувоний таълимоти нақшбандийлик тариқатига асос бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд Ғиждувонийнинг ахлоқий талабларига яна 3 талаб қўшган. Ғиждувонийнинг “Васиятнома” рисоласи Тошкентда 1993 й. чоп этилди. Бугун унинг Ғиждувон шаҳридаги қабри табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади. Бизгача “Рисолайи одоби тариқат”, “Рисолайи соҳибия”, “Васиятнома” ва бошқа асарлари етиб келган. 2003 йилда Ғиждувонийнинг 900 йиллик юбилеи нишонланди. Ғиждувоний ёдгорлик мажмуи қайта таъмирланди.

128. ҲАЛЛОЖ Ҳусайн ибн ал-Мансур (858-922) – тасаввуфдаги “сукр” – “мастлик” оқимнинг йирик вакили. Ғоявий жиҳатдан қарматларга яқинликда айбланган. Тур, Байда, Басра, Бағдод шаҳарларида билим олган. Мусулмонларнинг айрим одатларига ва шариатнинг баъзи қоидаларига зид фикрлар айтган. “Ана-л-Ҳақ”, – “Ҳақ менман”, менинг ўзлим – Худонинг ўзлигидир”, деган фикри учун худоликни даъво қилишда айбланган. Унинг бу қарашлари ваҳдату-л-вужуд таълимотига йўл очган. Ҳалложнинг ғоялари бутун ислом ўлкаларида тарқалиб кетган. Шариат пешволари Ҳалложни бидъатчиликда ва шаккокликда айблаб, 922 йил қатл этишга ҳукм чиқарганлар.

129. ҲАМАДОНИЙ ЮСУФ (1048, Ҳамадоннинг Бузанжирд қишлоғи – ваф. 1141 й., Афғонистоннинг Бомиён шаҳри) – тасаввуфнинг йирик намојндаси, машҳур олим. Бағдодда Абу Исҳоқ Шерозийдан таҳсил олган. Исфаҳон, Самарқанд ва Бухорода ўз билимини оширган. Тасаввуфни Абу ‘Али Фармадий, ‘Абдуллоҳ Жувайний ва Ҳасан Симноийдан ўрганган. Замонасининг етук алломалари ‘Абдулқодир ал-Гилоний, Имом ал-Ғаззолий, шайх Ҳамидуддин Мўлтоний билан мулоқотда бўлгани, ўттиз марта ҳаж зиёратига боргани ҳақида деган ривоятлар бор. Ҳамадоний Бухорода узоқ муддат яшаб, Аҳмад Яссавий ва ‘Абдулхолиқ Ғиждувонийни тарбиялаб, вояга

етказган. У кейинчалик хожাগон-нақшбандия тариқатининг бош шиорларига айланган “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” қоидаларини ишлаб чиққан. Халифаларидан 4 нафари: Хожа ‘Абдуллоҳ Барқий (Баррақий) Хоразмий, Хожа Ҳасан Андоқий Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа ‘Абдулхолиқ Гиждувоний устозидан сўнг муридларнинг тарбияси билан шуғулланганлар. Ҳамадоний “Рутбат ул-ҳаёт”, “Кашф”, “Рисола дар одоби тариқат”, “Рисола фи анна-л-кавна мусаххарун ли-л-инсон”, “Рисола дар ахлоқ ва муножот” каби асарларни ёзган. “Ҳаёт мезони” рисоласи ўзбек тилида ҳам нашр қилинган (Тошкент, 2003). Ҳиротдан Марвга қайтаётганда Бомийён шаҳрида вафот этган. Кейинчалик хоки муридлари томонидан Марв шаҳрига кўчирилиб, қайта дафн этилган. Ҳамадоний ҳақида ‘Абдулхолиқ Гиждувоний, Фаридуддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ўз асарларида муҳим маълумотлар келтиришган.

130. ҲОЛ (кўплиги аҳвол; ёхуд ҳолат, кўплиги ҳолат) – буюм, инсон ва ҳолати. Қуръонда ушбу маънода қўлланилмаган. Суфийлик “психология”сида ҳол – Аллоҳга интилиш “йўлида” суфий, унинг иродасидан ташқари ва мукамалликка эришганлик даражасидан қатъи назар тушадиган ҳолати.

131. ҲУЖВИРИЙ, Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн ‘Усмон ал-Ғазнавий ал-Жуллабий (ваф. 1072-1076/77 й.лар оралиғи) – форс тилида суфийликка доир биринчи асар муаллифи. Унда суфийлик тарихи ва моҳияти, суфийлар дунёқараши ва амалиёти систематик тарзда баён этилган. Ҳужвирда (Ғазнадаги маҳалла) тақводор оилада туғилган. Ҳанафий мазҳабига эътиқод қилувчи Ҳужвирий ал-Жунайд (ваф. 910 й.) суфийлик мактаби издоши бўлган. Ҳаётининг кўп қисмини сафарда ўтказиб, Фарғонадан Ҳузистонгача, Ҳиндистондан Суриягача бўлган мамлакатларни кезган. Ҳаётининг сўнгги дамлари Лохурда кечган, бу ерда у бизгача етиб келган ягона (ўнтадан) асари – “Кашф ал-махжуб ли-аброри-л-қулуб”ни ёзган. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи – кириш қисми ўн тўрт бобдан ташкил топиб, унда суфийликдаги ихтиёрий қашшоқлик ва руҳий поклик масалалари таҳлил этилган, етмиш тўрт суфий-шайхлар таржимаи ҳоли

келтирилган, икки асосий оқим (ғарбий ва шарқий) борлиги қайд этилган, шунингдек, суфийликдаги ўн икки тариқат таълимотлари таҳлил қилиниб, шундан ўнтаси маъқул топилиб, иккитаси эса, рад этилган. Иккинчи қисм, асосан, жавоблардан иборат бўлиб, “Кашф ал-ҳижоб” деб номланган ўн бир қисмдан иборат. Унда фалсафий қоидалар, суфийликдаги таълимотлар ва амалиёт, уларни шариат меъёрларига мос келиши, суфийлар орасида қабул қилинган атамалар ва бошқа масалалар кўрилган. Асар кейинги даврда суфийликка доир форс тилида ёзилган адабиётларга улкан таъсир кўрсатган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

Жорий баҳолаш саволлари (ёзма иш)

1. “Тасаввуф” истилоҳининг пайдо бўлиши.
2. Мовароуннаҳрдаги илк зоҳидлик ҳаракатлари.
3. Тасаввуфнинг назарий асослари яралиши.
4. Футувват – юксак ахлоқ меъёри.
5. Тасаввуф ва бадий ижод уйғунлиги.
6. Тариқатлар ривожда хонақоҳларнинг аҳамияти.
7. Маломатия ҳаракатининг Мовароуннаҳр ижтимоий тафаккури ривожда тутган ўрни.
8. Тасаввуфда “фано” ва “бақо” тушунчалари.
9. Комил инсон ғоясининг тасаввуфда пайдо бўлиши.
10. Мовароуннаҳр суфийларининг жаҳон тасаввуфи тараққиётига қўшган ҳиссаси.
11. “Дил ба-ёр, даст ба-кор” шиорининг амалий аҳамияти.
12. Глобаллашув шароитида тариқатлар фаолияти.
13. Тариқатлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.
14. Имом ал-Ғаззолий ва унинг фалсафий фанларга оид қарашлари таҳлили.
15. Нақшбандиядаги 11 рашҳа.
16. Жалолиддин Румий асарларида масал ва тимсоллар.
17. “Ваҳдат ал-вужуд” ва “Ваҳдат аш-шухуд” таълимоти муқоясаси.
18. Тасаввуф илмининг китобат қилиниши.
19. Мовароуннаҳр ва Хуросонда IX-X асрларда тасаввуфий муҳит.
20. Илк зоҳидлик ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари.

Жорий баҳолаш саволлари (оғзаки)

1. Тасаввуфдаги саҳв концепциясининг мазмуни.
2. Тасаввуфдаги суқр концепциясининг мазмуни.

3. “Ана-л-Ҳақ”нинг шарҳлари.
4. “Муҳосабат ан-нафс” ғоясининг моҳияти.
5. Тасаввуф психологияси тушунчаси.
6. Маломатиянинг асосий ғояси ва тарқалиш географияси.
7. Маъруф Кархийнинг тасаввуфда тутган ўрни.
8. Яссавий яшаган даври ва муҳити.
9. Шайх-мурид муносабатлари.
10. Мовароуннаҳр амалий санъат турлари ривожига тасаввуфий таъсири.
11. Яссавияда тарки дунёчилик ғояси сабаблари.
12. Тасаввуфий табақот асарлари китобат тарихи.
13. Нақшбандияда нафс тарбияси, фақр тушунчаси ва қаноатга муносабат.
14. Абдурахмон Жомий ва нақшбандия тариқати.
15. Нақшбандияда комил инсон маънавияти.
16. Нақшбандия ва илм-ҳунар аҳли.
17. Илоҳий ишқнинг мазмуни.
18. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг валийлик ҳақидаги таълимоти.
19. Футувватдаги “ийсор” ғояси моҳияти.
20. Тариқатлар шаклланишига таъсир этган омиллар.
21. Тасаввуфий қадриятларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.
22. Глобаллашув шароитида нақшбандия тариқати.

Якуний назорат саволлари (ёзма иш)

1. Тасаввуф пайдо бўлишининг тарихий шарт-шароитлари.
2. Бағдод тасаввуфий анъаналарининг Мовароуннаҳрга кириб келиш тарихи.
3. Илк тасаввуфий ҳаракатларнинг шаклланиш босқичлари.
4. Ирфон ва фалсафа.
5. Имом ал-Ғаззолийнинг тасаввуф тарихида тутган ўрни.
6. Комил инсонга хос ишқнинг тасвири.
7. Румийнинг “Ичиндаги ичингдадир” асари таҳлили.
8. “Маснавий Маънавий” асари таҳлили.

9. Тасаввуфда инсоннинг ўзини англаши.
10. “Комил инсон” ғояси.
11. Хожাগон шайхларининг маънавий тарбия услублари.
12. Тасаввуфий қадриятларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.
13. Тасаввуф – бадий ижод – санъат уйғунлиги.
14. Табақот жанрига оид асарлар туркуми.
15. Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашлари.
16. Тасаввуфий тафсирлар.
17. Тариқатлар пайдо бўлишининг асосий босқичлари.
18. Мовароуннаҳр тариқатлари.
19. “Ваҳдат ал-вужуд” таълимотининг пайдо бўлиши.
20. “Ваҳдат ал-вужуд” таълимоти ва нақшбандия.
21. Глобаллашув шароитида замонавий суфий тариқатлар.
22. Футувват ахлоқининг миллий маданиятдаги ўрни.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

(1-ярим йиллик)

1. Мистицизм, мистика сўзларининг қадимий юнон тилидаги маъноси:

- А. хавфли, хатарли
- Б. яширин, сирли
- С. фалсафий
- Д. маънавий-маърифий

2. “Муроқаб” сўзининг маъноси:

- А. шайхга итоат
- Б. таркидунёчилик
- С. рақобат
- Д. ўз-ўзини назорат қилиш

3. Имом Моликнинг талабаси ва тасаввуф ҳақида илк баҳс юритган зот қуйидагилардан қайси биридир?

- А. Иброҳим Адҳам
- Б. Боязид ал-Бистомий
- С. Зуннун ал-Мисрий
- Д. Суфён ас-Саврий

4. Қуйидагилардан қайси бири дастлабки суфийларга кирмайди?

- А. Юсуф ал-Ҳамадоний
- Б. Жунайд ал-Бағдодий
- С. Маъруф ал-Кархий
- Д. Шақиқ ал-Балхий

5. Қуйидагилардан қайси бири Жалолиддин Румийнинг асари ҳисобланади?

- А. Фийҳи ма фиҳи
- Б. Маснавий
- С. Девон-и Шамс Табризий
- Д. Барчаси

6. “Ана-л-Ҳақ” деганда нима назарда тутилган?

- А. Ҳақ менман
- Б. Ҳақ менда
- С. Ҳақда фоний бўлдим
- Д. Ҳақ У дир

7. Қуйидагилардан қайси бири ал-Ғиждувоний томонидан белгилаб берилган тамойиллардан эмас?

- А. нигоҳ дошт
- Б. боз гашт
- С. хуш дар дам
- Д. тўғри жавоб йўқ

8. Нақшбандия тариқатининг таянчи нимадан иборат?

- А. суҳбат
- Б. узлат
- С. итоат
- Д. ёд кард

9. Қуйидагилардан қайси бири нақшбандия тариқати йўналишларидан ҳисобланмайди?

- А. Аҳрория
- Б. Мазҳария
- С. Қодирия
- Д. Муҷаддидия

10. Тасаввуф сўзининг келиб чиқиши ҳақидаги айтилган фикрлардан аксар қабул қилингани:

- А. софлик
- Б. аҳли суффа
- С. sophia – ҳикмат
- Д. суф – жун чопон

11. Суфийликнинг илк намояндалари деб ҳисобланувчи саҳобалар:

- А. Абу Ҳурайра, Умар ибн Хаттоб
- Б. Абу Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа
- С. Абу Бакр Сиддиқ, Али ибн Аби Толиб
- Д. Абдуллоҳ ибн Умм Мактум, Абдуллоҳ ибн Умар

12. Исломда илк тасаввуф намояндалари қандай аталганлар?

- А. суфий, мутасаввиф
- Б. обид, зоҳид
- С. шайх, муршид
- Д. мурид, асҳоб

14. Тасаввуфнинг исломий манбаси ҳисобланган “зуҳд” сўзининг маъноси

- А. гуноҳдан қайтиш, воз кечиш
- Б. таваккул қилиш
- С. воз кечиш, назарга илмай тарк этиш
- Д. Нафсни жиловлаш; эътибор бермаслик

15. Мурид –?

- А. сайри сулукини давом эттираётганлар
- Б. сайру сулукини тамомлаб, Аллоҳга восил бўлганлар
- С. йўлнинг ярмисига келган
- Д. истаги қабул этилиб, тариқатга олинган

16. Мансур ал-Ҳаллож ҳақида комплекс тадқиқот олиб борган ғарб олими?

- А. А.Кньш
- Б. Б.Г.Мартин
- С. Л.Массиньон
- Д. Л.Левинсон

17. Мубтадий –

- А. сайру сулукини янги бошлаган
- Б. йўлнинг ярмисига келган
- С. сайру сулуки адо бўлиб, вуслатга эришган
- Д. сайру сулукини давом эттираётган

18. “Китаб ал-лумаъ” асари муаллифи?

- А. ал-Хужвирий
- Б. ал-Қушайрий
- С. ас-Саррож
- Д. Бишр ал-Ҳофий

19. “Хотам ал-авлиё” мавзусини илк бор ким ўртага қўйган?

- А. ал-Ҳаким ат-Термизий
- Б. Шавконий
- С. ал-Қушайрий
- Д. ал-Хужвирий

20. Ал-Мухосибийнинг “қиёмат даҳшатлари”ни ёритган асари?

- А. “Китаб ар-риоя ли ҳуқуқиллаҳ”
- Б. “Табақот ас-суфийя”
- С. “Китаб ат-таваҳҳум ва-л-аҳвал”
- Д. “Китаб ал-лумаъ фи-т-тасаввуф”

21. Ал-Бистомийга берилган лақаб?

- А. “Султон ал-суфий”
- Б. “Султон ал-имом”
- С. “Султон ал-орифийн”
- Д. “Султон ал-фақиҳийн”

22. “Тасаввуф” калимаси билан тасаввуфни англаган илк суфий?

- А. Зуннун ал-Мисрий
- Б. Сари ас-Сақатий

С. Маъруф ал-Кархий
Д. Хорис ал-Муҳосибий

23. Тасаввуфга “саҳв” тушунчасини олиб кирган мутасаввиф:

А. Хорис ал-Муҳосибий
Б. Жунайд ал-Бағдодий
С. Бишр ал-Ҳофий
Д. Абдуллоҳ ат-Тустарий

24. “Ийсор”нинг маъноси нима?

А. нафсини тарбиялаш
Б бировни ўзидан паст тутиш
С. бировни ўзидан юқори тутиш
Д. жавонмардлик

25. Тасаввуфда “айёр” лақаби кимларга нисбатан қўлланилган?

А. зеҳни ўткир одамларга
Б. билимдон кишиларга
С. каззоб кимсаларга
Д. а ва б жавоб тўғри

26. Аҳмад ибн Ҳанбал томонидан бидъатчи деб эълон қилиниб, Бағдоддан чиқиб кетган тасаввуф намоёнчасини кўрсатинг.

А. Хорис ал-Муҳосибий
Б. Бишр ал-Ҳофий
С. Боязид ал-Бистомий
Д. ал-Колободий

27. Сари ас-Сақатий ўз таълимотида 5 нарсага урғу беради, улар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. сабр, ҳумул, таваккул, ихлос, риёдан қочиш
Б. сабр, шукр, таваккул, ихлос, риёдан қочиш
С. риёдан қочиш, ўзини маломат қилиш, ихлос, ҳумул
Д. ўзини тергаш, сабр, ҳумул, таваккул, ихлос

28. Жунайд ал-Бағдодийга қандай мақомлар берилган?

А. Шайх ал-машойих
Б. Товус ал-фуқаро
С. Саййид ал-фуқаро
Д. барча жавоблар тўғри

29. “Мураққаъа”нинг истилоҳдаги мазмуни қандай?

А. ямоқ, куроқ, ямоқли
Б. суфийларнинг парчалардан тикилган кийими
С. Мансур ал-Ҳалложнинг кийими шундай номланган
Д. барча жавоблар тўғри

- 30. “Шукуфтийя”нинг маъноси нима?**
 А. харобазор аҳли
 Б. кулба аҳли
 С. аскарлар жойи
 Д. ғор аҳли
- 31. Абу Абдурахмон ас-Суламийнинг асарини кўрсатинг.**
 А. “Тарих ас-суфийя”
 Б. “Табақот ас-суфийя”
 С. барча жавоблар тўғри
 Д. “Ҳақойиқ ат-тафсир”
- 32. Ас-Суламийнинг асарлар 3 категорияга ажратилади. 1-суфий табақот асарлари, 2-Куръон тафсирлари, 3-.....?**
 А. тасаввуф тариқатлари
 Б. тасаввуф одоб-ахлоқиға оид рисолалар
 С. ҳадислар
 Д. суфийларнинг ҳаёти ва ижоди
- 33. “Кашф ал-махжуб” қайси тилда ёзилган?**
 А. туркий тилда
 Б. форс тилида
 С. араб тилида
 Д. ўзбек тилида
- 34. “Кашф ал-махжуб” тузилиши жиҳатдан қайси асрга ўхшайди?**
 А. “ар-Рисола ал-Қушайрийя”
 Б. “Китаб ал-лумаъ”
 С. “Табақот ас-суфийя”
 Д. “Тарих ас-суфийя”
- 35. Маломатия тариқати яна қандай ном билан аталади?**
 А. Қассория
 Б. Тайфурия
 С. Муҳосибия
 Д. Жунайдия
- 36. Футувват ҳозирги Туркия минтақасида қандай ном билан юритилган?**
 А. жавонмардлик
 Б. фатийлик
 С. зоҳидлик
 Д. ахийлик
- 37. Сабр тимсолига айланган пайгамбар қайси жавобда кўрсатилган?**
 А. Идрис (ас)
 Б. Айюб (ас)

С. Иброҳим (ас)

Д. Исо (ас)

38. “Риоя ли ҳуқуқиллаҳ” ва “Китаб ал-васоя” асарлари билан суфийларга кучли таъсир кўрсатган мутасаввиф:

А. Абу Ҳошим ас-Суфий

Б. Фузайл ибн Йёз

С. Хорис ал-Муҳосибий

Д. ал-Қушайрий

39. “Сайид ат-тоифа” ва “Тож ал-орифин” унвонларига сазовор бўлган мутасаввиф:

А. Жунайд ал-Бағдодий

Б. Мансур ал-Ҳаллож

С. Боязид ал-Бистомий

Д. Абдуллоҳ ат-Тустарий

40. Қайси ҳаракат асосчилари ўз таълимотини ёйишда биринчилардан бўлиб, хонақоҳлар ташкил этган?

А. Маломатийлар

Б. Мавлавийлар

С. Карромийлар

Д. Қаландарийлар

41. “Хилват дар анжуман” –

А. солиқнинг ёмон ахлоқдан яхши хулққа, башарий сифатдан илоҳий сифатларга йўналиши

Б. зохиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш

С. қалбдаги фикр ва хотираларни мувожаба қилиш

Д. солиқнинг ҳар лаҳза ўз ҳолидан хабардор бўлиши

42. Нишопурда IX асрларда юзага келган, охир-оқибат қаландарликка сингиб кетган ҳаракат –

А. Мавлавия

Б. Карромия

С. Маломатия

Д. Қодирия

43. Маломатия ҳаракатининг махсус либоси:

А. дағал пўстак

Б. ҳарир, яъни майин либос

С. махсус кийим киймаганлар

Д. або ва кулоҳ

44. Карромийлар ҳаракатидаги асосий 5-та принциплар:

А. ихтиёрий оч юриш, кўп Қуръон тиловат қилиш, тунги бедорлик, кундузлари оч юриш, аброрлар билан ҳамсуҳбат бўлиш

Б. доимий оч юриш, кўп Қуръон тиловат қилиш, кундузги бедорлик, кундузлари оч юриш, аброрлар билан ҳамсуҳбат бўлиш

С. муридлар суҳбатида бўлиш, кўп Қуръон тиловат қилиш, тунги бедорлик, кундузлари оч юриш, аброрлар билан ҳамсуҳбат бўлиш

Д. ёлғизликда Аллоҳ зикри билан машғул бўлиш, кўп Қуръон тиловат қилиш, тунги бедорлик, кундузлари оч юриш, аброрлар билан ҳамсуҳбат бўлиш

45. Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс мин ал-ҳазарот ал-қудс» номли асарида нечта шайху-суфийнинг номи зикр этилган?

А. 664

Б. 764

С. 608

Д. 965

46. Тасаввуфга оид назарий китоблардан бири “ар-Рисола фи-т-тасаввуф” асарининг муаллифи ким?

А. ал-Хужвирий

Б. Фаридуддин Аттор

С. Абу Наср ас-Саррож

Д. ал-Қушайрий

47. Тариқат мақомларидан бўлган “ражо” қандай маънони англатади?

А. қалбнинг ишончдан, иймон амнидан чиқиши, иккиланиш, таҳлика

Б. қалбдан қабоҳат-кирларнинг кетиши, қазову қадар ҳукмига бўйсунуш, нафс розилигидан чиқиб, Ҳақ розилигига кириш

С. умидворлик. Қалбнинг келажақда Маҳбуб васлига етишидан умидворлиги, хавфдан қутилиш умиди

Д. барча яхши-ёмон ҳодисалар, ишларни Худодан деб билиш, тўлиқлигича Парвардигорга суяниш

48. Абдурахмон ас-Сулабийнинг “Табақот ас-суфийя” асари қандай тасаввуфий жанрни ўзида қамраб олган?

А. тасаввуф илмини изоҳлаган асар

Б. суфийлар биографияси

С. шеърӣ-тасаввуфий асар

Д. суфий-фалсафий асар

49. “Наводир ал-усул”, “Масоил аҳли Сарахс” кимнинг қаламига мансуб асарлар ҳисобланади?

А. Аҳмад Яссавий

Б. Жалолиддин ар-Румий

- С. ал-Ҳаким ат-Термизий
- Д. Қафғол аш-Шоший

50. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби шоирлар мансуб тариқатни аниқланг.

- А. Нақшбандия
- Б. Яссавия
- С. Кубравия
- Д. Қодирия

51. Туркистонда Аҳмад Яссавий қабри устига ким томонидан мақбара қурилган?

- А. Алишер Навоий
- Б. Заҳириддин Муҳаммад Бобур
- С. Амир Темур
- Д. Султон Ҳусайн Бойқаро

52. “Тайфурия” тасаввуфий йўналиши кимнинг номи билан боғлиқ?

- А. Мансур ал-Ҳаллож
- Б. Яхё ас-Сухравардий
- С. Жунайд ал-Бағдодий
- Д. Боязид ал-Бистомий

53. Сўфи Оллоёрнинг асарлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. “Маслак ал-муттақин”, “Мурод ал-орифин”, “Махзан ал-мутеъин”, “Сабот ал-ожизин”
- Б. “Тазкират ал-авлиё”, “Махзан ал-мутеъин”, “Фавз ан-нажот”
- С. “Сабот ал-ожизин”, “Лубоб ал-албоб”, “Маслак ал-муттақин”
- Д. “Мурод ал-орифин” “Ал-мунқиз мин аз-золал”, “Махзан ал-мутеъин”, “Сабот ал-ожизин”

54. Яссавийликдаги зикр турини аниқланг.

- А. жаҳрий зикр
- Б. хафий зикр
- С. жаҳрий-хафий зикр
- Д. зикри само

55. Жалолиддин Румий номи билан боғлиқ тариқатни белгиланг.

- А. Тайфурия
- Б. Мавлавия
- С. Хулулия
- Д. Фирдавсия

56. Нақшбандия тариқатидаги зикр турини аниқланг.

- А. жаҳрий зикр
- Б. зикри миншор
- С. хафий зикр
- Д. тўғри жавоб йўқ

57. Қуйидагилардан бирор шайх номи билан боғлиқ бўлмаган алоҳида йўналишлар тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.

- А. Қодирия, яссавия, кубравия, нақшбандия
- Б. Қаландария, маломатия, халватия
- С. Жунайдия, суҳравардия, сафария, қодирия
- Д. Фирдавсия, нурия, қушайрия, халватия

58. Яссавия ва нақшбандия илдизлари кимга бориб тақалади.

- А. Хожа Муҳаммад Бобо Самосийга
- Б. Саййид Амир Қулолга
- С. Хожа Юсуф ал-Ҳамадонийга
- Д. Имом Раббонийга

59. “Ал-Усул ал-ашара” (10 та усул) асарининг муаллифини аниқланг.

- А. Жалолиддин Румий
- Б. Баҳоуддин Нақшбанд
- С. Абдулқодир Жилоний
- Д. Нажмиддин Кубро

60. Қуйидаги машҳур тасаввуф вакиллари қайси қаторда хронологик жиҳатдан тўғри кўрсатилган?

- А. Баҳоуддин Нақшбанд, Юсуф ал-Ҳамадоний, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор
- Б. Абдулхолиқ ал-Ғиждувоний, Юсуф ал-Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд
- С. Юсуф ал-Ҳамадоний, Абдулхолиқ ал-Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд
- Д. Юсуф ал-Ҳамадоний, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор, Баҳоуддин Нақшбанд

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

(2-ярим йиллик)

1. Нажмиддин Кубро қачон ва қаерда туғилган?

- А. 1143 йил, Хуросонда
- Б. 1151 йил, Сайрамда
- С. 1137 йил, Ўтрорда
- Д. 1145 йил, Хивада

2. Баҳоуддин Нақшбандни ким маънавий фарзандликка қабул қилган?

- А. Абдухолиқ ал-Ғиждувоний
- Б. Муҳаммад Бобо Самосий
- С. Аҳмад Яссавий
- Д. Арслонбоб

3. Жалолиддин Румийнинг энг катта асари номи нима ва қайси усулда ёзилган?

- А. “Фийҳи ма фийҳи” – насрий асар
- Б. “Мактубот” – ёзишмалар
- С. “Девони кабир” – адабий асар
- Д. “Маснавийи маънавий” – шеърий асар

4. Мавлоно Жалолиддин Румий туғилган жой номини кўрсатинг.

- А. Кўня
- Б. Балх
- С. Истанбул
- Д. Рум

5. Абдулқодир Жилоний ўз тариқатида нималарга кўпроқ эътибор қаратган ?

- А. саховат, ризо, фақр
- Б. сабр, ишорат, жунли либос кийиш
- С. ғурбат, саёҳат
- Д. барча жавоблар тўғри.

6. Нақшбандия силсиласи қайси саҳобийларга бориб тақалади?

- А. Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб
- Б. Абу Бакр ва Усмон ибн Аффон
- С. Абу Бакр ва Али ибн Абу Толиб
- Д. Умар ибн Хаттоб ва Али ибн Абу Толиб

8. Абдухолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбандни қайси йўл билан тарбиялаган?

- А. “маънавий фарзандлик”ка олиш
- Б. “увайсийлик” йўли
- С. “мурид бўлиш” йўли
- Д. “қаландарлик” йўли

9. Қодирия тариқатининг марказий даргоҳи қаерда ?

- А. Самарқандда
- Б. Туркияда
- С. Эронда
- Д. Бағдодда

10. “Валийтарош” лақабига сазовор бўлган шайх?

- А. Аҳмад Яссавий
- Б. Нақшбанд
- С. Абдухолиқ ал-Ғиждувоний
- Д. Нажмиддин Кубро

11. Нақшбандия тариқати қайси эътиқодга амал қилади?

- А. шиалар эътиқодига
- Б. муътазилия эътиқодига
- С. карромия эътиқодига
- Д. аҳли сунна эътиқодига

12. Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарини ёзиб борган шогирдининг исмини кўрсатинг.

- А. Шамси Табризий
- Б. Салоҳиддин Зарқуб
- С. Ҳисомиддин Чалабий
- Д. Султон Валад

13. Жалолиддин Румий динлар ҳақида қандай фикрда бўлган?

- А. барча динлар Аллоҳга элтувчи турли йўллардир
- Б. динлар қуфр ва яккахудоликка бўлинади
- С. тасаввуф йўлигина тўғри йўл бошқа барча динлар ботил
- Д. дин деган тушунчанинг ўзи йўқ

14. Қодирия тариқатида қайси рангга устувор аҳамият қаратилади?

- А. қора
- Б. оқ
- С. сариқ
- Д. яшил

15. Мавлавиянинг тариқат сифатида шаклланишини таъминлаб берган ким эди?

- А. Султон Валад
- Б. Салоҳиддин Зарқуб
- С. Баҳойи Валад
- Д. Жалолиддин Румий

16. Абдулқодир Жилоний қайси мазҳабга мансуб бўлган?

- А. ҳанафий
- Б. ханбалий
- С. шофеъий
- Д. моликий

17. Нақшбандия тариқатининг нечта принципи бор ва у ким томонидан ишлаб чиқилган?

- А. 8 та – Абдуҳолиқ ал-Ғиждувоний
- Б. 11 та – Хожа Муҳаммад Порсо
- С. 11 та – Баҳоуддин Нақшбанд
- Д. 6 та – Юсуф ал-Ҳамадоний

18. Нақшбандия тариқати нечта асос устига қурилган?

- А. 2 та: Шариат билан зоҳирни поклаш
Тариқат билан ботинни поклаш
- Б. 4 та: Шариат билан зоҳирни поклаш
Тариқат билан ботинни поклаш
Ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ
Маърифат билан Аллоҳга эришмоқ
- С. 5 та: Шариат билан зоҳирни поклаш
Тариқат билан ботинни поклаш
Ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ
Маърифат билан Аллоҳга эришмоқ
- Д. 6 та: Шариат билан зоҳирни поклаш
Тариқат билан ботинни поклаш
Ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ
Маърифат билан Аллоҳга эришмоқ
Шариат билан тасаввуфни келиштирмоқ

19. Нажмиддин Кубронинг асарлари келтирилган қаторни белгиланг:

- А. “Фавойиҳ ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол”, “ал-Усул ал-ашара”, “Фи одоб ас-соликин”
- Б. “Сафинат ал-авлиё”, “Фи одоб ас-соликин”, “Мажолис ал-ушшоқ”
- С. “ал-Усул ал-ашара”, “Тазкират аш-шуаро”
- Д. “Фавойиҳ ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол”, “ал-Усул ал-ашара”, “Тазкират аш-шуаро”

20. Тушида Пайғамбар (с.а.в.) сенинг кунянг Абулжанноб бўлади дейилган суфий ким?

- А. Жалолиддин Румий
- Б. Нажмиддин Кубро

С. Сўфи Аллоёр
Д. Алишер Навоий

21. “Маснавий”да дастлабки қўлланилган рамз:

А. парвона ва шамчиरोқ
Б. кўрлар ва фил
С. най
Д. қалам ва давот

22. Жалолиддин Румий тасаввуф йўлига кирган солиқни нимага ўхшатади?

А. оловга
Б. найга
С. гавҳарга
Д. гулга

23. Абдурахмон Жомий ўзининг қайси асарида Нажмиддин Куброни тилга олиб ўтган?

А. “Нафоҳот ал-унс”
Б. “Тухфат ал-фуқаро”
С. “Тарихи гузида”
Д. “Тазкират аш-шуаро”

24. Нақшбандия тариқатига кирган дарвеш қуйидаги қайси шартларга амал қилиши зарур ҳисобланган?

А. тавба қилиш, суннатга қатъий амал қилиш, шариатга зид бидъатлардан қочиш, тақвони кучайтириш, қарзни тўлаш.

Б. Аллоҳни зикр қилиш, тавба қилиш, суннатга қатъий амал қилиш, шариатга зид бидъатлардан қочиш, тақвони кучайтириш, қарзни тўлаш.

С. тавба қилиш, суннатга қатъий амал қилиш, шариатга зид бидъатлардан қочиш, тақвони кучайтириш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, қарзни тўлаш.

Д. тавба қилиш, суннатга қатъий амал қилиш, шариатга зид бидъатлардан қочиш, тақвони кучайтириш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, қарзни тўлаш, розилик сўраш, қазо намозларни ўқиш, Аллоҳни зикр қилиш.

25. Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” асари неча мисрадан иборат. Неча мисрасини Румий ўз қўли билан ёзган?

А. 26840 мисра. 18 мисрасини ўзи ёзган.
Б. 27000 мисра. 18 мисрасини ўзи ёзган.
С. 30000 мисра. 30 мисрасини ўзи ёзган.
Д. 25900 мисра. 12 мисрасини ўзи ёзган.

26. Қодирия тариқатида зикр тури қандай ?

А. оммавий жаҳрий ва алоҳида махфий
Б. фақат жаҳрий зикр

- С. фақат маҳфий зикр
- Д. барчаси тўғри

27. Кубравия тариқатида мурид тарбиялашнинг 10 та босқичи қайси асарларда келтирилган?

- А. “Рисола ат-турук”, “ал-Усул ал-ашара”
- Б. “Тухфат ал-фуқаро”
- С. “Фавойих ал-жамол ва фавотих ал-жалол”
- Д. “ал-Усул ал-ашара”, “Тухфат ал-фуқаро”

28. Нақшбандия тариқати қандай зикрга асосланган?

- А. жаҳрий зикрга
- Б. хафий зикрга
- С. зикри миншорий
- Д. зикри арра

29. Нақшбандия тариқатидаги тамойилларни аниқланг.

А. ҳуш дар дам, назар ба қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёд кард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт.

Б. ҳуш дар дам, назар ба қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёд кард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт, вуқуфи замон, вуқуфи ададий.

С. ҳуш дар дам, назар ба қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёд кард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт, вуқуфи замон, вуқуфи ададий, вуқуфи қалбий.

Д. ҳуш дар дам, назар ба қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёд кард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт, вуқуфи қалбий.

30. Мавлавийлик тариқатида зикр нимага асосланади?

- А. маҳфий зикрга асосланади
- Б. жаҳрий зикр асосида самога асосланади
- С. маълум бир зикр услубига эга эмас
- Д. ҳамма жавоблар нотўғри

31. XII асрда Ўрта Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуф тариқати қайси ?

- А. Нақшбандия
- Б. Кубравия
- С. Яссавия
- Д. Қодирия

32. Нажмиддин Куброга “иродат хирқасини” кийдирган шахс....

- А. Рўзбехон Мисрий
- В. Исмоил Қасрий
- С. Жалолиддин Румий
- Д. Абдуҳолиқ ал-Ғиждувоний

33. Нақшбандиянинг Онадўлида кенг тарқалишига улкан ҳисса қўшган шахс ким?

- А. Имом Раббоний
- Б. Аҳмад ас-Сирҳиндий
- С. Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонавий
- Д. Шамсиддин Мазҳар

34. Нажмиддин Кубронинг устозлари тўғри кўрсатилган жавобларни топинг:

- А. Рўзбехон Мисрий, Аммор Ёсир, Исмоил Қасрий
- Б. Исмоил Қасрий, Жалолиддин Румий, Аҳмад Ғаззолий
- С. Рўзбехон Мисрий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Жалолиддин Румий
- Д. Аммор Ёсир, Абдухолиқ Ғиждувоний, Жалолиддин Румий

35. Нақшбандия тариқатининг қандай номлар билан аталадиган шаҳобчалари бор?

- А. Аҳрория
- Б. Мужаддидия
- С. Мазҳария
- Д. барча жавоблар тўғри

36. «Маснавийи маънавий» қайси тилда ёзилган?

- А. араб
- Б. урду
- С. форс
- Д. пушту

37. Нақшбандиядаги кўпчилик билан қилинадиган зикр нима деб аталади?

- А. “Хатми хожагон”
- Б. “Хатми нақшбанд”
- С. “Зикри хожагон”
- Д. “Зикри нақшбанд”

38. Мавлоно Румийнинг «Маснавийи маънави»сига қандай таъриф берганлар?

- А. Куръоннинг форс тилидаги шарҳи
- Б. тасаввуфдаги асосий манба
- С. форс тилидаги Куръон
- Д. форсий мукаммал ислом тарихи

39. Нажмиддин Кубронинг ислом оламига машҳур бўлган муридлари...

А. Мажиддин Бағдодий, Сайфиддин Бохарзий, Рукниддин Алоуддавла

- Б. Хожа Аҳрор Валий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек

С. Рўзбехон Мисрий, Аммор Ёсир, Исмоил Қасрий
Д. Хожа Аҳрор Валий, Рукниддин Алоуддавла, Бобур Мирзо

40. Баҳоуддин Нақшбанд қандай номлар билан машхур бўлган?

- А. Хожаи Бузрук
- Б. Хожа Баҳоуддин Балогардон
- С. Шоҳи Нақшбанд
- Д. А, Б, С жавоблар тўғри

41. “Рисола ат-туруқ” асари кимнинг қаламига мансуб?

- А. Абдухолиқ ал-Ғиждувоний
- Б. Хожа Аҳрор Валий
- С. Нажмиддин Кубро
- Д. Баҳоуддин Нақшбанд

42. Мавлавийликнинг илк такъяхонаси қаерда ташкил этилган?

- А. Истанбул
- Б. Бағдод
- С. Кўня
- Д. Қоҳира

43. Шайх Нажмиддин Кубро ишлаб чиққан назария.

- А. “Саҳв”
- Б. “Жамъ ва тафриқ”
- С. “Сукр”
- Д. “Латоиф”

44. Жилонийнинг сулук ва ахлоққа оид қайси асари мавжуд?

- А. “Ал-ғуня ли толиби тариқ ал-ҳақ”
- Б. “Фатҳ ал-ғайб”
- С. “Фатҳ ар-Раббоний”
- Д. “Ал-мавоҳиб ар-Раббонийя”

45. Яссавия тариқатининг асосий қоида ва мезонлари қайси асарда муфассал баён этиб ўтилган?

- А. “Факрнома”
- Б. “Девони ҳикмат”
- С. “Ламаъот”
- Д. барча жавоблар тўғри

46. Яссавия тариқатида тарғиб этилган жаҳрий зикрнинг машхур номи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А. зикри жаҳрия
- Б. зикри арра
- С. зикри яссавия
- Д. зикри хоссия

47. Яссавия тариқати таъсирида қайси тариқатлар шаклланган?

- А. Нақшбандия, Кубравия
- Б. Қодирия, Нақшбандия
- С. Нақшбандия, Бектошия
- Д. Бектошия, Кубравия

48. Хожа Аҳмад Яссавийнинг мақбараси қаерда жойлашган?

- А. Бухоро шаҳрида
- Б. Яссида
- С. Ҳижозда
- Д. Басрада

49. Яссавия тариқатининг машҳур муршидлари.

А. Нақшбанд, Сулаймон Боқирғоний, Занги ота, Бадриддин Муҳаммад

- Б. Занги ота, Сулаймон Боқирғоний, Садриддин Муҳаммад
- С. Шайх Муҳаммад Туркистоний, Сулаймон Боқирғоний, Ҳақим ота
- Д. барча жавоблар тўғри

50. Хожа Аҳмад Яссавийнинг устозлари тўғри кўрсатилган қаторни топинг?

- А. Арслонбоб, Шаҳобиддин Исфижобий, Юсуф ал-Ҳамадоний
- Б. Юсуф ал-Ҳамадоний, Алишер Навоий, Арслонбоб
- С. Сулаймон Боқирғоний, Юсуф ал-Ҳамадоний, Шайх Иброҳим
- Д. Шайх Маҳмуд Туркистоний, Шаҳобиддин Исфижобий

51. Яссавий ўз тариқатида асосан нималарга аҳамият берган?

- А. фано, сулук, чилла, зикр
- Б. риёзат, чилла, зикр, мушоҳада
- С. чилла, мушоҳада, жам ва тафриқ
- Д. риёзат, зухд, суқр, зикр

52. Яссавия тариқатининг яна бир номи

- А. Ҳамадония
- Б. Хожагон
- С. Исмоилия
- Д. Аҳмадия

53. Абдулқодир Жилоний нечанчи йилларда яшаган ?

- А. 1078-1166
- Б. 1080-1177
- С. 1077-1166
- Д. 1075-1066

54. Қодирия тариқати нечанчи асрда тўлақонли тариқат шаклига келди ?

- А. XIII асрда
- Б. XII асрда

С. XIV асрда

Д. XI асрда

55. Қодирия тариқатининг силсиласи кимга бориб тақалади?

А. Али ибн Аби Толиб ёки Абу Бакр (р.а)

Б. Усмон (р.а)

С. Умар (р.а)

Д. Абу Бакр (р.а)

56. XV асрда нақшбандия тариқатининг йирик раҳнамоси сифатида майдонга ким чиқди?

А. Бобораҳим Машраб

Б. Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валий

С. Алишер Навоий

Д. Абдурахмон Жомий

57. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булоқларидан оққан томчилар”) номли асарда ёзилишича, у илоҳиёт ва тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири, етук мутасаввифлардан бўлган. У яссавийлик тариқати намояндаларидан тариқат йўлини ўрганади ҳамда илми зоҳирий ва илми ботиний сир-асрорларидан воқиф бўлади, кароматли шайхлар орасида юксак мақомга эришади. Ушбу сўзлар қаратилган мутасаввифни топинг.

А. Шайх Хованди Тохур

Б. Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валий

С. Хожа Муҳаммад Порсо

Д. Паҳлавон Маҳмуд

58. Абу Абдурахмон ас-Суламийнинг «Табақот ас-суфийя» асарида неча суфий биографияси келтирилган.

А. 100

Б. 99

С. 101

Д. 105

59. Ал-Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб” асарида неча суфий мактаблар зикр қилинган.

А. 10

Б. 12

С. 99

Д. 40

60. Ал-Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб” асарида ботил тариқатлар деб зикр қилинган суфий мактаблар қайси қаторда тўғри берилган.

А. Ҳакимия, нурия

Б. Халложия, ҳулмония

С. Харрозия, тайфурия

Д. Саҳлия, қассория

АДАБИЁТЛАР ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ

Асосий:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 175 б.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
3. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Бабаджанов. Б.М. Возрождение деятельности суфийских групп / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сб. ст. памяти Ф.Майера (1912-1998) // Сост. и отв. Редактор А.А.Хисматулин. СПб ГУ: 2001. – 394 с.
5. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература: Избранные труды / Бертельс Е.Э., Отв. ред. А.Н.Болдырев, Сост. М.Н.О.Османов. – Москва: Наука, 1965. – 524 с.
6. Болтабоев Х. Ислом тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 399 б.
7. Гольдцигер И. Лекции об исламе / Перевод с нем. А.Н. Черно-вой. Брокгауз-Ефрон, 1912. – 272 с.
8. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
9. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 с.
10. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
11. Из истории суфизма: источники и социальная практика / сборник статей. Под ред. М.Х.Хайруллаева. –Т.: Фан, 1991. – 146 с.
12. Йўлдошхўжаев Х. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010.
13. Калободий. Китоб ат-та'арруф би мазҳаб аҳл ат-тасаввуф / Мавлоқулова М. тарж. – Т.: Фафур Ғулом, 2002. – 142 б.

14. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история / Кныш А. Д., Пер. с англ. Романов М. Г. – М.- СПб.: «Диля», 2004. – 464 с.
15. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
16. Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожид тасаввуфнинг ўрни. – Т.: Академия, 2005. – 84 б.
17. Мансур А., Бобохонов Ш. Нақшбандия тариқатига оид кўлёмалар фикристи. – Т.: Мовароуннахр, 1993. – 128 б.
18. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони, Туронлик валийлар / Остонақулов И. нашрга тайёрлаган. – Т.: Камалак, 1995. – 171 б.
19. Навоий А. Насойим ул-муҳаббат / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва кўрсаткичлар муаллифи Ҳ.Исломиёв. – Т.: Мовароуннахр, 2011. – 472 б.
20. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966 – 400 с.
21. Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекций для студентов. – СПб., 2009. – 96 с.
22. Тримингэм Ж. Суфийские ордена в исламе / Пер. с англ. А.Ставиской. – М.: Наука, 1989.
23. Усманов И. Суфизм. – Т.: ТИУ, 2011. – 168 с.
24. Усманов И. Тасаввуф фанидан глоссарий. – Т.: ТИУ, 2011. – 125 б.
25. Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 175 б.
26. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
27. Шиммель А. Мир исламского мистицизма / пер. с англ. Пригариной Н.И. и Раппопорт А.С. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 416 с.
28. Эрнст К. Суфизм / Пер. с англ. А. Горькавого. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.
29. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
30. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний; Ахлоқи Муҳсиний. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 376 б.

Қўшимча:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Т.: Мовароуннаҳр, 1998.
2. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихё улум ад-дин. Т.: Мовароуннаҳр, 2001.
3. Агтор. Тазкиратул авлиё. - Т., 1997.
4. Джон А.Субхан. Суфизм. Его святые и святые / Джон А.Субхан. - СПб.: Издательство «ДИЛЯ», 2005. – 256 с.
5. Ибн Жавзий. Талбис ал-Иблис / Муҳаммад ал-Фозилий нашрга таёрлаган. – Байрут: Мактаба ал-асрийя, 2000. – 592 с.
6. Ибн ал-Арабий. Мекканские откровения / А. Кныш араб тилидан тарж. – Санкт-Петербург: Петербургское востоковедение, 1995. – 240 б.
7. Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. – Т.: Абу матбуот консалт, 2011. – 296 б.
8. Мир Валиддин. Коранический суфизм: Пер. с англ. / Мир Валиддин. – СПб.: Издательство «ДИЛЯ», 2004. – 224 с.
9. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. – Т., «Фан», 1999.
10. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти: 1-қисм Жамият ва бурч / Сирожиддинов Ш., Мунавваров З. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 80 б.
11. Сулабий Абу Абдурахмон. Табақот ас-суфийя / Нуриддин Шарифа нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонажи, 1986. – 570 б.
12. Уильям Ч. Суфизм / пер. с англ. М.Г.Романов, Я.Эшотс. – М.: Восточная литература, 2012. – 245 с.
13. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари / Ҳомидий Ҳ., Масъул муҳаррир: Комилов Н. – Т.: Шарқ, 2004. – 208 б.
14. Ғиждувоний Хожа Абдулхолиқ, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний / Ғиждувоний Хожа Абдулхолиқ. Сўз боши, таржима. Луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 128 б.
15. Қушайрий Абдулкарим. Ар-Рисала ал-Қушайрийя. – Қоҳира: Дор аш-шаъб, 1989. – 633 б.

Мундарижа

Кириш.....	3
Назарий машғулотларнинг мазмуни	7
1-Мавзу: Тасаввуф фанига кириш	7
2-Мавзу: Глобаллашув шароитида замонавий тариқатлар	12
3-Мавзу: Зоҳидлик ҳаракатлари.....	17
4-Мавзу: Ироқ тасаввуфининг шаклланиши ва ўз таъсир доирасини кенгайтириши.....	20
5-Мавзу: Ҳорис ал-Муҳосибий ва муҳосабат ан-нафс таълимоти	25
6-Мавзу: Тасаввуфнинг мустақил таълимотга айланиб бориши ва Бағдод тасаввуфи анъаналарининг вужудга келиши.....	28
7-Мавзу: Саҳв ва сукр тасаввуфи ҳамда фано ва бақо тушунчалари	31
8-Мавзу: Футувват	34
9-Мавзу: Мовароуннаҳр ва Хуросондаги илк маҳаллий суфийлик ҳаракатлари	38
10-Мавзу: Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг таълимоти	42
11-Мавзу: Тасаввуф анъанасининг тизимга солиниши	46
12-Мавзу: Ас-Сулабийнинг «Суфийлар табақаси», ал-Қушайрийнинг «Рисола» китоби	49
13-Мавзу: Ал-Ҳужвирийнинг “Кашф ал-махжуб» ва ал-Ансорийнинг “Табақот” асарлари	52
14-Мавзу: Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг тасаввуф тарихидаги ўрни	55
15-Мавзу: Ибн ал-Арабий ва “ваҳдат ал-вужуд” фалсафаси ..	59
16-Мавзу: Шарқ мумтоз адабиётида тасаввуф ғоялари.....	63
17-Мавзу. Румий ижодида бағрикенглик тамойиллари.....	66
18-Мавзу. Жомий ва Навоий ижодида тасаввуф	70
19-Мавзу: Имом Раббоний ва унинг “ваҳдат аш-шухуд” таълимоти	76

20-Мавзу. Тасаввуф тариқатларининг пайдо бўлиши.....	79
21-Мавзу. Мовароуннаҳр тариқатлари.....	83
Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.....	93
Визуал материаллар	95
Семинар машғулоти мавзулари	100
Семинар жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.....	115
Тасаввуфга оид шахслар, тушунча ва истилоҳлар луғати.....	122
Назорат саволлари.....	222
Тест саволлари	225
Адабиётлар ва ўқув-услубий таълим ресурслари	243

ИБРОҲИМ УСМОНОВ

«ТАСАВВУФ»

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2012

Мухаррир:

Бобомурод Эралиев

Саҳифаловчи:

Зулхумор Улуғбекова

Босишга 2012 йил 21 ноябрда рухсат этилди.
Бичими 60×84%. Шартли б.т. 14,41. Нашр т. 14,44.
Адади 50 дона. Буюртма № 89.
Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.